



ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК АДАБИЕТИ БУСТОНИ





БОБОРАҲИМ МАШРАБ

МЕҲРИБОНИМ
ҚАЙДАСАН

ҒАЗАЛЛАР
МУСТАЗОДЛАР
МУРАББАЪЛАР
МУХАММАСЛАР
МУСАДДАСЛАР
МУСАББАЪ

Тошкент
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1990

Ўз

М 38

Тахрир хайъати

Азиз Қаюмов, Абдулла Оринов, Абдуқодир Хайитметов, Беғали Қосимов, Хайриддин Султопов, Натан Маллаев, Одил Ёқубов, Омон Матжон, Сўйима Ғашева.

Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи *Жалолиддин Юсунов*
Сўзбоши муаллифлари *Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов*
Масъул муҳаррир *Ваҳоб Раҳмонов*

Машираб, Бобораҳим.

Меҳрибоним, қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар... / (Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи Ж. Юсунов; Сўзбоши муаллифлари Г. Саломов, Н. Комилов; Масъул муҳаррир В. Раҳмонов). — Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1990. — 416 б. — Ўзбек адабиёти бўстони (Тахрир хайъати: А. Қаюмов ва бошқ.).

Изоҳлар:

«Ўзбек адабиёти бўстони» сериясининг ушбу жилдига ўзбек классик адабиётининг машҳур фидокорларидан бири — Бобораҳим Маширабнинг энг сара асарлари киритилди. Бу, ижодий йўли мураккаб шоирнинг ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас ва мусаддасларининг муштарак жиҳати нугудаки, уларда, аввало, инсон улугланади, унинг инсоний меҳри, мухаббат, эътиқод, имони, эзгу ишлари куйланади.

Машираб, Бобораҳим. Где ты, моя дорогая: Ғазели, стихи...

Ўз

4702620102-52

М $\frac{4702620102-52}{4-90}$

М352(04) — 90

ISBN 5-635-00498-9 © Н. Комилов, Г. Саломов, 1990 й.

ШОИРИ АНАЛҲАҚ

Ер бағридаги маъдан-моддалар ҳарорат зўридан эриб, оловга айланиб, даҳшатли бир қудрат билан вулқон бўлиб отилиб чиққанидай, чорасиз, эзилган халқнинг дарду аламлари, садпора юраклардан кўтарилган ҳасрат-нолалар ҳам йигила бориб, бу осий заминга сигмай, вақти-вақти билан портлаб кўкка ўрлайди ва худди ана шундай замонда Машраб каби шоирлар тугилади-да, бу дарду аламлар тўфони алаңгаланган шеър бўлиб янграйди — мол-дунё ҳирсу хавасидан кўр дийдаларни бино этиш, гафлат губори беркитган маърифат булоқларининг кўзини очиш, сўлғин дилларга мадад бериб, карахт виждонларни ҳаракатга келтириш учун дунёга келган ялавоч — жарчи шоирнинг шўру гавголи исёнкор шеърияти бунёдга келади. Ҳа, Машраб, шеърияти бу дунёдан норози кетган аламзада, покдил инсонларнинг виждон қичқириги, нур қидириб, нурга талпинган юракнинг нола-афғони. Унинг шеърларининг ҳар бири — бир лаҳча чўғ, ёндирувчи олов: «Бошимда то оёғим тутошиб хирмани оташ». Шоирнинг севган ташбехлари шуъла, гулхан, чақмоқ, хуноба. Унинг фиғони — оху поласининг чеку чегараси йўқ, наърасидан олам ларзага келади. Агар маҳшар куни оҳ урсам, у дунёву бу дунёгина эмас, балки «аршу курси», «бихишти жовидон ҳам ўртар», дейди дардли шоир тугёили ҳисларининг шиддатини шоён этароқ. У солиҳ, маърифат аҳли кушандаси, нотанти, какрафтор фалакнинг «устига ўтлар кўйиб, барбод» этмоққа чоғланади, ўз шеърларини «дарднома», ўзини эса «жароҳатхона», «ҳасратхона», «мотамкада» деб атайди.

Шоирнинг кўз очиб кўргани муҳтожлик бўлди, ўзига ўхшаган минг-минглаб одамларнинг қанишқоқ, бенаволиги, хўрлик ва ноҳақликнинг уқубатлари қалбида тахланаверди. Истеъдод ва заковати барқ урган сари ҳақиқат ундан узоқлашарди. Машраб яшаган муҳитидан, шарнату тариқат аҳли, эшонлар эшигидан ҳақиқат изларди, аммо ҳақиқат, адлу инсофни топиш мушкул бўлди. Ҳеч ерда тўғри одамнинг сўзи ўтмас, ҳақ талаб қилинган жойда юз хил риё риштаси тўр тўқиб, юз бир фирибу найранг ўйин кўрсатиб, беҳаёлик ва зўравонлик тиг яланғочлаб қарши оларди.

Буларнинг ҳаммаси унинг шеърларида ифодаланади, таҳба-тах ноҳақликлардан юраги қон бўлган шоир жамиятга, инсоннинг тийнати ва сийратига чуқурроқ назар ташлаб, бахтсизликлар, азоб-изтиробларнинг босиб одамларнинг ўзи, уларнинг тўймас, тўйдирмас нафси, дунёга ҳаддан зиёд берилишларидир, дегач хулосага келади ва оқибатда Иброҳим Адҳамдек барчадан мосуво бўлиб қаландарлик йўлини ташлайди:

Жаҳонни тарк қилди Машрабо Иброҳим Адҳамдек.

Иброҳим Адҳам ва Мансури Ҳалложни Машраб тез-тез тилга олади. Номлари афсонага айланган бу икки мўътабар зотни Машраб ўзининг гойибона пири қомиди деб қабул қилади, улар аъмоли ва ақидаларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади. Зеро, Иброҳим Адҳам подшолик тахтидан, давлату бойликларидан буткуя воз кечиб (VIII аср), дарвеш

жандасини кийиб, сүфийликни қабул қилган шахс. Бугина эмас. У ҳукмдор лар, аъёнлар мол-мулкни, алқисса меҳнатсиз топилаган жамикки сарватлар ни ҳаром, деб эълон қилиб, ўз меҳнати воситида ҳалол пон топиб ейини талаб қилган. Ҳатто шоҳларнинг совға-саломини ҳам олмаган, ўзи кўриқлаётган боғнинг мевасидан бўлса биронининг моти деб татиб ҳам кўрмайди. (Шу ўринда гаройиб бир қиёс: ривоят қилинишича, Машрабининг онаси унга ҳомилдорлигида қўшинларининг узуминини ҳам сўрамадан узиб емоқчи бўлади. Шу пайт она қоридан; онажон, луқман ҳаромни еманг, боғнинг эгасини роизи қилиб, кейин узумин енг, деган овоз чиққан экан... Ҳали туғилмаган Машраб ҳаромдан ҳазар этган! Мазкур ривоят халқимизнинг ўз севган шоири ғоя-ишларини пачоғлик терапидроқ этолгани ва ҳам шу билан бирга, ҳалоллик ва ноқликка эътиқод-имони қанчалик мустаҳкамлигини неботловчи ҳужжатдир). Шундай қилиб, Иброҳим Адҳам — Машраб учун идеал, барча фалокатларни тугдирувчи ва демак, инсон зотини тубанлаштирувчи нафси саркаш аждаҳосини маҳв этини тимсоли. Зеро, энг зўр мардлик, энг буюк жасорат ана шу ифтини ўлдириб, қаноат даргоҳида ҳалол ишанга кўнгишидир. Инсоннинг инсонийлиги, илоҳий хислатлари шунда очила боради, унинг қалбида покиза ишқ учун замин ҳозирланади: «Толиби ишқ ўлай десаи, ҳиммати Адҳам керак». Маъсури Ҳаллож таълимотида ҳам худди шу нарсани бон ақида эди: «Нафсинг сени эгарлаб олишдан олдин, сен уни эгарлаб ол», деб васият қилади у ўғли Аҳмадга дорға осилиши арафасида. Бироқ Маъсурининг ҳиммати Иброҳим ҳимматидан баледрок эди, чунки агар Иброҳим Адҳам тахт-тож, мол-давлатдан воз кечган бўлса, Ҳусайн Маъсур ҳақ йўлида ширин жонидан кечди — инсонни илоҳийлаштиргани, «мен ҳақман» (яъни худоман) дегани учун қози-муалалар уни қўл-оёқларини кесиб, дорға осиб ўлдиришга ҳукм этдилар. Ақлу тафаккур кучи, маънавий қудратга зўри етмаган нотавон бандалар ҳамма замонларда ҳам ана шу тариқа йўл тутардилар: ҳикмат ва доғиш аҳлини қийнаб, жисман йўқ қилиб, таскин топадилар, ўз бўйларига мос «ҳақиқат»лар бичиб, осойишта ишайдилар. Маъсурининг фожиаи тақдирини, фавқулодда жасоратли ғоялари Машрабининг қаттиқ ҳаяжонга солади. Шоир уни «шаҳиди ишқ» дея алқайди, қайта-қайта ўзини унга қиёс этади, ҳаваси келади ва ўз умрининг ҳам охир-оқибатда Маъсуриникидай иқулланишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

Маъсури Ҳаллождек ичиб шароби антаҳур,

Чарх уруб йиғлаб турурман ушбу дам дор остида.

Маъсурининг фалсафий аҳкоми, мушоҳадаси, орифлик мартабаси ҳам хийла юксак. У тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулуқини босиб ўтиш (талаб, қаноат, ҳалоллик, тоат) билан кифояланмай, мантқиқ кучига таянган маънавий қамолотнинг авжи илҳомида ваҳдати вуҷуд таълимотини таҳлил этароқ: модомки инсон руҳи Мутлақ илоҳиётнинг бир қисми экан ва у тана-жисм билан кураида тозаланиб, тўлиниб, яна аслига қайтар экан, демак ориф инсон билан Илоҳ орасида тўсиқ, фарқ қолмайди, улар бир, яъни, инсон ҳам худо (ҳақ), деган фикрга келиб, буни эл орасида баралла онкор этади. «Анаҳақ» — мен ҳақман деган иборанинг маъноси шу

Аммо бу сўзнинг мен рост айтганиман, мен ҳақиқатман, деган маънолари ҳам мавжуд. Бунда нима назарда тутилади? Гап шундаки, мазкур фалсафага кўра, инсон жисми ва моддий дунё билан боғлиқ жамикки нарсани-ашъёлар, жумладан дунё бойликлари, кўринган ҳашам-қудратларнинг ҳаммаси ёлғон, ўткинчи — «мажозий»дир; фақат Мутлақ илоҳ ҳақиқатдир. Шундай экан, бу ёлғон дунёга меҳр қўйиш — ноқлик, алданитдир. Инсон фақат Мутлақ илоҳ ҳақиқатига инонини, фақат ўшанга оншқ бўлиши керак. Бу йўл ғоят мушкул, қийинчиликлари беҳисоб, аммо

бу йўлда ҳар қандай азоб-изтиробга чидаса арзийди, чунки чин маънодаги маърифат йўли, чинакам ишқ шудир. Машраб мазкур маслак-этиқодга бирубор имон келтириб, Мансури Ҳаллоқ мисоли матлуб — ёр висолига этишнинг дардида ёнади, юрак-бағри эзлиб, қақнус қушдай алангали тил билан куйлайди. Бу шундай улкан дардики, у бир аум ҳам шоирни тинч қўймайди, унинг бутун хаёли, вуқуди шу ёр завқи билан банд. Машраб назарида еру кўк, дарахтлар, дарёлар — ҳамма маъкудот — ошиқ; Мансур осилган дор, сўйилган Насимийнинг эт-суяклари ҳам анатҳақ деб фарёд чекади. Соголчим дарди шундай зўрқи, деб ёзади Машраб, дарахтларни хома, дарёларни сипёҳ, еру кўкни китоб саҳифаси қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайди. Қандай тоза ташбеҳ, кайҳоний нигоҳ қамрови! Бу дард Машрабга баъзан ҳузур-ҳаловат, чексиз хаёлий нашидалар якуни — руҳий парвозлар завқу сурури, жазава-ҳолнинг ширин илҳом дамларини ато этади, бунинг натижаси ўлароқ мўъжиза ғазаллар, мухаммаслар яратилади: баъзан у чексиз алам-қайғу келтириб, шоирни анатҳақни тирқиратиб кўзидан ёшини оқизади.

Шу ўринда Машраб шеърлятига хос бир муҳим хусусиятни қайд этмоқчимиз. Бу — Мутлақ илоҳга муҳаббат дарди билан реал дунёдаги оддий инсоний дард-аламларнинг бирга, ўзаро қўшилиб зухур этилиш ҳодисасидир. Бошқача айтганда, Машраб инсоният дунёсининг нафс ботқоғига ботганидан таҳликага тушиб, баришни «тарки назар этиб», қаламдар бўлган эса-да, лекин ҳаётдан, одамлардан юз ўгириб, уларга нафрат-надомат ҳисси билан қараган эмас. Йўқ, у одамларни севарди, уларга ҳамдард, меҳрибон эди: «Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим». Аммо айнан шу сатрининг ўзида ҳам Машрабнинг ихлоси ким томонда эканини, «ғамгин халойиқ» деганда кимларни назарда тутаётганини билсаккина, унинг севгиси мазмунини тушуна оламиз. «Дили ғамгин халойиқ» деганда улуг ҳақпараст шоир кўнглида илоҳ меҳри бор, дарди бор одамларни кўзда тутиб, фикр юритмоқда. Шу нуқтаи назардан қарасак:

Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама,

сатрининг ҳам моҳиятига чуқурроқ тушунаимиз. Машраб ана шундай, покдил, кўнгил бедор, аммо ҳаёт эзган одамлар дардининг куйчисидир. Бундай одамлар хонавайрон, афтода, «бағри қабоб» Шоир ўзини шу бахти қаро халқнинг подшоиси деб эълон қилади ва:

Муҳаббат дардида оввора бўлган халқни кўрдим,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,
Тани дарду аламдан ёра бўлган халқни кўрдим,
Дили тиги ситамдан пора бўлган халқни кўрдим,
Зулм тугён этибдур — ҳар бириси беҳабар танҳо,

дея бечоралик ва афтодалиқнинг ҳазин манзарасини чизади. Бу мисол Машраб ҳақида ёзилган ишларда меҳнаткаш халқнинг янгли турмуши тасвири сифатида талқин этилади. Бу ҳам йўқ эмас, албатта, аммо Машраб худди шундай шеърларида заминий дардин — ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳий дард — руҳнинг қийноқлари дарди билан қўшиб баён этади. Зулм бу ўринда бойнинг камбағалга зулми эмас, балки танининг руҳга, жаҳолатнинг маънавиётга, нафсининг инсонни ўз асли ва ўз-ўзини таъинишга тўсқинлиги зулмидир. Синфий, ижтимоий побаробарлик, ҳирсу ҳасаддан туртилган фитна, уруш-қирғинлар сабабқори нафс инсонни ўз қулига айлантирган. Шунинг учун Машраб камбағаллар, оч-ялангоч халқ тақдирига, стим-есирларнинг почор аҳволига ачиниб қолмай, умуман бутун

инсон зотининг аҳволига ачинади. Шоир маънавийёт олами томон юқори кўтарилган сари одам боласининг ожизликлари, яшаш тарафдаги нохушликлар, гафлат ва жаҳолатнинг аниқроқ кўра бошлайди. Бу дард энди айрим индивидларнинг, алоҳида шахсларнинг дардидан юз чандон улкан бўлиб туюлади ва шоирнинг юрак-бағрини баттар эзди. Чунки халқ «муҳаббат даштида оввора», яъни ҳаққа етишини, ҳақиқатни кўриш иштиёқида Мажнун каби сарсон-саргардон, умид кўзлари кўкка тикилган. Шоир демокчки, дунёнинг зулми беҳад кучайиб, вужудимизни кўринмас тўр билан ўраб олган. Биз бундан беҳабармиз, ҳар биримиз танҳо изтироб чекамиз ва яна ўзимизни унинг қомига отамиз. Бироқ руҳимиз бу зулмдан қутулиб, эркин бўлишга интилади. Шу залда, инсон руҳ ва жисм талаблари орасида азобда. Бу инсон табиати ва тақдирига хос улуг бир фожияни англаш ва уни шу фожия домидан қутқариш йўлини кидириш эди. Мансури Ҳаллоқ, Жалолиддин Румий, Фариддин Аттор, Машрабларининг ниятлари шу қадар юксак. Уларнинг фикрича, қутулишнинг йўли — илоҳий муҳаббат; «фисқу фужур гуноҳларини» шу улуг муҳаббат ўтида куйдириш керак. Машраб инсонда илоҳий фазилатни кўриш ва севиш, айни вақтда илоҳда ҳам инсон хислатини кўриш ва севишни тарғиб этади. Бу маслакнинг маънавий шуки, барча яхшилик, эзуликлар илоҳдан, шунинг учун Илоҳни севаган киши ердаги яхши одамларни, ёру биродарни, ота-онаси, эл-юртининг ҳам севади, қарамли-саховатли бўлади. Бобораҳим Машрабда илоҳий муҳаббат, сармаст, қайноқ ҳақнарастлик баробарида реал дунё гўзаллигининг шавқи, соҳибнамол кўзлар ҳуснининг мадҳияси мужассамлигига боғе шу. Воқеан, қайси классик шоирда ўзбек қизларининг ўзига хос рафтори, бўй-баста, кийинини Машрабдагидек аниқ чизгилар орқали эсда қоларли қилиб сувратланганини кўргансиз? Шартли ташбехлар, рамаз-ишора Шарқ галайитини банд этган эди, ҳатто Навоийда ҳам бу етакчи хусусият. Машраб бўлса, «асли қалмоқ, зоти қирғиз, дола пайноқли», «юзи қизил-оқ, остидаги тайлоқи ўйноқлаб турган» саҳройи бўтакўз қизларини мадҳ этади, улар чиройида олам нафосати ҳамда илоҳий қудрат жилвасини туйди. Агар қиёси давом эттирадиган бўлсақ, Машрабнинг ватаи, онаи зорини қўмсаб ёзган шеърлари ҳам ҳоксор самимиятию болаларча содда тугёни билан ажралиб туришини қайд этиш лозим. Уларни ўқиганда юрак-бағрингиз эзилади: дарбадар, гариб куйишини Намангандан келган дўсти ёронларини кўргандаги қувонч, кекса онасининг бағрига отилиб, зор-зор йиғлашлари қанчалик табиий ва таъсирли!

Ҳайратланарлиси шундаки, Машрабнинг Мутлақ илоҳга ишқи ҳам ҳудди шундай самимий ва эҳтиросли. Ҳеч бир сохталик, нардали, кинояли гапларни учратмайсиз унда. У илоҳиётни меҳрибон онаси, «жола буркли» маҳбубасини севагандай севади, уни ўз ёнида аниқ кўриб туради, рози дилини сўзлаб, у билан қўшилдиб-қориниб кетади. Ахир унинг тасавурида Мутлақ руҳ — чексиз-чегарасиз баҳри раҳмат, инсон эса шу денгиз бағридаги гавҳар — «дурри дарёйн маъиний». Илоҳ — маҳбубга етишини иштиёқи, ишқ галаёни шоир вужудини «адам қилиб» (фоний этиб), маърифат дарёсига фарқ этади. У бундай ягоналик шавқи, яъни ваҳдат майдан сархуш бўлиб («машраб» илоҳий шаробдан насибали дегани), улувият мақомида ўзини арши аълода ҳис этади:

Аршининг кунгурасини устига қўйдим аёқим,

Ломакандан жойи олибман, бу маконни на қилай!

«Ломакон»нинг маъноси макондан хориж, ҳадду ҳудудсиз демак. Аммо Машраб восия бўлган Мутлақ руҳ нафақат макондан, балки замондан ҳам хориж — у азалий ва абадий; унинг олдидан мавжуд дунё бир лаҳзалик кўнимгоҳ («Бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада кетдим»)

Энди бу Буюк қудратга қўшилган шоир руҳининг ўзи ҳам шундай улғулик касб этади, ердаги тушунча-тасаввурларга сигмайдиган, етти фалак ҳамда шамсу қамарни ўз ичига олувчи баҳри мунавварга айланади:

Он қадар пурга тўлибман, осмонга сигмадим,
Тоқи аршу курсию лавҳу жиннонга сигмадим,
Дафтари руҳи қудусдурман, забонга сигмадим...

Энди унинг олдида масжиду бутхона, каъбаю калисо тупроқ билан тенг, арзимас ўйинчоқлар. Энди у жаннату дўзахни ҳам тап олмайди, чунки у мақсадига эришган — Ер висолига етган. Қолганлари «суратнараст ўлган фашу дасторига мағрур» шайху киборнинг уйдирмаси. Энди Машраб икки дунё нақди, хуру гилмон, аршу курси ҳам ўзимман, дейишга ҳақли. Энди унинг кўзига жони кўринмайди, у Мансур каби бошини дорга туттишга рози:

Ваҳдат майини пири мугон илқидан ичдим.
Мансур каби бошимни дорга тутта қолдим.

Ана шундай олий тафаккурӣ ва таҳаюлий оламни кашф этолган шоир бирдан ерга тушиб:

Барчага молу жоҳини, неъмату мулку жойини,
Менга берибдур оҳини — ушбудуруп салобатим.

ёки:

Не гурбатларни чекдим чархи бебунёд дастингдан,
Мудом мотамда қолдим, бўлмадим дилшод дастингдан,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдан...
Ким мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдан,

дея бир аламзада инсоннинг юрак полаларини ҳам ифодалай олади. Лекин буларнинг ҳаммаси бир-бирини тақозо этадиган, бир-бирини тўлдирадиган шеърлар. Чунки ҳаммасида ҳам курашчи инсоннинг, на фалаку тақдир, на ердаги тартиботлар билан келишолмайдиган жасоратли руҳнинг исёнидир. Шунинг учун Иброҳим Адҳам ахлоқи, Мансур таълимотини ҳақ билиб, тарапшум этган Машраб гоилари дунёнараст ҳокимлар ва жоҳил уламоларга ёқмади, уларни тубсиз таҳликага солди. Улар Мансури Ҳаллождан қандай ўч олган бўлсалар, Машрабни ҳам шундай қатл этиб, сўнг тинчидилар.

Халқ орасида қаландардек юриб, тақдири азалга радди бадал бериб тутилган Бобораҳим Муллавали ўгли Машраб газаллари асрлар давомида насллар орасида қалблардан қалбларга қалқиб, кўчиб келаётир. Буюк истеъдодли шоирнинг сўзи Шарқда ҳамон бетакрор, ҳамон ҳақ учун дадил жангга кирганларга ҳамдам, маслакдош; аммо кечаю кундуз мол тилагида юрган «ўз нафси билан саргардон» кишиларнинг эса қаттол душмани, огоҳ этувчи ҳозир у нозир бир овоз.

Энди икки оғиз сўз бу китобни юзага келтирган тадқиқотчи ҳақида. Бобораҳим Машрабнинг асарларини ўрганиш ва нашр этиш борасида олимларимиз анча-мунча ишларини амалга оширдилар. Аммо оташнафас шоир ижодининг тадқиқотчилари орасида Жалолиддин Юсуповнинг хизмат-

ларини алоҳида таъкидлаш ва тақдирлаш жонз. У Машрабнинг ҳақиқий фидойи ошиғи, мана салкам йигирма йилдирки, «Девонаи Машраб» асарларини қидириш ва жамлашга умр сарфлаб келмоқда. Бу изланишларининг натижасида шоир девонининг бир неча нодир қўлёзма нусхаларини қўлга киритди, турли баёзлар, маибаълар ичидан бизга маълум бўлмаган шеърларни топиб, нашр эттирди. Жалолиддиннинг қиёсий текстологик ишлари туфайли Машраб девонининг аввалги нашрларида йўл қўйилган талай саҳву хатолар бартараф этилди, шоир ижодининг янги қирраларини таҳлил этиб, ўзига хос жиҳатларини ёритишда ҳам тадқиқотчининг қўлга киритган ютуқлари кам эмас. Унинг «Гулистон» журналида эълон қилган мақолалари Машраб ижодини ўрганиш ишида янги саҳифа очди, Машраб фалсафаси, дунёқарашининг шажарасини топиш, унинг халқчиллик илди-ларини, исёнкор руҳининг қудратини кўрсатиш Жалолиддин мақолаларининг моҳиятини ташкил этади.

Жалолиддин Юсунов машрабона рутбали, қамтарин «дарवेश» йигит. У Самарқанд вилоятининг Хатирчи қишлоғида ўқитувчилик қилади, бирон-бир илмий даражага даъвогар ҳам эмас. Еш авлод қалбида адабиёт сирларини сингдириш меҳнатида топган даромадининг бир қисмию бутун бўш вақти Машраб учун бахшида. Жалолиддин фидойи тадқиқотчи, классик шеърнинг поэтикфаҳм билимдони, шунинг баробарида ҳусни хат соҳиби — истеъдодли хаттот ҳам. У Машраб девонининг иябий тўлиқ нусхасини тиклаб, уни бир неча марта кишининг ҳавасини келтирадиган чиройли арабий настаълик ёзувда кўчириб чиқди. Шу дастхат нусхаларнинг ўзи ҳам улуг шоирга чексиз меҳр ифодасидир ва улар нодир санъат асари сифатида қадрланишга арзийди.

Қўлингиздаги Машраб девони ҳаваскор олимнинг ана шу узоқ йиллик изланишларининг меваси сифатида майдонга келган, аммо Жалолиддин бу билан қаноатланмоқчи эмас. У Машраб асарларини излашни давом эттирмоқда. Машрабнинг жонқуяр мухлиси Жалолиддин Юсуповнинг меҳнати янги-янги самаралар беришига ишонамиз.

Н. Комилов, Ғ. Саломов.

ҒАЗАЛЛАР .



* * *

Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласун ёр олдида,
Қолмасун армон юракда этсун изҳор олдида.

Андалиби бенаводек полаву афгон пла
Айланиб сайраб юрарман айни гулзор олдида.

Мансури Ҳалложданк ичиб шароби антаҳур,
Чарх уруб йиглаб турурман ушбу дам дор олдида.

Ҳар киши бир журъае 'нўш айласа бу бодадин,
Ул қиёматда қилур арзини жаббор олдида.

Телба Машраб, қилмағил сиррингни зоҳидга аён,
Айтиб-айтиб йиғлагайсан ошиқи зор олдида.

* * *

Мен нола қилай шому сахар дод, эшигингда,
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.

Ул лолаву райҳону сумап, тоза қизил гул
Ҳам сарв букулди, қади шамшод, эшигингда.

Хўбони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,
Султопу амир бандайн, озод эшигингда.

Зулфунг сени бу жонима юз домн балодур,
Жоним қуши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.

Олам бориси лаззати ҳуснунгни топибдур,
Гирёну фиғон, нолаву фарёд эшигингда.

Савдойн муҳаббатга тушубман сени излаб,
Ўлтурди гаминг, кўзлари жаллод, эшигингда.

Ашким тўқубон ҳажру гамингда кеча-кундуз,
Вайрона ватаи — манзили обод эшигингда.

Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,
Парвонасифат куйди, паризод, эшигингда.

* * *

Тушти савдои муҳаббат бошима,
Ор этар мардум келурга қошима.

Ваҳ, муҳаббат кўйида қон йиғладим,
Етти иқлим гарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳробига,
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Қил ҳазар, албатта, жонон, қаҳрдин,
Узру зорим сенга — бағри тошима.

Муҳтасиб тўктурди соқий бодасини,
Етмади ақли анинг сирдошима.

Қунда юз минг жабр қилсанг ўргуло,
Қўй қараб гам тошини бардошима.

Манраби девонани ҳайрон қилиб
Не сабабдин келмадинг бир қошима.

* * *

Эй сабо, ғамбодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман, хокистаримни кавлама.

Хар замоне Лайлидин манга китобатлар келур,
Сенки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.

Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини,
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама.

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.

Хажр тошидин зарру офат бошига етган ўзум,
Киштиий мотамдадурман, лапгаримни кавлама.

Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг охидин,
Оташи ҳажрида куйган мижмаримни кавлама.

Ломаконнинг шаҳрини бир ҳу била сайр айладим,
Жабраил, боргил нари, болу наримни кавлама.

Баҳри раҳматга кириб, қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин беҳабарсан, дафтаримни кавлама.

Дурри дарён маоний бўлди чун Машраб, вале
Дийдабийно бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама.

* * *

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Гам шони фироқингда кабоб этти фалакни
Охи сахарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ногаҳ сари зулфунг сори бўлдум сенга мойил,
Эй тожи сарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг гамидан кўнглум эрур гунча қоби қон,
Гулбарги тарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Заҳри гами ҳажринг мени ўлдурғали етти,
Эй лабшакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Машраб, бўлубон кўйинга чун барқи тажалли,
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

* * *

Нестай, эй дўстлар, бўлмай юзи шамъига парвона,
Туман минг ишва бирла кўнглум олди шўх жонона.

Насими етса кўйидин бўлур гулзор саҳролар,
Тушар оламга оҳим ўтидин бир раъди барқона.

Бўлубдурман ҳамадин, ҳур бўлсун ё пари бўлсун,
Ҷамиъийи маҳлиқолардин анинг ишқида бегона.

Не тонг раҳми келиб берса мени маҳмур-и ҳайронга,
Ушал ҳусн аҳли шоҳи ишқ майидин қатра паймона.

Эрур зуҳд аҳли хурсанд, сояйи қаддида аржуманд,
Муҳаббат аҳли ишқ саҳросида мажруҳ девона.

Тилаб ҳақдин кеча-қундуз бошимни саждадин олмам,
Муродим ишқ эли хоки танимдин қилса паймона.

Тарийқи ишқ аро ноёб ағар, Машрабқи, бир жонинг,
Йўлида, бўлса минг жонинг, фидо қил шери мардона.

* * *

Баногоҳ учради дилбар қулуб мастона-мастона,
Тавозуъ бирла таклиф айлади ул сўйи майхона.

Қўзи хунхор, лаби лаълики майдин лолагун эрди,
Ким мен қонлар ютарман ўлгунча паймона-паймона.

Хаёли қомати бирлаки мен умрумни ўткардим,
Мени барча халойиқ дейдилар: «Девона-девона».

Биҳамдуллоҳ, кўнгулни мосуводин мен суво қилдим,
Онинг меҳрини севдим, ўзгадин бегона-бегона.

Қилиб орау шу дилбарни тиларман кечаю кундуз,
Онинг ёдини айларман юруб ҳарёна-ҳарёна.

Кўнгулда ғусса кўп, ҳамдард бирла ҳамдамим йўқдур,
Рақиблар ўртасида телбадан жавлона-жавлона.

Бошим кетса йўлидан эмди, Машраб, қайтарим йўқдур,
Бу жонимни нисор айлай анга мардона-мардона.

* * *

Дил ани дерларки, ҳаргиз можароси бўлмаса,
Кўр ани дерларки, бас, чашми биносн бўлмаса.

Жаннатул-фирдавсни муфт берса йўлда излама,
Хайр ани дерларки, арзандек риёси бўлмаса.

Хобгоҳим арш эди, мунда галат туштум, дариг,
Нур бўлур эрдимки, нафс аждаҳосн бўлмаса.

Деди пайгамбар бу сўзни, Машрабо, бо сидқ эшит:
«Дўзахи дерлар ани тарси худосн бўлмаса».

* * *

Борурман остонига саҳар оҳишта-оҳишта,
Суарман кўзларимга хоки дар оҳишта-оҳишта.

Ўтар бир-бир босиб ул шўх, боқмас бевафоликдин,
Эрур андоқ вафосиз умр ўтар оҳишта-оҳишта.

Кичикликда, ингорим, аччиғ айтса айб эрмасдур,
Ки, фаслида бўлур ширин самар оҳишта-оҳишта.

Жамолинг баркамол ўлди, бўлур бир-бир хатинг пайдо,
Баҳор ўлса ўсарлар сабзалар оҳишта-оҳишта.

Борур мискин бу Машраб гул юзунгни кўргали, аммо
Кўролмай гул юзунг йинглаб турар оҳишта-оҳишта.

* * *

Сахро юзи кўкармас то ёз бўлмагунча,
Булбул тараннум этмас то гунча кулмагунча.

Кўздин чунон сув тўкғил, имонинг баҳра олсун,
Боғу чаман кўкармас, ёмгур қуюлмагунча.

Макри рақиб бирла ҳасрат уйига туштум,
Ғам риштаси узулмас то ёр келмагунча.

Юз йил тирик юрусанг, охир бир кун ўлурсан,
Афсуҳ ила кетурсан то восил ўлмагунча.

Эй Машраби қалаңдар, яхшига банда бўлғил,
Ҳалвоитар бўлмас шаккар қўшулмагунча.

* * *

Самам юзини кўрсатур ошиқи мубталосига,
Ғами била ўлгон адо Мажнунни бенавосига.

Толиби ишқ ўлай десаиғ ҳиммати Адҳами керак,
Зарра қачон етар вале васил самам оросига.

Ёр юзини кўрай десаиғ, васли била бўлай десаиғ,
Ризо керак қазосига, сабр керак балосига.

Ўтти жаҳондин авлиё, муршиду ориф, анбиё,
Бўлмадилар фирифтае дунёни можаросига.

Восили ҳақ бўлай десаиғ, ишқу муҳаббат ҳосил эт,
Ўрта ҳавоу қибр уйини шамъи юзини зиёсига.

Куйса муҳаббат ўтиға фисқу фужур гуноҳларини,
Хилват этиб келур ўзи кўнгулни хонақосига.

Машраби бенаводурман, арзи дилимни айтайин:
Тараҳхум айла, эй пари, ишқингни бу гадосига.

* * *

Кўнглумни бердим сен бевафога,
Куйди юроким жабру жафога.

Эй нозанишим, раҳм айла менга,
Қолдим сени деб юз минг балога.

Меҳнат чекарман, роҳат кўрай деб,
Қилсанг жафолар йиглай худога.

Бемори ишқинг бўлдум, нетарман,
Собир — балога, рози — қазога.

Мужгонинг ўқи ўтти юракдин,
Ногоҳ совуқ сўз тушди арога.

Машраб сени деб кечти жаҳондин,
Раҳм айламайсан муфлис гадога.

* * *

Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқингда куйган парвоналарга,

Мендин дуодур, сендин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларга.

Эй кўнгли қаттиг, раҳм айламайсан,
Қилгил назора бечораларга.

Куйган гарибман, шафқат қил охир,
Кўйингда юрган девоналарга.

Машраб сени деб кечти жаҳондин,
Бошини қўйди остоналарга.

* * *

Девонадурман шамъи шараржилва санамга,
Қурбон бўлай оташкадайн шуъла адамга.

Зебо санамим бода ичиб, юзини очиб,
Ўт қўйди паризод гулистони эрамга.

Бир ҳу била мен Лайлини мажнун қилаёздим,
Девоналигим шона урур зулфи санамга.

Юз жоним агар бўлса анга ҳеч аямасман,
Мен талнинибон жон берайин қоши қаламга.

Зоҳидки агар ичса эди бодайн маъшук,
Сармаст бўлубон бормас эди Макка — ҳарамга!

Машраб, не балодур шикани туррайин кокул,
Барбод ўладур кишвари дин ушбу ҳашамга.

* * *

Арзимни айтай боди сабоға,
Биздин дуолар ул дилрабоға.

Кўзлари Чўлпон, сарви хиромон,
Зулфи паришон, қоши қароға.

Қомати ларзон, ваъдаси ёлгон,
Турмади ҳаргиз аҳду вафоға.

Учди кўзимдин ул пари янглиғ,
Ташлади кетти турли балоға.

Шоҳи мукаррам, шоҳи муаззам,
Қилмади шафқат муфлис гадоға.

Қилдук иковлон бир аҳду паймон,
Ҳар ким ёмондур, солдим худоға.

Дарди фироқинг айлади бемор,
Қайга борайин эмди давоға.

Ҳажрингда қилдим тинмай фиғонлар,
Етти бу нолам арзу самоға.

Қилгил тараҳхум, эй ёри жоним,
Лойиқ эмасман жабру жафоға.

Дарду аламдин болу пар айлаб,
Шаҳбоз кўшглум учди самоға.

* * *

Ўл бермадилар менга рақиблар,
Чикдим бош олиб бул Карбалога.

Эй ёри бадахд, бемехр экасан,
Раҳм айламайсан мен мубталога.

Дарду гам ичра сарғайди юзум,
Раиғ бергусидур ул қаҳрабога.

Эй бағри тошим, ҳажрингда куйдум,
Топшурдум охир қодир худога.

Эй жонажоним, кўрсам жамолинғ,
Жоним тасаддуқ сен хуш адога.

Ишқингда куйдум, эй сарвинозим,
Бир марҳамат қил мен бенавога.

Дилхаста Машраб қилмасми фарёд,
Жаллод кўзлар олса арога.

* * *

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқти жаҳон мулкида гавго қилайин деб.

Мастона хиром эттию кўргузди қадини,
Мендек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,
Олам ҳама кўз бўлди томошо қилайин деб.

Зулфини тараб, қош учуруб жилвалар этти,
Ошуби бало, финани барқо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим,
Чин солди жабиниға таманно қилайин деб.

Мастона саманд секрата келди шаҳи хунрез,
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

Кўп йилки бу қул хизматини қилмади баржо,
Келдики газаб бирла чу сазо қилайин деб.

Бошимни кесиб олгилу хушҳол бўлуб кет,
Қонимни тўкуб лолайи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,
Гавгойи қиёматни ҳувайдо қилайин деб.

* * *

Ғам биёбонида қолдим, йиғладим кўп ёр деб,
Оҳ уруб, фарёд этиб, булбулдайин гулзор деб.

Кечау кушдуз куярман ишқ ўтига доимо,
Дарбадар излаб юрурман соҳиби асрор деб.

Лашкари ғам ҳам синуқ кўнглумни афгор айлади,
То давосиз дардга қолдим, ожизу бемор деб.

Гарчи осийман, эмасман раҳматингдин ноумид,
Ҳар на қилса эрки бор ул, бандаси ночор деб.

Маърифатлик бир эгам деб бўлма гофил, Машрабо,
Гарчи гофирдурки, йўқдур меҳрибон, жаббор деб.

* * *

Доимо ёдинг била юрдум чу саргардон бўлуб,
Оху фарёд айлабон ҳажрингда чун жўён бўлуб.

Ҳар қаён юрдум сўроғинг топмадим, эй гулўзор,
Айланиб келдим яна ғам уйиға ҳайрон бўлуб.

Тинмайин қон йиғладим кўйида раҳм этгайму деб,
Илтифоте қилмай ўтти ул пари жавлон бўлуб.

Доғи ҳажринг куйдуруб бағримни, эй номехрибон,
Жола янглиғ кўзларимдин оқти қон борон бўлуб.

Арзи ҳолим кимга айтай, меҳрибоним йўқ менинг,
Ким қулоқ солиб эшиткай, ҳолима гирён бўлуб.

Заъфарондек саргайиб қолдим фироқинг чўлида,
Ўлгум эмди поймоли лашкари ҳижрон бўлуб.

Киприкинг новаклари кўксумни айлаб ёралар,
Ғамзалик қилгон нигоҳинг ўтти бир пайкон бўлуб.

Бўлма гофил, Машрабо, эмди яроғинг тўғрила,
Дам-бадам вақти сафардур, қолма боармон бўлуб.

* * *

Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,
Хўблар ичида маснади жоҳ айлаганинг хўб.

Бир бокирае ҳуру пари ҳуснига таржиъ,
Ишрат саманига мишибон ҳайдаганинг хўб.

Паргор бўлуб гавҳари дарёи муҳаббат,
Бир нуқтага жон гавҳарини боғлаганинг хўб.

Гар бод масал чарх уруб, Машраби мискин,
Мастона қаро кўзда нигоҳ айлаганинг хўб.

* * *

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паршоним менинг,
Осмоғни тийра қилди оҳу афғоним менинг.

Мен печун шод этмайин бул хаста кўнглумни бугун,
Келди ҳолимни сўраб ул шўх жоғоним менинг

Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид эткил мени,
Мавж урсун Қарбало даштида бу қоним менинг

Чун Сурайё бормусан, афлокдин боломусан,
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.

Позу истиғно била келгил, мени ҳолимни сўр,
Термулуб домм йўлуигда чашми гирёним менинг.

Тобакай жабру ситам бирла юурсан, эй рафиқ,
Чиқти, Машраб, ушбу гамдин бу азиз жоғим менинг.

* * *

Арзанига арзимас бу тандаги жонинг сенинг,
Дилда дардинг йўқдур, оқмас дийда гирёнинг сенинг.

Ҳимматинг гар бўлса холис, етти дўзахни бузар,
Бўлса Иброҳимсифат оташ чу бозоринг сенинг.

То дилиннга дард тегмай, орзулардин жудо,
Чун сўраб келмас ўшал олдингда луқмонинг сенинг.

Сен кўзунгинг пури кетмай домаи комилни тут,
Канда бўлгай то танингдаи кулли исёнинг сенинг.

Мен тасаддуқи ўшандоқ оли ҳимматлар бўлай,
Бўлмаса олуда ҳар навъида домонинг сенинг.

Бир хасе сендин кейин қолди, балос жонинг ул,
Бўлса бир сўзанга меҳринг қоҳиши жонинг сенинг

Машрабо, хоби ажалдан лаҳзае бедор бўл,
Муңда жон берганда осон чиқмагон жонинг сенинг.

* * *

Туну кун каби юзунгга ярашиб тушубди холинг,
Юрагимда хў қилибман риштаи қади ниҳолинг.

Менга нчамагу емак йўқ, яна кулмак, ўйнамак йўқ,
Ўзга зикрини демак йўқ, хобу роҳатим хаёлинг.

Сапамо, нечук ширинсан, ою кун ота-онашму?
У жаҳонни куйдурубдур, бу жаҳонда йўқ мисолинг.

Ғами ишқдин бу Машраб бўсағангга бош қўюбдур,
Қиладур фиғони зоре, демадинг нечукду (р) ҳолинг.

* * *

Шухрат айлаб ким алардек худнамоларни кўрунг,
Зоҳиру сувратпараст пошноларни кўрунг.

Йўлни билмас умми (й)ларнинг кўзига ориф бўлуб,
Ўзи манзилга етолмай нобиноларни кўрунг.

Барчага айлар насихат ўзини доно этиб,
Йўлда қолган бекасу бераҳнамоларни кўрунг.

Куфру иймонни билолмаслар, каромат айлабон,
Тоату тақво билан соҳибриёларни кўрунг.

Ўзини айбини ёлиб, халқ айбини ифшо қилиб,
Зоҳиру ботинда муңдоғ порасоларни кўрунг.

Ҳар киши сўрса насабдин, дам урарлар нафс учун,
Ботини-фиръавну зоҳир-авлиёларни кўрунг.

Лоф урарлар орифи якдиламан деб халқ аро,
Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.

Зоҳрида сўфийман деб тарки дунё айлаган,
Ботини дунёга мойил бахт қарорларни кўрунг.

Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар қилиб,
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўрунг.

Ўзининг авлодини халқ ичида ифшо қилиб,
Танда йўқ маъно, қуруқ номи сароларни кўрунг.

Шухратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,
Кўзда ёшим қатраси дурри бақоларни кўрунг.

* * *

Офати жоним ул санам қоши қаросини кўрунг,
Икки юзига чулганиб зулфи сиёсини кўрунг.

Хуру паридин тозадур, шамсу қамар хижилдадур.
Ким ани кўрса баидадур, хусни зиёсини кўрунг.

Гоҳ ёрим қизил кийиб, қирмизи сочбогин солиб,
Нозу карашмалар қилиб, аҳди вафосини кўрунг.

Гоҳ қошин чу ё этиб, кифрик ўқи бирла отиб,
Жоду кўзини ўйнатиб, макру балосини кўрунг.

Машраби бенаводу (р) ман, васли учун гадоду (р) ман,
Ҳажр ўтига куёду (р) ман, ёр жафосини кўрунг.

* * *

Охиримни дарду гамга ошно қилди бу дард,
Йигламай найлайки, рўзимни сиё қилди бу дард.

Кийибон эғнима, қон йиглайки, мотамлик либос,
Не диловарларни ер ичра фано қилди бу дард.

Бахт қаролиғ мундин ўтмас, толеим бўлди забун,
Мен вафо қилдим тамаъ, қайтиб жафо қилди бу дард.

Ёғдуруб бошимга ҳар соат лаҳаднинг гардини,
Кўр бу ҳолим: гамзада бахти қаро қилди бу дард.

Ҳамнафаслардин жудо айлаб мусибат шахрига
Ошноларни менга ношно қилди бу дард.

Қайгулик бошимга ҳар дам кўҳи гамни ортуруб,
Мисли Адҳамдек жаҳондин мосуво қилди бу дард.

Ичканим захроба бўлди, кийганим бўлди кафан,
Бошима тўққуз фалакни осие қилди бу дард.

Ғуссасидан ўртанди Машраб, сўрмадинг аҳволини,
Дўст-душманга мени ангуштнамо қилди бу дард.

* * *

Жафо қилдинг бу жонимга, вафони кўрмадим ҳаргиз,
Бу оламда ўзумдек муъталони кўрмадим ҳаргиз.

Муҳаббат йўлига қўйдим қадам, ҳолим забун бўлди,
Бағайр аз меҳнату дарду балони кўрмадим ҳаргиз.

Табибо, муддате бўлдики, мен дардига ҳамдамман,
Ўзулди ринтаи жоним, давоиш кўрмадим ҳаргиз.

Ҳама сувратнараст бўлди фашу дасторига мағрур
Ки, зоҳид ичра мутлақ бериёни кўрмадим ҳаргиз.

Мусибат селининг барбоди бўлдум кўҳна дувёда,
Қўлумни тутқудек бир ошшоши кўрмадим ҳаргиз.

Етушти басталик коримга билмамдур иложини,
Адашган ерда сўрган раҳнамони кўрмадим ҳаргиз.

Езилди тахтаи иқболима сардафтари гурбат,
Талаб вақтида бир соҳибдуони кўрмадим ҳаргиз.

Жароҳатниг дилимнинг захмини ҳар кимга кўрсаттим,
Ажаб толиғзабуидурман, шифони кўрмадим ҳаргиз.

Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда кўрмади шодий,
Жаҳон айвонида гайраз жафони кўрмадим ҳаргиз.

Жаҳонни тарк қилдим, Манрабо, Иброҳим Адҳамдек,
Сароно дард кўрдум, муддаоши кўрмадим ҳаргиз.

* * *

Мен нечук юргум бу гурбатхонада дилдорсиз,
Умр эмас ошиққа, гар бир лаҳза бўлса ёрсиз.

Меҳнатин кўнглига хў қилган кишилардин сўранг,
Ҳеч илме сийнага жо бўлмади такрорсиз.

Дарбадар бўлдум, жаҳонни кўп тамошо айладим,
Ҳеч гулни кўрмадим оламда бўлгай хорсиз.

Кўнгул олдурғон кишилардин билинг дил розини,
Буки — ҳар ким кўнгул олди, ул эмас озорсиз.

Кавлама бағримни, кўнглумни паришон айлама,
Термулуб қолди кўзум йўлида ул дийдорсиз.

Мунда ўртанган кўнгул охир етар мақсудига,
Ҳеч булбул бўлмагай олам аро гулзорсиз.

Кимийёнинг толиби бўлган киши жондин кечар,
Ҳеч ганже кўрмадим оламда бўлгай морсиз.

Учрамай кетти ўшал маҳвашга рози дил десам,
Тонмадим ҳаргиз ани ёлғуз, даме агёрсиз.

Машрабо, вақти надоматдур, биродарлар қани?
Истиқомат қилма дунёда парирухсорсиз.

* * *

Кокулунгму анбардур жон ичинда, жонон қиз,
Кўзларингму ахтардур рўйи мохи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча эл сенга қулдек хизматингда фармон қиз.

Бир кўруб сени, золим, қолмади менинг ҳолим,
Таш бўлубдур аҳволим, билмадингки, подон қиз.

Оразинг — очилган гул, сочларинг эрур суибул,
Тишларинг мисоли дур, лабларингда пинҳон қиз.

Кокулунгни ўрганда, бурқаъ бошга қўйганда,
Жоним ўртанур танда, офтоби даврон қиз.

Ой юзунгни кўрганда, лабларингни сўрганда,
Машрабинг бўлур банд, лаъли шаккарафшон қиз

* * *

Бир боқиб менга қаро кўз учидан жонон қиз,
Айлашиб юз ўгуруб қилди юракни қон қиз.

Қунда минг дард ўқини отти ҳазин жонимга,
Бирига айламади лабларидин дармон қиз.

Юзига парда тутиб шамъ уза фонусдек,
Юз туман зухд элини айлади саргардон қиз.

Золиму қотилу хунхор эрур бешафқат,
Ерини агёр олдида қилур яксон қиз.

Ишқида оҳим ўти учқунидур ой ила кун
Ким, эрур сарв бўйи, кўзларидур чўлпон қиз.

Бу фалак хоши уза қилма гумон ахтар деб,
Садқан хуснига тўлдурди дуру маржон қиз.

Сарвини қаддинггаю гулни юзунгга менгзатса,
Ўхшатолмас киши, эй нодираи даврон қиз.

Ишқ кофирларига кўз ёшим ўлди тўфон,
Итларингнинг ким бўлур ҳамроҳи, эй подон қиз.

Кўюнг ул жаннати ризвои, эшикинг каъбан ишқ,
Хурлар хизматингга боғлади қўл чандон, қиз.

Васл гулзори аро булбули нолон Машраб,
Шаккарини ханда ила тўтийи Хишдустон қиз.

* * *

Жаҳонда топмадим ҳамдард, қолдим нотаваон, ёлғуз,
Саропо гам саводи ичра қолмишман ниҳон ёлғуз.

Кўзунг ягмо қилур бекас кўнгулни, ҳеч ажаб эрмас,
Қароқчи қўрқитур ҳар ерда топса корвон ёлғуз.

Неча мендекни гардун мубталон дарду-гам қилди,
Демам мунча жафони меҳга қилди осмон ёлғуз.

Сенинг таърифингга ҳар банд-бандим нолалар қилмиш,
Қачон асрори ишқинг айта олгай ҳар забон ёлғуз.

Отарлар ҳар тарафдин шўхлар мужгонларидин ўқ,
Қилибдурлар мешиг кўксумни ҳар ёндин ишюн ёлғуз.

Букун, дўстлар, матои сабру-оромимни олдурдум,
Қилолмас ҳифз маҳзун бўлса ровий дoston ёлғуз.

Мен, эй Машраб, сенинг кўнунг сориға бормоғим мушкул,
Не бўлгай гар ўзунг кулбамга бўлсанг меҳмон ёлғуз.

* * *

Барчалар ёнди гуноҳдин, менки ёнмасман ҳануз,
Хоби гафлатдин уёнди, мен уёнмасман ҳануз.

Тавбаи тавфиқ билан йиглаб турарлар зор-зор,
Охират аъмолин айтиб мен қутуямасман ҳануз.

Бандаларким, лутфинга ҳар дам суяшиб ўлтурур,
Бедаво нафсимни излаб мен суянмасман ҳануз.

Орифу содиқ ҳама панду насиҳат олдилар,
Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.

Бандалик қилсанг такаббур қилма, шайтон феълидур,
Мен такаббурдин замоне холий эрмасман ҳануз.

Бандалик қилмай Азозил бўлди саркаш амрига,
Рондан даргоҳ бўлди, менки ёнмасман ҳануз.

Дунёни кўн йиғди Қорун кетти ул ер қаърига,
Дунёдин бир дам замон кўнгул узолмасман ҳануз.

Банда бўлсанг, Машраб, кечкил ҳавойи ҳиредин,
Кечди барча ҳиредин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз.

* * *

Тушти ишқинг, эй пари, ақлимни ҳайрон айлади,
Ҳажринг ўти куйдуруб, бағримни бирён айлади.

Эй нигоро, орзуйи оразинг васлинг тилаб,
Гунчадек лаълинг гами ашким тўла қон айлади.

Гоҳ-гоҳе раҳм этиб, банданг сари қилгил назар,
Ошиқинг жондин кечиб, ўзини қурбон айлади.

Доимо ишқингда йиғларман сенинг, эй позанин,
Гар бугун ким йиғлар эрса, тонгла хандон айлади.

Қатраин ваҳдат майидин лутф ила қилди карам,
Завқу шавқидин бериб оламда султон айлади.

Эй биродарларки, мендин офият кўз тутмангиз,
Бир пари ақлим олиб кўйида полон айлади.

Соқийи пири мугон сунди шароби антаҳур,
Мосуво айлар ҳамадин, мушқил осон айлади.

Бир масалдур: Дунёнинг осойиши кофирғамиш,
Бу жаҳонни ошиқига чоҳи зиндон айлади.

Халқи олам эй, париваш, ошно бўлгач сенга,
Машрабингни бошига кўп тирборон айлади.

* * *

Бул гариблик гурбати кўнглумга кўп қор айлади,
Қилди бағрим поралар, жонимни афғор айлади.

Ёрди кўксум, эзди бағрим, ох, бу дарди фироқ,
Ўртади мискин ташим, ер бирла ҳамвор айлади.

Жоми гурбатдин ичиб қилдим гариблик ихтиёр,
Не жафолар жонима ул чашми хуммор айлади.

Телба бўлдум, ҳарза юрдум, билмадим нуқсоними,
Оқибат ишқинг мени расвои бозор айлади.

Ноумид бўлма агарчи осийсан, эй Машрабо,
Баҳри раҳмат осий қулларга сазовор айлади.

* * *

Кеча базмингдин йироқ ишқ аҳли чандон йиғлади;
Куйди ҳам парвонау шамъи шабистон йиғлади.

Согиниб Юсуфни Яъқуб йиғлади шому сахар,
То мусофир бўлди Юсуф, аҳли Канъон йиғлади.

Соқий сунгонда, суроҳий дам-бадам фарёд этиб,
Аҳли мажлис олдида ёш ўрнига қон йиғлади.

Ҳажр шөми куйганимга куйдию ўртанди барқ,
Ҳам мени дарди дилимга чархи гардон йиғлади.

Ҳар тикан ғам тоғида санчиб оёғим қилди қон,
Менга ёр раҳм айламас, хори мугилон йиғлади.

Бўлмасун огоҳ киши ҳоли дилимдин халқ аро,
Гарчи кулди огзимиз, аммо дили жон йиғлади.

Машрабо, гар жон яқосини чок-чок этсам не тонг
Ким, фалак ҳам жаври ул сарви хиромон йиғлади.

* * *

Кел, эй дилбар, юзунг очгил, тасаддукдур бу жон эмди,
Фироқингда адо бўлди, куюб бу устухон эмди.

Нечук айлай, биродарлар, бўлубман зору саргардон.
Давосиз дардга учрабман, ўларман бегумон эмди.

Жаҳонда ҳеч киши борму жудолиғдин адо бўлгон,
Етибдур ҳалқума жоним, менга йўқ меҳрибон эмди.

Нечук тоқат қилай дилбарки, сенсиз мен бу дунёда
Чиқар кўксумдин оҳим ҳам туролмас осмон эмди.

Кетибон меҳрибон дилбар, юрак бағрим кабоб этти,
Етолмасман нигоримга на айлай жовидон эмди.

Тушубдур кўнглума дардинг, кима айтиб, кима йиғлай,
Лаҳад ичра кетар бўлдум, юроким тўла қон эмди.

Кел, эй Машраб, жудолиғ дардидан кўп шиквалар қилдинг,
Етибдур сенга бу навбат, кетар яхши-ёмон эмди.

* * *

Минг шўри фиғон бирла, ҳай-ҳай, не бало келди,
Жон қичқирадур қўй деб, хашкарни оло келди.

Қўлида қилич фўлод, қошимга келиб жаллод,
Қилди мени бербунёд, тийги гузаро келди.

Кетсам бу алам бирла, юз қоҳиши гам бирла,
Савдойи санам бирла, хуш даври сафо келди.

Рози бўлайини ўлсам, жон бергу (п)ча бир кўрсам,
Мундоғ не бало бирлаи шиддатли қазо келди.

Заҳматга қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,
Ул жавру жафо подош, тиклаб югуро келди.

Девонани Машрабсан, қўрқуб нега йиғларсан,
Ошиқ кишига ўлмоқ ки, айни муддао келди.

* * *

Мени даврон букуи дарду аламга мубтало қилди,
Жафожў нозанинлар бирла ёру ошно қилди.

Алифдек жон аросинда ниҳоли қоматин асраб,
Ғамидин оқибат қаддимни нуи янглиғ дуто қилди.

Биродар, сен букуи меҳдан умиди офият қилма,
Юрак бағрим оқиб кўздин ажал юзини во қилди.

Кишига айта олмай бошга тушган табъи ҳолимни,
Бу ҳасрат бора-бора ўзини бағримга жо қилди.

Бу ҳолимга тараҳҳум қилгудек бир меҳрибоним йўқ,
Мени бечора қилди, зор қилди, бежаво қилди.

Бу бешафқат фалак солди менинг бошимга савдолар,
Чу андин неки келди, бори тақдири худо қилди.

Халойиқ дунни бўлсам ҳам жаҳон ичра ғашиматман,
Бу кун ё тонгла айтурларки, Машраб ҳам қазо қилди.

* * *

Ногоҳ кўрунуб кўзлари шахло боқа қолди,
Парда кўтариб қошини ул дам қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билиб ул дилбари раъно,
Ақлимни олиб, жонима ўтлар ёқа қолди.

Рухум эритиб ёшини¹, ваҳ-ваҳ, юзи оташ,
Ишқ чақмоғини жонима, найлай, чақа қолди.

Тарсобачани кўрдиму дин кетти қўлумдин,
Қил сажда дебон бўй нума зуннор тақа қолди.

Мен онинг учун кечаю кундуз югурурмен,
Ёрим келибон биргина ҳолим сўра қолди.

Айди: «Не тиларсан?» дедим: «Шамъи жамолнинг!»
Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди.

Машраб бу жаҳонда юрубон топмади бир мард,
Юз шукрки, онинг била улфат бўла қолди.

¹ Е ш и н — яшин маъносида.

* * *

Кўрунди кўз қаросига магар хайли паризоде,
Шафақ тутти жаҳонни, келди ё бир қадди шамшоде.

Чароғон бўлди дунё ё магар келди менинг ёрим,
Биёбон бўлди боғу бўстони хуррамободе.

Хужуми гам қилиб барбод, келди бир насими хуш,
Магар озода ёрим, дўстлар, ишқ этти бунёде.

Агар ул шоҳи хоқон қатлима лашкар чекиб келса,
Юроким чок этиб айлай ани олдида ҳам доде.

Баҳористон бўлди, ранг-баранг гуллар бўлуб пайдо,
Хазон этмак учун, дўстлар, илоҳо келмагай боде.

Неча йиллар ётибман қорۇ ёмғур остида доим,
Паризодим, маликам қилмади лекин мени ёде.

Ариғ йўлга ўзунгни олки, Машраб, ўтти умрунг, лек
Муроду мақсадиға етмади ҳаргиз хароботий.

* * *

Намангон шаҳридин, дўстлар, менинг ёронларим келди,
Отам бирла онамни билгучи меҳмонларим келди.

Шижоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Сухроб,
Адолат тахтига минган бу кун султонларим келди.

Иноятли, диёнатли яна ҳам муршиди комил,
Ҳама ориф, ҳама содиқ, ҳама ирфонларим келди.

Аларнинг хоки пойи кўзларимга тўтиё, Машраб,
Чарогимни мунаввар қилгучи хоқонларим келди.

* * *

Оқ юзунгда холу хат кўз кўрмагайди кошки,
Кўнглума юз доғи ғамни қўймагайди кошки.

Ишқида ҳу айлагач кетти футур дин уйидин,
Бодани бегаш кўрубон сунмагайди кошки.

Чун Намангондин Хўтан парвоз айлаб мурғи рух,
Донаи холин кўрубон қўймагайди кошки.

Ёр жилва бирла боқти, руху жон бўлди кабоб,
Бу жафоларни бошимға солмагайди кошки.

Айрилиқнинг дардидаи жоним куядур ё магар
Доғи ҳасратдин бу жоним куймагайди кошки.

Кошки олса бу жоним, доғ-и ҳасрат қўймаса,
Ушбу доғи айрилиғни кўрмагайди кошки.

Машрабо, ёр хизматини айла жону дил била,
Ушбу даврон ҳам ғанимат ўлмагайди кошки.

* * *

Кимга айтиб йиглайин позук адонинг дардини,
Хонавайрон айлаган ноошпонинг дардини.

Дилни бердим анга мен гайраз жафосин кўрмадим,
Айтиб-айтиб йиглайин ул бевафонинг дардини.

Умрум охир бўлди етмай доманининг гардига,
Кимга айтиб, кимга йиглай дилрабоинг дардини.

Дарбадар оворамаи, куйди дилим ахгарсифат,
Бахти қаро бўлган билур бахти қаронинг дардини.

Осмон бесар бўлур айтсам аламлик дoston,
Ҳар кишига айта билмам раҳнамонинг дардини.

Дашту саҳролар куяр Мажнунини (ин) тортган оҳидин,
Бесарунолар билур соҳибазонинг дардини.

Норасоларга сухан қилма, хатодур, Машрабо,
Билмас ҳар ким чорёри босафонинг дардини.

* * *

Сен, эй зоҳид, бориб меҳробга қил нозукадолиғни,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни.

Залолатпешалиғни аҳли дунлар сендин ўргангай,
Мунофиқ, бадписандлиғ ҳам тамаъгир, рўсиёлиғни.

Риё тоат қилиб кундузлари ўзни дебон муршид,
Кечадан тош қадар қилғунг ўзунгдек юз қаролиғни.

Аё Машраб, деди зоҳид, гуноҳинг беҳисоб эрмиш,
Агар авж айласа саттор, кечар сонсиз гунолиғни.

* * *

Кел, эй дилбар, баён айлай сенга бир-бир жудолигни
Ки, шояд раҳм этиб солсанг ўзунгга ошнолигни.

Тамоми хонумонимдин кечибон бир сени дерман,
Ўзунгдин ўзга билмайдур, ўзунг билгил жудолигни.

Ки, сендин ўзгани демам, қасам биллоҳ жонимга,
Жафолар айлама, эй моҳ, менга бергил сафолигни.

Сулаймон тахтига, Жамшиднинг жомига бермасман,
Қўлумда косаи чўбин, сенга қилсам гадолигни.

Аё эй раҳмсиз золим, жафожў, кўзлари жаллод
Нигоро, Машрабингга қилмагайсан бевафолигни.

* * *

Ғамза кофир, ишва жоду, жилва қолмоқим қани?
Кўзи яғмо, кифрики ўқ, жола қалпоқим қани?

Тири мужгон ғамзаси кўп ёр учун девонаман.
Асли қолмоқ, зоди қирғиз, лола пайпоқим қани?

Ғунчаи гуллар очилмай заъфарон қилди хазон,
Дод этар гул ғунчасига ёсумансоқим қани?

Доғу-доғ устидадур бағрим қизил қон ашқдин,
Сиймтан рухсоран, тан нуқра бургоқим қани?

Ёр, Машраб, ишқ ўтини қўйди жоним узраким,
Чўқ-чўқ этти кўнглум оташпора чақмоқим қани?

* * *

Мен кимга айтай, дўстларим, девона қилди ишқ мени,
Садпора қилди юраким, девона қилди ишқ мени.

Тун-кечалар дод айласам, ҳар дам сени ёд айласам,
Ишқингда фарёд айласам, девона қилди ишқ мени.

Шому саҳар гирён бўлай, йўлунгда саргардон бўлай,
Охир сенга қурбон бўлай, девона қилди ишқ мени.

Ҳамдам бўлай майхонага, сокин бўлай бутхонага,
Бошим қўяй остонага, девона қилди ишқ мени.

Ишқ аҳлига ҳамдам бўлай, ҳақ йўлига муҳкам бўлай,
Даргоҳига маҳрам бўлай, девона қилди ишқ мени.

Девонаи шайдо бўлай, мен толиби мавло бўлай,
Халқ элига расво бўлай, девона қилди ишқ мени.

Машрабга қил лутфу карам, ваҳдат шаробини дамбадам,
Эй соҳиби лавҳу қалам, девона қилди ишқ мени.

* * *

Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни,
Бархам урса йўлига оламда йўқу борни.

То ўзунгга дард тегмай, айланиб келмас даво,
Бас бу маънодин ҳақимлар кўн сўрар беморни.

Гарчи осийман анинг даргоҳидин навмид эмам,
Бир гул учун сув берурлар сад ҳазорон хорни.

Охири маъзилга етмасдур қудуратлик кўнгул,
Дилга жо бермоқ на ҳожат душмани гаддорни.

То дилингга маърифатдин нури имон бўлмаса,
Суфи(й)лар, бир ҳуга алмашланг ани — дасторни

Хотири покингни машгул қилма ҳаргиз дунёга,
Дил ғуборолуда бўлди ул кўролмас ёрни.

Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг вале,
Машрабо, ҳеч қанда қилма дилдин истигфорни.

* * *

Эй сапам, хажринг ғамида дийда гирён бұлгуси,
Кўрмасам бир дам юзунгни юрагим қон бұлгуси.

Мардумони кўзларинг бир кофири бераҳм эрур,
Гарчи тарсо кўрса ҳам ул дам мусулмон бұлгуси.

Анбарин зулфунг тараб боқсанг, нигоро, ҳар тараф,
Жамъ кўнгул бир қараб юз минг паришон бұлгуси.

Қоматингни кўрсалар маҳшарда инсону малак,
Хуру гилмонлар бўлуб жамъ барча ҳайрон бұлгуси.

Қатраи ашким агар томса юзумға, Машрабо,
Ташналик вақтида билсанг роҳат-и жон бұлгуси.

* * *

Маърифат бозорининг девонаси,
Бул ҳақиқат ишқининг майхонаси.

Оҳ уруб чиқса жаҳонни куйдирур
Ошиқ аҳлини зийнату сармоёси.

Икки дунёни кўзумга илмадим,
Менки ул дийдорнинг ҳайронаси.

Айлади кўйгулнинг уйин хароб,
Бул эрур тан мулкининг вайронаси.

Мосувони тарк қилдим ишқида,
Бул жаҳону ул жаҳон бегонаси.

Машраби девонани ҳайрон этиб
Қадди мавзун эгма қошинг қораси.

* * *

Бу таъни хокинию руҳи равонни на қилай?!
Бўлмаса қошимда жонона бу жонни на қилай?!

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?!

Ураинму бошима саккиз биҳишту дўзахни,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!

Аршини кунгурасин устига қўйдум оёғим,
Ломакондин жой олибман, бу маконни на қилай?!

Заррае нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамои
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!

Бир худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!

* * *

Ёрнинг кўйида мен жавлон қилай,
Итларига кўшулуб афгон қилай.

Кошки, бу кулбаи аҳзон аро
Итларини бир куни меҳмон қилай.

Ёр қилгон захм битмас, эй табиб;
Дема менга: дардинга дармон қилай.

Оқизиб кўздин сиришким беадад,
Хаймайн афлони вайрон қилай.

Кес бошимни ханжари нозинг билан,
Сендин ўзга кимга саргардон қилай?

Зулф-и мушкинингни тасвир айлабон
Бу варақни саҳфани райҳон қилай.

Ишқ куйдурса бу ошиқ кўнглини,
Сийна ичра ўт нечук пинҳон қилай.

Гул юзин кўрсатти, ўлдурди мени,
Ёрни жисм орасида жон қилай.

Машрабо, бир қатра тотсам жомидин,
Ўзимни ишқ аҳлига султон қилай.

* * *

Қўнгул вужудини бузган ўзига пола қилай,
Бошимни саждага қўйиб худога пола қилай.

Менга бу ғамни солибон рақибни шод эттинг,
Қўлумга ханжар олиб бу юракни пора қилай.

Сенинг учун, на бало, меҳнату алам кўрдум,
Рақиб ризосига боқсангки, ман на чора қилай.

Кел энди, Машраби ошиқ, ўзига зоре қил,
Тараххум этмаса дилбарки, кимга пола қилай?!

* * *

Дилбар кўйида вашшамси ваззуҳо ўқуй,
Мақбул бўлса ҳамдинга лаҳни уло ўқуй.

Мажнунсифат фироқ даштида зор йигладим,
Дарду гаминг, лайливашим, лайлу наҳор ўқуй.

Қошу кўзунгни ҳажрида, эй меҳри моҳжабин,
Ашким сувини оқизиб файзи баҳор ўқуй.

Шавқи муҳаббатингда кезиб Балх шаҳрини,
Хатти шаҳидликни кўриб ошкор ўқуй.

Фироқ қиссаси Машраб фикрида эрур,
Мастона Балх шаҳрида беихтиёр ўқуй.

* * *

Менга иршод берсанг, Одаму Ҳаввои ҳозир қил,
Ғарибу хастаман, Нуҳи набиюллони ҳозир қил.

Кириб Намруд ўтига қилдилар оташни чун гулзор,
Ҳақиқат йўлини тонган Халилуллони ҳозир қил.

Танини раҳна қилди гарми мотам кайфият ичра,
Мақоми сабрда Айюбдек донони ҳозир қил.

Бошига арра келди, зикри ҳақдин бўлмади гофил,
Худонинг ошиқи ул руҳи Зикриёни ҳозир қил.

Мудом уммат учун чун дийда хунолуда эрдилар,
муҳаммад—Аҳмад ул руҳи Ҳабибуллони ҳозир қил.

Ҳасан бирла Ҳусайннинг руҳидин доим мадад излаб,
Муҳаммад кўзининг оқи ўшал Зухрони ҳозир қил.

Аларни ҳозир эткил, сўнгра хат бергил бу Машрабга,
Мақоми нурдин эшони аҳлуллони ҳозир қил¹.

¹ Бунда шоир пири комил ҳисобланган Офоқ Хожа олдига у уддалай олмайдиған жуда катта талаблар қўяди ва натижада уни енгиб чиқади.

* * *

Ташна келдим сендин излаб гавҳари оби зулол,
Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёи ҳол.

Икки олам нақди олдингда муяссардур сенинг,
Зиндаларнинг бошидур йўлунгда бўлган поймол.

Бахт қаролар подшоҳиман, дилимни кавлама,
Қадди ҳам бўлган, жафо кўрган ўзум монанди дол.

Хоксори кўйи ирфонинг бўлубман, раҳм қил,
Чунки дарёдин жудо бўлди кўкармасдур ниҳол.

Икки дунёдин кўзум юмдум сенинг завқинг билан,
Асл умидим шул эрур — маҳшарда кўргайман жамол.

Навжувон умрум хазон бўлди муҳаббат дардидин,
Етмадим мақсудима доғ айлади вақти завол.

Хотиримга ҳиммат-и Адҳамни келтурдум бу кун,
Ким худо тарсдур анга даркор эмас молу манол.

Оташи ишқ олдида хасдур жаҳаннам, ғам ема,
Юз хатардин ўткарур ҳар бандани қурби жалол.

Остонингга келибман роҳи навмиди эмас,
Ё Абдулқосим, мени уммат дегин, дастимни ол.

Нома ўнг қўлдин юборгай Машраби шўридага,
Аввалу охири қилган вақти маҳшарда савол.

* * *

Ер узра очилгон йўқ даҳр ичра сешингдек гул,
Ҳам оби ҳаёт лаълинг, ҳам ҳуққа ичинда мул.

Бир сарв эрур бўюнг, сарв узра ажаб оюнг,
Лаълингни ҳаёл этти гул шохдағи бўлбул.

Шаъм учинда юзунг ўт, ўт узра сочингдур дул,
Бўй олди жаҳонни бут — ўт узра сочиб сунбул.

Ахтарму фалак узра, гавҳарму табақ узра,
Саргашта фалак узра садқангга йнгибдур нул.

Кўнглум ит эрур андоқ, кетмас эпинингдинким,
Занжири муҳаббатдин бўйинга солибсан гул.

Мен қатрае сен дарё, баҳрингда фано бўлсам,
Не айб менинг жузвим кўрганда деса эл кулл.

Кўк хоки раҳинг ўлсун, ой-кун синаҳинг бўлсун,
Ҳақ шоҳу гадоларни меҳрингга қилибдур қул.

Ул барги хазон ранги, гулгунчада қон ранги,
Ой-кунда сомон ранги — ишқинг ситамидур шул.

Тегрангда ҳисор ўлсун, Манрабки сени асраб,
Бадхоҳ рақибаларни кўрса ўқубон тўрт «қул».

* * *

Кўнгул дардини бир кўнгли бузулган ёрдин сўргил,
Бу ишқ ўтига куйгани дили афгордин сўргил.

Сени ҳажрингни, эй жонон, не тил бирла баён айлай
Ки, ҳар шаб дийдадин хуноба тўк, бедордин сўргил.

Баногоҳ меҳрибонидин жудо бўлган киши ҳолин
Саҳар оҳу фиғона айлаб менингдек зордин сўргил.

Шаҳиди ишқ бўлган ошиқни бечора аҳволин,
Ўшал дам Мансури мастон осилган дордин сўргил.

Бу Машраб қон ютуб ҳар дам тўкар хунобан ҳасрат
Ки хўблар ажрини маҳшар куни саттордин сўргил.

* * *

Гурӯҳини та ётай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Истам аҳлини ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Ғиздин дур сочай десанг, шароби ишқ ичай десанг,
Ёмонлардин қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Ғасод аҳлини қувай десанг, (кетига) бир урай десанг,
Бу даргоҳдин сурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,
Жаҳонни сайр ётай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Разолат куйдурай десанг, залолат ўлдурай десанг,
Ҳамасин супурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Бу тақводин кечай десанг, хонақоҳдин қочай десанг,
Ҳақиқатни очай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Гухаррезлик қилай десанг, ҳамани кулдурай десанг,
Чу Машрабдек бўлай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

* * *

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ором-и жонимсан,
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мени бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,
Мени хоку туроб этти юзи моҳи тобон, онам.

Сени кўн интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилкашон онам.

Илоҳо, авф қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини.
Туфайли онаи зорим, ғарибу нотавон онам.

* * *

Ишқ ўтига ўрташиб девона бўлган ўзгинам,
Куя-куя кул бўлуб бирёна бўлган ўзгинам.

Ошиқи дийдорман, эй ёр, билмассан магар,
Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам.

Куя-куя кул бўлуб дунёдин ўткан бормуқин,
Ишқ йўлида минг ўлуб, минг бор тирилган ўзгинам.

Чок сийнамни қилиб маҳшарда айларман фиғон,
Ул кунни дийдор деб маҳшарни бузган ўзгинам.

Ул сиротул-муस्ताқим олдида барча йиғлашур.
Ишқни раҳбар қилибон андин ўткан ўзгинам.

* * *

Сузук күзлу, сариг садбарг юзунгни, дилрабо, күрсам,
Юзунгдин юз ўгурмасман, агар юз минг бало күрсам.

Мени ошиқу маъшук дерлар ушбу оламда,
Насиб ўлмиш менга давлат, фироқинг ўтида куйсам.

Чунонам кўнгли қаттиқсан, бирам ҳолимни сўрмассан,
Жамолингга тўелмасман бошингдин юз минг ўргулсам.

Нечук бедодлиг иш ўлдикки, мен сендин жудо бўлдум?
Жафоларники мен тортиб, на мушкилдур қараб қолсам.

Садафсиз дур, тикансиз гул, машаққатсиз хунар йўқдур,
Топарманму висолингни жаҳонни истабон юрсам?

Лабинг лаълу хатинг Хизру юзунг монанди Юсуфдур,
Зулайҳодек куюб-ёниб бу ишқ ичра адо бўлсам.

Ўшал Мажнун шайдодек биёбонлар аро мен ҳам
Кўюнгда дам-бадам ёниб, қани Лайло деб оқ урсам.

Кел, эй Машраб, кўзунг йўлларда қолди термулуб, пайлай,
Қани ул хоки пойинг, кўзларимга тўтиё қилсам.

* * *

Қиёматдур агар, жоноки, мен сендин жудо бўлсам,
Хуш ул давлат эрур менга фироқингдин адо бўлсам.

Харобу бенаводурманки, ҳажрингда адодурман,
Кима айтиб, кима йиглай бу дарди бедаво бўлсам.

Асири ҳалқан зулфунг эрурман то ўзунг билгил,
Зиёну судини билмай тақи мен ғамзадо бўлсам.

Сенинг ишқингни дарди менга ҳар дармондин ортиқдур,
Тилим куйсун, агар, жонон, талабгори даво бўлсам.

Муҳаббат шавқида, дўстлар, юроким таҳ-батаҳ қондур,
Нечук оҳу наво айлай, азалдин бенаво бўлсам.

Юроку бағрим ўртанди сени дарду фироқингдин,
Нечук юз қайтарайин мен азалдан ошно бўлсам.

Чу қумри сарв учун йиғлаб, фидо айлаб бу жонимни,
Тамоми хонумонимдин кечиб мен мосиво бўлсам.

Ҳама ушшоқи содиқни сенинг ишқинг хароб айлар,
Қабул айла, аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам.

Фалакнинг жавридин, дўстлар, нечук мен шиква айларман,
Нетай, найлай, биродарларки, мен бахти қаро бўлсам?!

Нега додимга етмайсан, менинг ҳолимни сўрмайсан,
Фироқингда адо бўлгон бу Машраб додхоҳ бўлсам.

* * *

Сеторим торига жон риштасидан тор эшиб чолсам,
Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом узра мақомни дилга жо қилсам,
Муҳаббат созиға созлаб мен они олдида чолсам.

Мақомларнинг атосини «Хусайнӣ» у «Ажам» дерлар,
Булардин ҳам юқори пардаида «Чоргоҳ» чолсам.

«Баёд» дилбаримни ёдида чолсам паё-пайким
Ки, кўнгул бенаво бўлгонидин айлаб «Наво» чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ» у ғазални соза еткурсам,
Саҳарларда қўнуб машшоқлардин пурзийё чолсам.

Кел, эй Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин маст-мустағрақ,
Бир илкға косан танбур, бириға жомни олсам.

* * *

Ки мен оввора ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,
Бориб ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам.

Агарки додима етса, чақибон ишқ чақмоқин,
Фалакнинг уйига ўтлар қўюб, барбодлар қилсам.

Мени бир дам халос эт, эй биродар, ғуссау ғамдин,
Анинг ёди била ҳар дам кўнгулни шодлар қилсам.

Менинг ҳолим агар ишқ аҳли кўрса, зор йинглайдур,
Агар дарду ғамимдин заррае бунёдлар қилсам.

Ўшалким гарқи дарёи муҳаббат бирла Машраб мен —
Дилу жоним билан ҳар дам агар фарёдлар қилсам.

* * *

Батақдири худо бирла ўшал ёримни мен кўрсам,
Латофат боғида битган қизил норимни мен кўрсам.

Юзидин нурлар томгай ўшал хуршиди тобоннинг,
Тиларман ушбу оламда вафодоримни мен кўрсам.

Жамоли ойдек тўлгон, мени девоналар қилгон
Ки, ул ақлу ҳушум олгонки, дилдоримни мен кўрсам.

Ки, қайғу бошга сўлдургон, кўнгулни ғамға тўлдургон
Ки, пози бирла ўлдургон, ки, айёримни мен кўрсам.

Ки, Машраб айтур: «Эй ёрон, кўзум йўллардадур гирён,
Бузуғ кўнглумни бир сўргон харидоримни мен кўрсам».

* * *

Мени девона қилди ул пари рафтор қомат ҳам,
Бу кун келмам ўзумга балки фардои қиёмат ҳам.

Менинг ҳоли табоҳимни муҳаббат аҳли кўрганда,
Пушаймонлар қилиб ишқдин яна айлар надомат ҳам.

Мени гам бирла ўлдурдунг фироқинг ўтига ташлаб,
Не бўлгай эмди мен ўлсам, чу сен бўлгил саломат ҳам.

Аё дилбар, рақибим ул ҳарамга айлама маҳрам,
Менинг ҳолимга раҳм айлаб, қарам қилгил, каромат ҳам.

Ки сўрмас, Машрабо; ҳеч ким сени, оре, ажаб эрмас,
Юзумни бости бори меҳнату гарди маломат ҳам.

* * *

Онқадар нурга тўлибман осмонга сигмадим,
Тоқи арицу курсию лавху жинонга сигмадим.

Қимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,
Дафтари руҳи қудсдурман, забонга сигмадим.

Жаннату кавсар манам, ҳам дўзаху сақар манам,
Бир ўзумдурман бу дам, ҳафт осмонга сигмадим.

Сояи одамга келдим, нури маъни изладим,
Жаннатул фирдавсдек олий маконга сигмадим.

Бор эдим Нух вақтида, ғарқ этмади тўфони ҳам,
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Тури Синонга сигмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,
Боиси бир нуқтадин Машраб замонга сигмадим.

* * *

Бу оламда ўзумдек сийнаси афғор топмадим
Ки, розим айтғали бир маҳрами асрор топмадим.

Фироқ даштида ташна юруб зору саргардон,
Лабинг зилолидин бир паймонаи саршор топмадим.

Ки, ишқи гаминг мени охир юроким айлади сад чок,
Висол завқини бир лаҳзае, бир бор топмадим.

Тамоми рози дилим демакка изладим маҳрам,
Бу дашти Хўтан кезибон бир дили хушёр топмадим.

Биёбон булбулидек, Машрабо, ҳеч йўқтур оромим,
Қўнай десам чаманда бир гули бехор топмадим.

* * *

Зебо санамим йўл уза кўргач тура қолдим,
Наззорасидин маҳв ўлубон ўлтура қолдим.

Сайёра сифат кеча тонг отгунча югурдум,
Юз шукрки, ойдек юзини бир кўра қолдим.

Мажлисда анинг шамъи • камолини кўрубон,
Парвона масал ўтқа ўзумни ура қолдим.

То шамъи висолингга етолгунча рақиблар,
Ишқинг ўтида болу парим куйдира қолдим.

Майгун лабидин берса санам журъае бода,
Жон нақдини илкимга олибон бера қолдим.

Май тутти санам лутф ила Машрабга боякбор,
Дарҳол олиб мен қўлидин сишқора қолдим.

* * *

Ногоҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим,
Ойдек юзунга боқдим қурбон ўла қолдим.

Ўтдек тутошиб куйди юроким била жоним,
Парвонадайн ўтқа ўзумни ура қолдим.

Юз ноз ила чиқди санамим майкадасидин,
Бир ғамзасига дин ила имон бера қолдим.

Кўрдумки ажаб ишвагару дилбари танноз,
Девона бўлуб ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дилдор жамолини кўруб, ишқи йўлинда,
Гулгун ёнибон маҳви томошо бўла қолдим.

Ҳожат эмас ул Каъбау бутхонаға бормоқ.
Мен гавҳари мақсуд олайн деб ёна¹ қолдим.

Машраб бошиға тушти ўшал қун гами дилдор,
Шайдоси бўлуб жумла ҳавасдан қола қолдим.

¹ Ена — «қайта» маъносида.

* * *

Қилди менга бир жилвае ногоҳ боқа қолдим,
Ул жилвасига дин ила дунё сота қолдим.

Маъшук дедики: «Бовар эмас менга бу ишқинг»,
Ғайрат тиғи бирла юрагимни оча қолдим.

Арз устидан ул аршгача шаҳбозини кўргач,
Тан шаҳрида ул жон қушидек толшина қолдим.

Ғам тоғида Фарход сифат эмганур эрдим,
Бошимга бало тешаси тегди, ёта қолдим.

Машраб, йўлида турфа паришон юрур эрдим,
Ул моҳ чиқибон кўтарди, боқа қолдим.

* * *

Дунёга келиб лойига билмай бота қолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қота қолдим.

Кўрдумки ани душмани руҳу тан экандур,
Ло ўқи била икки кўзига ота қолдим.

Майхонага кирдим, била қолдим куяримни,
Масжидга кириб зоҳиди яхдек қота қолдим.

Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг.
Мишг тавқини бир косаи майга сота қолдим.

То телбалигим шуҳрати олами тутубдур,
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим.

Ваҳдат майини ири муғон илкидин ичтим,
Мансур каби бошимни дорга тута қолдим.

Айб айламангиз Машраби беҳудни, ёрошлар,
Найлайки, бу гурбат кўчасидин ўта қолдим.

* * *

Томоша айламакка гўшаедин анжуман келдим,
Суруди булбули шўридадек сўи чаман келдим.

Агар Яъқубдек қон йигласам, айб айламанг зинҳор,
Фироқи дарди Юсуфни чекиб байтул ҳазан келдим.

Шаҳидони Хўтанини тавф этарга, эй мусулмонлар,
Чу лола домани саҳро тутуб дашти Хўтан келдим.

Жаҳон шайху кибори, олиму, муфти-ю қозиси —
Ҳама ком топти дунёда, бараҳна, беватан келдим.

Қадаҳ махмуридурман тўлдуруб келтурғил, эй соқий,
Шароби қирмизи нўш этгали хушки даҳан келдим.

Майи ваҳдат тўла берғил мани Машрабга, эй соқий,
Сиво мулкида сайде манки, гулгун пираҳан келдим.

* * *

Мен эрдим булбули гўё, фиғон бирла чамаи келдим,
Юракда дард кўпдур, гулизори ёсуман келдим.

Менинг ошуфта кўнглум гунчадек ҳаргиз очилмайдур,
Юракдин гам кетар деб бу сабабдин мен Хўтан келдим.

Юракдин оҳ тортар барча толиблар ҳам армонда,
Муяссар бўлмади мақсуд, яна қайтиб ватан келдим.

Бу Машраб сўзини дурдонайи қимматбаҳо дерлар,
Жамии халқ аро сўз бобида соҳиб суҳан келдим.

* * *

Эй санам, ишқинг ўтида ман тамом ёнмоқ эдим,
Мисли парвона бошингдин юз гез айланмоқ эдим.

Бу муҳаббат даштида бир неча юрдум ой-у йил,
Югурук тозинг била йилқингни қайтармоқ эдим.

Айтибон ҳамду сано қаддимни этмишман қиём,
Неча йил лайлу наҳор васфингни ман айтмоқ эдим.

Даҳр богида сенинг овоза ҳуснунг учун,
Мили Искандар олиб, таблингни мен қоқмоқ эдим.

Машрабо, умрунг Хўтан даштида ўтти қон ютуб,
Юнус ул батни самак ўлганда ман қармоқ эдим.

* * *

Ишқинг ўтига куйголи келдим,
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.

Савдон зулфунг тушди бошимга,
Сендин давосини сўрголи келдим.

Баҳрингга кирдим гаввое бўлай деб,
Бир дурри мақсуд олголи келдим.

Эй гулъузорим, ой юзли ёрим,
Маҳви жамолинг бўлголи келдим.

Қофила кетти, манзилга етти,
Мен ҳам тараддуд кўрголи келдим.

Соқий, қадаҳни қилғил муҳайё,
Ваҳдат майидини ичголи келдим.

Раҳмат эшигини Машрабга очғил,
Ишқинг кўйида ўлголи келдим.

* * *

Жонон, юзунгни кўрголи келдим,
Шаккар лабингни сўрголи келдим.

Ўтдек тутошиб ёнди юроким,
Куя-куя кул бўдголи келдим.

Эй моҳи тобон, зулфи паришон,
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.

Шамъи жамолинг парвона қилди,
Ўтга ўзумни урголи келдим.

Мен сори боқғил, эй гулўзорим,
Рози дилмни очголи келдим.

Эй тўраи ҳусн, банданг бўлойин,
Эшигингга қул бўлголи келдим.

Машрабга тегди косаи даврон,
Беш кун жаҳонда турголи келдим.

* * *

Тавофи остонингга ғарибу нотавон келдим,
Умид айлаб мадад -сендин бу чашми хунфишон келдим

Талаб айлаб висолингни, кўрарман деб жамолингни,
Бўлуб булбули нолони, қилиб оху фиғон келдим.

Қалам ёзгон экан менга буни наҳни қасамнода,
Муҳаббат тиғи андози била чун бағри қон келдим.

Юрубдур дарбадар йиғлаб, бўлуб лабташна бу Машраб,
Шароби маърифат излаб, чу лола гунча қон келдим

* * *

Сенинг васлингги, эй жонон, мени афгор согиндим,
Шаби хижронда қолдим, партави дийдор согиндим.

Хазон торож айлаб багрими помоли ғам қилди,
Баҳор бўстонидек дилбар, гули рухсор согиндим.

Ўлар ҳолатдаман, бошим сори қилгил қадам ранжа
Ки дийдоринг қиёмат қолмасун, зинҳор согиндим.

Кечалар уйқу йўқ, кундуз хаёлотинг била ўтти,
Бақалби ботину зоҳирда ҳам бедор согиндим.

Қўнгулда йўқ эди сендин жудолик, лек найларман,
Муқаддар илкидин бўлди бу иш, ночор согиндим.

Шажарлар хома, дарёлар сиёҳу еру кўк саҳфа,
Рақам қилсам адо бўлмас ғаминг, бисёр согиндим.

Қулунг Машрабни, жонон, шафқат ила бир сўраб келгил
Ки, сен муршиди комил, махрами асрор, согиндим.

* * *

Биродарлар, мен ушбу кеча Мажнундин назар топдим,
Тонг отгунча риёзат бирла оламдин хабар топдим.

Ушал махвашни ёд айлаб, гаму қайғу зиёд айлаб,
На ақлимдин нишон кўрдум, на хушумдин асар топдим.

Мениндек талхкому бенасиб дунёда ўтган йўқ,
Шакар оғзимга солдим, захри қотилдин батар топдим.

Бу даҳри бевафога ҳеч кўнгул берманг, аё дўстлар
Ки, мен фоний жаҳонни мисли абри даргузар топдим.

Вужуди ушбу олам бир кеча-кундуздин ортиқ йўқ,
Чароки дунёда бир шамс кўрдум, бир қамар топдим.

Надомат ашки тўфони бошимдин чун ўтиб кетти,
Балиғ қорнидағи Юнус каби баҳр ичра бар топдим.

Нигоримдин вафо, на дўстлардин дафъи ғам кўрдум
Ки, ҳар кимдин умиди манфаат қилдим, зарар топдим.

Нетай, Машраб, бу йўлда менга ҳеч ким бўлмади раҳбар,
Адашдим, йўл йитурдум, на наёму на хабар топдим.

* * *

Дунё сорига бир келибон гамзада кеттим,
Бир лаҳза дам олмай турубон лаҳзада кеттим.

Бир мушфиқи ҳамроз жаҳон ичра тополмай,
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

Суртмай бу қаро юзни бориб равзаларига,
Армонда юруб лек бузуг кулбада кеттим.

Ҳар жон келару кетгусидур билсам они ҳам,
Кетмасча юрубон яна гурбатзада кеттим.

Ҳорис бўлубон дунёда юрди неча гумроҳ,
Урён келибон муида, яна арбада кеттим.

Ғофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,
Дунё ила динни сотибон гамзада кеттим.

То ёрши хаёл айлади Машраб, кўзини очти,
Юз дарду алам бирлаки меҳнатзада кеттим.

* * *

Кетти қарору сабру ҳуш, қолмади танда тоқатим,
Тун-кун ила зиёдадур меҳнату дарду офатим.

Оҳ урубон қайн кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балоу ғам — кунда турур аломатим.

Заррача қолмади юрак, куйдию бўлди ҳам адо,
Қўздаги ёшу ранги зард — ушбу эрур ҳаловатим.

Ҳожию муфтини йиғиб, омию шайх ҳам мурид,
Барчасидин юз ўгуруб, ишқи эрур маломатим.

Барчага молу жоҳини, неъмату мулку жойини,
Менга берибдур оҳини, ушбу турур салобатим.

Ишқ эмас бало экан, меҳнату дарду оҳ экан,
Машраби бенаво экан, кун-кундин ортар офатим.

* * *

То олами зоҳирга келиб ман гузар эттим,
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим.

Аҳволи дилим айтгали бир маҳраме топмай,
Зулмингни қариндошу ғамингни надар эттим.

Бир қушки чўлоқ сен сори парвоз этайин деб,
Ҳажр ўқларини жонга суқуб болу пар эттим.

Душманга чу ҳарб этмак учун чора тополмай,
Дўстум қўлини туттиму тигу табар эттим.

Ғам шонида қалбимга гузор этти хаёлинг,
Кўз ёш, юрак қони билан моҳазар эттим.

Савдон сари зулфунг учун неча маҳалдур,
Жон кишварини буздиму зеру забар эттим.

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдим, ўзимни дарбадар эттим.

Кўтаҳ назар эл билмаса деб хаста бу Машраб,
Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим.

* * *

Нетгум, санамо, ишқинг ўтида ватан эттим,
Ҳар тор мўйим шамъ каби шўълазан эттим.

Қон йиғлади кўз, қолди таним қон аросинда,
Ҳар қатраи тан тоғида лаъли Яман эттим.

Ғам тоғин алам тешаси бирлан қозадурман,
Ўлгунча, хаёлингни уюб Кўҳқан эттим.

Жаннат била кавсар сувини оғзима олмай,
Лаълинг гами заҳр эрдикки, шаҳди даҳан эттим.

Ўтлар тутошур гар нафас урсам ҳама жонға,
Ишқ аҳлига ўтлуғ юракимни чаман эттим.

Сайд ўлғуси ҳар ким келур олдимга, қутулмас,
Невчунки кўнгул шўъласи бирла расан эттим.

Сайр айлади ул гулшани ишқ ичра наволар,
Ҳар булбулу тўти эди, зоғу заған эттим.

Машраб танининг захмлари бўлди гулафшон,
Ўлдум гами ишқингда чу гулдин кафан эттим.

* * *

Дил даштида гам охуларига ватан эттим,
Гамзанг ўқи то лолалар очти, чаман эттим.

Ишқ аҳли менинг сори келурга бу эрур йўл,
Ҳар ерда тараб гуллари эрди ватан эттим.

Найсон каби кўздин ёғадур ашқи равоним,
Садқанга, юрак қонини лаъли Яман эттим.

Меҳринг қуши кўнглум қўлидан ажрамасун деб,
Жон риштаси бирла оёғидин расан эттим.

Жонимга нигоҳинг ўқидин гуллар очилса,
Сайримга ани настарану ёсуман эттим.

Расволиг ўтин балки ўзумга ёқадурман,
Жисмимга самандар каби ўт пираҳан эттим.

Машраб, бу сўзинг топди сенинг бўйи шаҳодат,
Қонлиг танима ишқ либосини кафан эттим.

* * *

Ушал рўзеки мен сендин жудолиг бирла зор эттим,
Чиқиб сахрога Мажнуулиг шиорин ошкор эттим.

Қаро қилса фалак бахтим била бул рўзгоримни,
Сенинг дарду гаминг сийнам ичинда эътибор эттим.

Меней афтодаву бедил, гариб доғи ҳижронман,
Ўзумга офарин дерман, сени кўрмай қарор эттим.

Менинг, жоно, гамингдин ўзга ҳеч ким — мунисим йўқдур,
Ким айлар илтифоте, мен диёрингга гузор эттим.

Ўюлсун кўз жамолингдин дигар юзга нигоҳ этса,
Куюб қолсун юрак-бағримки, сендин ўзга ёр эттим.

Жамолинг соғиниб кўзларда зарра нур қолгон йўқ,
Ажаб йўқ, зор қолгон кифрикимни ашкбор эттим.

Эрурман ошиқинг, халқи жаҳон дерлар мени Машраб,
Нечунким манзилимни сояи парвардигор эттим.

* * *

Етти, дарёга кўшулди оби чашми ҳимматим,
Неча Мажнунга сабақ берди дилимда ҳайратим.

Доманимдин тортти, дунёни кўрунг дуни дағал,
Варна аршнинг устида эрди камоли миннатим.

Хуни гарқ бирла адо, қилдим, баче Мансурман,
Оҳи сардим бўлди савмим, ҳам фиғоним-тоатим.

Гарчи зоҳир хушк хоку бибизоатман букун,
Мусову Исони даврониға бордур нисбатим.

Эй сафобахш, нафси фиръавнимга бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсун мени бу хислатим.

Умр азал дорул бақо, дайри фанога турғали
Лоладек бир соати йўқдур менинг ҳеч фурсатим.

Покбозам, хорижи дунёи уқбодин жудо,
Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим.

Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,
Менга ҳам дори қурулғонда етар бу қисматим.

Ҳеч билолмайман ўзумни қайси қавмийман букун.
Лекин арш устида Жибрилдур менинг ҳамсуҳбатим.

Машрабо, охир сенга юз минг биёбон тай уруб,
Бўлмади бир пашшаи лоғарча акнун хизматим.

* * *

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум,
Оромни жоним, ишқингда ўлдум.

Кимдин ўрганинг мунча жафони,
Эй нуқтадоним, ишқингда ўлдум.

То қоба қавсайи шарҳи қошингдур,
Абру камоним, ишқингда ўлдум.

Қақнусга ўхшаб пола қилурман,
Ўртади жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилгил, ҳолимни сўргил,
Номехрибоним, ишқингда ўлдум.

Ёрим сенга мен чокар бўлойин,
Соҳибқироним, ишқингда ўлдум.

Машрабга бир боқ, жон лабга етти,
Руҳи равоним, ишқингда ўлдум.

* * *

Сенинг ишқингда, эй дилбар, ажаб девонало бўлдум,
Бу оламда халойиқга базе афсонало бўлдум.

Асоси салтанат бирла паривашлар шаҳаншоҳи,
Тараҳхум айлагил менга, эшикларда гадо бўлдум:

Сўроқлаб васли дийдоринг жамийи халқдин сўрдум,
Эмиш «Жўянда ёбанда»ки мен тоймай адо бўлдум.

Нигоро, ханжари қошинг дилим садпоралар қилди,
Тўкуб қоним юзунг кўрмай шаҳиди Қарбалө бўлдум.

Алифдек қоматин дилбар қилиб хам бодани сўнди,
Ўшал майдин ичиб бе нуқтасидек зери по бўлдум.

Бу Машраб дардини, ёраб, ки ҳеч ким бошига солма,
Даво айланг, бу дардимга ки муҳтожи шифо бўлдум.

* * *

Нигорим, гулъузориғни кўролмай мубтало бўлдум,
Шароби лаълинг ичтим, сен санамга ошно бўлдум.

Тараххум қил, аё дилбар, қулунгга кўп жафо қилма,
Ўзунгга ошно қилдинг, гарибу бенаво бўлдум.

Юзунг гулдур, мужовир кўзларинг мастонадур, жошон,
Юроким поралар бўлди, шаҳиди Қарбало бўлдум.

Талаб бозориға кирдим, табиби ишқдин с ўрдум
Ки, дардимға даво топмай, бу дарди бедаво бўлдум.

Аё дилбар, келиб айла бу Машраб с ўзини тадқиқ,
Йўлунгга жон фидо қилдимки, ишққа муқтадо бўлдум.

* * *

Ушал кун сенга, эй шўхи ситамгар, ошно бўлдум,
Давосиз дарди бедармонга охир мубтало бўлдум.

Ба бозори муҳаббат гавҳари қимматбаҳо эрдим,
Рақиблар олдида мисли садафдек камбаҳо бўлдум.

Қаландарвор ҳажрингда навою нолалар қилдим,
Сени дарду ғамингдин, эй нари найкар, адо бўлдум.

Ушал кун сенга паймон боғладим, эй шўхи бепарво,
Тамоми ҳамнишину ошнолардин жудо бўлдум.

Муҳаббат ўти куйдурди юрак-бағримни, эй Машраб,
Куюб кул бўлди жисмим, нест бўлдум, зери по бўлдум

Кўрдум юзунгни девона бўлдум,
Ақлу хушумдин бегона бўлдум.

Тортиб жафолар ўлсам кўйингда,
Тонмасман харгиз — мардона бўлдум.

Кавсар шароби ёдимга келмас,
Лаъли лабингдин мастона бўлдум.

Юмдum кўзумни сендин бўлақдин,
Кечтим, боридин бегона бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг,
Куйдум, уруб чарх нарвона бўлдум.

Ишқинг майнга пур бўлди жисмим,
Ҳам соқию ҳам паймона бўлдум.

Бир қатра эрдим чўмдум денгизга,
Кирдим садафга-дурдона бўлдум.

Куйдурмаса ўт, бўлмас ёғоч чўғ,
Ишқ ўти бирлан ҳамхона бўлдум.

Бўлдум фаио мен-туфроғ ичинда,
Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд бўлди побуд,
Обод эрдим, вайрона бўлдум.

Куймас дедилар маъмуран ганж,
Ишқинг ўтида сўзона бўлдум.

Тегди кўзингдин жонимга минг ўқ,
Дашт эрдим аввал, гулхона бўлдум.

Бир неча йилдур ёрдин жудоман,
Төнмай мен они ҳайрона бўлдум.

Санги маломат тегди бошимга,
Яхши-ёмонга афсона бўлдум.

Машрабга май сун майхона ичра,
Кечтим ҳамадин риндона бўлдум.

* * *

Аё дилбар, сени кўрдум, баса мен мубтало бўлдум,
Сени кўйингда, эй барно, гирифтори бало бўлдум.

Хаданги новаки мужгонларинг ҳар дам тегиб ўтти,
Қизил қонимга булғониб, шаҳиди Карбало бўлдум.

Ҳаётим оразингга сарф қилдим, билмадинг аммо,
Сени деб мен ҳамиша дину дунёдин сиво бўлдум.

Менингдек ошиқу дилхастае ҳеч бўлмасун, ёраб,
Нечук кўнгул узай сендин, азалдин ошно бўлдум.

Нисори мақдамингга, кўйингга бошим фидо қилдим
Ки, тиғи ханжаринг тегди-ю жонимдин жудо бўлдум.

Юрурман жустужў айлаб кеча-кундуз фироқингда,
Висолингдин хабар топмай эшикларда гадо бўлдум.

Бу Машрабга тараҳхум айлагил, эй дилбари зебо,
Фироқингда азиятлар кўруб, бас, бенаво бўлдум.

* * *

Базми шамъингдин замона ичра бир гирён ўзум,
Доимо парвонадек шамъ ўтига сўзон ўзум.

Қаҳрабо эрмиш жаҳон даврида афғон айлаган,
Чун фалохун доимо саргаштан даврон ўзум.

Шоҳлик бирла гадолик, бил, баробардур менга,
Гоҳи ҳажрингда гадо, васлингда гоҳ султон ўзум.

Чин аро кўргач хадапги новаки қош ёсини,
Сийначок ўлган шаҳиди тийри бепайкон ўзум.

Дарғаи васлинг тилаб, айб этма, афғон айласам,
Машраби саргаштан ғамдидаи ҳижрон ўзум.

* * *

Гулшани боги даҳр аро булбули нағмагар ўзум,
Бир бутти бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.

Кўюнга дам-бадам бориб, навҳау зорлар қилиб,
Шому саҳар фиғон этиб, ҳофизи хуш асар ўзум.

Ё шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,
Ёр била кўкни куйдуруб кавкабаю қамар ўзум.

Жоми майи луоб ичиб, Мажнуни бенаво бўлуб,
Нозу карашмалар қилиб, Лайлийи ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдуруб, бедили навҳагар ўзум.

Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундуз мудом,
Саҳарда бедор ўл дединг, ки, дояи саҳар ўзум.

Хисрави комрон бўлуб, Рустами Достон бўлуб,
Бир зўр наҳлавон бўлуб, Ҳамзан раҳнагар ўзум.

Олими нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

* * *

Хажру фироқинг ўтида ошиқи беқарор ўзум,
Ой юзунг иштиёқида ошиқи хоксор ўзум.

Холу хатингни кўрмасам, йўқтур қарорим, эй санам,
Ишқинг ўтига мен куюб сўхтаи дилфигор ўзум.

Исо чиқиб ҳаво уза кўрмади маънуқ юзини,
Икки жаҳон ичинда бил, сенга гирифтор ўзум.

Юзунгни кўрмасам агар, бўлмагай эрдим интизор,
Раҳм айлагил бу ҳолима, ошиқи беқарор ўзум.

Куйди юроким ўртаниб жабру ситамларинг билан,
Оҳима жовидон куяр, оташи тобдор ўзум.

Кўксума ханжаринг тегиб, оҳ ила аршни куйдуруб,
Қонима жисму жон бўяб гулшани лолазор ўзум.

Чини Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ҳодийини, толиби роҳ-барор ўзум.

Пинҳон Зулайхо доимо Юсуфга интизор эди,
Икки жаҳонда ёрнини излаган ошкор ўзум.

Ҳар нафасики менда бор бўлди мадад Офоқ Хожам,
Бўлмаса бир қуруқ ёғоч, даштида кўҳсор ўзум.

Қуддиса сирриҳу Хожам отимни Машраб дедилар,
Қошгару Ёрқанд ичида соҳиби гўфтор ўзум.

* * *

Дунёки пуштипо уруб Адҳами бенаво ўзум,
Авжи фалакда юругон кавкаби пурзиё ўзум.

Банда — умам, Умам ўзум, на миннат ўзгадин тақи,
Йўқтур табиба ҳожатим, дардима ҳам даво ўзум.

Мен тилабон дийдорипи кўҳи Тур узра дам-бадам,
Мусолайин асо олиб тунқотори худо ўзум.

Қуфр ила дин мазҳабида ҳеч кима йўқтур нисбатим,
Ҳам санаму, ҳам ошиқу, ҳам шоҳу, ҳам гадо ўзум.

Мажнуни бенаво деманг, лайлу наҳор бўзласам,
Майлисини сўроғлаган Мажнуни бенаво ўзум.

Ҳуру биҳишту кавсаринг — кўзима бир қуруғ работ,
Васлингга йўл топай десам, раҳраву раҳнамо ўзум.

Асли насабим сўрасанг бир қора қулни ўглиман,
Баҳри муҳаббат ичида гавҳари бебаҳо ўзум.

Машраби Маҳдий айтадур олами бевафо аро,
Бир бути бебадал учун ошиқи мубтало ўзум.

* * *

Англа бу сўзни, эй санам, ошиқи муддао ўзум,
Асли дилида дарди кўп, дунёда бедаво ўзум.

Элни сазойи қилмагил, ёлгуз ўзумни айлагил,
Юрдуму кўрдум ҳамани, дунёда пургуноҳ ўзум.

Дунёга барча махлуқинг бир келибон бир кетадур,
Қунда мени минг ўлдурур, пуршўру пуржафо ўзум.

Зоҳид элига фосиқу, гумраҳу, осий, пургуноҳ,
Ҳақнинг қошида мартабам-уммати Мустафо ўзум.

Ошиқ эурсан, эй рафиқ, кўрқмаки жонинг ваҳмидин,
Қилса мадад ўзи вале, дардима ҳам шифо ўзум.

Қатраи май тотурмасанг ол бу жонимни, эй санам,
Сенсиз бу дунё ичида ўлмакима ризо ўзум.

Парда кўтаргил, эй санам, рози дилимни айтайин,
Барча ошиқлар олдида аввали додхоҳ ўзум.

Естониб эшикин пирим, солди бозори кўйига,
Сўрмадинг бу нечук фақир, Машраби хокино ўзум.

* * *

Ишқ водисидин бир кеча мен хай-қалаб ўттум,
Монанди найистон гулига ўт қалаб ўттум.

Офоқни бир лаҳзада кездим на ажабдур,
Мино тоғидин акка сифат ҳаққалаб ўттум.

Отгим фаши досторини девоналиғ айлаб,
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум.

Билдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,
Мардона бўлуб, балки, этак силталаб ўттум.

Дунё ясаниб, жилва қилиб олдиқа келди,
«Борғил нари!» деб (кетига) бир шатталаб ўттум.

Билдимки они душмани маккораи айёр,
Ло тирноғи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони худо дедикки: «Дунё майи аччиғ»,
Аччиғлигини билмак учун бир ялаб ўттум.

Нафс кофири бирла туну кун қилдим урушни,
Тапҳо қиличи бирла уруб, қиймалаб ўттум.

Хомуш пичоғин ҳар дам онинг бўғзига қўйдум,
Чўғ найзаси бирла кўзини найвалаб ўттум.

Девонан Машираб, бу сўзунг дардга даводур,
Ошиқ элининг кўнглига бир ўт қалаб ўттум.

* * *

Сени кўрдум ҳама элни унуттум,
Жаҳон лаззотидин кўнглаум совуттум.

Сенга бердим дилу жопимни ул дам,
Биҳишти жовидон таркини туттум.

Висолингдин, лабингдин эл май ичти,
Фироқинг бирла мен хуноба юттум.

На қаттиқ кун эди, эй роҳати жон,
Сенингдек офати жонга юлуқтум.

Кеча-кундуз мудом андиша қилдим,
Сенинг мислинг йўқин кўнглумда туттум.

Танимсан ҳам азиз жоним эурсан,
Изинг ҳар ердадур кўзумга сурттум.

Қабул қил, хоҳ қилма, ҳасратингдин
Кезиб чўлларни сўнгоким чуруттум.

Ғаминг кўнглумга, фикринг жонима қут,
Ҳаёт истаб хаёлинг захрин юттум.

Тилимда ё дилимда ўзга бўлмас,
Қасамёд айладим, сўзни тугаттум.

Ғаҳи васлинг муяссар бўлмаганда,
Хаёлинг бирла кўнглаумни овуттум.

Сени ҳам кўрмаган, ҳам топмаган сун,
Ғаминг бирла иковлон гўша туттум.

Қачон кўрдум қизил ўтдек юзунгни,
Вужудум куйдуруб, кулдек тўзуттум.

Ўтун янглиг куюб ишқинг ўтида,
Адам бўлдум, борин баҳридин ўттум.

Эрур Машрабга ишқинг жовидоний,
Кечани ишқ-ла кундек ёруттум.

* * *

Бир даме ман фориғи андишаи ғам бўлмадим,
Лаҳзаи руҳонилар қавмига ҳамдам бўлмадим..

Айтинг-айтинг, бандаи холиқ ўзи бандам десун,
То ўзи бандам демай ҳаргиз мукаррам бўлмадим.

Бир ҳасе чўпни кўрунг ҳақ зикрини бисёр дер,
Мен нечук жоҳиддуман хасдин муқаддам бўлмадим.

Бехабарликда умр чун зое ўтти, Машрабо,
Во дариго умрум ўтти дийда пурнам бўлмадим.

* * *

Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум,
Юз ранжу бало шиддатидин ўргулуб ўттум.

Дунёга кўнгул берса киши бўлгуси расво,
Бу фойий жаҳон мулкига шатто уруб ўттум.

Билдим мен они душмани маккор эканини,
Мардона бўлуб белга этак қистуруб ўттум.

Жон олгучи Азроил эмас, ул ўзи билгил,
Невчунки, они бирла мен улфат бўлуб ўттум.

Машраб сени деб ушбу жаҳондин кўнгул узди,
Девона бўлуб ондин эшоким суруб ўттум.

* * *

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўттум.
Биҳишту хуру гилмөнинг пучак пулға сотиб ўттум.

На айлай оби кавсарни нигорим бўлмаса соқий,
Харобот ичра бордум, қатра май ондин тотиб ўттум.

Аё дўзах, мени куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз!
Тамуғдин ишқ ўти пузэўр, анинг захрин ютиб ўттум.

Ки жон олғучини кўрдум, дедим: «Олгил бу жонимни,
Ажал қочди, уруб-қувлаб мен оңи кўрқитиб ўттум.

Солиб бозори ишқингга матон жисму жонимни,
Харидор сўрмади ҳаргиз бу жонимдин кечиб ўттум.

Висол айёми бўлгонда, кўрунг, бахти сиёҳимни,
Бошимга келса ёрим — мен ётиб ухлаб, бўкиб ўттум.

Қуюб ўтгон мени — девона Машрабин сўрар бўлсанг,
На ерда ахли дард топдим, кўзум ёшин сениб ўттум.

* * *

Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае, сарсона Машрабман,
Қуюндек шамъи хуснунг айланиб парвона Машрабман.

Жаҳонда ҳар на боримни йўлида айладим барбод,
Паридур ё малак ондин бўлак риндона Машрабман.

Ишимдур фақри йўлин тай қилиб қатъи тааллуқдин,
Ичибман туну кун май, толиби майхона Машрабман.

Мени зоҳир кўз ила кўрган эл ўзда гумон айлар,
Вале эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

Саросар сайр этибон ҳар тарафга дашту сахрони,
Ўзидин беҳабар ҳам хуши йўқ, девона Машрабман.

Чу менда содавашлиг вазъидин бир ўзга сир йўқдур,
Очуқ аъзо, ёруқ тан, халқ аро вайрона Машрабман.

Топибон ўз йўлунг, тарк айла зоҳидлик йўлин, Машраб,
Муҳаббат жөмидин то май ичиб мастона Машрабман.

* * *

На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман,
Кўролмаи гульюзоримни бәсе гирёна Машрабман.

Қаландарвор йигларман эшикларда фиғон айлаб,
Халойиққа бу оламда бәсе афсона Машрабман.

Назокатлик нигоримдин ўшал соат жудо бўлдум,
Куюб ҳижрон ўтида доимо сўзона Машрабман.

Мен унга дарди зор айтиб — эшитиб йиглайин, дерман,
Кўрай деб ул вафодорим юруб жўёна Машрабман.

Фалакнинг жабри кўксумда, алам узра аламлардур,
Тараҳҳум айлабон кўргил, жароҳатхона Машрабман.

Менинг кўнглум қизил гул гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Очилмасдин хазон бўлгон чу мотамхона Машрабман.

Висолингни тилаб Машраб етибдур ҳалқума жоним,
Кеча-кундуз қарорим йўқ, ажаб сарсона Машрабман.

* * *

Санамнинг шавқида тинмай юруб оввора Машрабман,
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайини менда,
Сени деб икки оламдин кечиб безора Машрабман.

Улиб кетсам, лаҳад ичра сўнгакдин кетмагай дардинг,
Ўаҳонда тонмадим чора ки, мен — бечора Машрабман.

Анодин қай қуни бўлдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,
Муҳаббат даштида юрган бўлуб оввора Машрабман.

Муҳаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўқ,
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлини, эй зоҳид,
Тилим кессанг тиёрим йўқ, деган: «Дийдора» Машрабман.

Халойиқлар мени қувлар, ёмон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маҳрум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халқ аро ихфолиғимни ҳеч киши билмас,
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,
Намозу рўзаддин фориғ бўлуб сайёра Машрабман.

* * *

Мен мубтало на айлай хамадин сиво тушубман,
Юрагимни ўртади гам ки, балога во тушубман.

Дили мижмаримдур оташ, урадур шарора ҳоло,
Бу хароб даҳр аро мен яна гумроҳ тушубман.

Нафасиму руҳи поким, назаримда оби хоким,
Мени дардли сийна чоқим, нафаси Исо тушубман.

Бу надоматимни кўргил, меней интизора раҳм эт,
Бу аламни киштаенга мен пораво тушубман.

Мен учун тузатти мулкe бу жасадни подшоҳим,
Бу танимни мулкига мен яна подшо тушубман.

Деди, Машрабо, талабдин сира қолма ганж бисёр,
Ки ҳазор давлатингга дили Зикриё тушубман.

* * *

Жамолинг соғиниб шому саҳар мен зор йиғларман,
Жунун саҳросида девона — мажнунвор йиғларман.

Сенга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ,
Паришон ҳолу саргардону дилафгор йиғларман.

Юзунг шамси зуҳо, моҳи мунаввар, эй пари пайкар,
Лабинг лаълу, лисонинг шаҳду шаккарвор, йиғларман.

Хатинг боғу баҳору, лола, сарву суман эрди
Ки, мен чу булбули шўридаи гулзор йиғларман.

Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тўла қон оқти,
Агар ёдимга тушсанг, эй пари рухсор, йиғларман.

Кўрай деб орзу айлаб жамолингни мен, эй зебо,
Турубдурман эшигингда, аё ғамхор, йиғларман.

Илоҳи мағфират дарёсидин Машрабни шодоб эт,
Ҳамиша, шайъалиллоҳ, деб қаландарвор йиғларман.

* * *

Фироқинг ўтида, эй гулўзор, йиғларман,
Тилаб висолингни тунлар зор-зор йиғларман.

Нетай, на чора қилай, васлинга етолмасман,
Фироқ даштида чу абри навбаҳор, йиғларман.

Ғаҳи тушумда кўруб гул юзунг Зулайходек,
Дилимни пора қилиб лолазор йиғларман.

Ғарибу, бекасу, бечора ҳамдамим йўқдур,
Тушуб бу гамзада кўнглумға ёр йиғларман.

Қани мусоҳиби ҳамдам, қани қадрдонлар,
Қани муҳиббу, қани дўст-ёр, йиғларман.

Сўрогладим бу жаҳон мулкини саропойин,
Топилмади ки сенингдек нигор, йиғларман.

Қаён борай, тугатай кимга айтибон дардим,
Юроким ўртанибон пуршарор йиғларман.

Таваккал айла худо қисматиға, эй Машраб,
Танимда жон борича интизор йиғларман.

* * *

Ишқинг ўтига ўртаб ҳар дам чу куяй дермай,
Ул шамъи жамолингга парвона бўлай дерман.

Мужгонинг ўқин отиб, қонимни тўқар бўлсанг,
Қошим била, эй жоно, оламни бўяй дерман.

Юзунг била қошингдин ўзгага назар солсам,
Ханжар олибон қўлга кўзимни ўяй дерман.

Раҳм айласа гар дилбар ҳам очса ниқобини,
Мен хастасиман, дўстлар, тўйгунча кўрай дерман.

Мен дашту муҳаббатда ташна бўлубон юрдум,
Сун васл шаробидин, эй соқий, тўяй дерман.

Машраб сени деб, дилбар, кечти икки оламдин,
Раҳм айлагил, эй жоно, васлингга етай дерман.

* * *

Ул дилбари раънони мен ёр тутай дерман,
Май берса агар ондин бир қатра тотай дерман.

Жаанат била ризвонни ҳам ҳур ила гилмонни,
Балки оби ҳайвонни бир пулга сотай дерман.

Олам ҳама лайлидур тун қоши қаросидек,
Боқиб юзига, ойдек рахшона кетай дерман.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,
Бир ўқ била мен они ондин йўқотай дерман.

Ҳу десам аналҳақ деб, олам бориси ҳақ дер,
Мансур каби бошимни дор узра тутай дерман.

Дўзах ўти сув бўлгай ишқинг ўтидин Машраб,
Ишқинг ўтидин ташлаб они қурутай дерман.

* * *

Даргоҳинга бир ожизи афгор келибман,
Арзи дилими айтгали чун зор келибман.

Йўқдур мени илкимда сенга тухфаи лойиқ,
Жуз зилли гунаҳ, эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалигимдин,
Расвои жаҳон, кўчаю бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,
Жон нақди била сенга харидор келибман.

Лутф ила карам айлаю дардимга даво қил,
Дармон тилабон мен сенга бемор келибман.

Зорийи тавалло қиладур Машраби мискин,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

* * *

Бул мусофир шаҳрида ҳар дам тутшиб ёнаман,
Ҳар қаён борсам букун йўлдин адашиб бораман.

На отам бор, на опам бор — ҳеч кишим йўқдур менинг,
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гувоҳ қилдим, худо, дунёда мён бўлдум гариб,
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бу фалакийнг гардиши,
Қисматим андоғ экан, мён жумлади мён бегонаман.

Бул яқомни чок этиб фарёду афғон айларам,
Барчани бағри бутуну мён дили садпорамаман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур сенинг,
Шукрилиллаҳ, ҳамма ерда толиби дурдонаман.

* * *

Кўзум йўлларда қолди, келмади дилдор, найларман?
Бўлубман мунгазир, кўргузмади дийдор, найларман?

Ул ойнинг итлари қилса садо, жоним умид айлар,
Қар● бахтим эмасдур уйқудин бедор, найларман?

Сеней беишқлар базмида беҳимматлар асҳобинг,
Меней мискин эшикнинг олдида чун зор, найларман?

Самовоти фалакка раъди оҳимни равон қилсам,
Ҳароратдин кул ўлгай гумбади даввор, найларман?

Бу кеча келмаса, тонгла тирик юрмак не имқондур;
Менга мотам тутуб йиғлар дару девор, найларман?

Намози шомдин то субҳ йўлунгга мен боқиб қолдим,
Тўла ҳасрат бўлуб турдум, дили афғор, найларман?

Алам бир, рангу ҳасрат ўзга, доғи ҳажр бир бошқа,
Бу Машраб бир сари танҳо гами бисёр, найларман?

* * *

Тинмайин юрдум бу гам даштида ҳайронлик билан,
Охир умрум ўтти, сад афсус, нодонлик билан.

Бир гули шодим очилмай бахт гулистони аро,
Ҳайф, умрум оқибат ўтти паришонлик билан.

Баски илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлик билан.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлик билан.

Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул,
«Куфр айттинг!» деб урарлар неча озорлик билан.

Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари қимматбаҳо,
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик билан.

* * *

Жилва қилурсан минг ноз бирлан,
Фарёд этарман овоз бирлан.

Зулмувгдин ўлдум, золим сифатлиғ,
Раҳм айламайсан эъзоз бирлан.

Кофир қилиқлиғ кўнглумни олдинг,
Жон қуши учди парвоз бирлан.

Гулдек эгилиб кирсанг эшикдин,
Девона қилдинг юз ноз бирлан.

Машраб ғарибинг қуйди ғамингдин,
Цола қилодур қиш-ёз бирлан.

* * *

Эй сапами парилиқо, жилвагари жаҳонмусан?
Оби ҳаёт — лабларинг, дилбари хуш забонмусан?

Оинаи жамолинга ончаки интизор эдим,
Бир куни демадинг менга: «Ошиқи нотавонмусан?»

Ҳар киши сенга бир боқар, сув бўлубон эриб оқар,
Юзларинг олма, дилёқар, гулчан аргувонмусан?

Васлинга юз имо қилиб, ваъдани доимо қилиб,
Охирида жафо қилиб, куйдурғучи иймонмусан?

Эй, сўзларинг билан сенинг, хаста кўнгул фараҳ тонар,
Лаззати жон, эй пари, сен меван бўстонмусан?

Машрабинг жон фидо қилур, кунда тавофи кўюнга,
Сўрмадинг, эй ситамгарим: «Раиқи сариг сомонмусан?»

* * *

Ўлдураини дермусан ё куйдураини дермусан?
Бошима юз минг балолар келтураини дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мужгонларинг бедод этиб,
Кашмири тил бирла ҳолимни сўраини дермусан?

Юз туман боғи жаҳон юзини бир-бир кўрсатиб,
Казбан кўйингга охир бордураини дермусан?

Осмондин ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,
Қуш каби болу паримни юлдураини дермусан?

Шоҳбози ломакон кўнгул қушини овлабон,
Табл уруб, долбой қоқибон кўндураини дермусан?

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чўлғаманг,
Ул қизил қон бирла қўйнуи тўлдураини дермусан?

Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антахур,
Судратиб дор остига олиб борайини дермусан?

Ишқ аро дарду балоларники солдинг бошима,
Машрабингни ишқ ўтида куйдураини дермусан?

* * *

Жилва айлаб шўхлуқдин жоним олгон сенмусан?
Ё менинг руҳи равоним, жисм аро жон сенмусан?

Бу бошим айлантурур ишқинг шамоли ҳар тараф,
Гулшани ишқингда қилгон беда ларзон сенмусан?

Ичмайин васлинг шаробин тегди бадномлиғ ўқи,
Ҳасратингда айлаган ер бирла яқсон сенмусан?

Зийнати ҳуснунгни истаб топмадим дурру гуҳар,
Маъдани кўздин чиқоргон дурри маржон сенмусан?

Шамъдек эл базмини равшан қилиб ҳуснунг билан,
Жоним ўртарға фироқинг нори сўзон сенмусан?

Меҳнату дардимни сўрмай, гунчадек оғзинг очиб,
Элга ишрат боғи ичра гули хандон сенмусан?

Соядек юрдум оёгинг излариға суркулуб,
Боқмадинг бир дам туруб, сарви хиромон сенмусан?

Ҳар кўнгул сайди учун зулфунг камандин ўйнатиб,
Сеҳр этиб ақлу ҳушим, қилгон паришон сенмусан?

Ҳар замон айлаб ғазаб Машрабга тортиб тиги тез,
Бу таним сон-сон этиб итларға солгон сенмусан?

* * *

Дилбари хуш адоиман мунча чучук бўлурмусан?
Омада дар канори ман бир даме ўлтурурмусан?

Пешн камон абрўят хаста кўнгул нишонадур,
Сийнаи худ кушодаам, гамза ўқин отурмусан?

Фасли баҳор гул чоғи лутф этибон чоғир ичиб,
Ошиқи зори хешро лаҳза қучуб ётурмусан?

Аз сари ту ду кокилат печ урадурки ҳамчу мор,
Зорин арз агар кунам ҳоли дилим сўрурмусан?

Бўсан лаб талаб кунам, қаҳр этибон товлама,
Нозу карашма кардан бу тилаким берурмусан?

Қуштан ман муроди ту, қош қилчии тортибон,
Омада боши бар сарам, қаҳр била урурмусан?

Оташи зулм мақун маро, қил менга раҳм, эй санам,
Бандан зар харидро бир йўли куйдурурмусан?

Аз дари ту кужо равам, ҳар неча қувласанг менн,
Ман аки остони ту, ҳажр ила ўлдурурмусан?

Ишқи ингор тарк кун, Машраб ани вафоси йўқ,
Ним назар намекунад мушчаки термулурсан?

* * *

Иптизорингдин чиқодур жоним, эй жон, қайдасан?
Раҳм қил, аҳволими қилгон паришон, қайдасан?

Фурқатингдин хаста бўлдум, таида тоқат қолмади,
Жон гамингда етти лабга, дардга дармон, қайдасан?

Демадингму, сен ёрингдин кеч бу дам, суйгил мени,
Шарту аҳдини унутгон аҳди ёлгон, қайдасан?

Мен Зулайходек фано бўлдум фироқинг ўтида,
Сен фароғат хотири Юсуфи Канъон, қайдасан?

Машрабинг топқайму излаб шаҳру саҳрони кезиб,
Юзи тўлгон ой каби, эй кўзи чўлпон, қайдасан?

* * *

Эй менинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бу кўнгул бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан?

Неча йиллар бу кўнгул муштоқ эрур дийдоринга,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Айрилиб мен ёрдин бир неча куп бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сани, сарви равоним, қайдасан?

Ҳоли зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл сўраб,
Эй менинг хуш меҳрибоним — ёри жоним, қайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб қолдим бу ғам сахросида,
Ҳасратингда чиқти бу оҳу фиғоним, қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, бўлди юрак-бағри кабоб,
Фурқатингда чашми оби равоним, қайдасан?

* * *

Май қатрасидин тотғали мастона қилибсан,
Расвои сари кўчаю бутхона қилибсан.

Ул шамъи жамолингга, аё моҳи дилафрўз,
Юз минг менидек бандани парвона қилибсан.

Эмди мени савдозадага Каъба на даркор,
Тарсою жухудлар била ҳамхона қилибсан.

Зулфунг ториға бандаи бечоралар ҳайрон;
Жопона, сари зулфунг агар шона қилибсан.

Бир жилваи ҳуснунг била чун барқи тажалли
Бул Машраби бечорани девона қилибсан.

* * *

Бўлмасам Мажнун, биёбондин нечук айлай сухан,
Чашма бўлсам менки, уммондин нечук айлай сухан.

Етганим йўқ ранг-баранг оламини бўйи маънига,
Бир гадодурманки, султондин нечук айлай сухан.

Сад ҳазорон илм ўқуб мен бир алифга лолман,
Билмасам—тафсир-и қуръондин нечук айлай сухан.

Ҳазрати Нуҳ кеттилар, мен айрилиб қолдим, дариг,
Кишт кўрмабманки, тўфондин нечук айлай сухан.

Ҳазрати Одам сотибдур жаннутал фирдавсни,
Чун етар бир дона, ризвондин нечук айлай сухан.

Ҳимматим бор эрди, заҳмат босди, побуд айлади,
Мўр бўлмабман, Сулаймондин нечук айлай сухан.

Кимки кишти дармаҳал қияди, кўкарди ҳосили,
Экканим йўқ дона, борондин нечук айлай сухан.

Машрабо, соҳиб талабларга ганур дил дардини,
Ўзгаларга ашки мужгондин нечук айлай сухан.

* * *

Йўқ парилар ичра, жонон, сен каби шириндахан,
Кўзларинг — жаллодваш, кифрикларинг — тири кам:

Бир қадингдек сарв ҳеч бўстон ичинда бутмагай,
Гулъузоринг гулға ўхшарму' ва ё барги сумап?

Кимни кўрса оқизадур қонини дарё қилиб,
Қайси жаллод бўлғуси қошинг каби шамширзан?

Гунчан лаълингга ташбиҳ айласа эрмас адаб,
Ҳадди эрмас садқанга лаъли Бадахшону Ямац.

Оташи лаълинг ичидин оби ҳайвон хуш етар,
Хуққаи ёқут ичинда тишларинг дурри Адап.

Сунбул ўлгай зерипо ё заъфарон ё удким,
Барчани абтар қилур ул сунбули анбаршикан.

Пираҳан рашки ўти жонимдадур, тангри учун,
Жисму жоним сен била бўлгай қачон, эй сиймтан

Боғи ишратда йўқ эрсанг — бир тикбидур кўзга гу:
Гар хаёлинг ўлмаса кўнглум эрур байтулҳазан.

Меҳру, моҳу, лаълу гулни кўрмасам, ул юзунга -
Хилвате бўлса, бўлуб парвона боқсам жону тан.

Донаи холу лабинг ўтлуғ юзунгда, эй пари,
Оташин жисмим аро кўнглумдадур мушки Хўтан.

Раҳм қил Машраб қулунгга, хастою зоринг сенин
Давлатинг поянда қилсун ул худои зулминан.

* * *

Такаллум айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин,
Тасаддуқ бўлса жоним чаҳ бошингдин, гоҳи жонингдин.

Борурсан кеча-кундуз ою кундек ҳар тараф ёлгуз,
Топиб бўлмас сени бир ерда сокин ўз маконингдин.

Хиромон йўлунга помолнинг ул шамшод ила тўби
Оёғинг ўпсун, ўргулсун ўшал сарви равонингдин.

Бирор йўл илтифотингни томоша айлаган бедил
Қиёмат тонги отсун бош кўтармас остонингдин.

Таҳидур қўлларим, илкимда зарра нақдинам йўқтур,
Илоҳи баҳравар қилгил ҳаёти жовидонингдин.

Кўзунг жон олғали қотил, сўзунг жон берғали мойил,
Масеҳо, сенму оё, жон насими келди ёнингдин.

Эгилмас то қиёмат нўш қилган болаи лаълинг,
Шимиб чекса тили бирла ийиб шаккар забонингдин.

Дило қатъи умидинг узма, алтофига кўз тутгил,
Тараҳҳум ё тазаллум ҳарна келса меҳрибонингдин.

Тилар Машрабки бир кун ғунчан таъбинг очуқ кўрса,
Тамошо айлай-айлай ўтса сахни гулситонингдин.

* * *

Минг аналҳақ келадур Мансур осилган дордин,
Ҳар замон лаббайка деб келгай нидо жаббордин.

Олими гуфтор бўлма, фозили кирдор бўл,
Бандаларни ҳақ сўрар маҳшар кун кирдордин.

Барча халқ савдосини қилдики, сен қолдинг бу дам,
Кимки камхаржи эрур хушк қайтар ул бозордин.

Мори зоҳир саҳл эрур нафс аждаҳоси олдида,
Машрабо, қўрқмасмусан, кўнглунгда нафси мордин.

* * *

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,
Юроким рахналар бўлди бу ишқнинг можаросидин.

Хаёлимда сенинг васлинг тополмасман, мени ҳайрон,
Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,
Рақиблар шодмон бўлди нигоримнинг жафосидин.

Санам, сепсиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликнинг бақосидин.

Санам, ишқинг ўти охир мени бехопумон этти,
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.

Хароб ўлди менинг кўнглум, кишим йўқтурки роз айтсам,
Сўнгоқлар рахналар бўлди дилимнинг оху восидин.

Сени ишқинг била йиғлаб, агар маҳшарда оҳ урсам,
Куярлар мўмину кофир бу Машрабнинг навосидин.

* * *

Эй гул баданим, гул юзунга банда бўлойини,
Қурбони шакар лаблари пурханда бўлойини.

Рухсори гулуиғдин сен агар нарда кўтарсанг,
Кўнглум очилиб буябули ноланда бўлойини.

Мастона кўзунг ногаҳ агар ёдима тушса,
Ху-ху қушидек кечалар гўянда бўлойини.

Куйдурди мени бир боқишинг, дилбари раъно,
Ҳайрат билла мен ошиқи шарманда бўлойини.

Пардангни олиб мен сари гар биргина боқсанг,
Ул дам мени мотамзада дар ханда бўлойини.

Бул Машраби бечорага ҳар кез назар этсанг,
Мен бандан ул наргиси пурханда бўлойини.

* * *

Йигласам вақти дуо бўлгаймукин?
Кўз ёшим дардга даво бўлгаймукин?

Бодаи ишқу муҳаббатдин ичиб,
Шавкати дунё жудо бўлгаймукин?

Йигламоқдин менга имкон қилмади,
Ёрдип менга нидо бўлгаймукин?

Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,
Ўлмайин дардим адо бўлгаймукин?

Машрабо, куйдурди ёр, ҳолим хароб,
Арз этарга додхо бўлгаймукин?

* * *

Дод айлаб ёрнинг кўйида юрган бормукин?
Тун-саҳарларда дили розини сўрган бормукин?

Мен ғариб ҳайрон бўлуб қолдим биёбонлар аро,
Жон чиқар ҳолатда ҳам ёрини суйган бормукин?

Зарраи кўнглум ўти чиқса жаҳонни куйдирур,
Дарғаҳиға бош қўюб, дийдор кўрган бормукин?

Ул қиёмат даштида ҳар ким юрур ўз дардида,
Дод этарман ул замон арзимни сўрган бормукин?

Май ичиб Машраб азалдин, маст кетти оқибат,
Жонни бермасдин бурун, жонингга етган бормукин?

* * *

Ёрни кўйида ўлган бормукин?
Бир ўлуб, қайта тврилган бормукин?

Ёрни васлини излаб, чарх уруб,
Термулуб йўлларда қолган бормукин?

Қатл қилмоқға ҳукм этгониди,
Ёлбориб бўйнини сунган бормукин?

Шоҳбози ломақон — султони ишқ,
Табл уруб долбойға қўнган бормукин?

Неча йил Офоқ Хожам хизматида,
Шул Хўтан даштида юрган бормукин?

Мен каби тарсою расволар бўлуб,
Бўйнига зуннор солгон бормукин?

Тонгла маҳшарда йиғилса жумла халқ,
Оҳ уруб маҳшарни бузган бормукин?

Кеча-кундуз зор бирла йиғлабон,
Кўз ёши Жайхунча оқган бормукин?

Дод этар Машраб Хўтан сахросида,
Бир замон додиға етган бормукин?

* * *

Мажнуи ўла кездим неча йил дашту биёбон,
Лайлини сўроглаб юрудум бесару сомон.

Бу арзи дилимни эшитиб, раҳм айла, нигорим,
Васлингни тилаб кимки менингдек сенга хайрон.

Юз жоним агар бўлса сенинг йўлуиғга эҳсон,
Хуштур бу гадолиғ, на қилай тахти Сулаймон.

Маст айлагали бу мени — бечора ғарибни,
Бир ғамза қилиб ўтти қошимдин мени жонон.

Хуснунг сифатини ўқубон пирн муғонлар,
Девона бўлуб белни букуб бўлдилар урэн.

Ишқинг ўтида бу юрагим ўртанадур, оҳ,
Өхир бу таннм бўлғуси ишқ ўтида бирён.

Ҳажринг ғамидин бошима юз жавру жафодур,
Васлингга етай деб кезадурман кўзи ғирён.

Раҳм айлагилу маҳрами асрор эта кўргил,
Сен қар не десанг мен қилайин, банда — бафармон.

Бечора қулуиғ сенга деюр арзи дилини,
Бергил талабимни менга, эй холиқи инсон.

Соқийи азалдин майи бир журға тотубман,
Басдур менга бу, онинг учун, нашъаи даврон.

Эй дилбари жонон, сени деб хаста бу Машраб,
Тушти они бошига букун меҳнати ҳижрон.

* * *

Қонимни тўқар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон.

Минг шукр худойимга Мансурга қўшулдум мен,
Ул рўйи сияҳларким Мансурни ўлдурган.

Бу ишқ йўлига кирган, албатта кечар жондан,
Кечмаса агар жондан, айтган сўзидур ёлгон.

Ширин гамида Фарҳод, тоғларда этиб фарёд,
Ишқ ўтида ўртаниб охир чу фано бўлгон.

Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига бўлуб шайдо,
Чўлларда ватап айлаб кўз ёши равон ўлгон.

Ул зори Зулайхо ҳам Юсуфга бўлуб шайдо,
Кўрдунгму халойиқга расвойи жаҳон бўлгон.

Кўр Тоҳиру Зухрони халқ ичра бўлуб машхур,
Кўнглини бериб ёрга ишқини йўлида ўлгон.

Ишқ ўтида ўртанган ул Вомиқу Узро ҳам,
Маҳшар куни бўлганда жаннатда қилур жавлон.

Кўр ошиқ эранларни, эй Машраби девона,
Келганда ажал жоми жони била сипқоргон.

* * *

Мендин саломе бас сўйи жонон,
Эй бод, еткур арзи ғарибон.

Ҳам дардмандам, Бехонумонам,
Жоно, ту буди дардимга дармон.

Ҳарчанд моҳи қурбон келадур,
Ҳар дам қилурман жонимни қурбон.

Эй дўст, ту рафти то дида рўят,
Ёлғуз қолибман дар шаҳри ҳижрон.

Аз дури ту намонда сабрам,
Эмди кетарман тахти Сулаймон.

Бечора Машраб куйди ғамингда,
Монанди зулфат ҳолим паришон.

* * *

Бир каромат айлагил, бедасту бепоман букуи,
Умрум ўтти, во дариго, кўру гумромаи букуи.

Йўл хатар, манзил йироқ, безодлиг, ўтти умр,
Гоҳ ориф, гоҳ мўмин, гоҳ тарсомаи букуи.

Ҳеч билмасмаи ўзумни қайси миллат халқимаи,
Гоҳ восил, гоҳида маҳруми даргоҳмаи букуи.

Машрабо, иншои дил кўпдур, қани умри дароз,
Халқ айтурларки, мен машғули савдомаи букуи.

* * *

Зулфини савдосидин кўнглум паришондур букун,
Ёр васлин кўрмайин ер бирла яксондур букун.

Халқ аро гар шодлиғлар бор эмиш, мен кўрмадим —
Ҳар киши юз ғам билла чоки гирибондур букун.

Гар менга қилса назар хуршед дерман отини,
Гарчи андин бир кўрунса моҳи тобондур букун.

Бандидин Фарҳод қочти ғам тоғида беркиниб,
Хаста Мажнун ҳам кезиб чўлларда сарсондур букун.

Гар муҳаббат бирла қилса бир назар ул сарвиноз,
Жаннатул ризвон бўлур бу кулба эҳсондур букун.

Итларига ҳамдам этти Машраби бечорани,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойиб лутфу эҳсондур букун.

* * *

Ишқ саргардонидурман менда йўқ сабру суқун,
Толёим бўлди менниг рўзи азалдин вожгун.

Бир бузуғ оввора кўнглумга тополмам маҳраме,
Токи синган шишани қайтиб қилиб бўлмас бутун.

Дилдаги нақдимни мен йўлунгга барбод айладим,
Не машаққатларни торттим сен гули раъно учун.

Душмани ғаддор дунё қилди ҳолимни хароб,
Ҳеч мўмин мисли мен расвои олам бўлмасун.

Дўстлар ҳолимга йиғлар, душманим кўрса кулар,
Дард — кўп, ҳамдард — йўқ, душман — қавий, толеъ —
забун.

Юз жафо бошимга орттурди, вафосин кўрмадим,
Охири бори маломат қоматимни қилди нун.

Кеча-кундуз тинмайин кўп изтироблар айладим,
Роҳатим дилдин камайди, меҳнатим бўлди фузун.

Ғам кўзум термултуруб қўйди биёбонлар аро, '
Қонли ёшим қилди саҳроларни рангин лолагун.

Ҳақ йўлини топган ҳама дунёни таркин қилдилар,
Қўп, санам тарк айлагил, эй Машраби соҳибжунун.

* * *

Ай — алифдек қоматингдин ибтидо қилдим буқун,
Бе — балон доғи дардинг дилга жо қилдим буқун.

Те — тиловат қилгай эрдим ояти рухсорингни,
Се — савоби хатми қуръон интиҳо қилдим буқун.

Жим — жамолингни кўрай деб келдим, эй шоҳи жаҳон,
Ҳе — ҳаётим борича, ман илтижо қилдим буқун.

Хе — халойиқ ичра хуш хулқу некулик сандадур,
Дол — дилни олғучига ошно қилдим буқун.

Зол — зоил бўлмасун деб ҳар замон меҳринг сенинг,
Ре — работинг ичра таъмири вафо қилдим буқун.

Зе — зулфунг шомидин йиглаб юруб шому саҳар,
Син — селоби сиришкимни раҳо қилдим буқун.

Шин — шакарлиг лабларингдин меҳрибонлиг кўрмадим,
Сод — сабрим қолмади, оху наво қилдим буқун.

Зод — зоеълиг билан умрум ўтодур оқибат,
То — толесизлигимдин кўп хато қилдим буқун.

Зо — золим кўзларингни ғамзаси қилди хароб,
Айн — азиз жондин кечиб, жоним фидо қилдим буқун.

Ғайн — ғарибларга тараххум қилғил, эй султони ҳусн,
Фе — фарогат бирла арзимни адо қилдим буқун.

Қоф — қурбат васлидин бўлди мададкорим худо,
Гоф — гулзорида айни муддао қилдим буқун.

Лом — лабинг — кавсар, тишинг — гавҳар, хати лаълинг
ўқуб,

Мим — меҳробинг қошига иқтидо қилдим буқун

Нун — на бўлгай биргина кўрсам жамолинг, эй пари,
Вов — ваъда, дилбарим, кўксумга жо қилдим букуң.

Ҳо — ҳазил эрмас киши доғини пинҳон айласа,
Лом-алиф — лола сифат чоки қабо қилдим букуң.

Ё — ёрим-дилбаримга дуди оҳим сардини,
Ҳамза — сөкин — айлабон сўи самө қилдим букуң.

Ғардаи исматда сақла Машраби бечорани,
Дилрабо, номаҳраимни ошно қилдим букуң.

* * *

Эй фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо,
Булбули шўрида янглиг гулистонимдин жудо.

Найлайин, қилдинг мени охир гарибу бенаво,
Мубталои ғам қилиб кўксумда жонимдин жудо.

Кумри янглиг бандалик тавқини бўйинумга солиб,
Термудуб хайрон эдим сарви равонимдин жудо.

Оҳ уруб қон йиғласам айб айламанг, эй дўстлар,
Мен бўлубман тўтти ширин забонимдин жудо.

Кўҳ ба кўҳ, саҳро ба саҳро, Машрабо, юрмоқ надур,
Чугзи бевайронадурман ошёнимдин жудо.

* * *

Булбул эрдим қилди ғам охир гулистондин жудо,
Ҳар сў мотам бирла юрдум шаккаристондин жудо.

Сийначок эттим, менинг айбимни қилманг, дўстлар,
Қилди Яъқубни фалак хуршиди капъондин жудо.

Неча савдоларни кўрди бу менинг ғамлик сарим,
Бўлмадим бир соате зулфи паришондин жудо.

Норасони дастига, ёраб, бу гавҳар тушмасун,
Қадр топмас ул нигин дасти Сулаймондин жудо.

Шодмоний изладим, бошимга ғам келди ҳама,
Бир замоңе бўлмадим бу оҳ-афгондин жудо.

Машрабо, ўлгунча, даргоҳида мақсудинг будур,
Хотирингни қилмагил мундоқ пушаймондин жудо.

* * *

Ғамза қилиб қошима кел, сенга қилай жоним фидо,
Куйди юрак чаки-чаки¹, оҳ нетай, бўлдум адо.

Ўлди бу Мажнуннинг хароб, Лайли, ғамингда тинмади,
Тўлди юракка ҳасратинг, куйди-ю бўлди мубтало.

Зоҳиди баҳра олмағон иззату ҳурматин тилар,
Тоати хушки зухдиға мунча қилиб кибру ҳаво.

Дод этадурман, эй санам, бўлса қиёмат ул куни,
Ҳаммага марҳамат қилиб, менга бу дарди бедаво.

Боди хазони бемаҳал умрума етти, найлайин,
Тавба қилибон ўлмадим сенга худои кибриё.

Машраби беқарори ишқ топса сени сўроғлашиб,
Қўйса бошини бўсоғага ҳосил ўлурму муддао.

¹ Ч а к и - ч а к и — ҳужжат, далил; ҳақиқатдан ҳам маъносида.

* * *

Хуш қолинг, мени эмди кетдим, эй ёронлар, алвидо!
Бошимга тушти гариблик, ормонлар, алвидо!

Бўлмагай эрди авалда кошки айёми ишқ,
Доғи ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар, алвидо!

Бўлди айёми баҳору сабза бўлди ер юзи,
Этти пайдо лоладек доғи ниҳонлар, алвидо!

Гар фалак куйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,
Бул жаҳонда қолмагай ному нишонлар, алвидо!

Нури дийдам, қуввати жону дилимиз, дўстларим,
Йиғламоқдин кўзларимдин оқти қонлар, алвидо!

Ҳар на бўлса Машраби бечорадин айланг биҳил,
Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!

* * *

Кўнглум олурга ул пари Мажнун шайдо қилдило¹,
Ақлу хушумни олиб беҳудлуғ пайдо қилдило.

Мастлиғ, беҳудлиғ ҳар кимга тегмас, дўстлар,
Май муҳаббат ичуруб ошиқу шайдо қилдило.

Келса ул нозук бадан минг ишва бирла дам-бадам,
Жоним олурга дилбарим қош бирла имо қилдило.

Дардманд ўлдум яна номехрибоним ишқида,
Шевасини кўрсатиб ошиқни расво қилдило.

Борму жаҳонда мен каби ишқ ила ҳарб айлаган,
Аҳли дард халқи келиб бир-бир томоша қилдило.

Машраби Ринди Умам, кўйинда жон берсам на ғам,
Ҳар гуноҳе ўтса мендин товбан оҳ қилдило.

¹ Ло — бу ерда ку ёки я юкласи маъносига қўлланган.

* * *

Саҳар сўзумға чирмашдимки, қилсам то рақам имло,
Ики бошим билан бир сажда қилдим, чун қалам имло.

Бошим бирла йўлунгда айланиб ҳар дам сужуд эттим,
Қародин баҳраманд айлаб қалам айлар «Сапам» имло.

Сужуди қошларинг ишқинда маъбадлар бино қилдим,
Гаҳи иншо калисо айладим, гоҳи ҳарам имло.

Сужуди ишқ бирла шарҳдин ийҳом этиб дардим,
Ҳақиқат тоғидин олтин қуюб қилдим дирам имло.

Қуёшлардин сочиқ барги хазон сепдим оёғингга,
Биҳишту ҳусни ҳурлардин қилиб фавқи ҳашам имло.

Шароби маърифат дурдин Махдий илгидин ичдим
Ки, гайри ошнолиғ помасин қилмас Умам имло.

* * *

Қилур Мажнун биёбонда надомат оху вовайло,
Бу ишқ бандига тушгонларни зикри доимо Лайло.

Эшитгач етти дўзах ваъминин кўнглим қачон қўрқар
Ки, ошиқ чашминин ёш оқса дўзах бўлгуси дарё.

Ки, дўзах йиглаб айтур: «Ол бу қулни ушбу ҳин, ёраб —
Ки, бизда қолмади тоқат бу ошиқ ўтидин асло».

Кел, эй дилбар, бу ҳолатда берай жоним олура бўлсанг,
Ғазаб бирла бошим чўлгаб қўлумни дар маҳал боғло.

Кел, эй Машраб, умид этгил, худойинг лоязол эрмиш,
Иноят бўлса ҳақдинким бўлурсан ёр ила танҳо.

* * *

Эй сабо, мендин дегил сарви равонимга дуо,
Гулшани васлига борсанг, меҳрибонимга дуо.

Қоматим нуудек бўлубтур доғи ҳижрони била,
Куйдуруб аъзон борим, дилситонимга дуо.

Ғунчадек лабдин тақаллум айлабон жоним олур,
Сўзлари дурру гуҳар ширин забонимга дуо.

Нақди жоним хирманин ишқ ила торож айлабон,
Мен — ҳазин юз шукр этиб ул роздонимга дуо.

Кору борим доимо ғам бирла, Машраб, муттасил,
Мушкул ишларни ечар давлатнишонимга дуо.

* * *

Ул шўх париваш била гар бода ичайно,
Сархуш бўлубон шишаи соғарни чекайно.

Маҳв ўлди кўнгулки апидек баҳим ўлмас,
Солғил назаринг менгаки, қурбонинг ўлайно.

Олуда бўлуб бош-оёғим жўши гунаҳдин,
Раҳм айлаки, ваҳ, газабингдин титирайно.

Помоли чаман сабза сифат бўлди вужудум,
Ташрифи қудуми қадаминг фатҳи этайно.

Машраб, турушинг мисли насимдур бу жаҳонда,
Бир дамда келиб, сайр қилиб, зуд кетайно.

* * *

Ошиқ бараҳман ўлса, санам хонаси лиқо,
Маъшуқ шамъ эса онинг парвонаси лиқо.

Бир дона ёзуқни ул дамки Одам айлади,
Исёни сабаб дўст юзи, хонаси лиқо.

Доғи оташ руҳум ўртади бағрим нечук тутай,
Наргиси майу оташи паймонаси лиқо.

Ваҳ-ваҳ қошу кўзларидин масти ноб ўлай,
Боқмиш юзумға дилбари жононаси лиқо.

Занжирларин солиб санамим зулфини ўруб,
Бўйнушни боғла, Машраби девонаси лиқо.

* * *

Зиҳи расволигим оламга солди шўру шар танҳо,
Наҳанги нўҳ фалак дарёси бўлди, алҳазар, танҳо.

Биҳишт айвонию тоқу равоқини орзу қилмай,
Нигорим бирла мен бир пираҳанда халқ бартанҳо.

Олурға дини дунёнинг матонин орзу қилмай,
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.

Бори Руму Хито божу хирожини орзу қилмай,
Чу Симургини парвоз айларам беболу пар танҳо.

Шаҳи рўйи замини, тахту тожини орзу қилмай,
Гадон фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо.

Дили тини ситамдин пора бўлган халқини кўрдум,
Зулм туғенидин ҳарён юрурлар дарбадар танҳо.

Назар то қутби олам қилмагунча бегумон билгил,
Нечук олгай жавоҳир баҳрдин соҳиб назар танҳо.

Бало дашти агарчи пурхатардур, ёнмағил зинҳор,
Қадам бу водига қўйғил бамисли шери пар танҳо.

Муҳаббатдин насими субҳи содиқ бўйи гул истар,
Қани бу булбули шўридадин оҳи саҳар танҳо.

Сени кўргунча то, эй позанин, таигрига топшурдум,
Мени мундоғ мусофир айлади даври қамар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасинда суҳбати маъшук,
Қини маҳрам бўлолмас ёрига, бўлмас агар танҳо.

* * *

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақн ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин зарраи тушса бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон ўртар.

Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард ила бўлуб хайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни ниҳон ўртар.

Мени беҳонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг айтсам ки, шавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларни чунон ўртар.

На қаттиг кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтига бул замину осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қат, ки менда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам ишқни баён ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмайсан,
Унум чиқса юракдин бу тапу жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошига солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

* * *

Зоҳид, мени айб этма, гул юзу, дудоғ ўртар,
Парвонани кўрдунгму, ҳар кеча чароғ ўртар.

Наргис кўзи бир дамда жонимни хароб айлар,
Лаъли лаби майгуни доғ устида доғ ўртар.

Зоҳид каби бўлгонлар, ишқ ўтини кўргонлар,
Бу ўт сори боргонда бир дамда йироғ ўртар.

Дилхаста бу Машрабни ҳар кечаю ҳар кундуз,
Гоҳ ўтли нигоҳ ўртар, гоҳ сўзи фироқ ўртар.

* * *

Бир жунуе манда бор юз маҳшаристонни бузар,
Чун ҳадис оят сўзин мункири қуръонни бузар.

Гарчи юз минг ғулу дод ишқ лангари бўлгайму деб,
Барқи мастон хез-хези хайли осмонни бузар.

Қуйдирур ошиқнинг оҳи дўзаҳу ҳафт иқлиминг,
Бу самандар аҳгари лавҳ, курси — осмонни бузар.

Ердин менга саломе ҳам паём бўлгайму деб,
Лашкари файзи саҳар васвоси шайтонни бузар.

Машрабо, сен иқтидорлик бандаларга улфат ўл,
Солиҳ ҳамроҳ бўлмаса, албатта имонни бузар.

* * *

Парда кўтариб ул шўх ҳар лаҳза итоб айлар,
Нози била ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Куйдурди мени ишқи, кўнглумда анинг завқи,
Ҳижрон ўтида шавқи бағримни кабоб айлар.

Гоҳ ғамза била чиқса, гоҳ ишва била боқса,
Зулф заңжирини ҳар дам бўйну­мға таноб айлар.

Ҳушумни тамом олди, ишқ оташиға солди,
Соқий қадаҳни сунмай махмури шароб айлар.

Қад — сарву, юзи — гулзор, Машрабни қилиб афгор,
Ҳам нозу итоб айлар, ҳам хонахароб айлар.



Шахду шакардин ортуғум, ороми жоним келдилар,
Кўнгул уйини кўргали руҳи равоним келдилар.

Кетиб эди ақлу хушум, билиб турурлар хоҳишим,
Йўқтур алардек ҳеч кишим, ширин забоним келдилар.

Соқий, менга сунгил қадаҳ, махмур эдим мен ишқида,
Шаҳри вужудим тахтига шоҳи жаҳоним келдилар.

Ёд айлар эрдим гоҳ-гоҳ, келгайму деб ул подшох,
Бўлди юзум монанди коҳ, ул дилситоним келдилар.

Доим анга ҳайрон эдим, ишқида саргардон эдим,
Мен Машраби гирён эдим, ул ёри жоним келдилар.

* * *

Менинг оху фиғонимга ўшал пайки сабо йиғлар,
Таассуф айлабон, бағри куюб шоҳу гадо йиғлар.

Юрагим порасини тонгла очсам, халққа кўрсатсам,
Шафоат айламасдин илгари ул Мустафо йиғлар.

Мусибат достонидин агар дафтар очар бўлсам,
Абу Бакру Умар, Усмон, Али-ул Муртазо йиғлар.

Бу дунё гурбатидан ҳеч фориг бўлмади кўнглум,
Биёбонларда оҳ урсам, Ҳусайни Карбало йиғлар.

Ўшандоғ тожу тахтини қўюб анвои нуруни,
Сулаймон ҳолатимга Осаф ибн Бурхиё йиғлар.

Ўшал нозук адони ҳажрига ким мубтало бўлса,
Саҳарлар нола айлаб, ўртаниб мотамсаро йиғлар.

Юрагим дардини очиб бировга кўрсатиб бўлмас,
Мени бахти қаронинг ҳолига бахти қаро йиғлар.

Сийнамни чок этиб, гўрдин кўтарсам хаста бошимни,
Куярлар мўмину кофир, ҳама воҳасрато йиғлар.

Ҳама ошиқларинг бирлан турарман бир тараф тонгла,
Худо қози бўлур сўрса, бу Машраб додхо йиғлар.

* * *

Бўюнгни, эй пари, монандан сарви расо дерлар,
Малоҳатлиғ юзунгни офтоби ваззуҳо дерлар.

Тамоми халқни бир ғамза бирла банд айлабсан,
Сенинг дастингдин ошиқлар ҳама: «Во ҳасрато!» — дерлар.

Бу позу ишва бирла ҳар замон уйдни кулуб чиқсанг,
Киши ўргулмаса сендин, ани юзи қаро дерлар.

Агар кифрик ўқи бирла бу қонимни тўқар бўлсанг,
Магар ишқ йўлида ўлсам, шаҳиди Қарбало дерлар.

Сочинг занжирила боғлаб кел эмди ол-бу жонимни,
Худо қози бўлуб сўрса мениким додхо дерлар.

Бу сўзни йиглаб айди кеча-қундуз Машраби мискин,
Бу оламда мени юз минг балоға мубтало дерлар.

* * *

Сени Лайлию раънодек ажойиб дилрабо дерлар,
Мени Мажнуни шайдодек кўйингда бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам,
Қи ҳарчанди наво қилсам, ҳанузам бенаво дерлар.

Бориб сўрдум табиблардин: «Бу дардимга даво борму?»
Алар айтурки: «Эй нодон, бу дарди бедаво дерлар!»

Боқибон ул пари кўз учидин ноз қилиб ўтти,
Рухи чун ул маҳи тобон анворил худо дерлар.

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан Фарҳод,
Алар ўтти бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Итини хоки пойиники Машраб кўзига суртти,
Нидо келдики оламдин бу кўзга тўтнә дерлар.

* * *

Гарчи ҳоил жон эса васл излаган жондин кечар,
Қим юзию кўзи ўтлуғ хорй мужгондин кечар?

Ошиқи содиқ қиё боқмас нарилар хуснига,
Тарк этиб жаннат ва ризвои ҳуру гилмондин кечар.

Ичмайқи кавсар шаробин огзини айлар чучук,
Зухд эли май тобидин, гулдек очилгондин кечар.

Қимки тонса жовидоний ишқ тар, қилмас назар —
Қим хазондек юз динор совриб-сочилгондин кечар.

Жонибидин ўзга ҳайрат бўлмағай, эй Машрабо,
Қимки майни бир тотур, қайтиб очилгондин кечар.

* * *

Қайси парининг сен каби дилбари гулғузори бор?
Қайси чаманнинг гуллари тири мижангча хори бор?

Ўтти жаҳондин ишқ эли, мен каби сенга йўқ гадо,
Сен каби қайда, эй санам, ишқ элининг нигори бор?

Ишқ ўтида жисму таним сурма бўлубтур ўртаниб,
Сурма қилурни истаса, офати жон хумори бор.

Учти назар қуши кўрунг, қолди кўнгулда чоҳлар,
Оҳуи ишқнинг ажаб лола у чашмасори бор.

Маҳзун кўзларим меннинг хотами ишқ айлади,
Машраби зор кўнглида жон ўртагувчи пори бор.

* * *

На ҳожат ҳожи акбар Қошғар узра мазорим бор,
Зиёи чашмима хоки даридин сурмазорим бор.

Мижам жоруб этиб кўз косасида сув сепай дерман,
Биҳишт айвони янглиг соз этмак ихтиёрим бор.

Менга қисмат азалдандур емак дарду бало қутин,
Бу ишрат гулшанида зулм элидин ғамгусорим бор.

Ити ичкап ялоғида менга ҳам тўъма бергай деб,
Тилаб кавсар шаробин зуҳд эли янглиг хуморим бор.

Мени кўрса қочадур шайхулислом Аҳраман янглиг,
Нечун, бўйнулга зулфи тори чирмашган туморим бор.

Азалдин мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим,
Шаҳид қонини сипқорғон шаҳаншоҳлардин орим бор.

Таним таронгидур, ҳар ёнда юз минг сояи ар-ар,
Ўшал оху кўзу ғам тоғи узра сарвзорим бор.

Мени Машрабнинг бўйинини итинг занжирига боглаб,
Эрур давлат, аёғ остида судратсанг на орим бор.

* * *

Мори бад мендин қочарким, кони нашта менда бор,
Баттарини халқдурмаң, нафси кофар менда бор.

Ҳар қачон дарвозан маргдин омон ўтсам вале,
Йўл хатардур, қўрқаман, юз минг балолар менда бор.

Бас, менинг нафсим худолик даъво қилди ҳар замон,
Йўлда қолғон барҳаманман, ташти ахгар менда бор.

Чун азалдин, дўстлар, ишқида куйган бандаман,
Мотамим бошимда кўндур, доғи дилбар менда бор.

Оташимни тоза қилманглар, қўйинглар, йиглаин,
Ўртаниб куйган бу Машраб доғи абтар менда бор.

* * *

Мавжи дарёи талотум шўриши маҳшарча бор,
Ерга тушса қатра ашким бахшиши гавҳарча бор.

Гавҳари ноёбни ҳар кимга зоеъ қилмагил,
Ҳақ сухан, бил, беҳабарни кўнглига наштарча бор.

Мен тасаддуқи ўшандоқ оли ҳимматлар бўлай,
Зикри оллоҳ — Зулфиқори чопиши Ҳайдарча бор.

Ҳар хасе чўбини кўрдум зикрини бисёр дер,
Ҳар пири комилки, ўз қавмига пайғамбарча бор.

Гар ўзи бир лутф қилса мўри лангни шер қилур,
Пашшаи логарни кўр, йўлида Искандарча бор.

Машрабо, қилма сухан сен ҳар нечук нодонга ҳайф,
Қадрини билган кишига ёқути аҳмарча бор.

* * *

Сетор деманг ҳоли дилим сўрғучи танбур,
Кўнглим гиреҳин, ғамларини сурғучи танбур.

Бир неча рақиблар сўзидин ғамзада бўлсам,
Ҳамдард бўлубон оғушима кирғучи танбур.

Кўтоҳназар эл буни ҳеч қадрини билмас,
Даргоҳи азалдин хабаре берғучи танбур.

Гар ёр жамолини кўруб пардаға солсам,
Нағмаси уни сийнахарош этғучи танбур.

Ҳам ёр жамолидек уни нашъаси бордур,
Хайрат ўтидин маҳв санам қилғучи танбур.

Ошиқ юрагидин чиқиб ўттек келибон ул,
Бир учқунига жумлани куйдирғучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути хунрса,
Жонимни ёқиб сийнахарош этғучи танбур.

* * *

Чиқсам кўчага шоҳсуворим келаду,
Гул гунчасидек лола узорим келаду.

Ҳар ёнға боқиб, кифрик ўқин халқга отибон,
Ўтларни ёқиб жонимға нигорим келаду.

Гулгун лабидин ишқ майин элга сунибон,
Ўз мастлиғидин кўзи хуморим келаду.

Жонимға тегиб ҳар соридин рашк қиличи,
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келаду

Келмай неча кун қайда қарор этти эканким,
Кўнглумдин олиб сабр-қарорим келаду!

Ўлмайму бу дард ила ки, эй ёру ёронлар,
Ҳар лаҳзада минг жоним олорим келаду.

Кундуз ё кеча ҳеч маҳал келмаган эрди,
Бул турфа кўрунг. лайли-наҳорим келаду.

Гул барги каби ғам била саргайди бу Машраб,
Не ғам менга энди ким у(л) ғамхорим келаду.

* * *

Гулгун май ичиб лола узорим келадур,
Ҳар ён сузулуб кўзи хуморим келадур.

Тишлаб лабини, мужгон ўқини менга отибон,
Чоғлаб юрагим кўнглум олорим келадур.

Зулфини тараб бошдин-оёғ зевар этибдур,
Суйбул ила гул боғу баҳорим келадур.

Илкида қилпч, тийри садоқи била ул дам,
Чопмай турубон жоним олорим келадур.

Машраби бечорани зор нотавон айлаб,
Ишқ ўтига куйдурғали ёрим келадур.

* * *

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,
Юз позу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддуқ анга айлай,
Рафтори била кўзлари мастона келибдур.

Девонаи шўрида, бу жонингни фидо қил,
Қокиллариқим белина чўлғона келибдур.

Зарроти жаҳон ичра куюб, ташналаб эрдим,
Жонона бўлуб соҳибни наймона келибдур.

Жонингни фидо айлагил, эй хастаи Машраб,
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.



Ишқингда мени волаю хайрон яратибдур,
Тарсобачани горатм имон яратибдур.

Бу дашту биёбонда ўларман, нетай охир,
Холиқ мени ташна, сени уммон яратибдур.

Жонимни олур бўлсанг, ол, эй дилбари раъно,
Биз гамзадаларни сенга қурбон яратибдур.

Тақдири қалам бошига етти, нетайин, ох,
Ҳажринг гамида бесару сомон яратибдур.

Арзимни сенга айтайин, эй шоҳи жаҳоним,
Бизларни гадоким, сени султон яратибдур.

Саҳрон гам ичра мени хайрону, харобу,
Лаб ташнаю дилхастау сарсон яратибдур.

Чун кўзларини жоду демак айни хатодур,
Тангри ани ўз майлича мастон яратибдур.

Мастона сифат ишва била нозу карашма,
Парвона сифат шамъига сўзон яратибдур.

Девонау Мажнун на қилур, йўқдур иложи,
Аз рўзи азал бағрини бирён яратибдур.

Девонаи Машраб на демиш эрса, ёронлар,
Айб айламангизлар, они нодон яратибдур.

* * *

Зебо санамим гулгуни зебо ясанибдур,
Қонимни тўқар, буки қизил тўн кийишибдур.

Билмам яна ул офати жон қайси маконда,
Қим бирла чоғир ичтики юзи қизарибдур.

Шахло кўзини жоду демак айни хатодур,
Тангрим ани ўз майлича танҳо яратибдур.

Сочиға қиё солсаки сочбоғи чиройлик,
Ул кокили лайлиси ажойиб ярашибдур.

Туфроғим уза лола унар вақтида, Машраб,
Қуйдурмоқ учун бағрима доғинг туташибдур.

* * *

Ху садоси дам-бадам зоти ҳувайдодин келур,
Англасангив бу садони шўри ғавғодин келур.

Ой юзунг то ҳову син алламал қуръон эмиш,
Лузу биллоҳ маънисининна фатаҳнодин келур.

Бандаи фармони ҳақсан, айтганини қил қабул,
Ушбу кун явмилушур наҳни қасамнодин келур.

Ҳар наким яхши-ёмон келса биллинг, эй одами,
Иннамо амволакум сўйи ҳувайдодин келур.

Сенки Машраб зотини, сўраб нетарсан отини,
Сен тиларсан зотини исми мусаллодин келур.

¹ Т о, х у, с и н — арабча ҳарфлар ном.

* * *

Латофат боғи ичра қоматинг сарви хиромондур,
Кўнгул қумриси тишмай доимо дар шўру афгондур.

Кўзунг жаллодваш, қошинг ҳилолу киприкинг ханжар,
Лабинг лаълу даҳонинг гунчаи садбарги хандондур.

Сен, эй зоҳид, менинг дарди дилимни ҳеч билмассан,
Юрокимга назар қилсанг, тамоми захми пайкондур.

Бихишт ичра қадам қўймам йўқ эрса ваъдаи васлинг
Ки, сенсиз менга бу жаннат бамисли нори сўзондур.

Ки, сенсиз найлайин ушбу жаҳонни, эй вафодорим,
Азоби қабр — ҳижрон дардидин албатта осондур.

Умиди кўп эди ранжур қилди ишқ Машрабни,
Агар мақсудга етмай ўлса, вовайлоу армондур.

* * *

Сенинг ишқингда, эй дилбар, юроким таҳ-батаҳ қондур,
Мухаббат ўтида ҳар дам куюб кўнглум паришондур.

Қачон чиқгай сенинг дардинг юрокимдин, нетай, мен зор,
Агар шул дард ила ўлсам, ичимда тўла армондур.

На бўлгай раҳм этиб сўрсангки мен кўнгли шикастангин,
Ҳамиша ошиқи мискин сенинг ишқингда ҳайрондур.

Сўрарлар баъзи одамлар: «Бу дардингга даво борму?»
Мен айтурман: «Биродарлар, бу дарди менга дармондур».

Кел, эй Машраб, бу ошиқлик иши душвордур билсанг,
Иноят бўлса гар ҳақдинки ҳар мушкул иш осондур.

* * *

Қурбон бўлубон кўзунга кифрик қоқинимдур,
Хайрона бўлуб юзунга ҳайрат боқинимдур.

Мифтоҳи беҳол ила очтим эшикингни,
Хурлар била жаннат сори бормоқ на ишимдур.

Аивори тажалли менга сут бўлди гизолим,
Фурқатда гамнинг — моҳазарим ёзу қинимдур.

Машираб, бу сўзунг ҳар бири минг маъни баёни,
Бедард кишилар билмади, бағрим тилишимдур.

* * *

Ажаб Мажнуи эрурман дашт ила сахрога сигмамдур,
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сигмамдур.

Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мендадур мавжуд,
Чу султони азалдурман, ки арш аълога сигмамдур.

Халил осо бу йўлда оташи Намруд — меърожим,
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дунёга сигмамдур.

Ризо мулкидаман ҳалқумни туттум тиги Акбарга,
Бу йўлда сийнаи поки Забунуллога сигмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим мен Каъбаи зоҳир,
Тариқат ҳожисидурманки, Байтуллога сигмамдур.

Гаҳи бўлдум фақиру, гоҳи шоҳу, гаҳ гадодурман,
Ажаб девонаман, фардоки маҳшаргоҳга сигмамдур.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи бехудман,
Жунун бозорида мастманки, истиғнога сигмамдур.

Гаҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин, гоҳи тарсомап,
Не кавнайн миёни лоу иллоллога сигмамдур.

Мудом мискин эрурман чуи ғуломинг — Машрабингдурман,
Мени бечора бу дунё билан уқбога сигмамдур.

* * *

Қошинг меҳроби, эй дилбар, менингким қиблагоҳимдур,
Юзунг меҳри кўнгулни равшан этмакликка моҳимдур.

Ибодатнинг қиёми — пойгоҳинг — хонаи Каъбам,
Изинг ул остони олий узра такагоҳимдур.

Икки олам хаёлоти менга қотил эрур, жоно,
Сишоҳин тартиб отланса менга ёдинг наноҳимдур.

Бу кўнглум майл бўлса гайрини ёдини қилмоқға,
Гаминг фурқат ўтида ҳарна қилса ўз гуноҳимдур.

Вале кўнглум қабул этмас ўзунгдин ўзгани, дилбар,
Сочингни ҳалқаси ул зулмдин оромгоҳимдур.

Қаро кўрган фалакда абр эрмас, ёқгани ёмғур,
Фалак ҳолимга йинглаб, ул қароси дуди оҳимдур.

Эмасдур устухон отинг оёқ остида судралган,
Гаминг ранжи била ўлган менинг жисми табоҳимдур.

Жафоу жавр ила зулминг менга бедодлар қилди,
Карашманг кўрса қатя айлар, демас бу додхоҳимдур.

Гуноҳим гайрдин эрмас — кўзумдин, ихтиёримдин,
Мени бу ўтга сояган ихтиёрим ҳам нигоҳимдур.

Мени ўлдурсанг, тиргузсанг санам лутфу ситам айлаб,
Санингдур ихтиёрим — ҳарна қилсанг подшоҳимдур.

Кеча-кундуз бу Машрабнинг хаёли остон эрса,
Висолинг давлатин топмоқға ул падида роҳимдур.

* * *

То хилъати зоҳир кийибон зеби танимдур,
Расво бўлубон кўйи маломат ватанимдур.

Ёвуқ эрур андишаи хуршиди жамолинг,
Жон гулшанига лолау сарву суманимдур.

Ханжар мижалар кўйинга то тушди гузорим,
Сар то бақадам захми жафо пираҳанимдур.

Боғи Эраму саҳни гулистони керакмас,
Кўксумда менинг доғи муҳаббат чаманимдур.

Шамшири жафо айлади бисмил бу бошимни,
Машраб, шарари кўйи маломат ватанимдур.

* * *

Эшитти гўши дил оллоҳи акбардин бу талқиндур,
Кўнгул оина бўлди маҳзунликдин — ганжи зарриндур.

Жигар бандим, қўлингдин келса бир кўнгулни огритма,
Бу маъниданки байтуллоҳ дерлар қалби мўминдур.

Очилган гулшан эрдим, боғи умрумга хазон келди
Ки, ҳар сарсабзани ободи чун мотамга тобиндур.

Рафиқинг ғам бўлиб турса, ки роҳат не мурод, эй мард,
Жаҳонни рўзгори гоҳи талху гоҳи шириндур.

Риёзат офтобига пишурдим меван дилни,
Ҳақиқат йўлида Машрабга етган кўҳ тамкиндур.

* * *

Ҳар кишини дарди бўлса, дийдасидин нам келур,
Кимки мунда шодлиг истар, орқасидин ғам келур.

Сийнаи дафтарни очсам етти дўзах очилур,
Нолишимдин қўрқаман, мажлисга номаҳрам келур.

Одабийнинг асли бирдур, бир-биридин фарқи бор,
Неча қари ўтғонидин дунёга бир одам келур.

Йингламоқ осон эмас, эй сен, жигарбандим, эшит,
Мулки дил садпора бўлғач, дийдасидин нам келур.

Муллалар илмига мағрур, омилар исёнга ғарқ,
Қас на билсун, рўзи маҳшар кимни тоши кам келур?

Ғар бошинг аршга етушса, сен ўзунгдин кетмағил,
Ҳар дарахтни меваси кўп бўлса, боши ҳам келур...

* * *

Нағмаи аргувон чалиб дилбари хушнаво келур,
Лаззати ишқни топиб зикри ила сано келур.

Асли муҳаббат нетасанг, кулли сивони ташлагил,
Фақр либосини кийиб, дарбадари гадо келур.

Ушбу жудолг дардини мен кимга айтай, дўстларим,
Йигламасам бу ҳолима дардима не даво келур.

Оҳима маҳшаринг била ҳам етти дўзахинг куяр,
Андин ўтиб бу ҳолима арш устиға садо келур.

Бандаи пур гуноҳ ўзунг, турғил, саҳарда йиғлагил,
Кўз ёшингни ҳурматидин дардинга чун даво келур.

Машраби Маҳди Адҳами хушлади фақр аҳлини,
Бандаи Умам Сиддиқи, басидқи дил сафо келур.

* * *

Ишқ чун ҳар дилга тушса аввало жон ўртанур,
Оҳи Мажнундин ҳама кўху биёбон ўртанур.

Осаф ибни Бурхиёдек олиҳиммат бўлмаса,
Токи Билқисни кетургунча Сулаймон ўртанур.

Кўх-бакўх овворалар айлар етишган сўнгра ишқ,
Бўйнига зуннор тоқгон Шайх Санъон ўртанур.

Ноумидлик куфр эрур, Машраб, умид этмоқ керак,
Ким умидин узди ҳақдин, жону имон ўртанур.

* * *

Охи дилимга, зоҳидо, масжиду минбаринг куяр,
Қочмасанг эмди олибон тасбеҳу дафтаринг куяр.

Боз рукуъ саждада ғайрати шахпаринг қоқиб,
Мен борур ерни кўзлама, эй Жабраил, паринг куяр.

Жаннат ичинда гул юзунг бўлмаса оҳ тортаман,
Тўби куюб фано бўлур, чащман кавсаринг куяр.

Бодаи лаъл изласам, ёр муяссар айламас,
Бир нафасимни тафтига дўзаҳу озаринг куяр.

Машраби зору потавон, кўйида лоф урмагил,
Боадаб ўл бу йўл аро бошдин-оёғ — баринг куяр.

* * *

Малаксан ё башар, ё хуру гилмонсан, билиб бўлмас,
Бу лутфу назокат бирла сендин қайрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,
Чароги хусни рўйингдин кўнгулни хам қилиб бўлмас

Юзунгнн офтобинн кўруб хайрон бўлуб қолдим;
Фалакка қўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гўлдур, кўнгул чун булбули шайдо,
Бу гулнинг ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлибсан, бўлмагил гофил,
Бу гафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

* * *

Менинг рози дили зорим фаровондур, битиб бўлмас,
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз хунар йўқдур.
Риёзат чекмагунча ёр васлига этиб бўлмас.

Хаданги тирн мужгонинг тегиб сийнамга жо бўлди.
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано қилди,
Худога бу сабабдин, эй биродар, баҳс этиб бўлмас.

Узоқ эрминн ўшал зебо сайамнинг қасри, эй Манраб.
Агар минг йил жадал қилсанг, у манзилга этиб бўлмас.

* * *

Агар ҳар қайда бўлсам мен кўнгул сендин жудо бўлмас,
Магар минг йил наво қилсам, сенинг дардинг адо бўлмас.

Тиларман васлини тинмай неча йиллар юруб сарсон,
Бориб айтинг ўшал ёрға жудолгдек бало бўлмас.

Халойиқларки айтурлар: «Бу дардингга даво йўқму?»
Ўзидин ўзга, эй дўстлар, менга ҳеч бир даво бўлмас.

МанаМ Машраб кеча-кундуз фироқ дардида йиғларман,
Магар маъшуқ юзин кўрмоқ бу дунёда раво бўлмас.

* * *

Етмаса боди сабо гулчага хандон ўлмас;
Ишқдин топмай асар¹ кабк сухандон ўлмас.

Гул юзини кўрмаса гулшан ичинда булбул,
Айланиб ҳаргиз ўшал ерда хушилҳон ўлмас.

Ишқ ўти зору, залилу айлагай юзини сариг,
Жонни гар куймаса, ошиқ юраги қон ўлмас.

Кўзи — оташ, юзи — маҳваш, сўзи — дилкаш, назари —
Тушмагунча қора тош лаъли Бадахшон ўлмас.

Икки зулфи ичидин ой юзи рахшон ўлубон,
Шамъи васл ўлмаса ҳижрон туни тобон ўлмас.

Инглаб айдим: Менга фурқат тунида ой юзунг оч!
Ул деди: Меҳр ёғин бўлса, нурафшон ўлмас!

Деди: Васлим хуш агар, ҳажр аламидин дема сўз,
Ошиқ улдурки, хабардори тану жон ўлмас!

Дедим анга: Нетайини, куйдуруб ўлдурди бу дард,
Бу нечук дардки, анга ҳаргиз дармон ўлмас?

Деди: Машраб, сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,
Ғам ема, лаъл печа порадур арзон ўлмас!

¹ А с а р — пишона, белги.

* * *

Ишқ мазҳабига тақвино тоат чидаёлмас,
Тасбеҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрса ўшал дилбари раънони баякбор,
Бетоқат ўлуб, айши фароғат чидаёлмас.

Фарёду фиғонлар қиладурман кеча-кундуз,
Хайратда қолиб қад ила қомат чидаёлмас.

Адҳам сифат ул кирса киши фақр йўлига,
Осойиш ила хайри саховат чидаёлмас.

Арбоби муҳаббатга етиб бўйи санамдин,
Ақли кетибон сабру қаноат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал моҳлиқони,
Зухду вараъу кашфу каромат чидаёлмас.

Девона қилур ишқи санам васли чу Маъжун,
Номусу ҳаё, айбу қабоҳат чидаёлмас.

Ким жоми муҳаббат майидин журъан ичса,
Шоҳона ҳашам, иззату ҳурмат чидаёлмас.

Бу ишқ элининг ҳар дам этар далваласига,
Беиубҳа билнинг, дасти иродат чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила рақен самоъ қил,
Ишқ мазҳабида оби таҳорат чидаёлмас.

* * *

Хуршид юзининг шуъласига жон чидаёлмас,
Кофир кўзининг зулмига имон чидаёлмас.

Лаъли лабини таърифини шарҳ қилурга,
Ҳам лавҳи қалам, котиби девон чидаёлмас.

Ул нозанин ар ноз ила жилвагар ўлса,
Кўз солса анга оқилу подон чидаёлмас.

Бу ҳол ила ул шўхи паризод гузар этса,
Ҳуру парию одаму ғилмон чидаёлмас.

Мен ютган аламларни агар заррае тотса,
Дорон жаҳон, Хусрави даврон чидаёлмас.

Уммонга агар қатраи ашким дури томса,
Маллоҳ элию донан маржон чидаёлмас.

* * *

Ул ишқи санам дардига Хайдар чидаёлмас
Қақлус куяр балки, самандар чидаёлмас.

Маъшуқ юзидин бера агар зарра зиёе.
Тоғлар куяру Мусо паямбар чидаёлмас.

Бир жилва қилиб чиқса бу оламга нарирў,
Девона бўлуб мўминну кофар чидаёлмас.

Ошиқ элининг полан фарёдди эшитса,
Масжид куяру воизи минбар чидаёлмас.

Ишқ абри агар ёгсаки дарёга чу найсон,
Дарёу садаф ҳам дури гавҳар чидаёлмас

Ишқ хайратидин кирса чамаи ичра гар ошиқ,
Ҳолини кўруб сарву санавбар чидаёлмас.

Мащраб, сен агар васли санам васфини айтсанг,
Мушкини Хўтаи, сунбулу анбар чидаёлмас.

* * *

Шарҳ айласам ишқ дафтариини жон чидаёлмас,
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.

Авроди муҳаббат ўқубон масжида кирсам,
Масжид куяру тоқи фарозон чидаёлмас.

Майхона кириб васли санамдин хабар олса,
Зоҳид куяру оқилу нодон чидаёлмас.

Маҳшар кунин гар барқ урубон чиқса нигорим,
Дўзах куяру жаннату ризвон чидаёлмас.

Ишқ дафтаридин гар ўқусам сура баякбор,
Бешубҳа, билинг, ояти қуръон чидаёлмас.

Гар наъра уруб тавсани ҳиммат мина қолсам,
Оламга тушуб шўриши афгон чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъвне ишқи санам этсанг,
Биллоҳки, анга жисминг ила жон чидаёлмас.



Дардим ўтига ёри биродар чидаёлмас,
Дард аҳли ёнар, ҳазрати довар чидаёлмас.

Дардимдин агар зарра асар қилса фалакка,
Ўтлар чақилур чархи мудаввар чидаёлмас.

Ишқ гавҳарини фош агар қилсам ўшанда,
Даллол фиғон айлару Муштар чидаёлмас.

Бул сирри дилим зоҳир агар бўлса фалакка,
Ул моҳ куяр, шамси мунаввар чидаёлмас.

Ул рўз амал номасини берса қўлумга,
Очиб ўкусам мажмаи маҳшар чидаёлмас.

Дардимни агар солса тарозун амалга,
Они кўрубон мўмину кофир чидаёлмас.

Вониз бўлубон ваъз десам масжид элига,
Ваъзим эшитиб, масжиду минбар чидаёлмас.

Ашъори лазиз ила жавоб айтти бу Машраб,
Они ўқубон кўрса Музаффар чидаёлмас.

* * *

Чун қўлум бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас,
Мен ўлўмга розидурман, турғали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас.

Умр чун барқи ҳаводис, гоғил одам билмади,
Ойу кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас.

Лашкари хунрез бўлса сабру ором қайда бор?!
Мақнуни девоналардин шоҳга роҳат эмас!

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сенинг,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас.

* * *

Дил — муҳаббат хонаи ишқдур ижобатдин эмас,
Мағзи йўқ попоқлар аҳли риоятдин эмас.

Аҳли суннат бошқадур, аҳли жамоат бошқадур,
Ҳар киши халқ таъясини қилса, жамоатдин эмас.

То жигар хунобаси бирла таҳорат қилмасанг,
Оби зоҳир оғзинга олма, таҳоратдин эмас.

Суратинг олий мунаққаш, сийратингдур худнамо,
Олам аҳли туфъ десун суратки, сийратдин эмас.

Неку баддин ул билур, сен билмагайсан, эй рафиқ,
Махлуқи оллоҳга кулмак диёнатдин эмас.

То сенга рўзи азал устои ишқ ўргатмаса,
Ул Абуҷаҳлнинг пири, аҳли фаросатдин эмас.

Дийда хушборингнинг мисли Исодек гар тўкмасанг
Юз нисор этган била ул ашқ надоматдин эмас.

То жигар хунобаси ҳасратга тобеъ бўлмаса,
Яъни умр беҳуда ўтқарсанг, ибодатдин эмас.

Чун азалдин рўсиёлик тушти бошингга сени,
Мужтаҳид қабрини ёстонсанг, зиёратдин эмас.

То юрак қонини ҳақ бирла бир аъло қилмасанг,
Қолу ҳол илмин ўқусанг, ул риёзатдин эмас.

Қуяли ҳолингни худога топшур, эй Машрабо,
Дил мусаффо бўлмаса, асли сакаротдин эмас.

* * *

Найлайин, дилдордин бегона бўлдум оқибат,
Юз ғаму ҳасрат билан ҳамхона бўлдум оқибат.

Бу жудолиг ҳасратидин тоқат этмай бир замон,
Ҳажр жомидин ичиб мастона бўлдум оқибат.

Печа йил кўйида юрдум, етмадим васлига ҳеч,
Ҳажр хамридин ичиб девона бўлдум оқибат.

Ёрни васлига етгайманму деб шому саҳар,
Ўртаниб ҳажр ўтига парвона бўлдум оқибат.

Ҳаддин ошди бу менинг расволигим олам аро,
Халқи олам ичра кўп афсона бўлдум оқибат.

Хонаи айши нашотимни ҳама барбод уруб,
Чугздек дар кунжи ҳар вайрона бўлдум оқибат.

Хонақоу Каъбадин, Машраб, мурода етмадим,
Май ичибон сокини бутхона бўлдум оқибат.

* * *

Қилди бу чархи фалак расвои даврон оқибат,
Бор-йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.

Гуссау ғамдин қутулмайдур ғариб бошим менинг,
Кимни ҳамдардим дедим, қилди паришон оқибат.

Охири билмам қаерга элтадур бул мотамим,
Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат.

Сарви озодларни қаддин чархи гардун қилди ҳам,
Шерларнинг корини марг этти осон оқибат.

Ўртанурман оташи ҳижронида мисли сипанд,
Менга келганда қуруб қолди гулистон оқибат.

Тарки суҳбат айладим ҳамроҳи ноқобил билан,
Роҳи ободини туттум, бўлди вайрон оқибат.

Бўлмагин паст рафқи ҳиммат, чун баланд тут мўри лағ,
Ўзлигингдин бери кел, бўлгин Сулаймон оқибат.

Вақти охир бўлди деб бисёр чу Яъқуб йиғлагин,
Йўқлагай шояд сени Юсуфи Канъон оқибат.

Бемадоре бўлмағай ҳаргиз равиши бу жаҳон,
Ҳодие бўлғай муяссар роҳи инсон оқибат.

Меҳри кетмайдур дилимдин чиқса ҳам жоним менинг,
Орзуеидир менга ҳам дин-имон оқибат.

Кимга дард айтайки мунда меҳрибоним бўлмаса,
Ўртади жонимни кори бопушаймон оқибат.

Хона-хона ҳасратим мулки дилимда жўш урар,
Қилмадим арш устида бир лаҳза жавлон оқибат.

Жон чиқар вақтига етти-ю узулди торп умр,
Бир сўраб келса на бўлғай номусулмон оқибат.

Васлиға етмакка ошиқнинг иложи йўқ экан,
Дард бўлди охири Машрабга дармон оқибат.

* * *

Онадин бўлдум, жаҳонда бўлмадим шод оқибат,
Йиғганим бўлди фано мулкида барбод оқибат.

Дона деб дори муҳаббат тушди бошимга менинг,
Дори меҳнатни қуруб йўлумга сайёд оқибат.

Тўлди паймонам менинг, кўйингда жон бермак ишим,
Тиғи ҳасратни қўйиб ҳалқумга жаллод оқибат.

Устухоним суда бўлгунча сенинг дардинг билан,
Шоҳсан, арзимга ет, қилсам керак дод оқибат.

Сўфийлик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,
Қўйди йўлдин халқни полойиқ иршод оқибат.

Қолмади Жамшид, Искандар, қани Афросиёб?
Топмади дасти ажалдин хона обод оқибат.

Машрабо, нуқсон ўзунгда, шоҳ ҳидоятли, вале,
Нафс — ҳам мардуд, ҳам фиръавн, Шаддод оқибат.

* * *

Эй сабо, борсанг дуо давлатли султонимга айт,
Мен чу гамбода, вале ул дилпаршонимга айт.

Бир чучук сўзни гадоси мен, жаҳонда бекасам,
Қайғулук кўнглимни олгон яхши меҳмонимга айт.

Моҳтоб эрдим жаҳонда баҳра олмай бораман,
Тийра бахтимдин бориб хуршиди тобонимга айт.

Чуғздек вайрона топмай бош уруб мен ҳар тараф,
Дасту пойини йитурган хонавайронимга айт.

Сели меҳнат охири қилди бу жисмимни хароб,
Менки ўлгон сўнг бу мотамни гўристонимга айт.

Дафтар оч беҳонумонлиғдин ўшал маҳбубга,
Лайлини доғини Мажнунни биёбонимга айт.

Дилни мендин узди, қандоғ дилни обод айлади,
Ҳам амирим, ҳам вазирим, дилбари жонимга айт.

Ғам тарозусига тушган бори вазминмен букуи,
Шояд ул додимга етгай, шоҳи давронимга айт.

Эй насиме, мунсен жоним, азизим, ҳамдамим,
Мустаҳиқлардин дуо Шохимардонимга айт.

Хонумонимни ани йўлида торож айладим,
Арзи ихлосу дуо мендин у султонимга айт.

Наинги номусдин кечиб кирдим маломат йўлига,
Ҳам кўзимни оқи, ҳамда шамъи нуронимга айт.

Рост келмайдур улуғ дардимни изҳор айласам,
Жон фидо қилдим уни йўлида, жононимга айт.

Машрабо, умрумни барбод айлади чархи фалак,
Ул сухансанжу, суханфаҳму, сухандонимга айт.

* * *

Намангондин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзумдин оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қазондек қайнабон тоштим,
Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузи ишқдин ғавго,
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарга тоқатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,
Юракда ишқ ўти чўқтур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини бикмайду,
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

* * *

Сени дардингга, эй дилбар, жаҳонда ҳеч даво борму?
Етибдур ҳалқума жоним, менингдек нуржафо борму?

Санам, ишқинг мени охир бу умрумни хазон этти,
Юрак пора кўзи ёшлук, менингдек бенаво борму?

Агар маҳшар куни чиқсам, сени ишқингда дод айлаб,
Қиёмат қозиси бўлсанг, сенингдак додхоҳ борму?

Ҳама ошиқларнинг ичра эрурман зору саргардон
Ки, ўлгон остонингда менингдек ҳеч гадо борму?

Ўқуб ул «Лайли Мажнун», эшитгил сўйгра бу қиссам,
Куюб ҳажринг билан ўлгон менингдек мубтало борму?

Ўшал Фарҳод ила Мажнун кўруб ишқида жон берди,
Фироқингда адо бўлгон менингдек мосиво борму?

Зулайхо бирла Юсуф ҳам чу дунёдин фиғон айлаб,
Қўшуб бир-бирига охир, сенингдак дилрабо борму?

Тамоми ошиқи содиқ ҳама мақсудига етти,
Висолингга етолмай бир менингдек бенаво борму?

Дедим девоналик бирла бу сўзларни, аё дилбар,
Хатоларни кечиргучи сенингдак подшо борму?..

* * *

Не савдолар боша солдинг, бу савдолар оз ўлмазму?
Ки банд эттинг оёғларни, яна бандлар ёзилмазму?

Паёми васл эшитиб мен юрурман шаҳрдин шаҳра,
Саги даргоҳ бўлганлар бу сағлардин қутулмазму?

Сари зулфига банд ўлғон жаҳон даври тасалсулдир,
Ки асбоби жаҳон торин бирисидин узулмазму?

Ки ишқ дарёсиға банд солмоғинг бисёр мушкулдур
Ки, тоқи рўйи олам садди роҳ этсанг сурулмазму?

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузулмазму?

Жуунуне қўзгат, эй Машраб, бўлур маҳкуми таҳқиқдир,
Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфидек тугулмазму?

* * *

Тирикликда жудо бўлган киши ёрини кўргайму?
Фироқи ҳасратида кўрмайин саргайиб ўлгайму?

Бўлуб, хайрон, куюб бирён, висолин топмайин гирён,
Баҳор айёмида булбул каби гулга қўшулгайму?

Нечук бедодлиғ иш бўлдики, мен сондин жудо бўлдум,
Оқарган кўзларимга давлати дийдор бўлгайму?

Мен айтурман: «Кўнгул узғил!» Бу кўнглум кўнгул узмайду,
Кўнгул айтурки: «Эй подон, кўнгул берган узулгайму?»

Сенинг ишқингда, эй дилбар, ки менда қолмади тоқат,
Яна ишқингда оҳ урсам гузари ёр бўлгайму?

Кел, эй соқий, қадаҳ сунғил, бўлайин масти мустағрақ,
Иноят бўлмаса сендин, тўкилган коса тўлгайму?

Азалдин ошно бўлмоқ батақдири худо, Машраб,
Бу ҳижрон илқидин, дўстлар, гариб жоним қутулгайму?

* * *

Менинг жонимни куйдурмоқ учун оромижон гулрух,
Дилимни гуссадни тўлдурди ул номехрибон гулрух.

Кўнгул доғи очилди, тубин бахтим самар берди,
Ҳидоят гулшанида андалиби бўстон гулрух.

Қадалди кўксума тири бало пайкони — мужгонинг,
Мени жонимга жон бердики, ул офати жон гулрух.

Менингдек неча саргардон бор йўлида ўлтурган,
Бўлуб Мажиун мотам шаҳрида бехонумон гулрух.

Қамон абрўларига жон қуши сайд ўлди, найларман
Ки мен, ул шўх чашми фитнаи охир замон гулрух.

Муяссар бўлмади менга аввалу охир ҳақиқатдин —
Қадам қўйди кўнгулнинг кулбасига меҳмон гулрух.

Тамошо қилгудек фурсат керак тоқат қилиб бўлса,
Юзин очиб тақаллум айласа ширин забон гулрух.

Аламди Машраб, эрдим, ул парининг дардидин куйдум,
Мени охир дамимда қилди беному нишон гулрух.

* * *

Тасаддугнинг бўлойини, эй пари, жамолинг оч,
Заволи жон тиласанг, ҳусни безаволинг оч.

Зилол чашмасидин Хиэр топти умри тавил,
Менга бақолинг учун чашмаи зилолинг оч.

Қаду юзунгни қилиб орзу кўнгул қондур,
Бу қошни кўрмак учун гунчаи ниҳолинг оч.

Кн зулфунг ила қаддинг мисоли жон дерлар,
Кн жим, алиф ила нуи юзунгда холинг оч.

Ҳилоли ийдки бир йил ичинда икки тугар,
Бир ой бошинда туғилган икки ҳилолинг оч.

Кўнгулнинг орзуси, эй жон, суроҳие май дерлар,
Менинг муфарраҳима лаъли бемисолинг оч.

Келурму ўтру бошимга ҳажр шомида ул ой,
Қилурга фахр буқун Машрабингга холинг оч.

* * *

Мени оввора бўлгонга фироқ ўти даво эрмиш,
Куюб ишқинг бида ўлмак бу ошиққа раво эрмиш

Воқибон сўз қотиб ўтсанг мени саргаштага, дилбар,
На айлай жаннату хурни, менга шул муддао эрмиш.

Аё олам аро юрган, жаҳонни ўтда куйдурган,
Тарахҳум айлабон кўргил камина бенаво эрмиш.

Етибдур ҳалқума жоним, печунким сабр этай мен зор,
Ғариб жоним олур бўлсанг, ингоро, марҳабо эрмиш.

Сени дарди фироқингдин юроким таҳ-батаҳ қондур,
Кўзум ёшлик, дилим ғамлик, чу рангим қаҳрабо эрмиш.

Бу оламда мени мундоғ гирифтори бало қилдинг,
Қиёмат қозиси бўлсанг, ғаму ҳасрат гувоҳ эрмиш.

Тамоми олиму зоҳид қўлига тухфасин олса,
Куюб ҳайрон бўлуб ошиқ ниёзи оҳу воҳ эрмиш.

На айни жаннату ризвои, на парвои чаман булбул
Кезиб олам аро йнглаб сўроғи дилрабо эрмиш.

Намозу тақвиеини зоҳид қилур олам аро машхур,
Ўгуруб субҳасини тивмай иши доим риё эрмиш.

Агар махшар кунин, Машраб, кўнгулни соф этай дерсан,
Тасаддуқ айлагини жонинг ул асно подшо эрмиш.

* * *

Ғаму дардинг рафиқ айлаб мудом оқ урганим беҳроқ,
Надоматда тўқуб ёш, васлинг излаб юрганим беҳроқ.

Жаҳон майдонида юрган, муҳаббат ўтига куйган,
Суяр қуллар изини кўзларимга сурганим беҳроқ.

Ўшал Мажнунни ҳайрондек юрак-бағрим оқиб кўздин,
Санамни ҳажрида сахрою чўлни кезганим беҳроқ.

Муяссар бўлмаса жаннат ичинда давлати дийдор,
Биҳишттин кечибон дўзах ичинда куйганим беҳроқ.

Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилганим беҳроқ.

* * *

Бир боқишинга жумлаи жонона тасаддуқ,
Шахло кўзунга оқилу девона тасаддуқ.

Гар пардасини очсаю дилбар менга боқса,
Машъал юзига мен каби парвона тасаддуқ.

Соқий бўлубон сунса қадах ноз ила ҳар дам,
Ул гамзасига согару паймона тасаддуқ.

Лаъли лабидин журъан майни тилаб олдим,
Дур тишларига гавҳари дурдона тасаддуқ.

Юсуф сифат ул жилва қилиб келса қошимга,
Мен ўргулайин, Қаъбаю бутхона тасаддуқ.

Жонингни агар бер деса ул дилбари раъно,
Қурбон бўлайин йўлида ҳамона¹ тасаддуқ.

Мужгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,
Жоним берайин, тирига мардона тасаддуқ.

Гулгун кийибон чиқса ўшал дилбари раъно,
Мажнун бўлубон ўргулайин ёна тасаддуқ.

Ваъда қилибон айди: «Жамолимни кўрарсан,
Ваҳдат майидин ички, бу паймона тасаддуқ».

Машраб сари зулфунг тараса рашки келодур,
Зулфунг торидин боди сабо, шона, тасаддуқ.

¹ Х а м о н а — ўша пайтнинг ўзидаёқ.

* * *

Ломакони шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,
Анбиёву авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ.

Жилвасини кўрсатиб зоҳирда элга ранг-баранг,
Ору номусдин кечиб оламга ғавго қилди ишқ.

Ёши етмишга етиб соттурди ўзни Боязид,
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ.

Шайх Шиблий, шайх Аттор ул «Аналҳақ» суҳбатин —
Қурди, ичди бодани, Мансурни дордо қилди ишқ.

«Куфр айтти!» деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўзлатиб оламга гўё қилди ишқ.

Шайх Санъондин бўлуб тўрт юз мурид соҳибкамол,
Кўрди тарсозодани хўкбону тарсо қилди ишқ.

Билдию эшитти Машрабнинг қарори йўқ экан,
Зоҳирин гўё қилиб, ботинин бино қилди ишқ.

* * *

Нафси саркаш муддаосидин худо берсун паноҳ,
Бул замона муттакосидин худо берсун паноҳ.

Хирқан бечора киймоқликму роҳи бандалик,
Сўфини далқи риёсидин худо берсун паноҳ.

Жомаи малла кийиб қилгон иши ҳийлау макр,
Шайх ноқис хонақосидин худо берсун паноҳ.

Ўзлари комилсифат, ҳар луқмаси ҳаққи сағир,
Юртни ул соҳиб дуосидин худо берсун паноҳ.

Лоф урар «Абдоли вақт — ман!» деб, сўзида маъни йўқ,
Бул замона раҳнамосидин худо берсун паноҳ.

Мард лашкар йўсинида қўлига тасбеҳ олиб,
Шайхни рангин асосидин худо берсун паноҳ.

Муттақийлик даъви айлаб, ўзларини пир тутуб,
Охири вақт порсосидин худо берсун паноҳ.

Бул қаламдар жандасининг торида зуннори йўқ,
Бошига кийган кулосидин худо берсун паноҳ.

Машраби шўридани қилган дуосин қил қабул,
Ул саҳархезни дуосидин худо берсун паноҳ.

* * *

Ки ҳоло Бурқи Сармастман, менга дўзахни танҳо бер,
Мудом хушёр эмас мастман, менга дўзахни танҳо бер.

Қилай савдои бомаъни, ҳақиқат йўлида яъни,
Бўлай адлингга ман қоне, менга дўзахни танҳо бер.

Қулуби орифи биллоҳ, валекин зоти бисмиллоҳ,
Топай руҳи Халлилуллоҳ, менга дўзахни танҳо бер.

Қилай шўриш маҳшарга, очай дафтар паямбарга,
Деяй арзимни Акбарга, менга дўзахни танҳо бер.

Қилай ҳар дам тиловатни, очиб дилдан жароҳатни,
Кўтаргил кўҳи гафлатни, менга дўзахни танҳо бер.

Ки маълум йўқтўр абётим, билолмам қайсидур зотим,
Жаҳонни тутти зарротим, менга дўзахни танҳо бер.

Сарахбори муҳаббатман, камоли нури раҳматман,
На парвон қиёматман, менга дўзахни танҳо бер.

Ҳақиқат меҳмониман, жаҳоннинг нуқтадониман,
Фалақдин шиквақониман, менга дўзахни танҳо бер.

Тутай домони меҳнатни, ато қилгил бу ҳимматни,
Урай кўси муҳаббатни, менга дўзахни танҳо бер.

Нидо келдики, эй Машраб, сени мен жаннати қилдим,
Бу йўлда айлагил таслим, менга дўзахни танҳо бер.

* * *

Рахравонлар кеттилар мен қолдим ҳамроҳдин жудо,
Чун хароба шаҳр ўлурким одил ул шохдин жудо.

Мен тасаддуқи ўшандоғ оли ҳимматлар бўлай,
Лаҳзаи кўнглини қилса меҳр дунёдин жудо.

Ноумид бўлса муриде ширидин муртад кетар,
Бесамар бўлғай дарахтким бўлса дарёдин жудо.

Қимёдур ишқ, анқодур топиб бўлмас ани,
Қимга тушди, қилди ул дунёи уқбодин жудо.

Мен ўшал тифлики минг каррех саргардониман.
Ҳеч шогирд бўлмасун бир лаҳза устодин жудо.

Ҳар қадам қўйсанг ўзунгни сен сирот устида бил,
Қилма дилни соати астағфуриллодин жудо.

Зулмат афзун бўлса гар шамси жаҳондин нур кетар,
Дийда қайда, қилса чун бул мисни тиллодин жудо.

Машрабо, шир илагил, андин муроди дил тила,
Бўлмагил сен бир даме охирги савдодин жудо.

* * *

Давлат диёнатдин эрур, марди бадавлатман дема,
Дилда маъни бўлмаса аҳли ҳақиқатман дема.

Гар саховатинг жаҳонни тутса де Ҳотам сифат,
Иш риёдин холи йўқ, соҳиб саховатман дема.

Қатраи оби ҳавога мовуман лозим эмас,
Мужтаҳидни ўғли бўлсанг, бекудуратман дема.

Сен насаб бозорига солма ўзунгни, эй азиз,
Маҳз тақлид бирла авлоди Муҳаммадман дема.

Муттақи бўлмоқ бу йўлда нафси ўддурмоқ керак,
Зиндаликда ўлмасанг, аҳли тариқатман дема.

Ер юзининг тоатин қилганда ожизликни тут,
Дилни нахватдин аритгин, аҳли тоатман дема.

Муҳтасиби нафс бўлсанг дилни ширкатдин арит,
Сен бу нодонлик била соҳиб насиҳатман дема.

Ҳафт иқлим бўлса фармонингга чун нақши нигин,
Талхан жонкандалик бордур башавкатман дема.

Бандаликда мустақим бўл, гарданингни анга бер,
Сен адам йўлини тутгил, аҳли хизматман дема.

Қўп, жаҳонда акбари қил, нафс бирла сен уруш,
То сиротдин ўтмасанг, аҳли саломатман дема.

Не диловарларни йиққан нақдини олганда бил,
Мушти хоки бибизоатсан, баҳимматман дема.

Мисли Яҳё йиғлагил шому саҳар мотам билан,
Дийдадин хун тўккин-у, аҳли надоматман дема.

Хастадил Машрабнинг асрорини билсанг, эй ҳаким,
Бу хатарлик йўлдасан, соҳиб кароматман дема.

* * *

Ул агар бир лутф қилса талхни ширин қилур,
Тўкса раҳматни худо кофирни ҳам мўмин қилур.

Қобили маъни керак бағри бу йўлга ҳамнишин,
Неча бир талқин бу йўлда, боз яна тамкин қилур.

Мор афюнди батардур порасонинг суҳбати,
Кимки ноқобил билан юрса дилин чиркин қилур.

Танда жонинг борида сен доман комилни тут,
Зикри ҳақни неklar кўнглига хўб талқин қилур.

Офтобу вақт ўтди руҳи Шамсиддинга бор,
Бир нафасга неча сендекни Баҳоваддин қилур.

Маърифатнинг толиби бир лаҳза беғам йўқ турур,
Бора-бора қоҳили охир сени бедин қилур.

Жомаи дастор бирла сўфилик қилмоқ маҳол,
Бу лаҳаднинг гарди юз минг бандани ғамгин қилур.

Офтобинг ўтмайин, Машраб, қўпуб фикрингни қил,
Нек халқларнинг дуоси дилни соҳиб дин қилур.

* * *

Сенинг васлинг тилаб дунёга бир соҳиб адо келдим,
Ғамингни дилга жо айлаб, аламга ошно келдим.

Агарчи кўнгул олдирдим, кўнгулни узмадим андин,
Сабаб булдур: негулар дийдасига тўтиё келдим.

Ғамнинг бошимга тушди, бир ажойиб шўриши савдо,
Азал кундин нетай, найлайки, мен бахти қаро келдим.

Ки сениз икки дунёда тирикликни нетай, жонон,
Карамлик подшоҳимсан, йўлунга бир гадо келдим.

Оқиз раҳматни дарёсин ғарблик устига, ёраб,
Агарчи йўлунга сар то қадам гарқи гуноҳ келдим.

Кириб дарёин раҳматга мудом гарқоб эди жоним,
Ҳақикат баҳрига қолган дури қиймат баҳо келдим.

Қаноат шаҳрига кирдим, тамошон жаҳон қилдим,
Вужудимни уруб барҳам, бу оламдин пано келдим.

Рафиқ ҳар ким билан бўлдум, саволи охират қилдим,
Баҳарнавъида бўлсам уммати ул Мустафо келдим.

Илоҳий Машрабингни яхши инсонларга ҳамдам қил,
Ғадоник ихтиёр эттим йўлунгда, подшо келдим.

* * *

Лайюҳас-султонӣ олам, подшоҳим, марҳабо,
Ҳазратим, оллоҳу акбар, кай кулоҳим, марҳабо.

Бўлмагай бечорани ҳам сендин ўзга чораси,
Меҳрибон, тангрим, эгам, пушти паноҳим, марҳабо.

Қулҳу оллоҳу Аҳад отингин руҳум тинглагай,
Дуввум оллоҳуссамад сенсан илоҳим, марҳабо.

Доғи ҳасрат ўртади Машрабни ҳар дам-соати,
Шамъи — сан, парвона — ман, эй меҳрибоним, марҳабо.

* * *

Не димоғим бор эди марг қилди мундоғ бедимоғ
Ёлмагай тоат билан ҳақ амридин ўчган чироғ.

Конки хокимга бошдин кўзагар даст дурмаса,
Арзанига арзимас йўл устида синган тавоғ.

Сўфиларнинг мазҳабиға ҳар замон маҳшар эрур.
Бизга чун маҳшар яқин, гофияларига эртароғ.

Чунки дунёда зиёда шохдур, жисминг абас,
То бу сармодин амон топмай самар бермас бу бог.

Ҳоло мағрур жумла дастор фаш билан авворадур,
Тоғла маҳшар бўлса маълумдурки булбул, қайси зог.

Бу ҳаволарни сарингдин канда қил, Машраб, бу кун,
Чу Азозилининг ҳавоси гарданига бўлди доғ.

* * *

Дўстларим, мен порасоларни расо қилдим бу кун,
Мунча бежоларни кўрдум, жобажо қилдим бу кун.

Сура ёсинни этиб хатм, худо деб йиғладим,
Бошими саждага қўюб кўп дуо қилдим бу кун.

Арш, курси, лавх, қаламни сайр этиб олдим жавоб,
Ман Муҳаммадни суюб дўсти худо қилдим бу кун.

Ҳар каси нокас билан ўзумни мен тенг этмадим,
Ўўнгли севган бандаларга раҳнамо қилдим бу кун.

Сўфилар мағрур эрурлар тоату тақвосига,
Қимки менга таъна қилди рўсиё қилдим бу кун.

Сўлтон Иброҳим Адҳамни тушурдум тахтидин,
Ёди ҳақни кўнглига солдим, гадо қилдим бу кун.

Чун Азозилдек кишилар ўзни расво айлади,
Тавқи бахнатни анинг бўйинга жо қилдим бу кун.

Ҳар киши ихлос ила девонани маҳкам тутар,
Қўл очиб ҳаққига онинг кўп дуо қилдим бу кун.

Лоф урар бўлсанг бу йўлга кирмагил, эй Машрабо,
Неча йиллик беимонни боимон қилдим бу кун.

* * *

Эй мусулмонлар, қазо топсам керак,
Пури ҳақдин кимнё топсам керак.

Ман шаҳид ўжсам кафанга чулгаманг,
Ушбу далқидин шифо топсам керак.

Дори Мансури аналҳақ жойидур,
Бош бериб юз минг нидо топсам керак.

Раббано инно заламнини ўқуб
Нашъан қолу бало топсам керак.

Баъд маргим ман ғариби хастани
Банд-бандимдин жудо топсам керак.

Онаи зоримга берманглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак.

* * *

Кимки мўминдур мудом чашми тари пайдо қилур,
Тан-ки бактар пўш бўлди лангари пайдо қилур.

Душманинг ўтса тавозуъ айла, мағрур бўлмагин,
Хор оёқ остига тушса наштари пайдо қилур.

Гарчи ноқобилдурсан қобил билан ҳамхона бўл,
Бехабарлар суҳбати дарди сари пайдо қилур.

Умр сартопо ўтуб кетти, ҳануз гафлатдасан,
Моҳ пастдин ўтти кам-кам лоғари пайдо қилур.

Бас, жаҳондин кетганинга ҳам смаки, бу фалак,
Санки кетинг, ўрнига Искандари пайдо қилур.

Ман тасаддуқи ўшандог олий ҳимматлар бўлай,
Чори девори бўлуб гўши кари пайдо қилур.

Машрабо ўлгунча сен бедасти полар хоки бўл,
Кимидга мис қўшулса жавҳари пайдо қилур.

* * *

Эй касал, бошингни ур, ёнингдан Луқмон кетмасун,
Ҳеч ким мендек букун чоки гирибон кетмасун.

Онқадар зикрига мойил бўл, агар чин байдасан,
Хонайи кўнгулни танг тутма, бу меҳмон кетмасун.

Марг осондур бу йўлда, бандалик қилмоқ қийин,
Кетса жон кетсун, вале мўминдин иймон кетмасун.

Йўлда қолса, кўза сиҳса арзанига арзимас,
Ҳеч кимни кўзаси дар заҳми хумдон кетмасун.

Бандани айбини ким қилди, худо қаҳр айлағай,
Ҳеч киши дунёдин аммо ғарқи исён кетмасун.

Аввали мўмин келиб, бир лак муридга қўл бериб,
Охири чу Барсисо ҳамроҳи шайтон кетмасун.

Барча иш осон эрур, Машрабки, мўминлик қийин,
Бейймон ҳечким бу дунёдин гўристон кетмасун.

* * *

Шөдмөңлиг излама, охир бошингга гам келур,
Одамийнинг бошига андишайи мотам келур.

Осмоңга етса бошинг мисли Мусо хомуш ўл,
Сар дарахт пурмева бўлган сўнгра боши хам келур.

Одамийнинг асли бирдур, бир-биридин фарқи бөр,
Неча қари ўтган сўгун дунёга бир одам келур

Ваҳми маҳшардин гапурманг порасони олдида,
Гўши карга ҳақ сўзи албатта нофорам келур.

Йиғламоқ осон эмасдур, эй жигарбандим, эшит,
Мулки дил саднора бўлган сўнг кўзингдин нам келур

Олим илмига мағрур, жоҳили исёнга гарқ,
Кас не билсун, рўзи маҳшар кимни тоши кам келур.

Ёшлигингда йўлга кирил, токи топқайсан камол,
Гар жароҳат кўҳна бўлган сўнгра бемалҳам келур.

Машрабо, сийнамдаги дардимни айтсам, ари куяр,
Йўл хатардур, қўрқаман, мажлисга номахрам келур

* * *

Вақт талаввундин ўтубман муждан тамкин манам,
Кайфиятни излаган ҳолоки тажридин манам.

Нақш давлат мухрини нафсимга босди чун ажал,
Шамс Табризий манам, гоҳи Жалолиддин машам.

Хилвати роҳи ватан топдим, нишоним қолмади,
Гоҳ Нажмиддин манам, гоҳи Баҳовиддин манам.

Ҳосилим дунёву уқбодин ки ҳар сў келди, бас,
Бир назар ҳолимга қилгил, руҳи Шамсиддин манам.

Чун ҳамир бўлди бу ҳоким шўриши маҳшар билан,
Ташла дилдин фикратингни, шайх Мажиддин манам.

Машраби девонадурман ҳеч киши билмас мани,
Гоҳ комил, гоҳ фозил, гоҳи чун мўмин манам.

* * *

Қўнгул зангориши соф айлаган пири мукамалдур,
Аларнинг доманини гардидини минг гапж ҳосилдур.

Қилурлар аждаҳон нафсини тасхир ориф халқ,
Жаҳонни обрўини маърифат этсанг нечук тилдур.

Агар комил бўлай десанг дилингдин даъвини кам қил,
Бу давлатни топар ҳар кимки мунда роҳи қобилдур.

Фаромуш этмагил ўлмоқни, имондин умидинг бор,
Имон элтган кишига жаннатул фирдаве манзилдур.

Қилиб бўлмас бу йўлда хонавайронларнинг айбини,
Киши маҳбуби дин бўлса анго ҳар рўз минг йилдур.

Аналҳақ сиррини ҳар беҳабарга айтмагини зинҳор,
Худонинг розига маҳрам эмасдур кимки тангдилдур.

Келибман йнтизори хокни пойнинг бўлгани Машраб,
Ки сенсиз менга дунё ишрати чун захри қотилдур.

* * *

Тарозуи амални қўлга ол, сўнгра баробар тут,
Хатарлик йўлдасан то жусти жў қил, яхши раҳбар тут.

Имонинг шамъини равшангаридур ҳамдами қобил,
Қўлингдин келса доим яхши халқларни биродар тут.

Мақоми қурбат ўтига агар кирсанг — ҳузур топсанг,
Ўзунг захроба ютгил, халқни комиға шаккар тут.

Бағир қони, кўзунг ёши, қади хам бирла оҳ тортгил,
Шафоат вақти бўлди, анда домони паямбар тут.

Бошинг гардунга етса бўлмагил зинҳор хурсанде,
Ўзунгни ҳар хасу хошокдин, эй банда, камтар тут.

Бало кўрган кишилар мажлисини орзу қилгил,
Ки ҳар шум лодани кўрсанг, ўзунгни мунда бехтар тут.

Тараддуд айлагил занги дилинг шоядки соф ўлғай,
Ҳидоят кўчасининг ринди бўл, домани маҳшар тут.

Улугман деб такаббур пеша қилма муштипарларга,
Сарафрози топай десанг, давомат дийдани тар тут.

Ҳавас бозорини дур айлагил зинҳор бошингдин,
Қўлунгни икки дунёдин узуб, дилни қаландар тут.

Баҳонмдек смак-ичмакни саргардонни кўп бўлма,
Кафан бичгил ўзунгга, дилда ўлмоғни муқаррар тут.

Адам саҳросидин дунёга келдинг банда бўлсам деб,
Камар боглаб белингга зикри тасбеҳи эранлар тут.

Бу зиндон хонадин ўттунг, кўрунди жаннатул азло,
Баланд эт ҳимматингни мунда келдинг, мисли Хайдар тут.

Ўзини билмаган бедардларга очмагил дафтар,
Халилдек ўтти гулзор айлагил, хўйи самандар тут.

Бу ерда ёри берса лутфи ҳақдин гарчи иқболнинг,
Адолат мулкнинг сарриштасини мисли Умар тут.

Бу фоний дунёдин, Машраб, етишсанг боқи уқбога,
Сиротил мустақимдин ўтнинг, сўнгра роҳи дигар тут.

* * *

Эмди келдим ман муҳаббат ганжини во қилгани,
То кўз очтимки ман аршини тамошо қилгани.

Узгалар қадринг на билсун сенда ул кўз бўлмаса,
Етти лак йил бўлди бир халқ тарқадунё қилгани.

Дилда сўфиймизки, авсофи ҳақиқат биздадур,
Ботинини обод этиб, зоҳирни расво қилгани.

Ёсумандин шавқ ўтиға бў ушатган халқмиз,
Муддате бўлди Муҳаммад меҳрини жо қилгани.

Мен эшиттим аксари роҳи ҳақиқат бор эмиш,
Анда сармаст борамаи мен мисни тилло қилгани.

Жабраилдек Мустафонинг мулкига мазбут эдим,
Ломакони сўйидин комимға ҳалво қилгани.

Машрабо, сармастлардек ҳар замон қайнар дилим,
Боз келдим охират йўлинда савдо қилгани.

* * *

Дахл қилма жумладин холо мубарроман бу вақт,
Икки олам нақдидин чун дасти кутохман бу вақт.

Етти минг олам вужудимга сигар, пур бўлмагай,
Маники таждиди ўшал ҳамроҳи Исоман бу вақт.

Кўҳи Ҳомундир дилим арш олдида бир қатраи,
Мунтазири ваъдаи «Инна фатаҳно» ман бу вақт.

Гар кўтарганман бошимга бу фалакни, эй азиз,
Ман шу соат фориг аз дунёи уқбоман бу вақт.

Ном наингани ки арш аълоға битди Жаброил,
Давлатимдин нур етар оламга, дарёман бу вақт.

Гарчи зоҳир мури лангман, арзанига арзимам,
Ботинимга хўб назар қилмаймусан, шоман бу вақт.

Зулфиқори Ҳайдари холо менинг дастимдадур,
Ҳашт жаннатининг калиди манда, яктоман бу вақт.

Ошиқам ман, комилам ман, сўфиям ман, софиям.
Хирқаи зоти жамоли Каъбатулломан бу вақт.

Соия раҳмат менинг бошимга тушгандур бу кун,
Икки дунё ҳосилидин дасти кутохман бу вақт.

Ҳимматим бор — етти дўзахни юғар гамгин дилим,
Боязиддек ман адам шаҳрида танҳоман бу вақт.

Дори Мансурни қур эмди, ман Халилосо берай.
Хўжа Аҳрори валидек маст шайдоман бу вақт.

Неча гумроларға соям тушса, гарқи нур бўлур,
Дилбино бўлсун десаиғ, ҳамроҳи олломан бу вақт.

Аршу курсида тополмангдур мани руҳумни сан,
Обрўйи ҳам у дунё, ҳам бу дунёман бу вақт.

Сур Исрофилни тортган рўзи маҳшарда ўзум,
Ўжумла ошиқлар ичинда ринд расвоман бу вақт.

Восили дунё эмам, Машраб, киши билмас мани,
Мисли Мажнун мунтазири маст Лайломан бу вақт

МУСТАЗОДЛАР



* * *

Мужғони хадағинг юроким қилди маконе,
То жо бўлайин деб,
Обод кўнгул кишварини бузди замоне,
Сахро қилайин деб.
Шамшод қадинг рахнагари боғи дилимдур,
Бо нозию ишва,
Қумрилайин ул нола қилур турфа фиғоне,
Шайдо бўлайин деб.
Овоза бўлуб менга хати наххати зулфунг,
Ҳар боди сабодин,
Чини қофиласи келдики чу бори гаронин,
Савдо бўлайин деб.
Туйғун қарашинг қилди мени қайди балое,
Ҳасратда қолибман,
Лочини турушинг ўртади сахрои жаҳонини,
Танҳо бўлайин деб,
Ошнаи хуснунгга қараб қилди сухан соз,
Бечора бу кўнгул,
Тўти бўлубон лаъли лабинг қилди баёне,
Гўё бўлайин деб.
Бир лаҳзада девона бўлуб хушёр бу кўнгул,
Мастона кўзунгдин,
Ўттек туташиб келди ўшал соқин даврон,
Саҳбо бўлайин деб.
Кўрдумки юзунг лола сифат тоза бўлубтур,
Эй нахли муродим,
Ишқингда юзум бўлди ажаб ранги хазоне,
Раъно бўлайин деб.
Ризвоки зулфунгга сени шонасифатдур,
Муштоқи жамолинг,
Жаннат қадамингга бўлубон хуш ингороне,
Маъно бўлайин деб.
Ҳасрат била доғинг юраким тонг қилибдур,
Ҳажринг ўти анда,

Кўксумда унуб лола менга берди нишоне,
Сахро бўлайин деб,
Машраб сени васлинг йўлида бесару сомон,
Ҳар лаҳза келиб кўр,
Ишқинг сирини қилди юрак ичра ниҳоне.
Ошно бўлайин деб.

* * *

Ҳардам мени куйдургучи ул ишванаодур,
Мавзун қади шамшод,
Сиймини зақану, лола руху моҳ лиқодур,
Чун хури паризод.
Лаъли лаби агёрғаким айлади жонбахш,
Бахтимни кўрунгим —
Ҳар лаҳзада минг мартаба жонимни олодур,
Минг оҳ ила фарёд.
Ҳижрон черки қилди хусумат менга, эй жон,
Бўл анга воқиф.
Оҳим — ўқу хам қаддим ани отғали ёдур,
Бўл анга дарафтод.
Ҳар қайси саро узра хиром этти шитобон,
Чун учти кўзумдин,
Оре, кишининг ёри пари бўлса учодур,
Суръат била чун бод.
Қилди мени чун волау ҳайрон пари пайкар,
Дар дашти биёбон,
Бул дашти Хўтан узраки мен илқи боқодур,
Ул анда бўлуб шод.
Токи менга бедод ила жавру ситам эттинг,
Бул сўзни эшитгил:
Маҳбубларни расми бори меҳру вафодур,
На зулм ила бедод.
Машраб бу сифат тоза суҳан айласа изҳор,
Сен қилма таажжуб,
Ҳойибдин ани кўнглуга илҳоми худодур,
Бўлгил анга муноқод.

* * *

Ногоҳ кўрунуб кўчада ул сарви хиромон,
Қош қоқти-ю кетти,
Қош учида имо қилибон жуббаси ларзон,
Бир боқти-ю кетти.
Ул шўх пари, кўзлари офат, сўзи оташ,
Ҳай-ҳай не жавоҳир,
Бир шева қилиб этти мени ўзига ҳайрон,
Хуш ёқти-ю кетти.
Юз жилва била борур эди кўчада ул шўх,
Бағримни қилиб қоп.
Минг таъзим ила мен қолибон волау ҳайрон,
Зор этти-ю кетти
Ул зулфи паришон уйидин чиқса баякбор,
Мен шукр этадурман.
Минг жоним агар бўлса қилай мен анга қурбон,
Ут ёқти-ю кетти.
Машрабни бу дунёда хароб этган ўзунгсан,
Эй кўзлари шаҳло,
Айди сўзини ёйди бу дунёга фаровон,
Дод этти-ю кетти.

* * *

Кўз учи билан дилбари раъно менга боқти,
Хайрон бўла қолдим,
Юз позу карашма била ёр қошини қоқти,
Сарсон бўла қолдим.
«Жонимни олур бўлсанг ол!» деб ёнига бордим,
Кулди: «Нари тур!» деб,
Бехуд қилибон бошимга савдосини солди,
Нолон бўла қолдим.
Айдимки яна: «Ўргулайини, қошима келсанг».
Юзини ўгирди,
Қушум кетибон кўздаги ёш қон бўлуб оқти,
Гирён бўла қолдим.
Боскан изини кўзума суртtum нола айлаб:
«Дилбар қайдасан?» деб,
Чикмади садо, ишқ ўтини жонима ёқти,
Сўзон бўла қолдим.
Оҳ урдиму айдимки: «Сени қайдин топарман —
излаб», деди: «Сабр эт!»
Ҳеч қолмади сабрим, жигарим сув бўлуб оқти,
Тобон бўла қолдим.
Машрабга сахар ёри ширин сўз қотиб ўтти,
Жондин кеча қолдим.
Девона қилиб, жоним олиб, биллаҳ(ки) йиқти,
Қурбон бўла қолдим.

* * *

Кўрмакка сами тун-кечалар уйғонадурман,
Эй моҳи жаҳоним,
Оҳиста юруб дарғаҳинга ман ёнадурман,
Эй кўзи хуморим.
Бир шева билан юз жон олиб лаҳза танимдин,
Эй шўҳи дилорой,
Бир кўрсам агар мен сенга қурбон бўладурман,
Эй қадди ниҳолим.
Ишқ дарди тандицу жондин гузар айлаб,
Монанди Мансур,
Ишқ тиги била кесғали бошим берадурман,
Нўлуиғга, нигорим.
Кўнглумни қилиб соя каби осиладурман,
Эй зулфи нигорим,
Қошинг қиличи бирла равона қиладурман —
Бир қатраи қоним.
То ўлгунча мақсудим эрур, ёр, висолинг,
На жаннату ризвон,
Бу ҳол ила мен хастау бемор ўладурман,
Эй руҳи равоним.
Ишқ доманини қўймай илик бирла тутубман,
Бечоран Машраб,
Эмди бу жаҳон лаззатидин кўнгул узарман,
Эй маҳраи жоним.

* * *

Эй моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади раёво,
 Девона бўлубман,
Сийнам куюдур ишқ ўтида сенга не парво,
 Парвона бўлубман.
Ул дамки ўшал моҳ юзини бир йўли кўрдум,
 Чун хобу хаёлдек,
Найранги рақиб ўлдиму ё тақдири оллоҳ,
 Бегона бўлубман.
Маш бандаи мискин яна ғампоку ҳазинман,
 Сен пушти папоҳим,
Уммиди тараҳҳум била мен сенга, нигоро,
 Фарзона бўлубман.
Фурқатда кезиб кечау кундуз мени маҳжур,
 Ғам даштида доим,
Фарёду фигон бирла чекиб пола ила оҳ,
 Ғамхона бўлубман.
Машраб ҳолини сўрғали оламда кимй бор,
 Ким додига етгай,
Йўқдир бу бузуг дилни сўрар маҳраи доно,
 Вайрона бўлубман.

* * *

Ишқингда куюб кул бўлубман, хабаринг йўқ,
Эй дилбари ширин,
Васлингга тану жон берибман, асаринг йўқ,
Мен ошиқи мискин.
Бир шўре ажаб ғулгулаи ишқ тушубдур,
Бечора кўнгулга,
Анбар кокулунг хўб ярашур химча белингга,
Сен суибули насрин.
Девонау шўридау савдозададурман,
Вах, тоза юзунгга,
Ул наргиси шаҳлосинга, жондин хабарим йўқ,
Мен хастау гамгин.
Лочин турушинг шева била хушум олибдур,
Эй ёри вафодор,
Туйғун қарашингга берайин жон — дигарим йўқ,
Лаълинг Чини Мочин.
Қош ёйи била отти ўшал шўх, сиё чашм,
Кўксумга қадалди,
Тешти юрагим-бағрим харгиз назаринг йўқ,
Кофир — дили сангин.
Гоҳ бехуду маст, гоҳида хушёр бўлубман,
Фурбатзада Машраб,
Доим тилагим — васлинггу ўзга талабим йўқ,
Бир ваъдада тургин.

* * *

Ногоҳ кўрунуб жилва қилиб ўтти паризод,
Бағримни қилиб қон,
Фурқат ила ғам даштида чун айлади ношод,
Ул ваъдаси ёлгон.
Йиглаб, югуруб орқасидин эргаша қолдим,
Бир раҳм қилур деб,
Бераҳму вафосизга қилиб умрими барбод,
Саргаштау хайрон.
Девона бўлуб юрса киши ҳеч ажаб йўқ,
Ҳар ерда мусофир —
Ошиқларини кўнглини олиб қилмади дилшод,
Ул кўзлар олиб жон.
Ғам бандида нола қиладурман кечаю кундуз,
Ишрат ила сен ёр,
Лутфунг била ғам лашкаридин айласанг озод,
Шаънингга не нуқсон.
Парвона сифат ўргулайини ҳар қарашингдин,
Ғар бўлса муяссар,
Бир лаҳза тараҳхум юзидин айламадинг шод,
Ғамзанг билан, эй жон.
Бурқаб солибон гул юзини очмаса жонон,
Кўрмакка не имкон?
Қатлимга анинг кўзларидур кофиру жаллод,
Тўкмоққа рағи қон.
Имонини бир ишвасига сотти бу Машраб,
Тарсобачани деб,
Зуннор солиб бўлди бараҳман ила Шаддод,
На куфру на имон.

* * *

Нозик бадапо, сунъи худованди жаҳонсан,
Эй офати даврон,
Зулфи чу мусалсал, қоши ёсан, на балосан,
Жон тахтига султон.
Билмам на бало кўз учидан гоҳ боқарсан,
Эй кўзлари офат,
Гоҳ мунда, гаҳи анда менга жилва қилурсан,
Бандангга на фармон?
Эгма қошинга вусма қўюб жоним олурсан,
Раҳминг нега келмас?
Ҳам кулгу била қайрилибон ғамза этарсан,
Эй қошлари камон.
Монанди қуёшдек юзунга мен боқа билмам,
Бўлдум тақи гирён,
Ваҳ, нуқра бадан, писта даҳан, позук адосан,
Хуш лаҳжайи хушхон,
Машраб сени деб кечти тамои икки жаҳондин,
Раҳм айла, нигорим,
Елбора сенга ташлади ўзни, на қилосан,
Эй дилбари жонон?

* * *

Ул ҳусни жамолингга бу олам чидаёлмас,
Сен хуршиди тобон,
Ногаҳ киши ҳеч шаҳри вужудингга туша олмас,
Пурфитнаи даврон.
Билмонки печук зот сени қилди муҳайё,
Эй шамъи дилафруз,
Наққош бу нақшинггаки ташбиҳ эта билмас,
Гўё гули хандон.
Бепарда агар чехраи рухсорингни кўрса,
Бо нозу пур ишва,
Жоним мени•минг гард боқинингга нега бўлмас,
Эй шамъи шабистон?
Юзумни қўюб хоки раҳингда берайин жон,
Бул орзуи кўнгулдур,
Босган қадаминг туфроғини гарди топилмас,
Мен бесару сомон.
Бечора бу Машраб кезибон топмади излаб,
Ҳайрона бўлубман,
Ҳозирқ табибим, айламанг жон чидай олмас,
Бу дардима дармон.

* * *

Бул хаста вужудимни мени ўртади буткул,
Ул зулфи паришон,
Ул гул юзини ишқида мен волау булбул,
Ул гунчаи хандон.
Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни нечук деб,
Ул орази гулгун,
Юз ваъда қилиб бирга вафо қилмади бир йўл,
Ул ваъдаси ёлғон.
Парвона сифат ишқ ўтида куйсам ажаб йўқ,
Бу дарди аламдин,
Ўтлар туташур қилса нигоҳ олама бир кун,
Ул оташи жавлон.
Ишқнинг ўтига куйди, на айлайки, бу жисмим,
Йўқ сабру қарорим,
Оввозан ҳуснунгки солиб олама гулгул,
Эл барчаси ҳайрон.
Сенсиз на қилай ушбу қаронгу жаҳон ичра,
Сен-сен менга маҳваш,
Жонимни берай айла қабул, эй моҳи тобон,
Жоним сенга қурбон.
Бир неча маҳалдур анга мен рози дил айдим,
Девонаи Машраб,
Бераҳм экан қошима ул келмади бир йўл,
Ул золими дарвон.

* * *

Кўрдумки ўшал моҳлиқо офати жоние,
Гулдек лаби хандон,
Бир шева била олди кўнгул шўҳи замоне,
Мен бесару сомон.
Кўрсам яна ул жавру жафопешани бир йўл,
Дарду алаимдин,
Изҳор қилиб айтар эдим неча забоне,
Қолмас эди армон.
Ўлдум ситаму жавру жафодин, мени поком,
Ҳолимга раҳм қил,
Бир лутф ила ҳолима боқсангчи ниҳоне,
Ойдек юзи тобон.
Сен — шоҳки, мен — хаста гадо зор югурурман,
Васлингни тонай деб,
Бир муфлиси бечора гамингдин ногироне,
Ҳар кўчада ҳайрон.
Ишқинг алами кўнглума ўтлар ёқа қолди,
Валлоҳ, нетарман?
Йўқдур аламу кулфату фарёдими сони,
Ҳам нолаю афгон.
Савдон сари зулфунгга девона бўлубман,
Тоқат қила олмай,
Ҳайрон бўлубон, оҳ урубон нола фиғоне,
Ҳар дашту биёбон.
Тонмай юрагим дардига дармон юрадурман,
Беҳолу наришон,
Сен лутф қилиб бергил ўзунг дардга давони.
Эй дилбари хўбон.
Ранжурлягим ҳаддин ошиб кетти, даво қил,
Васлингни майидин,
Ҳар лаҳза мени жонима зулм этма, аёне,
Бўлди юрагим қон.
Ошуфта бўлуб, зор югуруб гамзада Машраб,
Дар кўйи маломат,
Расвон сари кўчаю бозор бўлубман,
Овворап сарсон.

* * *

Кўрдумки букун ул парирў дилбари раъно,
Иўл узра шитобон,
Хуш суврату хуш хилъату хуш рафтори зебо,
Чун кабки хиромон
Пур ишваю пур гамзаю сиймин зақанидин,
Даҳр ичра пур ошуб,
Ҳам офати жон, жумлаи маҳвашлара якто,
Сарфитнаи даврон.
Хай-хай, не бало, офати жонимму париваш,
Бедоду ситамгар?
Бир боқишига қилди мени бесару сомон,
Ул сарви хиромон
Шамшод қаду жилвагару жомаси гулгун,
Заррина кулоҳи
Кокул била гисуларидур анбари соро,
Ойдек юзи тобон.
Ширин сухану писта даҳан, рухлари чун гул,
Қошлари ҳилоли,
Лаъли шақару тишлари дур, кўзлари шахло,
Чун ҳусни фаровон
Погоҳ бу сифат бирла ўшал офати жонни,
Кўргач меней бедил,
Бўлдум анга вобастау ҳам волау шайдо,
Ошуфтаи ҳижрон.
Айдим. «Санамо, қўй кафи пойинг кўзум узра!»
Лччиқланиб айди:
«Бўлмасму фигор ул варақи лолаи хумро
Санчилса мугилон?»
То бўлди кўнгул ҳалқаи зулфига гирифтор,
Ул моҳ лиқони,
Хунобан ҳасрат бўлуб эрди менга, маъво —
Ғамхонаи ҳижрон
Жоно, тутарам ганжинаи меҳрингни нинҳон,
Вайрона кўнгулда,

Ореки хуш ул ганжки вайронада бўлса
Эл кўзига пинҳон.
Деди кулубон: «Келгилу бош қўй оёғимга,—
Эй Машраби маҳжур,
Чуст ўлгилу пойимга фидо айлай бошингни,
Сўнг бўлма пушаймон»

* * *

Айтай сенга дарду алашим, офати жоним,
Фикр айла ўзунго,
Девоналигим ўлди фузуи, йўқтур иложим,
Чун Мажнуни шайдо.
Ошиқлик иши қаттиқ экан ўлмак ишидин,
Хайрона бўлубман,
Гул ишиқиди қонлар томадур дийдаларимдин,
Чун булбули шайдо.
Бошимга агар келса бало сабр этадурман.
Сендин кечарим йўқ,
Қайдин кечайин, кўнглумда тўладур сенга меҳрим,
Мен ошиқи шайдо.
Парвона бўлуб ишиқ ўтига куйсам ажаб йўқ,
Қилмангки маломат:
Машираб ўзини этти фидо ёри учунким,
Олам аро расво.

* * *

Сен шоҳи мулук, салтанатинг олама тўлғон,
Ким барчадин аъло,
Бу жону кўнгул ишқинг аро волаю ҳайрон,
Эй, орази зебо.
Кўзумга қадам қўйсангу қулбам сори келсанг,
Эй шўх нари пайкар,
Мен босган изинг туфроғини сурма қилурман,
Мисли гули раъно.
Ўлдумки мен ишқингда жафоларни чекиб кўп,
Эй шўхи жаҳоним,
Дилбар, сени юзунгин кўрай деб юрагим қон,
Мен ошиқи шайдо
Асрори жаҳон сендин ўзга ким билур эрмин,
Сен барчадин оғоҳ.
Ҳар кимки билурман деса, ул барчаси ёлғон,
Сен олиму доно.
Ишқингда тешиб дунёни девона келибман,
Гурбатзада Машраб,
Танбур олибон қўлга қилиб нолаю афғон,
Ҳажр ўтида лайло¹

¹ Л а й л о кечкурун, оқшом.

* * *

Ишқинг ўтида куйдиму ёндим хабаринг йўқ,
Эй дилбари айёр,
Зоре қиламан кечаю кундуз нāзаринг йўқ,
Эй золими хунхор
Аввалда на деб кўнглум олиб ваъдани бердинг
Айёр экансан,
Қонлар ютаман зор бўлуб, бир хабаринг йўқ,
Ортуқ не жазонг бор?
Сенсиз мен агар минг яшасам ушбу жаҳонда,
Бир кунча кўрунмас,
Ким шамъи жамолинг тиладим, бир қараринг йўқ,
Мен сенга гирифтор
Машрабининг агар кўзларидин қонлари оқса,
Шукронаси кўидур.
Васлингга бу жон ўлди нисор, ҳеч асаринг йўқ,
Эй шўҳи ситамкор

* * *

Ширин сухану моҳи башар, хури лиқое,
Хуси аҳлига сардор,
Жонимни ҳалок этмак учун турфа балое,
Ул зодими хунхор.
Шайдоу саросимау девоиа қилибдур
Бечора кўнгулни,
Бошимга, бассе, ёгдурубон тири жафое,
Ул шўҳи ситамкор.
Гар истар эсанг хусни закотиингни берурии,
Оламда тошилмас
Мандек яна бир мустаҳиқу зору гадое,
Ишқингга гирифтор
Қадди хам ўлуб таъбияти эгма қошингдин,
Ё айлади таъзим,
Ул масҳафи ораз уза кўргач икки ёе,
Ул қавси қузахвор.
Ораз била зулфунгни жаҳон аҳли деминилар:
Бир-бирига ёндош,
Бул турфаки ҳамсон бўлуб Хинду Хитое,
Кўргач ани ҳар бор
Қонг ёси била кифрик ўқни гоҳ отарсан,
Кўксумга нишона,
Меъмори қазо жисмим уйни қилди биное,
Ул ўққа сазавор.
Ўтлар чақилиб гуркираган раъд эмасдур,
Чарх устида ҳар дам,
Оҳим ўтининг шиддатидин берди садое,
Ул гунбади даввор
Йилларки ани кўйида ҳар дам югурурмен,
Васлига етай деб,
Ҳам оҳу фиғон ила бу фарёду навое,
Ҳажрида юруб зор
Парвона сифат шамъи жамодинг сари бордим,
Ўргулгали лекин,

Кўргузмади бурқабени олиб зарра зиёе,
Ул дилбарни маккор
Эй боди сабо, турғилу суръат бида борғил,
Жононима еткур
Дилхасталигим бирла саломие наёме,
Бисёр ва бисёр
Гар сўрса киши «Ким сени деволавани этти?»
Бу сўзники дерман
«Бир шўхи нари найкару заррина қабое,
Ҳам лаъли шакарбор»
Васлинига ҳаётимни нисор этсам ажаб йўқ,
Машрабки бўлуб маст
Булбулга не тонг жонини гар қилса фидое,
Кўргач гулу гулзор

* * *

Васлингги тонай деб, санамо, фикри гамим бор,
Бир неча замондур,
Хикрону, фироқу, аламу, дардли дилим бор,
Бағрим тўла қондур.
«Валлайл» ўқуб иштиёқим сенга тушубдур,
Ҳарғиз хабаринг йўқ,
Ҳасратли юрак, дардў маломат ватаним бор,
Ҳажринг чу ёмондур.
Гоҳ Мажнун ўлуб дашту биёбонга чиқарман,
Ҳамроҳларим оху,
Гоҳ Лайли бўлуб хусну латофат чамаим бор,
Хуш гулшани жондур.
Гоҳи бошима тож қўюбон шоҳ бўларман,
Ул давлати васлинг,
Бул турфа ажаб фақр элига салтанатим бор,
Жамшиди замондур.
Ишқ мазҳабида савм, салот, бут ҳама мақбул,
Ҳарғиз анга шак йўқ,
Зоҳидлар аро тоату тақво хижилим бор,
Ўз йўлум омондур.
Лайли санамим кўрдиму жоним бера қолдим,
Осон қутулай деб,
Девоналигим ҳолати Мажнун асарим бор,
Ишқ йўли ёмондур.
Бир кеча дедим: «Эй санамо, қошим боргил»,
Ёр айти: «Сабр қил!»
Деди: «Нетайин, ёнима, ох, шум рақибим бор,
Ул билса ёмондур».
Тасдиқи сўзум бирдур, вале икки эмасдур,
Валлоҳу биллоҳ,
Аммоки халойиққа ажаб икки тилим бор,
Бул сирри ниҳондур.
Васлингга етай деб дилхаста бу Машраб,
Донм жадал айлар,
Йиглаб югуруб кечаю кундуз талабим бор,
Кўксум тўла қондур.

МУРАББАЪЛАР



* * *

Сўйлаб-сўйлаб ноз қил, мен ўргулойти,
Поэтинг олди кўнглумни, поэтик ниҳолим.
Турлук-турлук жилвангга жоним беройин,
Олтин-кумуш йўлуиғга сочиқ хаёлим.

Хамча-хамча қонларинг, бодом қабоқинг,
Хумор-хумор кўзларинг, Юсуф сиёқинг,
Чиқти жоним, эй нари, ҳай-ҳай мароқинг,
Энди сенга бўлсуи бу менинг вуболим

Чучук-чучук сўзларинг шакардин ортуқ,
Мунча лабинг асалдек бўлурму тотлуқ?
Холу хадинг қўюб дов бағримга ўтлуғ,
Орази рухсоринга ёнди чироғим.

Қаро-қаро кўзларинг бир мугон напъаси,
Хирман-хирман жамолнинг зилол чанмаси,
Ошиқларингнинг оҳу нола тўшаси,
Мен бир ўлук муртаман, қани мадорим?

Чаман-чаман гулларинг — ниҳолларингдин,
Соёсиз яра кўнгуллар мужгонларингдин.
Ишқ алласа йиғит-қиз, ўғлонларингдин,
Дунё-дунё очилур у долаузорим.

Дарё-дарё йиғлагил, Машраб, ёш оқсуи,
Ошиқ элни кўнглини ўт бўлуб ёқсуи,
Ғафлатда юргонлар бу ўтқа тутақсуи,
Кўюб-кўюб кул бўлсуи бу кори-борим.

* * *

Аввал айтайин ҳамди худойим,
Дуввум дуруди ул Мустафойим,
Мендин узоқда ул дилрабоийим,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ул меҳрибондин ўлдум жудое,
Ишиқда куйдум, бўлдум адое,
Тошларни ёрди кўксумни охи,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўрмай юзунгни девона бўлдум,
Халқи жаҳондин бегона бўлдум,
Юз дарду ғамга ҳамхона бўлдум,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрим ёнимдин ул кунки борди,
Тиғи жафоси кўксумни ёрди,
Кетти дил учуб, жон қуши қолди,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрдин жудо мен ўлгунча бўлдум,
Қонларни ютtum, ҳасратга тўлдум,
Дарду ғамидин, валлоҳки, ўлдум,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Нома битарман ул қора қоша,
Ҳажрида, найлай, кўз тўлди ёша,
Ҳар дам урарман бошимни тоша,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўксумни дардин тоша битарман,
Ҳасратда бошим олиб кетарман,
Ошинг кўйида, валлоҳ, ўтарман,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қайдин тонарман ул шўхи хўбон¹,
Дарду гамидин бўлди юрак қон,
Келмади ҳаргиз ул номуеулмон,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кийган тўнимни мардона бичтим
Ишқини шаробин риндона ичтим,
Гурбат сувидин мастона кечтим,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қачон кўрарман ёрим юзини,
Қалам қонини, шахло кўзини,
Дафтар этарман ҳар бир сўзини,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кечаю кундуз тинмай юрурман,
Вайроналарда итдек улурман,
Во ҳасрато, деб кўрмай ўлурман,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ҳижронда Майраб афгон этадур,
Бағрини чандон бирён этадур,
Кўзини ҳар дам гирён этадур,
Эй бод, еткур ёра саломим.

¹ Яхшилар шўхи, яхшилар яхшиси

* * *

Ҳамду саноғар айтай худога,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?
Етгайму додим нозук адога,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шум толендин кўрдум жафони
Золим рақиблар кўрди вафони,
Ҳолим сўр эмди, бергил давоми
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Булбулдайниким фарёд этарман
Ишқ дафтариини бунёд этарман,
Кўнгулми бир дам мен шод этарман,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Қачон висолнинг бўлғай муяссар,
Ишқингда кездим ҳам баҳру ҳам бар,
Дарду аламга тўлди кўнгуллар,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,
Ишқингда қилдим минг оҳу фарёд,
Ўтти нигорим чун сарви озод,
Ёрга етар кун борму ёронлар?

Ҳажр аҳли келди тутти ёқамдин,
Бағрим тилинди пайкони ғамдин
Фарёд этарман ушбу аламдин,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксимда ёнди,
Кўз ёшим оқиб бағримга томди,
Ғафлатда қолган Машраб уёнди,
Ерга етар кун борму, ёронлар?

* * *

Банданг эрурман валлоху биллох,
Шому сахарлар мен сенга шайдо,
Келдим эшикка деб шайъаллиллох,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Боқсангчи мендек девоналарга,
Ақлу ҳушидин бегоналарга,
Исён чўлида сарсоналарга,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Мастона қилган шахло кўзунгдур,
Парвона қилган ойдек юзунгдур,
Девона қилган ширии сўзунгдур,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Излаб юрурман Шому Ироқи,
Топмадим асло ёрнинг сўроқи,
Куйдурди, дўстлар, онинг фироқи,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Учради ҳар ким сени сўрадим,
Кўча-бакўча сени қарадим,
Кечаю кундуз сени тиладим,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Бир неча кундур мен сенга афғор,
Бўлдум гирифтор ишқингга, эй ёр,
Аввалу охир сен менга даркор,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Ҳажринг чўлида ҳолим харобдур,
Ҳасрат ўтида бағрим қабобдур,
Ҳолимни сўрсанг беҳад савобдур,
Кўрдум юзунгни алҳамдулиллох.

Йўқтур хабарим ҳарғиз ўзумдин,
Қонлар оқодур икки кўзумдин,
Таъсир қилурму ушбу сўзумдин,
Кўрдум юзунгни алҳамдуллилоҳ.

Машрабга тегди оҳу надомат,
То рўзи маҳшиар айтур давомат:
Ҳар ерда бўлсанг, бўлғил саломат,
Кўрдум юзунгни алҳамдуллилоҳ.

МУХАММАСЛАР



* * *

Ишқингда ёнмас ошиқ девона бўлмагунча,
Шамъингга куймагай ул парвона бўлмагунча,
Боғлаб белиш бу йўлда мардона бўлмагунча,
Бошга олиб маломат афсона бўлмагунча,
Севмас садафни сарроф дурдона бўлмагунча.

Сенсиз менга, нигоро, икки олам керакмас,
Тахту бахти Сулаймон, менга хотам керакмас,
Хизр умри зиңдалиги менга ул ҳам керакмас,
Сенсиз ўлай, дуо қил, менга бул дам керакмас,
Жону таним қолмади бегона бўлмагунча.

Аршинг куяр оҳимдин тонгла бўлса қиёмат,
Инсу малак титрашиб айтур: «Нечук аломат?»
Хуру гилмон, бихиштиг этишурлар надомат,
Чиқса оҳим учқуни ҳеч ким қолмас саломат,
Қолмас молик дўзахинг сўзона бўлмагунча.

Тушти бонимга ишқинг, ларза қилиб йиғладим,
Тақдир азал шундоғ деб, белим маҳкам боғладим,
Ошиқ иши қаттиг деб, оҳу воҳлар айладим,
Дардинг беҳад зўрлади, даргоҳинга йиғладим,
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмагунча.

Ошиқ бўлсанг тупу кун жонин қурбон айлагил,
Доғи фурқат дардини доим афгон айлагил,
Зулфи чинлар куфрини зинҳор имон айлагил,
Ҳажру меҳнат жафоси тегса зинҳор айлагил,
Жонингга жон улашмас, жонона бўлмагунча.

Номус кетмас ҳеч кимдин ишққа қадам қўймаса
Лдҳам сифат дунёни то нушти но урмаса,
Восил бўлмас васлига ёлғуз ўзин севмаса,
Рози бўлуб қазога ҳар ўтига куймаса,
Тонмас дилбар сўроғини жўёна бўлмагунча.

Вақти баҳор май ичгил, билсанг ишрат ганимат,
Соқий, сунгил қадаҳни фурсат, сиҳат ганимат,
Зоҳид айтур, ёронлар, тасбеҳ, тоат ганимат,
Машраб қаландарингга дарду меҳнат ганимат,
Кўрмас машъук юзини афсона бўлмагунча.

* * *

Улуғ дарёи раҳматдин ҳамиша хушк лаб бўлма,
Ки сен ҳар ерга борсанг, эй азизим, беталаб бўлма,
Эранлар хизматиға борсанг эмди беадаб бўлма,
Мабод қўрқаман, монанди ул Булаҳаб бўлма,
Саидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Билиб қилғил жаҳони кўҳнада суду зиёнингни,
Ўзунгни хоки роҳ қил, барҳам ургил хону монингни,
Пишурғил маърифат бирла тамоми устухонингни,
Такаббур йўлиға барбод этиб кетма имонингни,
Саидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Саид авлодимаи деб, тутмағил роҳи шақоватни,
Кўзунг борида ахтарғил ки бир аҳли ҳидоятни,
Танингни қанда қилғил дам-бадам сен бори гафлатни,
Такаббур саҳт ўлуб бўйинунгга солма тавқи лаънатни,
Саидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Бу даҳри бебақоға қўйма асло имтиёзингни,
Абас ўткармағил беҳудаликда қишу ёзингни,
Дилингни қанда қилма дам-бадам сўзи гудозингни,
Ажални сакрати маълум қилур ажзу ниёзингни,
Саидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Кел, эй Машраб, суҳан кўтоҳ қилғил, яхшилар кетти,
Санам бир кун кетарсан, жумла охир чашми тар кетти,
Кўнгулни ганжини билган ҳама соҳибназар кетти,
Жаҳон зиндониди охир ҳама хуни жигар кетти,
Саидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

* * *

Хонумонидин жудо бўлган кишидин дард сўранг,
Уртаниб қадди дуто бўлган кишидин дард сўранг,
Дарду гамга мубтало бўлган кишидин дард сўранг,
Бекасу бемуттако бўлган кишидин дард сўранг,
Мисли ман бедасти но бўлган кишидин дард сўранг

Термулуб қолдим бу йўлда ҳамсафардин айрилиб,
Йўл адошиб гамдадурман роҳбардин айрилиб,
Бахт қаро келдим бу йўлда яхшилардин айрилиб,
Андалиб эрдим; қолибман болу пардин айрилиб,
Ман каби бахти қаро бўлган кишидин дард сўранг

Онадин тугмиш куним рўзе ҳаловат кўрмадим,
Бу работи кўхнада мен истиқомат кўрмадим,
Ғарқ бўлдум печа бир меҳнатга, роҳат кўрмадим,
Ғуссадин ўлдум даме хоби фароғат кўрмадим,
Хоня бардўши гадо бўлган кишидин дард сўранг

Даст хушку бебизоатман, жаҳондин бесамар,
Гам билан оташга тушганман, қолибман муштинлар,
Бекасу бемуттако бўлган кишини ким сўрар,
Ичганим захробадур, ҳар соати хуни жигар,
Ҳажр аро соҳиб азо бўлган кишидин дард сўранг

Бул мени рози дилимни зор бўлганлар билур,
Дард кўрганлар билур, бемор бўлганлар билур,
Ғуссаю гам бирла дилафгор бўлганлар билур,
Бир азиз боши чунонам хор бўлганлар билур,
Йўл аро бераҳнамо бўлган кишидин дард сўранг

Мисли қақнусдек бу оташ ошёнимдин чиқар,
Нола қилсам оташи сўзон забонимдин чиқар,
Шўриши маҳшар менинг оҳу фиғонимдин чиқар,
Дард кўрганлар баёни дostonимдин чиқар,
Доғи ҳасратда адо бўлган кишидин дард сўранг

Муддати бўлди бу йўлда истироҳат манда йўқ,
Кашфдин холи эрурмак, ҳеч каромат манда йўқ,
Лоладек сийнамда доғим бор, фароғат манда йўқ,
Рози дил изҳор қилсам, аҳли суҳбат менда йўқ,
Раанги зарду қаҳрабо бўлган кишидин дард сўранг.

Ғуссадин афсурдаман, бағримда қоним қолмади,
Бўлди хокистар вужудим, устихоним қолмади,
Ғам фано қилди мени, ному нишоним қолмади,
Ои қадар ўртади жисми нотавашоним, қолмади,
Дарду ғам бирла фано бўлган кишидин дард сўранг.

Машрабо, зулматга ғарқ бўлди маннинг обу ғилим,
Бу сабабдин танг келибдур боратургон манзилим,
Ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар соат наришондур дилим,
Наласам ёнимда йўқ бир ғамгусори қобилим,
Бекасу бераҳнамо бўлган кишидин дард сўранг.

* * *

Сапамо, юзунг биҳинтин гул очиб баҳор қилдинг,
Ғайр ила қарор айлаб, мани беқарор қилдинг,
Отибон ғаминг ўқини юрагим фиғор қилдинг,
Тилагач жамолинг, эй гул! кўчаларда хор қилдинг,
Мани, эй хумор кўзлук, нега мунча зор қилдинг?

Чидамай ситамларингга кетайин олиб бу бошим,
Даштларни гуллан айлай, оқизиб ҳаминча ёшим,
Ғами дардинг этса тугён, куядур ичиму тошим,
Зулумунг тўлолиғидин тоғу, тузу, чўлда бошим,
Ситаму аламларингни бир эмас, ҳазор қилдинг.

Тилиму дилимда, жоно, туну кун эрур сифотинг,
Бул ажаб эл оғзидадур шакару асал, наботинг,
Кечибон бу жисму жондин, тиладим сенинг ҳаётинг
Ўлурумга рози бўядум, нега келмади уётинг?
Эшингнинг тубида юз минг осилурга дор қилдинг

Садафинг дури мунаввар, сан ани ниҳон тутубсан,
Сан эмасму насли одам, нари хайлидин ўтубсан,
Қаъбатайини шиқ этиб сан мани хастани утубсан,
Манга бир нигоҳ қилмай, нега ўзгани кутубсан?
Мани бад хумор айлаб,, кими ихтиёр қилдинг?

Элга илтифотинг ўлса, юрагимда доғ сандин,
Юрагимда доғ очилса, менга чорбоғ сандин,
Неча ўлсаму йўқолсам, йўқ эрур сўроғ сандин,
Элга лаббалаб қуярсан, менга йўқ аёғ сандин,
Мани ўлтуруб ғамингда, эла жон нисор¹ қилдинг

Ғаҳи сайр учун чиқарсан, ҳама ёққа қош отарсан,
Мани — телба итни кўрсанг қувумоққа тош отарсан,

Н и с о р фидо қилмоқ.

Менга тийра тун бўлурсан, эла юз қуёш отарсан,
Менга ногаҳ текса ўқунг, элинга талон этарсан,
Элга юз карамлар айлаб, мени турфа зор қилдинг.

Базминг ўлди боғу бўстон, набизинг била тўла хум,
Мани қил ҳазор нора, эл ичида қилма маҳрум,
Бу тирикчилигини авло май ичида бўлганим гум,
Менга қилмадинг тараҳхум, не учунки толенм шум,
Мани йўқ этиб жаҳонда, душманимни бор қилдинг.

Туну кун тилаб; нигоро, икки зулфунг айладинг дом,
Менинг бахт толенм йўқ, қўймадимки доминга гом,
Элга бўлеа васл ҳосил, манга бўлди хушк бадном,
Десаиғ басдур ушбу давлат: «Менинг Манрабим — бу
гумном»,
Чидамай қилиб пушаймон, на учун бухор қилдинг?

* * *

На учун бурун ўзунига мани дўсту ёр қилдинг?
Ёқиб ишқ ўтини жонга мани беқарор қилдинг?
Нега фурқатинг йўлида яна хору зор қилдинг?
Айрилиб у маъзилимдин мани беდიёр қилдинг?
Фироқинг чўлига ташлаб тўла интизор қилдинг.

Мени ринди ловуболи кўча-кўйда бесаранжом,
Бўлубои харобу расво бу халойиқ ичра бадном,
Хамдамим эрур дафу най, ҳарифим — суруҳию жом,
На қилай кўзумни юммай, сани кўрмасам, дилором,
Қош отиб рақибларга, мани бемадор қилдинг.

Нечук унутай, ингоро, сенинг илтифотларингни,
Айтибои тамом қилолмам ки, сенинг сифотларингни,
Тутаншур жонимга ўтлар агар айтеам отларингни,
На учун тотурмадинг сан шакару наботларингни,
Эл аро гарибдингимда нега хору зор қилдинг?

Бу кўнгулки гулча янглиғ дардинг ила қонга тўлди,
Бир гул узмай боғингдин риштаи жон узулди,
Лабинга тутуб соғарни кулдунг, чоғир тўкўлди,
Табл ишқвор чаддинг, у менинг йишувимга¹ бўлди,
Ком бермайини лабингдин нега интизор қилдинг?

Бу жаҳонда эрди бисёр ишвагару маҳлиқолар,
Лаби гулча, рухлари гул, кўзи шўх бевафолар,
Ўттилар бари жаҳондин ишқдин ёқиб оловлар,
Бор экаи ниҳояти йўқ улар кўрмаган жафолар,
Барисин йиғиб карамдин манга сан нисор қилдинг.

Эй ёр, сену мен бўлоли, ўлтуруб мудом ичани,
Хонақоҳдин туроли, зарқидин олис қочоли,
Мадрасада қийлу қоли, ҳар кишида бир хаёли,
Юрагимда дарди доғи(нг), тилагим эрур висоли(нг),
Эл ичинда ваъж надурким, Машрабингни хор қилдинг?

¹Йишувим — йўқолишим, ўздан беҳабар бўлишим.

* * *

Кўрсат юзунг, ўларман, менда тоқат қолмади,
Меҳрибоним, қайдасан, жонда роҳат қолмади,
Бало ёғди бошимга элда офат қолмади,
Чектим жафони, акнун, танда ҳолат қолмади,
Кездим шаҳру биёбон дилда ҳасрат қолмади

Туттум ирри этокин, охир йўлга бошлади,
«Йўлда қолган гумроҳ» деб Офоқ Хожам хушлади
Айди: «Қирган бу йўлга ўзлуқини ташлади,
Ёди била оҳ уруб, икки кўзини ёнлади» —
Тинмай айттим саносин, хобу гафлат қолмади

«Ишққа қадам қўймасанг, биллоҳ, маъшуқ тоңилмас
Мунда жафо чекмасанг, дари раҳмат очилмас,
Бағринг кабоб ўлмаса, кўздин ёшинг сочилмас,
Йўл устида йўл бўлмай, нафси шайтон чопилмас»
Дебон иррим май берди, дилда ҳасрат қолмади.

Ошиқ бўлдум юзунгга, кўрмай ўлсам нетарман?
Боязиддек ўзумни кунда юзминг сотарман,
Мункар, Нақир қирганда лаҳад ичра ётарман,
Ҳар на қилсанг, эй зоҳид, жоми майдин тотарман
Барбод бердим май учун, қўлда тоат қолмади.

Ошиқ бўлсанг шундоғ бўл — олам куфринг битсеулар
Расво бўлғил халқ ичра, номинг олиб кетсеулар,
Девона бўл ишқида, сенга кесак отесеулар,
Туфроғ бўлғил йўл узра, сени босиб ўтсеулар,
Кофирлигини ўзга ҳеч менда одат қолмади.

Кофир бўлсанг ишққа бўл, аҳли дунё бўлмағил,
Зоҳид сифат дунё деб ҳаргиз мурдор ўлмағил,
Адҳам сифат дунёни ҳеч кўзунгга ялмағил,
Мажнун сифат беҳуш бўл, ҳеч ўзунгга келмағил
Ўттум мақом ҳайратдин, менда ҳайрат қолмади

Фосиқ, зоҳид ул шайхлар масжид сори боргуси,
Қўлларида тасбеҳи, риё тоат қилгуси,
Тили билан зикр этиб ҳамду дуруд сўргуси,
Бир-бир босиб, қўл солиб ҳаво билан юргуси,
Анинг учун, ёронлар, менда ибрат қолмади.

Девона Машрабингман, рози бўлдум қазага,
Ёлғуз бошим гирифтор менинг юз миңг балога,
Дардим фузун, найларман, қайда борай давога?
Суд истабон йўлуқтум, қолдим бу можарога,
Орзуларим ушалмай, гараз иллат қолмади.

* * *

Фақр излаган эл давлати шоҳонани кўрди,
Тарк этти бу оламинки, жононани кўрди,
Сарроф чу ани билдики — дурдонани кўрди,
Ул дурлар аро гавҳари якдонани кўрди,
Гул юзли, сузук кўзлари мастонани кўрди.

Саҳлидур агар билса киши илми нуҷуми,
Аллома эрур зоҳирида бўла улуми,
Таҳсил эмас ул бўлмаса гар зарра хумуми,
Яъники «Шитоб айла» деди мавлави Румий,
Султони тариқат шаҳи мардонани кўрди.

Мардона борур, ҳар тарафи боргани йўдур,
Мардонан зор ила кўлунг олгани кўдур,
Дарвеш надур олами фоний била кўдур,
Памруд ўтига кирди Халил боиси улдур,
Ногаҳ кеча ул гайрати парвонани кўрди.

Кўрганлар ано бирла ки анворини кўрган
Жон кўзгусида жилван дийдорини кўрган,
Ҳожи бўлур эрмин, ки ўшал хорини кўрган,
Мақсуд шул эрур — ганжида ул борини кўрган,
Фақир эгаси бирла ўшал хонани кўрди.

Расвои жаҳон қилди мени ул қаду қомат,
Рафтори анинг ёди эди жўши қиёмат,
Таъи этма жунунимга мени аҳли саломат,
Мансурин дор узра кўруб қилма маломат,
Жон пардасидин илгари жононани кўрди.

Мақсуд на эди билсанг агар, эй бани одам,
Дупёга юбормак гарази Исоу Марям,
Мусоу Хизр бирла малак барчалари ҳам —
Шур бўлди дару данит муаттар ҳама олам,
Гесулари ёзгонда сабо — шонани кўрди.

Ногаҳ бу кўнгул лавҳидадур қол ила қийли,
Якрағи мусаффо керак ул гулбази нийли,
Ваҳдат майининг касратидин тоғғали майли,
Машрабни ўтуб умри чу монандан сейли,
Айди бу мухаммаснио хумхонани кўрди.

* * *

Чехраси гулзор қалмоқ дилбаримдур илгари,
Қайрилиб ҳар ён турубон кетти зебо қошлари,
Тири тез бирла менга айлар ишорат кўзлари,
Чун табассум бирла айлар бўлса лаби қирмизлари,
Ушбу хандон лаъли ичра жавҳаристон гавҳари.

Актофиға шода боғлаб гавҳару маржондин,
Фуфаку кимхобу зарбафт осилиб ҳар ёндин,
Уди анбар куйдуруб чун рағани бодомдин,
Ухласа бошига бахмал бистари ҳар ёндин,
Чун йилон, боз айлабон оғуш этодур қўллари.

Оқ баданга долаи раъно қабо гулгун кийиб,
Қирқ кокул ҳар тарафга, ошиқин бисмил қилиб,
Ул хаёл бўстонига ким ранг-баранг гуллар қўнуб,
Кўзлари чақмоқидин бул мулки дил ўтда ёниб,
Баски шамшири жафо устига тушти жавҳари.

Қизлари нозик бадан, раъно ниҳоли жилвагар,
Бир печа суръат самоъ, бир печасидур нагмагар,
Чўлу саҳро чун алар боргоҳи бўлди ҳамназар,
Ошиқу маъшуқ ҳам етти муродига магар,
Васлига бўлди муяссар чўлу саҳро гуллари!

Ушбу дунё ишратининг ибтидои носазо,
Носазонинг иштиҳои ҳосили бўлди баъло,
Ҳосилоти таййибот имони мутлақдур зиё,
Қурбати ҳақ олдида ул зухду тақво нораво,
Машраби девонани ҳозир у нозир дилбарин.

* * *

Мени олам аро Мажнуни бесар қилди-ю кетти,
Бошимга солди савдони, қалаңдар қилди-ю кетти,
Дилимнинг қалъасин бузди-ю абтар қилди-ю кетти,
Юрокимга қўюб оташ самандар қилди-ю кетти,
Кўзум термултуруб расвои махшар қилди-ю кетти.

Кўзум чун баҳор олмай борадур дурри хушобидин,
Жаҳон полинга кирди дуди бағримнинг кабобидин.
Насибам йўқ экан, афеус, хусни бениқобидин,
Ўқунглар олдима кўн дард кўрганлар китобидин,
Мени йўл устида якбора музтар қилди-ю кетти.

Тараххум бирла ҳаргиз сўрмади: «Зорим, нечуксан?» деб,
«Мен уюни мубтало бўлгон гирифторим нечуксан?» деб,
«Юрак-бағри адо бўлгон дилафгорим нечуксан?» деб,
«Бу вайрон хонада муштоқи дийдорим нечуксан?» деб,
Бошимга юз жафову жавр дилбар қилди-ю кетти.

Вафолни ёр агар бўлса паришонини сўрмасму?
Адашган интизору хонавайронини сўрмасму?
Тутанган, бағри куйган, йўлда ҳайронини сўрмасму?
Дили саднора бўлгон, чашми гирёнини сўрмасму?
Бошимга тенди, туфроқга баробар қилди-ю кетти.

Кўлуңгдин келса, дўстум, бевафога асли дил берма,
Жаҳонни моҳи бўлса, норасога асли дил берма,
Ситамгар, бемурувват пурикафога асли дил берма,
Бало кўнроқ тегар, ноошинога асли дил берма,
Дилимга солди оташни мукаддар қилди-ю кетти.

Адолатлик амирим, балки, хоқоним, деб арз қилдим,
Кўнгул шаҳрига тушган, шоҳи султоним, деб арз қилдим
Сўрар аҳволи зоримни, Сулаймоним, деб арз қилдим,
Вужудим кишварига мамлакатдоним деб арз қилдим,
Йироқдин арз қилдим, гўшини қар қилди-ю кетти.

Кўзумга торикистон қилди охир рўзи равшани,
Ёқиб ҳар соати сийнам аро савдойи гулхани,
Мени мотамга солди, шод этиб олдимда душмани,
Ани мақсуди куйдурмоқ менигдек бағри куйгани
Сипанди хотиримни фарқи мижмар қилди-ю кетти

Яқомни чок этиб ҳар соати бисёр йиғларман,
Менигдек йўлда қолгон йўқ, дили афғор йиғларман
Ўзумдек хонавайронларни кўрсам зор йиғларман,
Мени арзим эшит, эй воҳидул қаҳҳор, йиғларман
Мусибат тоғини бошимга лангар қилди-ю кетти.

Бу фоний кўҳна дунёдни фано бўлгунча йўқларман,
Кироми умри хуршидим адо бўлгунча йўқларман,
Биное соати явмул жазо бўлгунча йўқларман,
Кўзум дийдори бирла ошно бўлгунча йўқларман,
Алам пайкони бирла бағрим жар қилди-ю кетти

Тутуб эрдимки, домонини Исқандар бўлурман деб,
Шабу рўзики мен ҳамроҳи ул дилбар бўлурман деб,
Етишсам соясига жумладин беҳтар бўлурман деб,
Агарчи санги хоро бўлсам ҳам гавҳар бўлурман деб
Назардин ташлади, ҳолимни абтар қилди-ю кетти

Қани бир дард кўрган, бевафони дардини айтай,
Яқомни чок этиб, ношнони дардини айтай,
Лаҳаддин бош кўтарсам, маҳлиқони дардини айтай
Бу кун шўридаман, нозук адоин дардини айтай,
Қилиб хокистарим барбод, ахгар қилди-ю кетти.

Юрақнинг дардини ҳар дўсту душмандин ниҳон туттум
Балонинг тахтини токи ўзумга ошён туттум,
Қочиб ҳар неку баддин остонига макон туттум,
Бориб ҳар гўшага йиғладим, зор фиғон туттум,
Ҳама рози дилимни халққа дафтар қилди-ю кетти

Йўлуида мунтазирман токи пайғом англасам ҳар шаб,
Сафар - дур, дарду ранж — кўн, ҳеч ҳосил бўлмади
матлаб.

Кўнгулни захмини мен ашқи хунолуд ила тузлаб,
Агарчандики дилгирсам кўнгулни узмагил, Машраб,
Азалдим мис эдим, тиллоин аҳмар қилди-ю кетти.

* * *

Ваъда қилди бир келай деб кўзга уйқу келмади,
Термулуб йўлида турдум шўхи бадхў келмади,
Неча келди шум рақиблар ул парирў келмади,
Дардидин ўлдум, табиб, дардимга дору келмади,
Мен шаҳиди ишқ бўлдум, қатран сув келмади.

Додхоҳман рўзи маҳшар қошима бир келмаса,
Ҳажрида ўлдум букун бир лаҳза ҳолим сўрмаса,
Ҳаммага қилган вафони мёнга дилбар қилмаса,
Йиғламайму оҳ уруб ҳаргиз кўзига илмаса,
Барчага ширин забону менга бадгў келмади.

Оху воҳ айлаб гариблик шаҳрида беморман,
Гар олур бўлсанг бу жоним ол, санам, безорман,
Пардани юздин кўтаргил, ошиқу дийдорман.
Соқие, тўйғунча май бер, неча кун хуморман.
Барча мажлислар гули, зулфи суманбў келмади.

Ташналаб қолдим ғамингда, меҳрибоним, қайдасан?
Оҳ уруб йиглаб юрурман, жонажоним, қайдасан?
Изласам йўқтур маконинг, ломаконим, қайдасан?
Маҳрамин сиррим мени, эй роздоним, қайдасан?
Юз туман савдое тушти, маслаҳатгў келмади.

Йиғламоғлиг бул сабабдин — ул нигорим келмади,
Гул очиб юз лутф ила боғу баҳорим келмади.
Икки оламдин кечибман, шаҳсуворим келмади,
Ғам била букчайди қаддим, ғамгусорим келмади,
Меҳрибон, улфатиншин, ширини сўхангў келмади.

Ўртади жонимни, дўстлар, ёрни ҳар бир сўзи.
Боққач имонимни олди оҳудек ўйнар кўзи,
Гул учун булбул қафасда, зоғлар айлар бози,
Жон берар вақтда келай деб ваъдалар қилди ўзи.
Ҳалқума етти бу жоним, чашми жоду келмади.

Уртаниб кўйида куйди зорим, билмади,
«Эй ғариби хоксорим» деб бу ҳолим сўрмади,
Жабрини ҳар кун зиёда қилдию кам қилмади,
Не сабаб ҳозик табибим зарра кўзга илмади.
Кўнгли қаттиқ тошбағир, дардимга дору келмади.

Келса юз минг жилва айлаб ул мени куйдургани,
Ҳолатим йўқтур ани дардида бир дам ургани,
Зулфини бандига чирмаб печа мендек бандани,
Айтиб-айтиб йнғласам ул бевафони дардини,
Бевафони дардини айтурга ҳақжў келмади.

Кўрмасам бир дам сени байтул-ҳарамни найлайин?
Қолгон Иброҳимдин ул эски дўконни найлайин?
Ҳам биҳишту, кавсару ҳуру, ғилмонни найлайин?
Етти афлоку саккиз жаннат — маконни найлайин?
Бул сабабдин, дўстлар, кўнғлумга ёғду келмади.

Куйгуси тонгла қиёмат доду оҳимни кўруб,
Қолгуси маҳшар эли ҳайрон гуноҳимни кўруб,
Тийра бўлгай еру кўк рўйи сиёҳимни кўруб,
Шояд ул раҳм айлағай ҳоли табоҳимни кўруб,
Зор ўлдум ҳажрида қошимга ҳақгў келмади.

Бул юроким ғамга тўлди, гулўзорим, келсано,
Қон тўлубдур кўксума қошимга, ёрим, келсано,
Ҳар на қилсанг сен ўзунг қил, ғамгусорим, келсано,
Жумла шоҳларни улуғи, номдорим, келсано,
Дилни зангорин очурга оинарў келмади.

Зоҳидо, Машрабга дединг: «Масжид ичра қўй қадам!»
Ўлтуруб меҳробда айдинг: «Хотирингни айла жам!»
Фаҳшидин қилдим ибо, ҳеч урмадим мен унга дам,
Турфа ишдурким, кўрунг, масжидга кирмиш дарду ғам,
Неча кун зоҳид бўлуб кўнгулга бир ҳу келмади.

* * *

Йигламай найлайки рўзийни сиё қилди фалак,
Ошноларни менга поошно қилди фалак,
Кавкаби бахтимни муңдоғ безиё қилди фалак,
Охири умрумда бахтимни қаро қилди фалак,
Подшоҳ эрдим, буқун соҳиб азо қилди фалак.

Хонавайронман буқун, жисмимда жоним йўқ менинг,
Дарбадардурманки бир ерда маконим йўқ менинг,
Чугзи бевайронадурман, ошеним йўқ менинг,
Го сарим устида турган соябоним йўқ менинг,
Дилрабларни бу туфроғ ичра жо қилди фалак.

Телбалардек ҳар замон йиртиб яқом қон йиғласам,
Сийналарни чок этиб ҳолимга чандон йиғласам,
Дўсту душман айб этар ҳар дам фаровон йиғласам,
Азбаройи мотаме ул моҳи Канъон йиғласам,
Дийдан Яъқубни муңдоғ нобино қилди фалак.

Йўл адошиб ғамда қолдим ҳамсафардин айрилиб,
Мисли булбулман буқун ҳам болу пардин айрилиб,
Модару, ёру биродар ҳам надардин айрилиб,
Қолмасун ҳеч ким менигдек роҳбардин айрилиб,
Кўҳна дунёни менга мотамсаро қилди фалак.

Не машаққатларни кўрди нури чашми Мустафо,
Бўлди ул шаҳзодалар мотамда мисли Қарбало,
Йигла ўз ҳолингга сан мотамда бўл, эй мубтало,
Ҳеч мўмин бўлмасун мендек азизидин жудо,
Фотимани нури чашмидин жудо қилди фалак.

Ҳазрати Одамни аввал жумладин аъло қилиб,
Поси султонни бағишлаб жаннат ичра шоҳ қилиб,
Ҳазрати Ҳавони ул Одам билан ҳамроҳ қилиб,
Кулли малонклар ичинда жумладин аъло қилиб,
Охири вақтида жаннатдин сиво қилди фалак.

Нухга кишти тузат, деб амри фармон айлади,
Умматини саркаш айлаб, помусулмон айлади,
Не қаро қуларни кўрсатти, паришон айлади,
Охирида мубталои доғи ҳижрон айлади,
Шоҳларга бул жаҳонни бебаҳо қилди фалак.

Реза-реза қилди меҳнатдин тани Аюбни,
Доғи фарзандига саргардон қилиб Яъқубни,
Соттуруб бозорга балки ўшал маҳбубни,
Қайси бир васфини айтай чархи бё ошубни,
Охири вақтда гирифтори бало қилди фалак.

Берди Иброҳимга ҳиммат, неча бутни синдуруб,
Ул муборак қўлига ҳиммат қушини қўндуруб,
Жаннат-ул-аъло буроқига ул шоҳни миन्दуруб,
Вақти охир бошига Намруд оташ ёндуруб,
Оташи Намрудни жаннатнамо қилди фалак.

Каъбатуллоҳни тузатти ул Халили босафо,
Кимки дохил бўлди анга қолмади ҳаргиз гуноҳ,
Баҳра олди хонаи ободидин шоҳу гадо,
Халқ Исмоилни шундоғ тигдин берди фано,
Бошига юз минг бало келди, ризо қилди, фалак.

Ҳақ азалдин ҳазрати Мусони қилди гарқи нур,
Аввалин меърожни қилди мақоми кўҳи Тур,
Душмани Фиръави эди кўнглига солди сад гурур,
Мунга давлат, анга меҳнатни нечук берди гафур,
Рўсияҳ Фиръавининг хасмини Мусо қилди фалак.

Машрабо, ҳаргиз билолмассан улуғ асрорни,
Нури Аҳмаддин яратмиш гунбази давворни,
Сен ғанимат бил бу йўлда Аҳмади Мухторни,
Ҳам Абу Бакру Умар, Усмон, Али — қаррорни,
Фотимани нури чашмидин жудо қилди фалак.

* * *

Кўргали хусни жамолингга гирифтор ўлмишам,
Фурқатингдин ҳажр аро ҳар кеча бедор ўлмишам,
Ул қаро зулфунг тори бўйнуғга зуннор ўлмишам,
Иштиёқингга ёниб Мансури бар дор ўлмишам,
Тиғи зулмунгдин жонимга бир ситамкор ўлмишам.

Сафҳан хуснунгга кўрдум бир малоҳат дафтари,
Ораз-узра хатти холинг эрди мушки анбари,
Жисму жонимни фигур этти гамингни лашкари,
Кўзларинг жаллод ўлуб, кифрикларингдур ханжари,
Қумри янглиғ сарв қадингга гирифтор ўлмишам.

Ой юзунгни кўргали кўнглумни мен шод айладим,
Остонингга ётиб арзимни мен дод айладим,
Хоки пойингга қўюб бошимни фарёд айладим,
Бу жунун бозорида ишқингни бунёд айладим.
Халқи олам ичра бир ёри вафодор ўлмишам.

Кўзда ашқим сел этиб ҳар дам фаровон йиғладим,
Кўйинга Мажнун каби дашту биёбон йиғладим,
Ғунча янглиғ лабларингни соғиниб қон йиғладим,
Чун висолинг ёд этиб дард ичра пинҳон йиғладим,
Лайлию Узродин ортуқ яхши дилдор ўлмишам.

Доғи ишқинг лоладек сийнамни қилди чок-чок,
Ханжари мужгон ўқунг қилди юраки дарднок,
Олам ичра кўрмадим ҳеч бир сенингдек зоти пок,
Раҳм этиб лутф айлағил, кўнунгга бўлду эмди хок
Кирди Манраб йўлуғга бир яхши гуфтор ўлмишам.

* * *

Эй мусулмонлар, нетай, мен ёрдин айрилмишам,
Фитна чашму шўхи хуш рафтордин айрилмишам,
Булбули шўридаман, гулзордин айрилмишам,
Қошлари ё, кўзлари хунхордин айрилмишам.
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Ул баҳори ҳуснидин охир жудо бўлдум, нетай?
Ғам била меҳнат қўлида мубтало бўлдум, нетай?
Васл шоҳидин жудо бўлгоч гадо бўлдум, нетай?
Дарди фурқатга гирифтори бало бўлдум, нетай?
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Ҳар пари бўлгон била андог шакаргуфтор эмас,
Ханда айлаб гул масаллик, сарви хушрафтор эмас,
Лабларидин жон бағишлаб, кўзлари хунхор эмас,
Кеча-кундуз бу дилимга ғамдин ўзга ёр эмас,
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Гул хазон бўлдию булбулга гулистон қайдадур?
Бу кўнгул тахтига ўлтурмоққа султон қайдадур?
Моҳ талъат бўлди ғойиб, нури имон қайдадур?
Ҳақни ботилдин айирмоққа сухандон қайдадур?
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Боги олам гуллари ул ҳуснига шайдо эрур,
Кечани кундуз қилурга гавҳари якто эрур,
Шўху танноз, жаҳон ичра ажаб барно эрур,
Фурқатида зор йиглаб, кўзларим дарё эрур,
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Сайди домингга солиб кеттинг на деб, эй шоҳбоз?
Мен сени қайдин топарман изласам, эй сарвиноз?
Сарви хушрафтор эрдинг, фарқ элига дилнавоз,
Маҳв этибсан Машраби девонани, эй бениёз,
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

* * *

Интизори қомати моҳи мунаввар бўлмадим,
Мисли Манжуидек ки мен оламда сарвар бўлмадим,
Ўртаниб шамъи жамоли бирла ахгар бўлмадим,
Чин талаб бозорига кирдим, Скандар бўлмадим,
Тарк этиб оламни Адҳамдек қаландар бўлмадим.

Неча йил дашту биёбонларда юрдум чашм тар,
Неча устои мукамалларга бўлдум ҳамсафар,
Топмади боғи муродим нашъаи инқиди самар,
Умр бежолук била ўтти чу топмай раҳгузар,
Бориҳо юрдум сари мўрига раҳбар бўлмадим.

Муддате бўлдум рафиқ мен аҳли ёбирлар билан,
Гоҳ хў қияди дилим аҳли мужовирлар билан,
Гоҳ фақирлик йўлини туттум мусофирлар билан,
Гоҳ мўминга қўшулдум, гоҳ диловарлар билан,
Қатрадек туштум садафга менки гавҳар бўлмадим.

Барқан солдим бошимга, кўп ибодат айладим,
Тинмайин ҳақ йўлига бисёр тоат айладим,
Хастадил кўнглумни шамди беҳаловат айладим,
Сийналарини чок этиб, қони жароҳат айладим,
Нест бўлдум йўлида, оламга сарвар бўлмадим.

Роҳи укбони талаб қилдим даво бўлгайму деб,
Шамъи имоним бу йўлга нурзиё бўлгайму деб,
Бу қуруқ жисми гуноҳдин бегуноҳ бўлгайму деб,
Оҳ урдум шояд мақбул дуо бўлгайму деб,
Ҳар ибодат пеш туттум, дийдаси тар бўлмадим.

Гоҳ саркашлик қилур эрди бу нафси кофирим,
Неча даргоҳга тегиб ошуфта бўлгандур сарим,
То ҳавога кетти, ўртанди мени хокистарим,
Мастларини кўзига омода бўлди мижмарим,
Ошқадар ўртанди бағрим уд, махсар бўлмадим.

Муфлис эрдим, ногаҳон қўлумга тушти кимйё,
Ери берди бахту иқболим мени вақти дуо,
Ботиним нури ҳақиқатдин ки бўлди пурзиё,
Ҳар намози беҳудики айладим мен иқтидо,
Ул мукаммал қўлни тутти, йўлда музтар бўлмадим.

Ваъдаи умрум битибдур ҳам қиёмат чун қариб,
Бу на мушкулдур сирот устида қолсам музтариб,
Қилмасун, ёраб, илоҳи нури ғайбдин бенасиб,
Дарди ишқ теккан кишига ҳожат эрмасдур табиб,
То қиёмат ранжуриман, ҳеч беҳтар бўлмадим.

Ийгламоқ бўлди кечаю кундузум корим менинг,
Нола бўлди шоми ҳижрониди такрорим менинг,
То зиёда бўлди ул бағримда озорим менинг,
Оташи ишқида куймак бўлди кирдорим менинг,
Раҳравонлар кетти ҳамроҳи паямбар бўлмадим.

Айрилиб қолдим ўшандоғ соҳиби асрордин,
Гул талаб қилдим ушалди даст аахми хордин,
Пири комил қайда, огоҳ бўлса бу кирдордин,
Ғайри нола чиқмагай дигар садо бемордин,
Сийнадин сар урди оҳим, ташт аҳгар бўлмадим.

Мурдаликни ихтиёр эттим, букун кийдим кафан,
Мисли Юсуфдек жаҳон мулкига бўлдум беватан,
Гўшаи узлатни олдим, юз ёшурдум халқдан,
Топмасун мурдамни ғам даштида ҳеч зоғу заған,
То ўзи лутф этмади, мақбули акбар бўлмадим.

Қайта бошдин сийнами афғор қилди оқибат,
Юз балою дард-ғам озор қилди оқибат,
Бир азиз бошимни йўлда хор қилди оқибат,
Охиримни Мансури бар дор қилди оқибат,
Бир замон холис бу чархи зулмпарвар бўлмадим.

Машрабо, умрумни ўткардим тамоми ғам билан,
Одамий мақсудга етмайдур бу умри кам билан,
Бораман охир лаҳадга дийдаи пур нам билан,
Умрум ўтти ҳамнишин бўлмай дуруст ҳамдам билан,
Йўлда қолдим, ҳамраҳи бир пир — раҳбар бўлмадим.

* * *

Аё дўстлар, эшитинг, ёри дилжўйимдин айрилдим,
Мусоҳиб бўлгучи бисёр хушхўйимдин айрилдим,
Ки хуршиди самодек ёри хушрўйимдин айрилдим,
Ки ҳар наззораси ойдек парирўйимдин айрилдим,
Тириклик боиси, дўстлар, дуогўйимдин айрилдим.

Фироқинг зулмида айши нашотим сарнигун бўлди,
Алифдек қоматим гам остида монанди нун бўлди,
Кўзум ёши тўкулди, мисли ул дарёи хун бўлди,
Бўлуб тийра куним, гам даштида ҳолим забун бўлди,
Тириклик боиси, дўстлар, дуогўйимдин айрилдим.

Ажалнинг илкида шоҳу гадо фарёдлар қилди,
Бировни уйини бузди, бирин ободлар қилди,
Бировни меҳнату гамда, бировни шодлар қилди,
Бу олам мулкини охир ажал барбодлар қилди,
Тириклик боиси, дўстлар, дуогўйимдин айрилдим.

Ажад чаңгалидин ҳаргиз қутулмас жону жонварлар,
Вафоси йўқ сенга ҳаргиз ки йиғанг кони гавҳарлар,
Бу туфроғ остига кирди ҳама сарву санавбарлар,
Қаро ерга ниҳон бўлди, дариго, моҳи найкарлар,
Тириклик боиси, дўстлар, дуогўйимдин айрилдим.

Муҳаббат жомидин маҳрум бўлуб бир қатра нўш этмай,
Ки бир дам ёр ила ҳамдам бўлуб кўнгулумни хуш этмай,
Фигону нола бирлан ҳар замон бошимга хуш этмай,
Нечук айлай надомат бирла бошимга хуруш этмай,
Тириклик боиси, дўстлар, дуогўйимдин айрилдим.

Чиқиб саҳро юзига лолазоримни тамошо қил,
Саҳарларда туруб бу нола — зоримни тамошо қил,
Тамошо қилгучи бўлсанг, мазоримни тамошо қил,
Юрак доғимни кўр — фасли баҳоримни тамошо қил,
Тириклик боиси, дўстлар, дуогўйимдин айрилдим.

Бу тожу тахти рахтингни ўлум вайрон қилур, Машраб,
Ўғул-қизни етим айлаб, кўзин гирён қилур, Машраб,
Қўюб юз доғлар сийпагни ҳам бирён қилур, Машраб,
Вужудингни ажал охир сени яксон қилур, Машраб,
Тириклик боиси, дўстлар, дуоғўйимдин айрилдим.

* * *

Гулгулаи сурудкаш бўлди менинг шарофатим,
Ул санамимга пешкаш оҳим ила надоматим,
Хона-баҳона юрганам нафсим учундур, одатим,
Зилзилаи замини арш жумла менинг касофатим,
Қўнглум ичинда ишқи бор — бахтим эрур саодат

Жону дилим фидо этиб, ё санамим, десаммукин?
Ўзига илтижо этиб, ё санамим, десаммукин?
Оҳим ила садо этиб, ё санамим, десаммукин?
Шому саҳар наво этиб, ё санамим, десаммукин?
Қори каломин айтадур, ё-ху деган тиловатим.

Зоҳиди хушк айтадур: «Айла худони шукрини,
Сўзлама ўзгани тақи, айла худони зикрини»,
Чиқса санам, жилва қилиб оладур ақлу фикрини,
Шоҳини роҳидин бўлак борму ҳадди шотирини,
Ҳам елибон, ҳам югуруб юрганам ибодатим.

Мажнуни бенаводайин ишқ жунуни юз қўюб,
Кўча-бакўча юрганам кўксума неча тош уруб,
Эмди бу фони дунёдин чугзлайин юз ўгуруб,
Ҳажрида нола қилганим фақр эли мажлисин қуруб
Машраби осий айтадур — ушбу эрур кароматим.

* * *

Менингдек интизору йўлда ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўкаргада қуруб ер бирла яксон бўлмасун ҳеч ким,
Мисоли андалиби беғулистон бўлмасун ҳеч ким,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўқуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Қани бир дард кўрган, роздон ҳолимни сўргудек,
Гирифтори гами бисёр иқболимни сўргудек,
Табибе ишқида бемор аҳволимни сўргудек,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўқуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Фироқи, дарди бирла қоматим монанди нун бўлди,
Кўзумдин нур кетти, ҳол кун-кундин забун бўлди,
Қиёмат ошкоро, сендин айрилдим, бу кун бўлди,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўқуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Ўлуб кетсам на мушкулдур бу дунёда самар топмай,
Ўзумдек дард кўрган аҳли дардлардин хабар топмай,
На мушкул термулуб қолсам, бу йўлда болу пар топмай?
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўқуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Рафиқим йўқ менинг рози дилим изҳор қилгудек,
Юроким дафтариши олдида такрор қилгудек,
Ғарибдурман кишим йўқ дардими изҳор қилгудек,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўқуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Мени бахти қародин қўл ювди қавму қариндошим,
Мудом захроба бўлдики менинг оғзимдаги ошим,
Дуо айлапки, мен тезроқ ўлай, ҳеч йўқду (р) бардошим,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўқуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Тамошо қилгудек фурсат керак бемуттаколарга,
Ўзумни мен ўзум солдим бу янглиғ кўп балоларга,
Бошим бекаслигимдин тушти чандон можароларга,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Азиз, хушвақт эдим, охирги дамда хор бўлганман,
Юрак-бағри туташган, ғам била бемор бўлганман,
Кишим йўқ сўргудекким, минг балога ёр бўлганман,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Мусибат бирла барбод айлади чун бод гардимни,
Умид эттим қабул этгайму шояд охи сардимни,
Қани бир дард кўрган, айласам изҳор дардимни,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Юракни кавламанглар, лек сартопо жароҳатдур,
Бошимга ҳар замон ҳангомаи шўри қиёматдур,
Бу мотам бирла мен борсам жаҳондин кони ҳасратдур,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

Кел, эй Машраб, сени дунёга келтирди, амал қил деб,
Ҳар ишни вақтидин ўткарма мунда, дар маҳал қил деб,
Диловарлар ҳама кетти, сенам тинмай жадал қил деб,
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким.

* * *

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар эттим,
Сийнамни маюмат ўқиға мен сипар эттим,
Бу манзили беҳудаға азми сафар эттим,
То олами зоҳирға келиб мен гузар эттим,
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим.

Ҳижрон кечаси нола қилиб ҳамдаме топмай,
Аҳволи кўнгул айтғали бир маҳраме топмай,
Ҳижрон тигининг захмиға ҳеч малҳаме топмай,
Озору ситамдин нафасе ороме топмай,
Зулмунгни қариндошу гамингни падар эттим.

Эй ёр, сенинг лаъли лабинг қанду асалдур,
Ҳар бир боқининг тийри бало, жонга халалдур,
Рум халқини Занг этти асир, бу не масалдур,
Савдои сари зулфунг учун неча маҳалдур,
Жон кишвариини буздиму зеру забар эттим.

Қилди бу фалак шуъбадаси хастаю дилреш,
Ошиқ кишилар билса они, душман эрур кеш,
Бир йил — ўн икки ою, ҳамал, ёз ила ҳам қиш,
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим.

Ғам кечалари бўлди менга мунису дамсоз,
Ул шўхи бало сайд қилур кўзлари шаҳбоз,
Ғам хайли жафо бирла эди ҳамдаму ҳамроз,
Васлинг ҳаваси бирла кўнгул этғали парвоз,
Ҳар ўққи юрак узра эди болу нар эттим.

Кийдим капанак фарқ ила гулханда ётай деб,
Ноқуси муҳаббатни дилим бирла чолай деб,
Душманки дучор ўлса анга ҳарба қилай деб,
Оҳим ўқини шум рақибларга отай деб,
Дўстум қўлини туттиму тигу табар эттим.

Дунёи даго ичра менга йўқтур ҳаловат,
Мен мунда хароб ўлдум, сен бўл анда саломат,
Жон мулкига меҳмон келур эрса на саодат —
Ифтора кабоб этгали, эй аҳли сабоҳат,
Хуни жигарим жамъи қилиб моҳазар эттим.

Ялдо тунида бўлгали ёрим била ҳамгап,
Бир гамзага торож этибон дин ила мазҳаб,
Сиррини ниҳон этти — будур боиси матлаб,
Кўтоҳназар эл билмаса деб ҳаста бу Машраб,
Минг маънини бир нуқта била мухтасар эттим.

* * *

Ерни кўйида мен бормоқ эдим,
Ҳар неча жавру жафо тортмоқ эдим,
Қонга тўлган юрагим ёрмоқ эдим,
Ой санамни кўйида юрмоқ эдим,
Кокулини кўзума суртмоқ эдим.

Салтанат тахтини ҳар ким оладур,
Бунда навбат нақорасин чоладур,
Ерни ҳажрида бағрим ёрадур,
Ўтлуғ оҳим, кўзда ёшим жоладур,
Неча йилу неча ой турмоқ эдим.

Риштаи жоним била сочбоғиман,
Оёгин остидаги пойпоғиман,
Кечалар чоққан чоқин-чақмоғиман,
Ишқибозлар ичра бағри доғиман,
Ҳинду, Шому, Руму Чин бормоқ эдим.

Кўху қирга ярашур лола қизоқ,
Таҳ-батаҳ қондур юрак, борму бичоқ,
Ернинг ойдек юзи қизилу оқ,
Эй санам, тегди ўқинг — қолди бошоқ,
Гардини миқам била қоқмоқ эдим.

Кўҳи ғам остида қолғондур таним,
Қайси манзилда экандур севганим,
Дарбадар ҳар ёнға бориб юрганим,
Сен олур бўлсанг қилич бирла жоним,
Толіиниб қонимни мен сочмоқ эдим.

Сувсасам фойдаси йўқ сув сойдоқи,
Эмди билсам сув топилмас қайдоқи,
Бўтакўз ёримни ўйнар тойлоқи,
Сен ўшал рахтингни қўйсанг ёйлоқи,
Илқима ўқлоқ олиб йилқингни мен боқмоқ эдим.

Олмани қўшса бўлурму норға,
Ҳақ ризо — кўнгулни қўшгай ёрға,
Бир назар қилсанг бу Машраб зорға,
Ёлбориб араим деяй дилдорға,
Ястаниб кўйингда мен ётмоқ эдим.

* * *

Эй санам, гул-гул ёнибсан май ичиб рахшонмусан?
Барқ урадур ой юзунг, ҳай-ҳай, маҳи тобонмусан?
Хуш келиб бергил жавобим, жонмусан, жононмусан?
Оллоҳ-оллоҳ пора кўнглум тахтига султонмусан?
Шишани жонимга тушган бир чари жавлонмусан?

Силкиниб бир-бир келурсан, бул ажаб мастонасан,
Май ичибсан, тер чекибсан, турфа гулгун ёнасан,
Бу назокатда турарсан, сен нечук жононасан?
Гулмусан, райҳонмусан ё дурмусан, дурдонасан?
Гавҳару ёқутмусан, ё лаъл, ё маржонмусан?

Оразинг — анвар, хатинг — анбар, лабинг — шаҳду шакар,
Пистаи хандондур оғзинг, кўзларинг бодоми тар,
Оразинг саҳни аро холу хатингдур жилвагар,
Бу назокат бирла ҳай-ҳай, хуш келибсан дар назар,
Гулмусан, булбулмусан, сунбулмусан, райҳонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурму ё барги суман?
Донаи райҳон — қаро холу хатинг саҳни чаман.*
Сийм тан, гул пираҳан, ширинсухан, нозик бадан,
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,
Хурмусан, гилмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?

Гул — юзунг, наргис — кўзунг, райҳон — хатинг, гулгун-
ча — лаб,

Маҳв бўлдум, эй маҳи тобон, жамолинга қараб,
Қоматинг нахли биҳиштидур, занахдонинг — рутаб,
Зулф ила холинг юзунг узра ярашибдур ажаб,
Мисрга лашкар тўқубсан, шоҳи Ҳиндустонмусан?

Лаъли рахшондур лабинг, курси сабуҳи ғабғабинг,
Ой юзунгга хўб ярашур дона-дона кавкабинг,
Доғлар қўйди юракка ул қаро холу хадинг,

Муңча доғ этмак подурким, эй ситамгар, күзларинг,
Ўлдурусан, тиргузурсан, Исои давронмусан?

То қадам қўйдинг чаман саҳнига, эй бехор гул,
Бўлди пояндоз шамшодингга ол рухсор гул,
Қилди авродингни Тури Синода такрор гул,
Қарқаранг — сунбул, кулоҳинг — гунчаи дастор, гул,
Қоматингдур турфа нозук, хинчаи ларзонмусан?

Турфа зулфунг ҳам эгилди чин-чин устига чин,
Чинийлар келди бу чин савдосига Чин мулкидин,
Силкиниб уйдин чиқарсан сарв бўйлук нозанин,
Мен нечук қилмай фидо жону, дилу, имону, дин,
Хуш кулуб жоңим олурсан, офати давронмусан?

Сўзларинг шаҳду шакардур, лабларинг қанду асал,
Қоматингдур пайшакар, бошдин оёгинг бебадал,
Бир наво айлай, қулоқ солгил, эшитгил филмасал,
Булбулингман, сен гулумсан ҳам гулистони азал,
Машрабинг ўртади, эй гул, оташи сўзонмусан?

* * *

Эй сафобахши баҳорим, бўстоним қайдасан?
Нури дийдам, мушфиқим, ороми жоним қайдасан?
Эй тириклик боиси, сарви равоним қайдасан?
Елгизим, уйда рафиқи гамгусорим қайдасан?
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Хотирим васвосдур, девона дерлар сўзласам,
Эмди менга фарздур байтул-ҳазанни кўзласам,
Дашту саҳроларда мен етим қўзидек бўзласам,
Мен сени қайдин топарман, тоғу тузни изласам,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу жаҳонда лаҳза ором топмадим бир дам тиниб,
Булбули бечораман, синди қанотим қайрилиб,
Бенаводурман бу боғ ичра пару болим синиб,
Чун етим бўлдим букун қолдим онамдин айрилиб,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Дўстлар, айб айламанглар, хотирим васвосдур,
Бу ўлумнинг ханжари бурроси чун олмөсдур,
Сабр қилган бандалар сархайли хайрунносдур,
Бу ўлум Одам Атодин бизлара меросдур,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлумни дастидин, эй дўстлар, ҳайронду(р)ман,
Топмайин ҳеч чораи ҳар ерда саргардонду(р)ман,
Найлайин мен бандаи шойистаи Раҳмонду(р)ман,
Дардим афзун, дил паришон, бесару, сомонду(р)ман,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлумни дастидан мендин забунроқ йўқ киши,
Зор йиглаб бори гамда сарнигуноқ йўқ киши,
Меҳнати ҳижронда мендин нотавонроқ йўқ киши,
Мен етимдин бенаво, бехонумонроқ йўқ киши,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Найлайин ёлгиз менга йўқ, барчага келган ўлум,
Ҳазрати Одам Атомиздин мерос қолган ўлум,
Барча одам жисмини ер остига солган ўлум,
Ёлғузун менга эмас, эл жонини олган ўлум,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлум зор йиғлатиб қилди мени барги хазон,
Тапда дармон қолмади, бўлдум заифу нотавон,
Бу огир юк остида бўлди қадим мисли камон,
Бўлмасун олам элида мен каби бехонумон,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Эрка ўстум, дардмандлик бирла одат қилмадим,
Ҳар тараф елдек юруб, тўқлуққа тоқат қилмадим,
Ҳарза юрдум, бир шаҳарда истиқомат қилмадим,
Эй азизим, мен сенга жон бирла хизмат қилмадим,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Айланиб фарёд этарман халқ аро парвонавор,
Сабру тоқат қолмади, эмди бўлубман беқарор,
Бўлмасун ҳеч ким менингдек булбули безътибор,
Хизматингда ҳозир ўлмай Машрабингдур шармсор,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

* * *

Булбули бечорамап, эй гулистоним, қайдасан?
Қумридек ноладамап, руҳи равоним, қайдасан?
Йиғламоқдин қолмади бағримда қоним, қайдасан?
Эй фидо бўлсун сенга бу танда жоним, қайдасан?
Жон қушининг манзили, оромжоним, қайдасан?

Лайли зулфин кўрсатиб қилди жунун девонаси,
Мен анинг дарди билан бўлдум жаҳон овораси,
Онинг учун мен бўлуб халқи жаҳон афсонаси,
Шамъи юзин кўрсатиб қилди мени парвонаси,
Болу нардни айрилибман, бўстоним, қайдасан?

Ишқ ўтидни дарбадар қилдинг, нигорим, хорман,
Ўт туташиб борадур, куйди дилим, ночорман,
Пардани юздин кўтаргил, ошиқи дийдорман,
Ширину шаккар лабингдин бўсаи хуморман,
Гар шифо топмас қилай хизмат, равоним, қайдасан?

Уртаниб куйган юракни мунча куйдурмай нетай?
Кўз қарорин қўймаса, кўзумни ўйдурмай нетай?
Қўл узотсам етмаса, қўлумни синдурмай нетай?
Ёр манзур етмаса, бағримни тилдурмай нетай?
Чугзи бевайронадурман, ошеним, қайдасан?

Булбул эрдим гулистонимдин жудо қилди фалак,
Ўткариб умрум эшикларда гадо қилди фалак,
Мен на қилдим, мунча рўзимни сиё қилди фалак,
Рўзи аввалдин мени бахти қаро қилди фалак,
Мубтало бўлдум сенга, эй ёри жоним, қайдасан?

Асли сўрсанг ҳам ўтига мубтало бўлган ўзум,
Ҳамдами, жондек азизидин жудо бўлган ўзум,
Ўртаниб гурбат билан мотамсаро бўлган ўзум,
Шум фалакнинг жавридин ёрдин жудо бўлган ўзум,
Навбахоримда қуруб қолдим, равоним, қайдасан?

Хоксору хонабардўни бўлубман, дарбадар,
Нолаи оҳим била олам бўлур хуни жигар,
Умри гулзорим хазон бўлди, бўлубман бесапар,
Гар тирикдурман, биродарлар, ўлуклардин батар,
Эмди ўз ҳолимга йиғлай, меҳрибоним, қайдасан?

Ох, найлай, мунча рўзимни париншон қилди гам,
Кўз ёшим дарё этиб йўлларида гирён қилди гам,
Дарди бедармонга солди, сийна бирён қилди гам,
Кўйида Мажнун каби дашти биёбон қилди гам,
Кетти қўлдин эмди найлай давроним, қайдасан?

Дарди кўн, дармони йўқ беморлардин ўргулай,
Хаста бўлган сийнаси афкорлардин ўргулай,
Мунча гамларга улашган зорлардин ўргулай,
Бир ўзумдек сийна чоку хорлардин ўргулай,
Тўтти таъбим очилмас, дилситоним, қайдасан?

Дўстлар, афтодаман, умидворим йўқ менинг,
Дашту саҳроларда Мажнундек қарорим йўқ менинг,
Бир таги деворман, хешу таборим йўқ менинг,
Бодан даълини ичибман ихтиёрим йўқ менинг,
Қумрий боғи жаҳоним, роздоним, қайдасан?

Ишқ ўтидин ҳар замон бошимга осмон тоб-тоб,
Гам билан ҳамхонаман, оламдадур чашмим пуроб,
Бир тараҳҳум қилмади ҳолимга, бағримдур каоб,
Мисли Мажнун ташналаб гам даштида ҳолим ҳароб,
Учти, ҳушум қолмади, оромижоним, қайдасан?

Ҳасратинг бошимга тушти, доғи аъзамдур буқун,
Осмошни ўртасам оҳим билан камдур буқун,
Оқ уруб гурбат аро йиғлайки мотамдур буқун,
Бир азиз бошимга юз минг гуссаю гамдур буқун,
Йиғламоқдин қолмади ашки равоним, қайдасан?

Охири қилди фалак чуи бўстонимдин жудо,
Булбули шўрида янглиг гулситонимдин жудо,
Йиғламай найлай, бўлубман хаста жонимдин жудо,
Юз минг армон бирла бўлдум меҳрибонимдин жудо,
Баҳри аъзам ичра сен гавҳарфишоним, қайдасан?

Ҳасратим бисёрдур бахтим забун, эй дўстлар,
Мисли Мажнундек бўлубман кўчаларда навҳагар,
Мен каби афтода бўлган мутбалони ким сўрар,

Айрилибман меҳрибонимдин бўлуб хуни жигар,
Ғам биёбонида қолдим, дилкушоним, қайдасан?

Сен каби жононага жонимни берсам хуш келур,
Бир такаллумингга имонимни берсам хуш келур,
Ғар тилиб бағримдаги қонимни берсам хуш келур,
Мамлакат, тахти Сулаймонимни берсам хуш келар,
Қолдим оташ ичра мен, ҳафт осмоним, қайдасан?

Мажнуни саргаштаман, даврондин айрилган ўзум,
Бевафони дардида дармондин айрилган ўзум,
Ташрифини кўрмайин меҳмондин айрилган ўзум,
Ҳосили умрида ул хирмондин айрилган ўзум,
Бемаҳал бўлдум хазон, жону жаҳоним, қайдасан?

Офтоби ваззуҳодин тўлди чун оламга нур,
Дўстлар, дод айладим, бошимдадур ҳангоми шўр,
Йиғласам, дардинг билан кўҳу биёбон ўртанур,
Ғам диёрига тушубман, ҳеч менга йўқтур ҳузур,
Булбули бобоу парман, гулситоним, қайдасан?

Ҳеч мўмин бўлмасун мандек аламга мубтало,
Йиғламай, найлай, букун ғамбодадур рўзим сиё,
Додхоҳингман, келиб арзимни тингла, подшо,
Нолаи оҳинг билан дўзахни беркит, Машрабо,
Ёрдин бегона бўлдум, роздоним, қайдасан?

* * *

Дилрабо, хуснуниги кўрган бормукин?
Кўрмайин армонда юрган бормукин?
Ҳасрату дардида сўлган бормукин?
Васлингга етмасдин ўлган бормукин?
Ғам била ҳасратга тўлган бормукин?

Пири комил топмадим ҳарён юруб,
Раҳналар бўлди юрак қонга тўлиб,
Заъфарон бўлди юзум гулдек сўлуб,
Ташна бўлдум ҳасратида оҳ уруб,
Термулуб йўлларда қолган бормукин?

Ҳасратимга тоғу тузлар йиглагай,
Ҳеч кимим йўқтур сўзумни тинглагай,
Дод десам шоядки ёрим англагай,
Зулфини бандига чирмаб боғлагай,
- Мен каби ҳайрона бўлган бормукин?

Топмадим ўзумга ҳамдам бир санам,
Маҳрагим йўқ, босди, найлай, кўҳи ғам,
Бормукин дунёда мендек пур алам,
Дилрабо, қилма менга жавру ситам,
Бевафо дардида ўлган бормукин?

Дог-дог устидадур бағримда қон,
Сенсизин менга керакмас бу жаҳон,
Истасам топқаймуман, эй бемакон?
Йўқтур сендек менга бир меҳрибон,
Меҳрибон излаб юруган бормукин?

Машрабинг маҳшарда йиглаб дод этар,
Ҳасрату дарду алам бунёд этар,
Ўз яқосин чок этиб фарёд этар,
Топмаса васлинг ўзини ношод этар,
Топмайин шодон юруган бормукин?

* * *

Бориб айттинг, азизим — кўзларимга тўтнё келсун,
Менинг кулбамни равнаи қилгали ул нурзиё келсун,
Солиб бўйинга зулфи анбарини мушки Хито келсун,
Мени — бедастинони кўргали ул подшо келсун,
Умидим борки, ранжурини излаб ҳар сабо келсун.

Баҳори файзбахш келди, жаҳон раини чаман бўлди,
Буки мажлис тузунглар, навбати гул шираҳан бўлди,
Оёғ босган ери серсабза бўлди, ёсуман бўлди,
Машоми бўйини ҳар соати мушки Хўтаи бўлди,
Бу йўлда дўст — душман билмасун, ул гоҳ-гоҳ келсун.

Ушал рўзеки анга аҳд қилдим асли ҳамдамдур,
У мендин кўнгул узса, то тирикман кўнгул узмамдур,
Дигар ёр ахтариб мен дашту саҳроларни кезмамдур,
Қиёмат субҳи бўлгунча бу наймонамини бузмамдур,
Бошимни кесса кессун, айлапиб қозук адо келсун.

«Вафодорим!» дедим, охир дамимда бевафо бўлди,
Билолмайман не айб кўрдикки, ул мендин жудо бўлди,
Кўзумни кавлаганларга бориб ул ошно бўлди,
Бошимга хонавайронлиг тушуб қаддим дуто бўлди,
Мени — рўзи сиёҳни кўргали ул рўшно келсун.

Мени бедастино ул ёр кўйига етолмайман,
Вале номаҳрамега доғи дилини кўрсатолмайман,
Сари зулфига чанг солдим, кўлумни беркитолмайман,
Равини роҳ расмини бемехрга ўргатолмайман.
Бориб айттинг, менинг кулбамга ёри бевафо келсун.

Ўзини билмаганлар айтадурлар: «Ўзга ёр ахтар,
Кўнгулни бевафога бермагил, бир гамгусор ахтар,
Агарчи дилрабои тонамасанг, дигар диёр ахтар,
Дилингни муддаосини билгудек бир шаҳриёр ахтар».
Мен айтурмай: «Кўзумни ўйса ўйсун, ошно келсун!»

Будур аҳдимки, то қаддим дуто бўлгунча айрилмам,
Лаҳад туфроғи то дийдамга жо бўлгунча айрилмам,
Дуруза эски оламдин фано бўлгунча айрилмам,
Бошимга нуҳ фалак то осие бўлгунча айрилмам
Ки, бўлди нуҳ фалак бошимга мисли осие келсун.

Чунон беҳудлигимдин субҳ ила шомим билолмайман,
Кетибдур ақл мендин, пухтаю хомим билолмайман,
Билолмайман нечук ўткардим айёмим, билолмайман.
Бу йўлда мисли Мажнундек саранжомим билолмайман,
Чароғи дилни равшан қилгали нури сафо келсун.

Камон абрулари ҳар қайсиси бир сайфи жаллоди,
Юрур бўлса чаманда қаддидур монанди шамшоди,
Дубора келмағай оламга мундоғ сарви озоди,
Билолмайман нечук пайдо қилибдур они устоди,
Дилимда юз жароҳат бор, этмакка даво келсун.

Кўзумни оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,
Мени жон мулкида ороми жонимдин аюрдилар,
Бошим устида турғон соябонимдин аюрдилар,
Тешиб бағримни охир устухонимдин аюрдилар,
Кўзумни косасига тўлди нақши бўрё келсун.

Бориб айтинг ўшал зебо сапамга: «Ёринг ўлди», деб,
«Сенинг ҳажрингда куйган ошиқу дийдоринг ўлди», деб,
«Тешилган тири ғамдин, сийнаси афгоринг ўлди», деб,
«Ғарибу хастау ҳажринг, фироқи зоринг ўлди», деб,
Агарчи вақти ишрат келмади, вақти азо келсун.

Нечук бўлдики Искандар эдим, иқбол паст тушди,
Кўнгулни ганда айлаб ошга чуи бир магас тушди,
На мушкулдур, биродар, хонаи нокасага кас тушди,
Агарчи подшоҳ эрдим, чу бўйнуиға қафас тушди,
Бу мушкулларни осон қилгали мушкулкушо келсун.

Карашма бир тараф, нозу фироқ куйдурди доғидин,
Магар хуре тушубдур кулбама жаннатни боғидин,
Фидо айлаб бошим қилдим тавоф, ўпдим оёғидин,
Чароғи анга пайдо айладим дийдамни ёғидин,
Умидимдур мени тиргузгали аршдин Исо келсун.

Жаҳонни хўбларини бевафо қилмоқғадур қасди,
Қилиб беҳонумон, соҳиб азо қилмоқғадур қасди,

Ҳазорон дарди ғамга ошно қилмоқғадур қасди,
Таги деворларга мубтало қилмоқғадур қасди,
Олов ёқсун бошимга, то тирикман муддао келсин.

Забонимдан тушурмай айтаман ул зикри ёрабни,
Муҳаббат йўлига барбод этибон қалб-қолабни,
Ўзунг ўнг йўлга солгил йўл юрурда аҳли мазҳабни,
Умиди кўп эрур, навмид қилма хаста Машрабни,
Яна умматни аҳволин сўрарға Мустафо келсуи.

* * *

Юзунгни кўргали келдим, кўтаргил пардани, эй моҳ,
Фироқинг даштида қолдим етолмай сенга, эй барно,
Бу дарду меҳнатинг бир ёқ, гамингдин юз туман савдо.
Сенинг ишқингда, эй дилбар, юрурман волау шайдо,
Менга раҳм айлабон боқгил, аё эй дилбари раъно.

Тушубман йўлулга танҳо, ўзунгсан менга гамхорим,
Йиқилганда қўлим тутгил, мадад қилгил, мададкорим,
Ҳама зоҳид рақиб ўлса уғонимсан, халоскорим,
Муҳаббат даштида доим тиларман васлинг, эй ёрим,
Шукрим, юз шукр сенга, сенинг ишқингда мен гўё...

Қуёшдек шуъласин кўрмай ўзумга келмадим ҳаргиз,
Машаққат тоғидин тойиб ажалдин ўлмадим ҳаргиз.
Дариғо, ўтти бу умрум, висолинг кўрмадим ҳаргиз,
Сенинг ишқинг менга тушти, ўзумни билмадим ҳаргиз,
Кўйингда ўртаниб — ёниб қилурман оху вовайло.

Деди муршиди ишқ: «Оё майи жонбахш тота кўргил,
Намозу рўзадин кечгил, муҳаббатга бота кўргил,
Агар сен марду оқилсан, бу дунё меҳрини қўйгил»,
Бўлубман ташна, жомимга набизингдин тўла қуйгил,
Йўлингда хоки пойингга юзум сурдум мени расво.

* * *

Гул-гул юзунгни очиб кел сайри бога дилбар,
Нозу карашма бирла келгил қучога дилбар,
Анбар исингни ҳар дам келтур димога дилбар,
Гулчеҳралар бошингдин бўлсун садога дилбар,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Эй гул, менинг бу жоним бўлсун санга тасаддуқ,
Бу жисми нотавоним бўлсун санга тасаддуқ,
Йўдунгда хонумоним бўлсун санга тасаддуқ,
Токи руҳи равоним бўлсун санга тасаддуқ,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ишқингда, эй париваш, девоналар бўлубман,
Жоми муҳаббатингдин мастоналар бўлубман,
Сабру қарорим олдинг, сарсоналар бўлубман,
Шамъи руҳингда, эй моҳ, парвоналар бўлубман,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Қаддинг алифга ўхшар, қошинг чу ё, нигорим,
Куйдум ғамингда, эй ёр, сўрсангчи ҳоли зорим,
Ҳар дам мушавваш айлаб, олдинг менинг қарорим,
Ҳажрингдадур қаронгу, эй моҳ, рўзгорим,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Бошингдин ўргулайин, икки қизил юзунгдин,
Ҳам қадди-қоматингдин, ҳам қошингу кўзингдин,
Ул холи лаб ярашган авроқи оразингдин,
Жисмимда жон талошур ҳар жонфизо сўзунгдин,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ҳолимни сўрмадинг ҳеч, эй маҳваши шакарлаб,
Эй маҳваши шакарлаб, эй шўҳи, сийм ғабгаб,
Жон куйди тан ичинда, афсурда бўлди қолаб,
Куйдурма, эй нигорим, мунча мени жафолаб,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Кўнгул олурга, эй ёр, ҳай-ҳай, на дилрабосан,
Бераҳм, бемурувват, пурхашму пуржафосан,
Хўбони олам ичра бир хури бевафосан,
Найлайки, эй дилором, ғайр ила ошносан,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ҳолимға қил тараҳхум, эй сарв қадди раъно,
Қил чашми марҳаматдин Машрабга бир назоро,
Ғамзангни ўқи бирла тушти жаҳонга ғавго,
Хур ўлса сендин ўзга қилмам ани томошо,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

* * *

Букун, эй дўстлар, мен ўлтуруб қон йиғласам арзир,
Яқомни чок этиб, ҳар дам фаровон йиғласам арзир,
Юруб дашту биёбон то рамақ жон йиғласам арзир,
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Жаҳон айвонида чун беалам ўлтурмаган жоним,
Мудом ноком ўлуб, бир рўзи равшан кўрмаган жоним,
Бу дунё роҳатидин бир даме хуш бўлмаган жоним,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Ажаб дилгирман, арз айлагудек роздоним йўқ,
«Сенинг ҳолинг нечук бўлди» дегудек меҳрибоним йўқ,
Мисоли чугздек вайронадин ўзга маконим йўқ,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Мисоли най қуруқ жисмимда фарёду фиғоним бор,
Агарчи сабзасизман, кундадин бодӣ хазоним бор,
Фироқу дарду ғамдин хона-хона достоним бор,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Оёқ остида қолган ожизу бедасту пойман,
Бошим ҳеч ерга сигмай, мен чучук сўзни гадойман,
Чупон лабташманан, дарё лабида мисли моҳиман,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Агар мен маъра урсам, кўрқаман, маҳшар куяр дерман,
Тушуб дўзахга оташ мўмину кофар куяр дерман,
Дилимни дардига жаннат билла кавсар куяр дерман,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Кўзумни ёшини Жайхунча дарё қилмасам бўлмас,
Ўзумни мисли Мажнун элга расво қилмасам бўлмас,
Жаҳон мақсудидин дастимни кўтоҳ қилмасам бўлмас,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Ғаму андиша охир ашкими мужгонга еткурди,
Бу мотам бора-бора шўриши тўфонга еткурди,
Юракимни алам чок этти гўристонга еткурди,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Аламли Машрабам, доғи фироқинг тушди бошимга
Кўзум очтим, қиёмат можароси тушди бошимга
Қиёмат лашкарининг минг балоси тушди бошимга,
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

* * *

Токи мени бечорага бу дарду аламдур,
Васлигини тилаб кўнглума андишау гамдур,
Хасрат ичида муңча менга жавру ситамдур,
На дарду фалак бўлди, на тақдир қаламдур,
Бул гуссада ўдсам, бошима оҳим аламдур.

Сен дилбарни жононага мен ошиқи шайдо,
Жонимни берай васлинг учун, айла тамошо,
Нетгум, мени инқинг бу сифат айлади расво,
Мажнуунга тушуб доғи гаминг кўзлади сахро,
Васлинига етиб ўлса бу ошиққа на гамдур?!¹

Мен сенга етолмай, санамо, хаста бу жоним,
Тун-қун сени излаб югуруб ташна забоним,
Бир неча маҳалдурки жафо бирла бу жоним,
Етмасму сенга муңча меннинг оху фиғоним,
Бу хастани доим тилаги дутфу карамдур.

Жон қийнамайини восили жонона бўлурму?
Найсонсиз садаф дури якдона бўлурму?
То шамъи уза ёимаса парвона бўлурму?
Оғзини очиб сўзламай афеона бўлурму?
Васлинг асалу доғи гаминг захру зақамдур.

Ҳайратда юрубман, санамо, васлигини излаб,
Боқиб бу назар кўзила доим сени кўзлаб,
Ҳайрону саросима юруб, телбали сўзлаб,
Нафе эгрисини тиги муҳаббат билла тузлаб¹,
Охир бу ажалини кўшида барча адамдур.

Чин ошиқ эсанг берма кўнгул нафсу ҳавога
Кўн ётма сахар уйғона кўр зикри санога,
Ғофия юрума, бўлма гирифтори балога,
Машраб, сен ўзунг солма неча жавру жафога,
Тўғри юрусанг эл сўзидин сенга на гамдур!

¹ Тузлаб — тузатиб, тўғрилаб

* * *

Тулуъи партави шамъи жамолнинг кўрганним беҳроқ,
Бошингдин чарх уруб парвонадек ўргулганим беҳроқ,
Рақиблар жабрини тортгунча, жоно, ўлганим беҳроқ,
Кўзумдин ёш тўкуб васлингни излаб юрганним беҳроқ,
Ғаму дардинг рафиқ айлаб мудом оҳ урганним беҳроқ.

Шариат шарбатин тотган, тариқат ҳалқасин тутган,
Ҳақиқат ёрини суйган, разолат кўзини ўйган,
Малоҳат кўйида юрган, шарофат шавқини сурган,
Жаҳон майдонини кезган, муҳаббат ўтига куйган,
Суяр қуллар изини кўзларимга сурганим беҳроқ.

Юрубман ҳар замон беҳуд бўлуб, йинглаб, кетиб ўздин,
Надомат ёшини ҳар дам тўкарман термулуб кўздин,
Менга йўқ маҳраме рози дилимни айласам сўздин,
Ўшал Мажнунни шайдодек юрак-бағрим оқиб кўздин,
Саанам деб оҳ уруб сахро-басахро юрганним беҳроқ.

Қаро кундур бошимда ёр етмас эрса додимга,
Бу ҳолимни кўруб раҳм айламас рўзи сиёҳимга,
Фалак юзи қаро бўлди менинг бу дуди ёдимга,
Қиёмат хашроҳида гуноҳлар тушса ёдимга,
Яқомни чок этиб ул дамки дод деб турганим беҳроқ.

Ўшал рўзи аласт арвоҳимизга холиқи жаббор,
«Жамолимни кўрарсан» деб қилибдур ваъдан бисёр,
Анингчун ошиқи содиқларингдур дийдан хунбор,
Муяссар бўлмаса жаннат ичинда ваъдан дийдор,
Биҳиштин тарк этиб, дўзах ичинда куйганим беҳроқ.

Асир этти менинг кўнглум қушини дилбари хушган,
Бадаи ақфоси ичра мурғи жонни сақлади асраб,
Муҳаббат жомини жонимга сунди айла деб ишраб,
Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилганим беҳроқ.

* * *

Бергил худо йўлига, эй соқий, менга бир аёғ
Ўлдурма кўн хумор ила, тоза қил димоғ,
Тарк этти хонумонини — девона бўлди соғ,
Ўлдум тажаллие била қолди юракда доғ,
То ломаконга етмади жон тонмади сўроғ

Тортсам бир оҳ дард ила маҳшаринг куяр,
Қилсам фиғон булогинг қуруб, кавсаринг куяр
Қоч, осмон, ёшур ўзунг, найкаринг куяр,
Эй Жабраил, боргил, нари, болу паринг куяр,
Бедардсану фариштасан инқидин йироғ.

Сенсан кўнгул манозилида моҳи дилфириб,
Дардимни айтайини санга, эй меҳрибон табиб,
Гулзори боғи хуснида, эй сенсан андалиб,
Доруи раҳматингни менга айлагил насиб,
Буябуя гамингда ўлди, қолди фароғатда зоғ.

Эй қодир қариму қарамбахши зулжалол,
Раҳм эт бу хаста ҳолима, эй шоҳи безавол,
Ўтти тамоми умр гуноҳ бирла моҳу сол,
Азбаройи гам буклади, қаддим бўлди мисли дол,
Бу Машрабингни гуссау дардинга сол қулоғ.

МУСАДДАСЛАР

* * *

Не гурбатларни чектим чарх бевунёд дастингдин,
Мудом мотамда қолдим, бўлмадим дилшоҳ дастингдин,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,
Қафасдин бўлмадимки қумридек озод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Дилимнинг қуввати, руҳи равонимдин айирдилар,
Кўзумнинг оқи янглиғ меҳрибонимдин айирдилар,
Азизим, ҳамдамим, оромивжонимдин айирдилар,
Жаҳон гулзорида ул гулситонимдин айирдилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин

Чаманда булбули шўридадурман, ошёним йўқ,
Мисоли чугздек вайроналарда ҳам маконим йўқ,
Вафоллиғ ёр деб чиқти, жасадда балки жоним йўқ,
Азизимдин жудо бўладум, бошимда ҳоёбоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин

Менингдек гамда қолган, дилнаришон ўлмасун ҳеч ким,
Кўзи чун термулўб йўлларда ҳайрон ўлмасун ҳеч ким,
Баҳори гулшани умри зимистон ўлмасун ҳеч ким,
Бу дунё дийдасига торикистон ўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Умидим бор, еткургаймусан хуршиди матлабни,
Саодат буржидин ул шамъи иқболимга кавкабни,
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни,
Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлига хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

* * *

Эй пари юз кўрсатиб юз поз ила боққанмусан?
Хирмани умрумга ишқинг ўтини ёққанмусан?
Меҳридек хуснунига зулфунг абрини ёиқанмусан?
Ўзга юзга боқма деб, кўзумга миҳ қоққанмусан?
Қатл этарга қасд этиб бағримга тиг чошқанмусан?
Айланиб ҳар ёна ғамзанг ўқини отқанмусан?

Сунбули райҳон сочар ҳар дам наришон кокулинг
Барчани булбул қилур ул тоза очилган гулинг,
Маст этар агёрни лаб жомидин гулгун мулинг,
Лаъли маржонлар тўкар кўз маҳзанидин булбулинг,
Нятифотинг маҳзанидин тонмади маҳзун қулинг,
Толелимга лутфу эҳсон эшикин ёиқанмусан?

Шодлик менга йироқдур, масканинг майхонадур
Туғу кун ийрат майидин кўзларинг мастонадур,
Лаългун май тобидин юзунгда минг дурдонадур,
Жон умид айлаб ўшал дурлар учун парвонадур,
Дарду меҳнат тошидин кўнглум менинг вайронадур,
Нотавон кўнглумга ҳар дам доғлар босқанмусан?

Қўлда шакли тирногинг ийди ҳилолимдур менинг,
Ким анга ҳайронлигим дафъи малолимдур менинг
Кўзин гирён хуснунга қилган хаёлимдур менинг,
Итларинг сонда ўлмаклик камолимдур менинг,
Танда ҳар ён ўқларингким навниҳолимдур менинг
Кўнглум олиб ўртамоқга жонга ўт ёққанмусан?

Мендин ўлдунг не учун, эй дирабо, ошуфта ҳол,
Барча эл кўнгул қушини тутмоқ учун айлар ҳаёл,
Лола янглиғ юзларингдур, қошларинг ойдек ҳилол,
Дам-бадам сув ўринга лаълинг тўкадур жоми бол,
Сарв шохин ҳар тарафга мойил этгандек шамол
Жилва айлаб қайрилурсан хим ларзонмусан?

Хўб ярошуб, эй нигорим, бошинг узра қарқаранг,
Ушбу зийнатлар била бул нотавонга бир қаранг,
Тарки зулм эт, лағзае раҳм айла, эй шоҳи фаранг,
Қораси хўбдур қошингга ўсма бирла сурма ранг,
Турфа нозук гул юзунгдур, кифрикнинг санчиб хаданг,
Барча маҳваш ишқ аро қул, ҳусн аро султонмусан?

Бода ичсанг гул очилгандек қилурсан хандалар,
Жон топар қаҳқа унунгдин қайтадин жонкандалар,
Тийри гамзангдин йўлуида ҳар тараф афкандалар,
Барча зеболар сени кўрса бўлур шармандалар,
Лайлию Ширин каби кўйингда юз минг бандалар,
Барча юзини понадид этган маҳи тобонмусан?

Қатл учун кийган тўнингни гул била тикканмудур?
Ўлтуруб боқ ҳар тараф андин сочилган қонмудур,
Ҳар бири гулдек юз очиб сен каби жононмудур?
Тиг урсанг қочмайин қолғали қулунг подонмудур?
Нозу гамзанг тиги бирла ўлмаган ҳам жонмудур?
Ўтмусан, ё гулмусан, ё лаълмусан, маржонмусан?

Оташин лаълнинг майинди журъае қилдим талаб,
Ваъда қилдинг лутфу эҳсондин берай деб лаббалаб,
Боқмадинг, билмам гуноҳим, кўз учи бирла қараб,
Бул ажаб маҳрумликлар бизга бўлди рўзу шаб,
Не сабабдин қувладинг мен хаста қулни ташналаб,
Айтгил тангри учун, чинму сўзунг, ёлгонмусан?

Жонин юз минг пора қилди, дилрабо, нозиңг сенинғ,
Элин қурбон айламақдур қунда андозинг сенинғ,
Ўлдирурга, тирғизурга йўқтур анбозинг сенинғ,
Эл сўзунгдин жон топар — жондурки алфозинг сенинғ,
Шарҳ қил, жонон, надур ҳуснунгга нарвозинг сенинғ,
Ўргулай, эй дилрабо, ё жонмусан, жононмусан?

Қатл этар ҳар кунда минг бечорани кофир кўзинг,
Кеча ишрат бирла, қон тўкмоқда ўтгай кундузинг,
Қайси шоҳини ҳадди банъ этмоққа — ҳокимсан ўзинг,
Лаҳзада юз минг кишига жон ато айлар сўзинг,
Ғунчадек оғзинг очиб, Машраб қулунгин тиргузинг,
Ўлдиурсан, тиргузурсан — Исон давронмусан?

МУСАББАЪ

* * *

Эй гунчан навхези гулистони малоҳат,
Эй тоза ниҳоли чаманоройи назокат,
Зулфи сияҳинг фитнау, холи хадинг — офат,
Йўлунгда тегар бошима минг санги маломат,
Мақбулсан эй дилбари хуш лаҳжа бағоят,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Ул холики кунжи лаби жонона тушубдур,
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушубдур,
Ҳинду бачае мулки Сулаймона тушубдур,
Ул чоҳи занахдонига бир дона тушубдур,
Чун Юсуфи Канъонки бу зиндона тушубдур,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Гулгунчан позик баданим, долаузорим,
Шамшод қадим, сийм танним, чашми хуморим,
Хусн мулкини султони ўзунг — шоҳсуворим,
Кел олдима, жон садқа қилай сенга, нигорим,
Ҳам сабру қарор қолмади, дилда мадорим,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Хуснунг варақида ўқудим турфа ажиб хат,
Ёким ясамишлар табақи лаъли забаржад,
Рафторинг ила қоматинг, эй тўбийи хушқад,
Бир шеваи поз айла, агар неку ва гар бад,
Жоним берайин зулфи сияҳингга мужаррад,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Эй мугбача, маргублигинг хаддин ўтубдур,
Овозан ҳусунг ҳама оламни тутубдур,
Гулузорим жамолинга гулу лола бутубдур,
Машшотан тақдир сени хуш ясатибдур,
Юзунг кўруб одам тақи жаннат унутубдур,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Бул турфа хироме қилибон неча таманно,
Лаълингга ёзилган хати сабзанг гули раъно,
Қошинг қаламу шамъи жамолинг чаманоро,
Бу тарзи жамолинга қилибсан мени шайдо,
Кўйдум, мени ёд этмадинг, эй маҳваши зебо,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Даврон эли бу тарзи нигоҳингга тасаддуқ,
Оҳуи Хўтан чашми сиёҳингга тасаддуқ,
Жононан Чин зулфи дутоҳингга тасаддуқ,
Бағдод ила Рум тарфи кулоҳингга тасаддуқ,
Мен ҳам бўлайин рўйи чу моҳингга тасаддуқ,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Ҳар дам мени бечора қилиб дод ила афғон,
Кўйингда юрубман неча йил бесару сомон,
Ул сарв қадинг ёдла қумри каби полон,
Қурбонинг ўлай, мунча мени қилма паришон,
Сен жумла жаҳон сарвари, жононан даврон,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Кокулларинг халқасини ой кўрубман,
Жон риштасин ҳар ториға баржой кўрубман,
Кинрикларинг ўқларини ёй кўрубман,
Гисуларинг суибулин барной кўрубман,
Машрабин ўзум ошиқу худрой кўрубман,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

МУХАММАСЛАР



* * *

Қани марди қиёмат хавфидин тар бўлса мужғони,
Бўлур жаннатга дохил дилда кўп бўлса пушаймони,
Тариқи бандалик душвор экандур, йўқтур осони,
Қани Искандари доно, қани ул шоҳи султони,
Бу фоний дунёдин навбат-банавбат ўтти даврони.

Қиёмат ваҳмини ёдингга ол, шому саҳар йиғла,
Гулистонинг хазон бўлди, фигон қил, чашми тар йиғла,
Қани ҳамсухбати қобил, кетибдур яхшилар, йиғла,
Бошинг тобутга етмасдин бурун хуни жигар йиғла,
Ки ҳосил кўп бўлур ҳар йилли кўпроқ бўлса борони.

Фалак домони бошимда мисоли оспё эрмиш,
Кимки комига тушти бутун чиқмоқ маҳол эрмиш,
Бу дунё ошноси ҳаширда ноошно эрмиш,
Фалакдин гар умид қилса карам муфлис хато эрмиш,
Ки соҳиб хона муфлис бўлса, похуш бўлди меҳмони.

Жаҳонни посбонсиз билма, ҳар юртининг амири бор,
Суханин бир дуругин айтмагил, ёлгонни чини бор,
Ки ҳар бир бандани ўзига лойиқ ҳамнишини бор,
Қади ҳамдур, қиёмат ваҳмидин ҳар кимни бийми бор,
Жаҳон фирдавс кофирларгадур, мўминга зиндоин.

Ҳазор андиша маъзлумлиг билан ўткандур донолар,
Бу бондан ажаб бизларга тушгандур бу савдолар,
Бўлур бир-бирга душман йўл юрўрда шайху муллолар,
Оёғ остида қолгон неча биздек бесаруполар,
Замона бўлса оҳир юртга ҳоким номусулмони.

Агар озода дилсан суҳбати комилдин айрилма,
Бошингга урсалар ҳам, суҳбати қобилдин айрилма,
Имонинг иур топар соҳиб чароғи дилдин айрилма,
Рашиши роҳ расми руҳи Исмонилдин айрилма,
Харобат айлағай ҳар юртни золим бўлса султони.

Кўзининг нури кетмасдин бурунроғ рости роҳ ахтар,
Кўлунинг тутгудек, йўл бошлагулик раҳнамо ахтар,
Жаҳонни шавқ-завқни қўйғил, эй гофил, худо ахтар,
Деди хайрул банар: қўи, тап сихатликда даво ахтар,
Жароҳат ҳаддин ошган сўнгра мушкул бўлди дармони.

Жаҳонни тарк қил, эй мард, бесарликни хў қилгин,
Кулоҳу жандани кийгин, қаландарликни хў қилгин,
Ғарибларни ғариби бўл, дилабтарликни хў қилгин,
Қаноат шаҳрига киргин, муаттарликни хў қилгин,
Ки беминнат эмасдур бойни берган ош ила нони.

Қадинг бирла баробар халқ агар зар тўкса ҳам олма,
Қошинга чош этиб зирвор-шаккар тўкса ҳам олма,
Сани иззат қилиб тиллон аҳмар тўкса ҳам олма,
Бу кўҳна чарх агар ниҳом бемар тўкса ҳам олма,
Амиринг қандидин авло гадонинг оши явғони.

Адашган йўл тополмас соати раҳбардин айрилса,
Жасад манзилга етмасдур ки ногоҳ сардин айрилса,
Йитургай маслаҳатни шоҳ чуи лашкардин айрилса,
Қаёнга йўл тонар умматки найгамбардин айрилса,
Кимки тарки сунаат қилса донм йўқтур иймони.

Ҳазар этмак керакдур беадолат подшолардин,
Мудомо кўрқаман йўл устида турган балолардин
Фано бергай худо ҳар ерда рангин хонақолардин,
Ки ноқис шайхлар қилган ўшал қулли даъволардин,
Ки масжид бўлди рангин аҳрамандин ганда эшони.

Талабда мисли Адҳамдек жаҳонни барҳам урган кўп,
Саки Асҳоби Кафдек боши бирла йўл юрган кўп,
Жаҳонда неку бадни чашми ибрат бирла кўрган кўп,
Халилдек сад ҳазорон чарх уруб оташга кирган кўп,
Расулни кейнидин йўл юрса ҳар ким, аршни майдони

Суханни гўши карши олдида таҳрир қилманглар,
Тирилтирмақ қийиндур хокдин тасвир қилманглар,
Қасе ноқасга ваҳдат сиррини тафсир қилманглар,
Бу давлатхонанинг дарвозасин занжир қилманглар,
Кимики йўл адашса баста бўлғай хайр-аҳсони.

Ки баъзи норасолар яхшиларнинг сўзига етмас,
Кишининг ҳамнишини яхши бўлса маслаҳат йитмас,
Кимики ақли комил бўлса торик шабга ўқ отмас,
Улуғлиғ помасин топган киши душманга кўрсатмас
Мабодо девнинг чашмига теккан бўлса пайкони.

Мадори икки дунё аҳли мўминларга ташхисдур,
Бахилнинг кимёси бениҳоят бўлса ҳам мисдур,
Иймондин бенасибдур ҳар киши дунёга ҳорисдур,
Саховатни қўлулгдин ташлама гўрингда мунисдур,
Синиқ мундига ҳаргиз жо қилиб бўлмас бу дарёни

Қиёмат ваҳмини ёдингга ол, шому саҳар дод эт,
Сари қабрингга борсанг, навҳа қил, бисёр фарёд эт,
Агарки ҳаж талабсан мўминини кўнглини шод эт,
Иморат қилма дунёда, динингни мунда обод эт,
Ки кўргил ер юзинда бўлди вайрон яхши айвони.

Салоҳи корни пири ҳақиқатдин талаб қилгин,
Кўнгулнинг равнақин роҳи шариятдин талаб қилгин,
Ҳақиқат каъбасин соҳиб қароматдин талаб қилгин,
Иймонинг ҳожатин сен олий ҳимматдин талаб қилгин,
Талабдин қолмасанг қўлулгга етгай лаъл маржони

Илоҳий бандан мўъминга етқурғил бу матлабни,
Ўзунг кўрсат адашганларга, ёраб, яхши мазҳабни,
Мунаввар айла доим йўл юрурда қалб қолабни,
Сирот устида маътал қиямагил афтода Машрабни
Ўшал вақтики Аҳмад бўлса умматнинг нигоҳбони

* * *

Мисли рухманким миёни жонда юрдум ахтариб,
Хам чу Одам жаннату ризвонда юрдум ахтариб,
Навха қилдим Нухдек тўфонда юрдум ахтариб,
Чун Халилдек отани сўзонда юрдум ахтариб,
Мисли Исмоил каби қурбонда юрдум ахтариб.

Манзилим бўлди Мусодек ҳар замоне кўхи Тўр,
То дилимга тоблағай деб мазҳари нури гафур,
Довуди Сармастдек илкимга олганман забур,
То Мусодек пардалардини ўтмаса нур қайдадур,
Чарх уруб сарманзили умронда юрдум ахтариб.

Жустужў қилдим бу йўлда, токи урдум дасти но,
Гоҳ тарео, гоҳ мўмин, гоҳи шайхи хонақо,
Гоҳи ўрус, гоҳи черкас, арманийи, рў сиё,
Гоҳ амиру, гоҳ фақирлар бирла бўлдум ошино,
Дар миёни куфр ила иймонда юрдум ахтариб

Хамчу солиҳдек бу йўлда ноқатулло изладим,
Орзуманди тажаллийи нури мавло изладим,
Қатраман, вақти саҳар бўлганда дарё изладим,
Гоҳ дунё деб югурдум, гоҳ уқбо изладим,
Хамраҳи Исо бўлуб осмонда юрдум ахтариб.

Чаҳор арконни қидирдим, шани жихатни як ба як,
Чокарим бўлди мани доираи хури малак,
Ўқумласи ҳукимда бўлди, то самодини то самак,
Шоймони хокишойим бўлди анда нўҳ фалак,
Ари, курсидини ўтуб, шинҳонда юрдум ахтариб.

Сидрадин қилдим сафар то манзили Ҷиқбрилгача,
То Буроқи ҳимматим юзданди Миконягача,
Жон кафи дастимда бордим қасри Азроилгача,
Боқинам, ўлмам, тирикман сўри Исрофилгача,
Қоба қавсайини кезиб, майдонда юрдум ахтариб.

Боргоҳи кибриёдин тошмадим ҳаргиз хабар,
Зикриёдек резалар қилди бошимни арралар,
Гарми мотам мисли Любдек қилиб сад резалар,
Токи Яҳёдек фано даштида қолдим чашми тар,
Ал-аташ деб оламу имконда юрдум ахтариб.

Токи мен ёқамни чок эттим, паришон йиғладим,
Кўҳлар сувдек бўлуб оқтики чандон йиғладим,
Мисли Яъқубдек фироқи моҳи Канъон йиғладим,
Мен бу ўз ҳолимга ҳар соат фаровон йиғладим,
Чун Зулайходек ани зиндонда юрдум ахтариб.

Васл бозорини излаб, гарқан тўфон бўлуб,
Тахти бахт тоштим Сулаймондек кезиб, султон бўлуб,
Ҳамчунон Жайхунча тоштим баҳри бепоён бўлуб,
Чун сафар қилмоқчи бўлдим дийда бағрим қон бўлуб,
Маърифатини хатти арраҳмонда юрдум ахтариб...

Карбало даштида қолдим, Машрабо, полон бўлуб,
Заҳрлар ичтим Ҳасандек ҳамдами ҳижрон бўлуб,
Ул Ҳусайиндек бу работи кўҳнага меҳмон бўлуб,
Фатҳи нусрат рўзи қилди анта аллом-ул ғуюб,
Охири тоштим, вале вайронда юрдум ахтариб.

* * *

Ки наъмони азал топгунча ранжур бўлгани келдим,
Мисоли кўзан холе тўлуб пур бўлгани келдим,
Ки Исрофил киби машгули ул сур бўлгани келдим,
Бало жомини ичибман, мунда махмур бўлгани келдим,
Аналҳақ айтаман, монанди Мансур бўлгани келдим.

Нетай ушбу жаҳонни, ман азалдин бесарупомаи,
На олимлар била йўлдош, на комилларга ҳамромаи,
Гаҳи мўмин, гаҳи кофир, гаҳи оламда расвомаи,
Мени билсанг, садаф қарнида гўё дурри яктомаи,
Етиб пайсон табиатдин бу кун дур бўлгани келдим

Нечук шўрида расвоманки, бас, дунёда диним йўқ,
Ҳама махлуқ яқинини топти, манда ҳам яқиним йўқ,
Сулаймони азалдек офтоби ҳамшишим йўқ,
Чу ман Фарҳод, ва лекин талхдур комим, Шириним йўқ,
Худонинг раҳматига ман чу маъмур бўлгани келдим

Кел эй, Мусо, мене мурда учун сен осмондин туш,
Кел эй, сан Жаброил, бас сидраи боғи жинондан туш,
Кел эй, руҳи қудс, ман мунтазирман, ломакондин туш,
Ки сўзлаб «лан тарони» маънини номи нишондин туш,
Чу Мусо интизорам соҳиби Тур бўлгани келдим.

Ўзинг додимга етгин, мубтало девона Машрабман
Ки оҳи ўртаган дўзахни оташхона Машрабман,
Тўкилган коса, синган соҳиби даймона Машрабман,
Ушул дунёга ҳорис — барчадин бегона Машрабман,
Мунофиқлар кўзидин мунда ман дур бўлгани келдим.

Илоҳи раҳм қил мен хастага, кўн нотаваондурман,
 Қизил гул гунчасидек таҳ-батаҳким бағри қондурман,
 Қилурга шарҳ дил йўқтур забоним, безабондурман,
 Ғарибу, бекасу, бемазилу ҳам бемакондурман,
 Гадое хонабардўшики расвои жаҳондурман.

Бало даштида Мажнуидек менинг девонадур кўнглум,
 Жунуи бозорида Мансур каби афсонадур кўнглум,
 Муҳаббатдин бошим сўзон ўлуб, парвонадур кўнглум,
 Тушуб зиндони ғам ичра ки банди хонадур кўнглум,
 Асрир ғам бўлуб банд ичра ранги заъфарондурман.

Мунаввар моҳ эди бахтим, қилиб гардун бу ҳола,
 Бу янглиғ тийра бахт ўлғон кўнгул наргола-наргола,
 Чароким кифриким устидадур монандае жола,
 Муҳаббат шавқидин хар дам қилурман қумридек нола,
 Кечадин то саҳар мен ҳамдамий оху фиғондурман.

Жаҳонни бебақо дерлар, қани Кайхусраву Дороб,
 Қани Жамшид, Исқандар, қани Рустам, қани Сухроб,
 Қани жумла пайambarлар, қани ул соҳиби меҳроб,
 Қани Бу Бакри Сиддиқу Умар, Усмон дури ноёб,
 Қани Хайдар, дер эрдиларки: «Мен — соҳибқирон-
 дурман»

Тамомий мулки оламин ажалнинг чоқари кўрдум,
 Хаёлимга назар қилдим, ўзумни озари кўрдум,
 Бориб ройиға мап юрдум, бу нафсий кофарин кўрдум,
 Бу дайри кўҳнага боқтим, бузулган лаангари кўрдум,
 Ки мен йўл ўтгучи мундин ғариб бир қорвондурман.

Бу Машраб остонингга келибдур шайъалиллоҳ деб,
 Гадон дабдабадурман ҳаминша исми олдоҳ деб,
 Адам мулкига юзландим, қилай имойини ҳамроҳ деб,
 Баҳаққи оли асҳобинг қуруқ қайтарма гумроҳ деб,
 Қаси боргайман, эй Аҳмад саки бул остондурман.

* * *

Инсу жин, хуру малак, эй дилрабо, ёринг сенинг,
Олди ой, кундин қарору сабр рухсоринг сенинг,
Ерга боқар сарв ҳар гоҳ рафторинг сенинг,
Гул тикандин бош чиқарди — кўздаги хоринг сенинг,
Эй гўзал, жисмимга ўтлар ёқти атворинг сенинг.

Зийнатингга ҳақ ясабдур бошинг узра қарқаранг,
Ҳусни айвонинг уза кифрикларингдур панжаранг.
Ким қафасда асрамин ҳақ икки оҳун саранг,
Неъматим бор, лаззатим бор давлатингда ранг-баранг,
Давлатинг бўлмас завол ҳақдурки кирдоринг сенинг

Сенда мавжуд ой ила кун, ҳоҳи, бўйи гулму ҳам,
Богинг ичра сайрамоқға хушнаво булбулму ҳам,
Ишқ элига ишратингдин гулчалабдин мулму ҳам,
Чашми бад дафъига уду анбари сунбулму ҳам,
Сайқадура тўққуз фалак, эй шўх, тирифторинг сенинг

Ким сенинг ҳусну жамолинг кўрмак истаб зор эмас,
Сарв рафтори хаёлинг кўнгли ичра бор эмас,
Тири ғамзаингдин юрак-бағри ани афгор эмас,
Беқарору ишизору абри гавҳарбор эмас,
Ишқдин мен ёлғиз эрмас, жумла беморинг сенинг.

Ким алифдек жон ичинда қаддинг, эй нозик бадан,
Икки кўзунг нуқтаси жим, нуқро дурри Адаи,
Ҳар тарафдин қон оқиб гулзор бўлди хордан,
Ким эмас авворау ҳам зор маломат кўйидан,
Гулшани хунрездек афлок хунборинг сенинг.

Осмоинди меҳри анвар кўрсатур гулдаста юз,
Партавидин чун гули хандон бўлур ҳар тоғу туз,
Соқиб, етти маломат лутф айлаб бода суз,
Донаи тасбеҳдек кўнглунг чекилган бўлса уз,
Топмагай иқбол бу суннат билла коринг сенинг.

Дардинг ўлса ишқидин, май бирла дармон айлагил,
Лаъли ўрида юрак-бағрингни бурён айлагил,
Майфурушлар бирла маҳкам ахду паймон айлагил,
Шамъига муг дайри базмида фидо жон айлагил,
Бўлсун ул хайл ичра кўксунг доғи гулзоринг сенинг.

Жону дил бўлсун кабоб, ҳаргиз сиринг фош ўлмасун,
Ишқ сиррин асрагон эл тарки бардош ўлмасун,
Булҳаваслар ишқ зор этганга сирдош ўлмасун,
Ким гуҳар тўлганда жоминг чун қаро тош ўлмасун,
Ғайри ошуқ бўлмасун ҳаргиз харидоринг сенинг.

Шамъ бўлсун ишқ ўтидин танда миръотинг сенинг,
Бўлмасун бесўзлук ишқ ичра абётинг сенинг,
Сўзи ишқинг гар оғизда, жонда лаззотинг сенинг,
Ўтса, Машраб, ишқ номи бирла бу отинг сенинг,
Ишқ нақидин пур ўлсун кунда бозоринг сенинг.

* * *

Эй кўзумнинг шамъию ҳам нури дийдам равшани,
Одамий имонга етмай ҳеч вақт бўлмас гани,
Мардумозори қилиб бўлма худони душмани,
Осмонга етса боининг қилмағил мовумани,
То отанг розий эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Кечау кундуз агар қуръон тиловат айласанг,
Шабни рўз айлаб мудом тақвойи тоат айласанг,
Мисли Хотамдек бўлуб хайри саховат айласанг,
Каъбаи мақсудни минг бор зиёрат айласанг,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Машриқу мағрибни кезсанг йўқ бу дардинга табиб,
Қилмагай анда шафоат сайидий нурий ҳабиб,
Куйдурур ул молики дўзах сени охир мужиб,
Юз фиғону пола қилсанг, ҳеч киши келмас қариб,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Дини имонинг билан урсанг бу йўлда дасту но,
Зўри бозинг бирла этсанг ўттуз уч минг хонақо,
Осмондин тунса Исо, қилса ҳаққингга дуо,
Муршидинг Хизри замон бўлса, бўлолмас раҳнамо,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Бўйи раҳмат анга етмас, кимки бадкирдордур,
Гўр ани қилмас қабул, чиркин тани мурдордур,
Чун худо бандам демас, ҳар кимки дил озордур,
Ким падарозордур, ондин худо безордур,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Неча йил, тун-кун агар тинмай ўқусанг илми қол,
Ҳеч вақт имони ноқингга тонолмассан камол,
Ҳар замини шўразоридур, кўкармасдур ниҳол,
Арзанига арзимас йўл устида ениган сафол,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Тавба қилсанг ушбу кирдорингга ҳеч бўлмас қабул,
Икки оламда демас дўст чор ёр ҳам расул,
Йиғилиб қилса дуо жумла машойих бўлса кулл,
Қилмагай мақбул дуо ул подшоҳи хожа, кул,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Сен аластда айлаган ваъдангга турганинг қани?
Аҳди комил айладинг, аҳдингга турганинг қани?
Толиби содиқ бўлуб йўлуида юрганинг қани?
Зарқан сажжодларни барҳам урганинг қани?
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Қайси юз бирла борурсан охират қабр ичра боз,
Оташи Намрудга куйсанг ушбу кирдорингга оз,
Тоату тақвода бўлсанг сад ҳазорон кишу ёз,
Қуида ҳар бир молни дардингга хайрот қилсанг оз,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Лойиқи давлат эманг, йўлди чикибсан бадсирришт,
Умрунг ўтти, во дариго, қилмадинг бир яхши кишт,
Кўрмадим оламда сендек бандан афъоли зишт,
Ҳеч вақт юзунгга тегмасдур сени бўйи биҳишт,
То отанг рози эмас тавбанг қабул бўлмас сени.

Тоатинг беҳудадур, ҳаргиз тополмассан самар,
Сад ҳазорон некии бир хўйи бад барҳам урар,
Эй муқаддар, доманинг куйди ўзунгдин беҳабар,
Арши аъзамдин улуғдур бандага амри падар,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Маҳдийи вақт чиқса охир сенга бўдмас роҳбар,
Сен дуо қилсанг яна омии демас фаришталар,
Шумлуғунгдин бас қуругай дашту сахро баҳру бар,
Бўйи раҳматдин насими йўқки, жойингдур сақар,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Мунда келдинг Кулли донишларни хотирдин унут,
Кўзни ёши бирла ҳар соат тегирмонлар юрут,
Боғи ҳирсингни муҳаббат оташи бирла қурут,
Бандан собит қадам бўлсанг падар амрини тут,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Беадаблик қилмагил соҳибназарни олдида,
По дароз этмак на лозим яхшиларни олдида,

Асрагин покиза жисминг шўру шарни олдида,
Бир гуломи бедирам бўлгил падарни олдида,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени

Ҳеч оқил ўзини аҳли касофат айламас,
Бу гиёҳи талхни ҳеч ким зироат айламас,
Ким падарозордур Аҳмад шафоат айламас,
Бандае мўмин амонатга хиёнат айламас,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Машрабо, азми сафар қилгил неку кирдор бўл,
Бандаликни пеша тут, шаб то саҳар бедор бўл,
Охиратни хавфидин қон йиғлагил, ҳушёр бўл,
Боғи ризвои истасанг, амри падарга ёр бўл,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

* * *

Илоҳий ташналарни мавж ул дарёга еткурғил,
Ҳамон сарманзили ул Одаму Ҳавога еткурғил.
Анисим, мунисим, жоним Халилуллога еткурғил,
Мақоми қурбати Нуҳи набиуллога еткурғил,
Талабда жон фидо қилган Забиҳуллога еткурғил.

Бу зулматхона дунёда мени бедор қил, ёраб,
Бошимга шўрише солгин, мени хушёр қил, ёраб,
Қарамлик раҳматингдин ташнаман, саршор қил, ёраб,
Кўзумни интизори ошиқи дийдор қил, ёраб,
Мақоме раббияни излаган Мусога еткурғил.

Талаб қилдим — бу йўлда икки дунёда бадавлат қил,
Агарчи гайда қулман, мени соҳиб саодат қил,
Адашган осий қулларни қулумсан деб ҳидоят қил,
Чиқорғил мовуманларни, қатори оли ҳиммат қил,
Қаноат берғил, авжи манзили Исога еткурғил.

Фано берғил, ҳидоят қил жаҳаннамнинг тануридин,
Туфайлидур бу йўл, авф айла, Довуднинг забуридин,
Чиқорғил хотиримни нафси шайтоннинг гуруридин,
Дилимга оҳи сарди бер ки Исрофилнинг суридин,
Қулумян тутғилу Довуд ботақвога еткурғил.

Адашган ожизу бедаст поларнинг ҳақи, ёраб,
Бу дунёву у дунё маст нирларининг ҳақи, ёраб,
Йўлуида ташна қолган бежигарларининг ҳақи, ёраб,
Қиёмат хавфундин қон йиғлаганларининг ҳақи, ёраб,
Бошига арра келган руҳи Зикриёга еткурғил.

Ҳама олудалиқдин сақла, ёраб, жисми жонимни,
Негулар руҳига пайванд қил руҳи равонимни,
Чунон гумном қил, халқ билмасун ном-нишонимни,
Кетарда берма шайтон дастига, ёраб, имонимни,
Бу ҳар жомандаларни ҳазрати Яҳёга еткурғил.

Кўюнга мисли Мансурдек куюб оташга тушган кўп,
Сенинг дийдоринг излаб ҳашт жаннатга етушган кўп,
Халилдек сад ҳазорон оташни Намрудга куйган кўп,
Қиёмат ваҳмидни заижири қудратга ёнушган кўп,
Ҳамани ҳозир этгил, настдин болога еткургил.

Юбординг ҳазрати Юнусни сен ул батни моҳига,
Гирифтор айладинг Аюбни мотамлик балойига,
Ушандоғ ҳазрати Юсуфни солдинг гаминиг чоҳига
Назар қил, ё илоҳий, сийнаи чоклариниғ оҳига,
Илоҳий дард кўрган Аюбни донога еткургил.

Яқин келди қиёмат, вақти маргимдин хабар бергин,
Надомат ашқини дийдамга тўккин, чашми тар бергин,
Учай раҳмат сарига Ҳабронидек болу нар бергин,
Илоҳий, боғи умидимга лутфингдин самар бергин,
Гузаргоҳи Сиротдин ўтқариб уқбога еткургил.

Кетарда баяғам боурдек сен қилма бежавҳар,
Авал мўмин қилиб охир қўлумдин олмагин гавҳар,
Ҳама рахтини йўл устида бориб қилмагин музтар,
Шафе қилдим бу кун бориб баҳаққи нури пайғамбар,
Илоҳий, сажда вақти раббиял аълога еткургил.

Бу ҳар жомандалар йўл устида умидворингдур,
Қачон раҳмат етушгай деб ҳаминша нитизорингдур,
Аластинг хамирини ичган ҳама беихтиёрингдур,
Назардин солма мазлумларни камтар хоки сорингдур,
Шафоат вақти умматни Расулуллога еткургил.

Ҳама рахтини боғлаб йўлда мустардур сафар вақти,
Илоҳи тўшасиз ўтқармагин мундоғ самар вақти,
Худоё, дийдаларни хушқ қилма чашми тар вақти,
Надомат бирла элтгил жумла умматни кетар вақти,
Каримсан, бандани ўзунг моавжага еткургил.

Бу бир жомандалариниғ сендин ўзга тақдогоҳи йўқ,
Паноҳи исматингдин ўзга манзилда паноҳи йўқ,
Сиротал мустақимдин ўзга йўл юрмоққа роҳи йўқ,
Кима арз айласулар сендин ўзга подшоҳи йўқ,
Ҳама умматни арзини шоҳи ав аднога еткургил.

Ҳаҳон савдосидин озод қилгин зор қулларни,
Ўзунг ўйг йўлга солгин жумла бадқирдор қулларни.

Шифойи кавсарингдин шод қил бемор қулларни,
Жаҳаннам отанидин махлас эт бедор қулларни,
Бу аъмоларни, ёраб, дийдан бинога еткурғил.

Равон қил ашк дард олуди чашми хунфишонимдин,
Ўзунг огоҳ бергин, бандаман, суди зиёнимдин,
Хабардор айлагин шармандаман, яхши-ёмонимдин,
Ўзунг озод қилгин нафси саркаш бадгумонимдин,
Қўлумни тутгин, аввал жаниатул-маъвога еткурғил.

Агарчи мунда биз сар то қадам фарқи гуноҳ келдик,
Йитурган мақсудини, йўлга қолган бахт қаро келдик,
Саодатдин жудо, шармандаи рўзи жазо келдик,
Баҳар сувратда келдик, раҳматингга ошно келдик,
Илоҳий арзи аҳволимни олий жога еткурғил.

Аданган бандадурман, навҳа бўлди кориму борим,
Сақол оқарди, тиш тушди, совуқ бўлганда бозорим,
Ки, дур афтоддурман, кимга етгай нолау зорим,
Бу мустарликда раҳм айлаб ўзунг бўлгин харидорим,
Ҳамани номасини — хаттини имога еткурғил.

Ҳама жон қайғусида, нури жондин беҳабар қилма,
Мисоли бутнарастлардек имондин беҳабар қилма,
Қўнгул боғига ер бердинг, хазондин беҳабар қилма,
Кетар вақти эрур оҳу фиғондин беҳабар қилма,
Бу муфлисларни, ёраб, дастини кимёга еткурғил.

Бу гафлат хонадин бедор қил, бандангни уйғотғил,
Агар каж йўлга кетсак, бизга тўғри йўлни кўрсатғил,
Хатову маъсиятларни кўрайлик, тавба ўргатғил,
Тубанлаб кетмагай, лутфинг билан бандангни кўрқитғил,
Фараҳ бергин дилимга, ояти тоҳога еткурғил.

Аданган Машрабам, қилдим сенга ифшойи розимни,
Зиёда айлагин сийнамдаги сўзу гудозимни,
Ҳақиқатга мубаддал қил бу тақлиди мажозимни,
Қабул эт дарғаҳингга, хастаман, ажзу ниёзимни,
Ҳама умматни, ёраб, давлати азмога еткурғил.

Машраб ўз асарларида даврига нисбатан илғор гоиларни баён эта олди. Чин инсоний севги, вафо ва садоқат, ёр васлига ташналик, тўғрилиқ ва саховат, ҳаётдан завқланиш, умидворлик, инсонни улуглаш ва халқ гами, гарибликда ватанини кўмсаш, онайизор маҳди; рёкор дин пешволарининг кашфу кароматларини, ҳоким табақанинг кирдикорларини фош этиши, жаннат ва дўзахни назар-писанд қилмаслик, жаҳолат ва разолатни, зулм-зўрликни қоралаш, инсоний гурури поймол этилгани учун чексиз нола-фиғон; баъзан худога ёлбориш, ундан адолат талаб қилиш; руҳий тушқунлик ва ниҳоят, руҳий исён, адолатсиз замонадан норозилик Машраб поэзиясининг гоивий йўналишини ташкил этади.

Машраб лирикасида халқчиллик, инсонийлик ва табиатнинг энг олий маҳсуди бўлиши инсонни улуглаш, унга фидойилик қилиш етакчи манзулардан ҳисобланади. Машраб асарларида, шунингдек, шоир ҳаёти билан боғлиқ айрим ривоятларда ҳам даврининг социал қиёфаси ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин. Машраб янаган давр... Бир томонда чексиз бойлик ва мансаб эгалари, мартаба, мавқега эга бўлган мутаассиб дин пешволари, бир томонда эзилган жафокаш халқ. Шундай бир шаронда шоир ҳақ-хуқуқи барбод этилган маълум «дили тиги ситамдин пора бўлган халқ» билан бирга бўлди. «Мўминнинг қалби — худонинг уйи» деган ақидани ўз тасавурида ривожлантириб, инсоннинг қалби муқаддас бир олам, бинобарни, инсонни энг муқаддас деб билишга — тавоф қилишга чақирди. Инсон дилини оғритмаслик, уни аяб-асраш лозимлигини уқтирди. Инсон дилини юзлаб муқаддас Каъбадан улугроқ деб таърифлади:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузулмазму?!

Лекин ер-сув, бойлик ва ҳокимият учун бир-бирини гажиб ташлашга тайёр шоҳлар, ҳоким табақа вакиллари инсон дилини оғритмаслик у ёқда турсин, балки ўз хоҳиш-истаклари йўлида ҳар ерда хунрезлик қилар ва ҳамма ерда бирдек бу хунрезликнинг қурбони меҳнаткаш халқ бўлар эди. Бундай адолатсизликка қарши бош кўтарган кишиларни улар «мажнун», «девона» деб атар эдилар. Ҳар қандай ноҳақликка табиатан тоқат қилиб тура олмайдиган, унга қарши оташноқ, газабли шеърятининг қудрати билан кескин зарба берадиган Машраб бундай пайтларда «шоҳга роҳат» бермовчи ана шундай «мажнунин девона» лардан бирига айланар эди:

Лашкари хунрез бўлса сабр-ором қайда бор?!
Мажнунин девоналардин шоҳга роҳат эмас!

Шоир куйиб-ўртанган «аҳли дард»нинг дардига чора топиш йўллари-ни ҳаёл қилди. Бу дард унинг тасавурида бутунлай бедаво бўлиб кўринганидан кейин фақат ўзининг шеърлари — нола-фарёди билан уларга ҳамдард бўлиш, ўз кўз ёшларини сениб одамлар қалбида ёнган алам ўтини ўчиришни орзу қилди:

Куюб ўтган мени девона Машрабдин сўрар бўлсанг,
На ерда аҳли дард тондим, кўзум ёшин сениб ўтгум.

Баъзан ҳақ сўзлиги, жасорати олдида шоҳлар ҳам, мутаассиб уламолар ҳам лол бўлиб қолиб, унга катта-катта бойликларини, ири компл бўлиш имтиёзларини таклиф қилиш билан ўзлари томонга оғдириб олишга уриндилар. Аммо шоир:

Олурга дину дунёнинг матоии орау қилмай,
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо
Шахи рўйи замину — тахти тожин орау қилмай,
Гадоий фақир бўлдум, сайр этарман баҳри бар
танҳо..

ёки

Азалдин мен дили гамгин халойиқ хайлини севдим,
Шахид қонини сиқорган шаҳаншоҳлардин орим бор,—

деб овоз қаландарлиқни, чекенз эксплуатация, талон-торојлар пативкасида бутун-бутун халқлар гадо — оч-яланғоч аҳволга туширилган бир даврда ҳоким табақа аҳлидан нафратланиб, «гадоий фақирлик йўлини тутганлигини, ҳаминша бирдек «дили гамгин халойиқ» билан бирга бўлганлигини, сув ўринга инсон қонини сиқорувчи шаҳаншоҳларга яқинлашмай балки, хатто улардан «ор» қилганлигини баралла баён этди.

У халқ ҳаётини хилватда — узлатда туриб кузатмади. Шоир эзилган халқ ўртасида тургани холда жаҳолатга, зулм-зўрликка қарши очиқ дан-очиқ интиграган журъаткор овози рибкор дин раҳнамоларидан тортиб насл-насабига мағрур, «қора халқ»нинг яна бир хўжайини — сайиду хўжаларгача, замонасининг бей-бобиларидан тортиб, хону хоқонларигача даҳшатга солар эди. Бундай пайтда у тавқиб этилар, ҳаёти хавф остида қолар ва мавжуд вазият тақозоси билан меҳрибон, мушфиқ халқ уни ўз сеvimли фарзанди сифатида бағрига яширар, бошқа юртларга эҳтиёт корлик билан ўтқариб юборар эди. Бу ҳолат ўзга юртларда ҳам такрор ланар, шу тахлит ўтаётган дарбадар, зулматли ҳаёт буюк шоирнинг аламли, халқ ва ҳақиқат учун фидо этилган фожиаи онларини яқинлаш тирар эди...

Машраб инсонни реал ҳаётдагина эмас, балки «боқий» дунё ҳисобланган нарини дунёда ҳам азоб-укубатларга маҳкум этилишига қарши

Ле дўзах, мени куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз!
Тамугдин инқ ўти нурзўр, ани захрин ютуб ўттум.

ёки

Элин сазойи қилмағиз, якка ўзумни айлағиз,
Юрдуму кўрдум ҳамани, дунёда нургуноҳ ўзум.

Жаннат ҳуру гилмонларидан келиб, ҳақиқат ва халқ ёмонлиги йўли да ўзиниң сазойи этилишига ҳам, ёлғиз дўзах ўтида куйдирилишига ҳам у рози. Унинг ёлғиз орауи — инсонни барча офатлардан асраш бу йўлда ҳамма бало-қазоларга ўзинини қалқон этиши.

Бўлар замонга ҳам, ариу курси, лавҳу қаламга ҳам сиқмаган буюк шоирнинг буюк гуманизмидан кичик бир лавҳа, холос.

Машраб реал ҳаётда руҳий тушқуликка маҳкум этилган халқни бахтиёр кўра олмади. Ҳотан, шоир яшаган давр бўғиқ, рутубатли, тарихини энг туманли, зулматли бир даври эди. Бу даврнинг социал муҳитини ўзгартириши халқнинг ҳам, Машрабнинг ҳам қўлидан келмас эди. Чунки бу даврда турмуш тарзини ўзгартириши учун на бирор принципнал гоявий йўналиши, на инсониятнинг жамий тараққиётида тутган ўрин ҳақида бирор тасаввурнинг ўзи ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам, ўзбек халқи тарихида «сиқорган шоир» номи билан машҳур бўлган Ўбораҳим Машрабнинг мавжуд тузумга қарши порозилиги, шўрини-ғавғоси замонасига инсбатан катта прогрессив аҳамиятга молик бўлса-да, бу инсон ўзининг чекланганлиги билан характерланади

ҲАҚИҚИЙ МАШРАБИНИ ИЗЛАБ

«Бобораҳим Машрабининг адабий-ижодий мероси ҳам худди унинг ҳаёт йўли каби замонлар ўтиши билан афсоналар пардасига чулғаниб, пароканда бир ҳолатда бизгача етиб келгани, бу чалқашлик ва поинқлик шоир адабий меросининг чегараларини аниқлаб олиш масаласини ниҳоят даражада мураккаблаштириб юборганлиги ўз-ўзидан аёндыр.¹ Ҳақиқатдан ҳам, Машрабининг ижодий мероси бизгача мукамаллигича етиб келмаган. Ҳозиргача нашр этилиб, ўқувчиларга тақдим этилган шеърлар «Девони Машраб» китоблари, баёзлар ва мажмуаларга киритилган Машраб асарларидан олинмоқда. Демак, шоирнинг ижодий мероси бизгача уч маиба — «Девони Машраб» қиссалари, баёзлар ва турли мажмуалар орқали етиб келган.

«Девони Машраб» қиссалари, баёзлар ва мажмуаларнинг ўзига хос характери хусусиятлари нималардан иборат?

1. Қиссалар котиблар, ноширлар ва кенг китобхонлар омаси томонидан «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон Шох Машраб», «Эшон Шох Машраби девонаи Намаиғоний» каби номлар билан аталиб келинган. Бу номлар ичида энг оммавийлашгани «Девони Машраб» дир. Лекин китоблар «Девони Машраб» номи билан юритилса ҳам, уларнинг ҳозиргача маълум нусхаларининг бирортасида ҳам девонга хос хусусият йўқ.

Девон тартиб бериш — тузиш, унинг ўзига хос анъаналарига қатъий амал қилиш араб, форс ва туркий халқлар адабиётида асрлар давомида ўз тақомилини тонган. Энг мукамал девонларда Шарқ классик поэзиясидаги 16 лирик жанр тўлиқ ўрин олган. Алишер Навоийгача ўзбек тилида ижод этган баъзи шоирлар ўз асарларини йиғиб, девон тартиб берган бўлсалар-да, бу девонлар таркибидаги жанрлар сон 5—6-тадан ошмас эди. Навоийгача айрим араб ва форс классиклари ўз девонларини поэзиянинг ана шу 16 жанри билан тўлиқ бегазилар Бундай буюк ишни ўзбек шеърини тарихида Алишер Навоий амалга оширди. Ўзбек адабий тилининг араб ва форс-тожик халқлари тилларидан қолишмаслиги, унда ҳам исталган жанрда беназир, бадийи етук асарлар яратиш мумкинлигини Алишер Навоий ўзининг тўрт девони — «Ҳазойин ул-маоний» орқали исботлаб берди.

Анъанага кўра, девон қасида ёки газал жанри билан бошланган. Газалларнинг ўрни дастлабки байт ва кейинги байтларнинг жуфт мисралари сўнгида келувчи қофия ёки радиф сўзнинг охирига ҳарфига қараб белгиланган. Газаллар девонга араб алифбоси сираси билан тартиб этилган жойлаштирилган.

Шундан сўнг, шеърлар мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржибаид, маснавий, қасида, соқийнома, қитъа, рубоий, муаммо, чистон туюқ, фард тартибида жанрлари бўйича набат билан ўринлаштирилган. Девон таркибига ижодкорнинг насрий асарлари, шунингдек, дostonлари киритилмаган.

«Девони Машраб» деб юритилиб келинган китобларда, юқорида айтилганидек, девонлик хусусияти йўқ. Улар тузилишига кўра кўпроқ халқ дostonларига ўхшаб кетади. «Қисса»ларнинг аксарияти «Аммо ровийлар андоқ ривоят қилибдурларким...» деб бошланади ва «... Ҳоло ҳазрати Эшон Шох Машрабининг қабрлари Ишконмишдадур» деб тугалланади. «Девони Машраб» ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун ундan бир нарча келтирамиз:

«Алқисса, Эшон Машраб бу газалини ўқуб, қўш мадрасаи Абдулла-хонга бордилар. Кўрдиларки муллолар саҳни мадрасада сифати азоби қабри қилиб ўлтурубтурлар ва халойиқни қўрқутуб турурлар. Анда Эшон Машраб айдиларки: «Эй қўрқоқ муллолар! Халойиқни нимага қўрқутуб турурсизлар? Аммо анда менингдек етти қалаандари кўнгли очилган тошил-майди му етти дўзахини эшигини тутуб турса?!» дедилар. Анда бу сўзини ул муллолар эшитиб айдиларки: «Эй девонак чиллаи яшил урган! Сиз шунича катта киши бўлдингизки, дўзахни эшигини тутуб, халойиқни кир-гузгали кўймайсиз!» деб Эшон Машрабни ул ерда таёқни остига олди-лар. Анда Эшон Шох Машраб айдилар: «Эй муллолар! Кириб Охундин-гизга айтинглар, мен анинг била сўзлашурман», дедилар. Анда муллолар Охундларини келтурмак учун бордилар. То анда Охунд келгунча Эшон Машраб қўюларидини бир кўзанинг тувакини олдилар. Боз уч-тўрт кўк-порни олиб, сувга солиб, эзиб ўлтурдилар. Аммо шул вақтда муллолар кириб Охундларига айдилар: «Эй Охундум, бир қалаандаре келибдурки, тамоми сўз сўзласа, куфр сўзлайдур. Бизлар ани таёқни остига олдук. Аммо у айтурки: «Эй муллолар, ман силарининг Охундларингиз била сўзлашурман», дейдур.

Алқисса, анда Охунд чиқиб кўрдиларки, бир қалаандар олдида бир кўзанинг туваки бор. Сизоб эзиб ўлтирибдур! Анда Охунд келиб айди-ларки: «Эй қалаандар! Сизобни ташлагилки, бул Фиръави деган кофир-нинг бўқидур, қўлунини урмагил, харом бўлур», дедилар. Аммо анда Эшон Шох Машраб айдиларки: «Эй Охунд, сиз кимга умматсиз?» Охунд айдиларки: «Хазрати Муҳаммад Мустафо солини омохи алайҳа вассаламга умматдурман». Эшон Шох Машраб айдиларки: «Маънийи уммат нимадур?» Охунд айдиларки: «Найрав бўлмақликдур». Эшон Шох Машраб айдилар-ки: «Агар сан ҳазрат Рисолатпаноҳга уммат бўлсанг, не учун найрав-лиг қилмайсан?!» Анда Охунд айдилар: «Нечун найравлиг қилмабман?» Машраб айдиларки: «Найгамбари худо цима кийибдурлар?» Охунд айди-ларки: «Пашмана тўн кийибдурлар». Ва яна Эшон Шох Машраб айди-ларки: «Сани устундаги тўнунг абришимдур. Сани ҳам кийганинг ҳа-ромдур!» — дедилар. Анда Охунд айдиларки: «Агарчанди мани тўнум абри-шимдур, юзи ендур». Эшон Шох Машраб айдиларки: «Ман ҳам бул кўкпорга етти кўкпор сув қўштум, бул нечук харом бўлур?!» — дедилар. Аммо анда Охунд ва тамоми томоша қилиб турган халойиқ-лар Эшон Шох Машрабнинг оёқларига йиқилдилар. Эшон Шох Маш-рабга ишқ туғён қилиб, тапбуларини қўлларига олиб, саз қилиб, бу газалини ўқудилар:

Шарҳ айласам ишқ дафтариини жон чидаёлмас,
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.

Авроди муҳаббат ўқубон масжиди кирсам,
Масжид куяру тоқи фарозон чидаёлмас.

Майхона кириб ваели санамдин хабар олса,
Зоҳид куяру оқилу подон чидаёлмас.

Маҳшар куни гар барқ урубон чиқса нигорим,
Дўзах куяру жаннату ризвон чидаёлмас.

Ишқ порасидини гар ўқусам сура баякбор,
Бешубҳа билнинг, ояти қуръон чидаёлмас

Гар паъра уруб тавсани ҳиммат миња қолсам,
Оламга тушуб шўриши афқон чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъвийи ишқи санам этсанг,
Биллоҳди, анга жисминг ила жон чидаёлмас.

Юқорида келтирилганидек, ҳар бир ривоятдан сўнг «Шоҳ Машраб» ки Эшон Шох Машраб жунуларини зиёда бўлуб, бу абётини ўқудилар» қабиллидаги ва шу шеърдан сўнг эса «Алқисса, Эшон Шох Машраб...» сўзлари билан янги ривоят бошланади. Бу ҳолат «Девони Машраб» китобларининг ҳаммаси учун ҳам хосдир.

Ривоятлардан сўнг кўчирилган шеърларнинг мазмунини ҳамма ўринда ҳам шу ривоят мазмунига боғланмайди. Шеърлар қиссанинг бошидан охиригача бетартиб жойлаштирилган. Ундаги шеърлар ҳақиқий девонлардагидек аввал газаллар, мустазодлар, мусамматлар ва ҳ. тартиб билан келмайди. «Девони Машраб»ларда шеърларнинг девоний тартиби ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар тахминан: ривоят — газал, ривоят — мухаммас, ривоят — газал, ривоят — мустазод, ривоят — мураббаъ ва ҳ. ҳолатларда бетартиб келади.

Шунингдек, «Девони Машраб»лар тузилган, кўчирилган вақти ва кўчирилган жойларига кўра ҳам бир хилликка эга эмас. Улар ривоятларнинг турлилигини, шеърлар сонини ва ҳажмининг бир-бирига мос келмаслигини, кўчирилган жойига кўра диалектик нуқтан назардан текстлардаги шевага хослик каби хусусиятлари билан ҳам фарқланадилар.

«Девони Машраб»лар кўчирила бургани сари нусхалар орасидаги фарқ ҳам кўнара боради. Натижада йиллар ўтиши билан турли вариантдаги «Девони Машраб»лар вужудга келган. Вариантларнинг юзага келиши сабабларини яна шундай изоҳлаш мумкин: Машраб замонасининг етук донишманди, диний ва дунёвий илмларини чуқур эгаллаган, тўғриси, ғоятда нокиза, ҳалол ва қомил инсон эди. Шунингдек, у ҳеч қачон мутаассиб рухонийлар ва ҳукмдор шахслар билан чиқиша олмаган. Халқнинг ЖАҲОЛЛАТДА ва ҚЎРҚУВДА сақлашдан манфаатдор бўлган бу шахсларнинг рибзорликлари, адолатсизликлари ва қонхўрликлари Машраб қалбини уларга нисбатан чексиз нафратга тўлдирган. Машраб адолатсизликлардан юзага келган газаб ва нафратини, дард ва аламини ичига ютиб, бир чеккада оху нола қиладиган ожиз шахс эмас эди. У жуда доно ва зўр ҳажвиячлик қобилиятини ўзида мужассамлаган оловқалб, довжорак киши эди. Машраб ноҳақликни, адолатсизликни кўриб-билиб, индамай бир четга чиқиб, шу ноҳақлик ва адолатсизлик ҳақида кўзёши тўкиб, мунглиг шеърлар ёзадиган шоирлар тоифасидан эмас эди. У халққа жабр-ситам ўтказётган, уни алдаётган, қўрқитаётган, азоб-уқубатларга маҳкум этаётган зolim ҳукмдорларини шу халқ кўзи ўнгидан ҳеч аямай шарманда қилар эди. Машраб бу шахсларнинг халқдан яширин тутган иллатларини, разиликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан ҳайв тиги остига олар эди. У рақиблари устидан ҳаминша маъна галаба қозонган.

Машрабдаги маънавий қобилиятнинг — салоҳиятнинг қудратлилиги ва унинг адолатсизликка қарши қаратилганлиги ҳукмрон синф вакиллариини даҳшатга солар эди. Шунинг учун ҳам улар Машрабининг ўлдирдилар. Машрабининг жисмонан ўлдиришини уйдалаганлар уни маъна йўқ қила олишдан, унинг халқ қалбида ўрнашган муҳаббатини сўндириндан ожиз қолдилар. Энди улар Машрабининг халқ ўртасидаги шухратидан ўз манфаатларини йўлида фойдаланиш ҳаракатига тушдилар. Унинг асарларини ўз манфаатлари — ҳукмрон синф манфаатларига мувофиқлаштириш пайида бўлдилар. Машрабининг аном халқ орасида «марди худо», «авлиёни ҳақ» «соҳиб қаромат» деб эълон қилдилар. Ана шунинг учун ҳам асли бир нусхадан иборат «Девони Машраб»ларнинг турли гоёвий йўналишдаги вариантлари шаклланди.

Шубҳасиз, қиссанинг энг қадимий вариантлари ҳам бўлган. Бизгача етиб келган вариантлардаги «Девони Машраб»лар ўша қадим нусха асосида юзага келган.

«Девони Машраб» китобларидаги ривоят ва афсоналарнинг бир-бири

дан тубдан фарқ қилини, унинг таркибига киритилган шеърларнинг гоёвий йўналишига кўра саралаб олиниши фактлари уни икки синф — ҳукмрон ва меҳнатқам халқ вакиллари томонида тузилганлигини, кўчирила борганлигини кўрсатади.

«Девони Машираб»лар таркибига Махваш ва Мужрим Обид сингари шоирларнинг шеърлари ҳам сузлий равишда котиблар томонидан киритиб юборилган.

Шунингдек, «Девони Машираб» китобларида «Мабдан нур», «Кимё» китобларидан кўчириб ўтказилган шеърлар жуда кўп. Лекин «Девони Машираб» қиссасининг энг қадим нусхаларидан бири ҳисоблабган ва Абду Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 5940 рақамли қўлёзмада «Мабдан нур» ушбу вазифасидаги таҳаллусли шеърлар йўқлиги билан бошқаларидан фарқ қилади. Бу вариантда Машираб ҳақида жуда ҳам кўп диний ривоят ва афсоналар берилгани, уни Сайидали бинни Сайидахмад, шубҳасиз, бир гурӯҳ мутаассиблар томонидан тузилган вариантлардан кўчирган, дейиш мумкин.

2. Бобораҳим Маширабнинг ижодий мероси профессионал котиблар, шунингдек, шеърнинг мухлислари томонидан тузилган баёзлардан ҳам кенг ўрин олган. Баёз арабча сўз бўлиб, оқ, оқлик; оққа кўчирилган нусха; оқ қогов, шунингдек, турли шоирлар шеърлари тўйланган китоб, шеърлар тўйлами маъноларини билдиради. Сода қилиб айтганда, баёз турли шоирлар шеърларидан намуналар киритилган кичик тўйлам, тўйлам гулдаста ёки антологиядир. У нҳчам ва ёнда олиб юриш ўйгай ҳамда исталган пайтда, исталган жойда — одамлар йиғилган йиғинларда, маъракаларда, давраларда бемалол фойдаланиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ўшга хос жамки кутубхонача вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари адабиётида баёз тузиш кенг ва айтиш мумкинлики, оммавий тус олган.

Машираб шеърининг шайдолари, мухлислари XVIII асрнинг охири ва XIX асрларда тузилган баёзларга унинг шеърларидан кўйлаб намуналар киритилган. Бизнинг кутубхонамизда ҳам 1243 ҳижрий, 1826 мелодий йилда Мухаммадшариф Махдум Хоразмий томонидан кўчирилган баёз бўлиб, унга Бобораҳим Маширабнинг ўзбек тилидаги саккиз газали ва ўн битта мухаммаси киритилган.

3. Баъзи жиҳатлари билан баёзларга ўхшайдиган, ammo улардан жиҳдий фарқланувчи тўйламлар ҳам бор. Ammo бундай тўйламларни баёзлар сирасига қўшиб бўлмайди. Чунки бу мажмуалар ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, унинг таркибига киритилган шоирлар шеърларига жуда кўп ўрин берилган. Уларда фақат лирик шеърлар эмас, балки эник асарлардан намуналар ҳам жой олган.

Филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев ўз қўлида бўлган шундай тўйламлардан бирини «Мажмуайи мунтахаби девонхо» деб номлаган. Бу тўйлам — мажмуанинг 43 ыарағи (86 бет) Бобораҳим Машираб шеърларидан иборат. Аҳамиятлиен шундаки, маъкур саҳифаларда «Девони Машираб» қиссаларидан фарқли ўларок, ҳеч қандай ривоят ва афсоналар йўқ. «Биз қўлга киритган қўлёзма Машираб ижодининг барча воаниқ томонларини ҳал қилиб бера олмаса ҳам, ҳар ҳолда уни тузган муаллиф қўлида шоирнинг алоҳида-алоҳида (ўзбек ва тожик тилларида) иратилган девонининг жуда мўътабар нусхаси мавжуд бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Котиб ана шу икки девон асосида ўзи тузган бу мажмуага Машираб девонларидан бир қатор тожикча ва ўзбекча шеърларни киритган»¹.

Шундай хусусиятдаги тўйламлардан уч нусхаси бизнинг шахсий кутубхонамизда ҳам мавжуд. Бу мажмуаларнинг учаласи ҳам XIX асрнинг

¹ Эргашали Шодиев. Адабий мерос. 10.1978 йил

иккинчи ярмида кўчирилган бўлиб, тузилиш тартиби, қамрови ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан кескин фарқ қилади.

Биринчи мажмуада аввал Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» китобидан намуналар, сўнг Бобораҳим Машрабнинг 21 шеъри ва охирида «Девони Машраб» қиссаси келтирилган.

Иккинчи мажмуани шоир Саодий томонидан кўчирилган деб ўйлаймиз. Чунки мазкур тўйламда Саодийнинг ғазаллари «Ғазали Саодий» деб бериб берилган. Бир ўрнида бу жумла ўрнига «Ғазали камина» («Ўзимнинг ғазалим» — *Ж. Ю.*) деб ёзилган ва бу ғазал Саодийникидир. Бу мажмуанинг ҳам аввали «Ҳикмат»дан намуналар, сўнг Сайқалийнинг тўлиқ бўлмаган «Ваҳром ва Гуландом» достони, Машраб шеърларидан 49 таси, Саодий ва Ҳувайдо ғазалларидан намуналар ҳамда «Девони Машраб» қиссасининг бошланғич қисми (24 варақ) берилган.

Учинчи мажмуа 400 варақ (800 бет)дан иборат бўлиб, 1876 мелодий йилида номаълум котиб томонидан кўчирилган. Унинг ҳам бошланғич қисми Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» китобидан ва унга найрақ тарзда Яссавий муридлари томонидан ёзилган «Ҳикмат»лардан иборат. Саъдий ва Ҳофиз Шерозий, Жомий ва Павоий шеърларидан намуналар. Ўргашали Шодиевнинг шаҳсий кутубхонасидаги «Мажмуайи мунтахаби девонҳо»даги каби анъанавий «Биёмиллоҳир-рахмонир-рахим»дан сўнг Машрабнинг 62 варақ (124 бет)дан иборат ривоят ва афсоналарсиз кўчирилган турли жанрлардаги шеърлари берилган. Шунингдек, мажмуада Яқололдин Румий — Шаме Табризий шеърларига катта ўрни берилган. Бу тўйламга яна кўнлаб шоирларнинг шеърлари киритилган.

Биринчи ва иккинчи мажмуада дастлаб Машраб шеърларидан намуналар, китоб сўнггида эса «Девони Машраб» қиссасининг алоҳида берилиши далили шоир шеърлари «Девони Машраб» қиссаларидан эмас, балки Э. Шодиев қайд этганидек, бирор мўътабар Машраб девонидан кўчирилганлигидан dalolat беради.

Қўқондаги Гафур Гулом номидаги адабиёт музейда 219-инвентар рақамли Бобораҳим Машрабнинг шеърлари жамланган бир қўлёзма сақланади. Бу қўлёзма 172 варақдан иборат. Унда 2097 мисра (сагр) шеър жамланган. Китоб оқини Қўқон қозоғига наасталиқ хатида кўчирилган Аммо унинг 23—31-варақлари йўл-йўл чиққин олдий рус қозоғига кўчирилган. Китобнинг котиби номаълум. Котиб уни қачон ва қерда кўчирганлигини қайд этмаган. Музейнинг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Аҳмадали Мадаминов ва дунанбеллик ёш одим Ҳустаижон Каримов билан биргаликда ушбу қўлёзма 1920-йиллардан кейин кўчирилган деган хулосага келдик. Қўлёзмада Машрабнинг 122 та турли жанрлардаги шеърлари бор. Бу қўлёзма ҳам Машрабнинг девони эмас У ҳозиргача биз кўрган Машраб қўлёзмаларидан тубдан фарқ қилади Бу фарқ шундаки, унда ривоят ва афсоналар берилмаган. Шеърлар девонга хос алфавити сираси билан ҳам, жанрлари бўйича ҳам жойлаш тирилмаган. Ушбу тўйламини сиңчиклаб ўрганиб чиққач, шу нарса равшан бўлдики, котиб бу китобни «Девони Машраб» қиссаларидан биридан кўчирган. Фарқ шундаки, у бу китобни ривоят ва афсоналардан холи қилган холда кўчирган. Афтидан, кўчирувчи ўз олдига Машрабнинг ривоят ва афсоналарсиз соф бир шеърий тўйламини юзага келтиришини мақсад қилиб қўйган бўлса керак.

«Девони Машраб» қиссалари шоир шеъротини намуналарини ўзида жамлаган тўйлам бўлибгина қолмай, балки Машраб ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар берувчи маъна ҳам ҳисобланади. Бу маъна Машраб ҳаётининг ноаниқ томонларини аниқлаб олмида катта аҳамиятга эга. Қиссаларда келтирилган ривоятларининг ҳаммасини тўлиғича Машраб ҳаётидан олинган ва ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтган вақеалар баъбидан иборат экан, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Улар орасида суъбий тўқиб ки

ритилган афсоналар ҳам бор. Шундай бўлишига қарамадан, қиссалар Машраб яшаган давр, шоирнинг ижодий муҳити, унинг дунёқарани, турли шахслар билан бўлган мулоқотлари ҳамда ҳаёт тарзи қандай ва нималардан иборат эканлигини аниқлашда катта илмий аҳамиятга эга.

«Девони Машраб»ларининг ким томонидан тузилганини номалтум. У шоир ҳаётининг сўнгги йигирма йилида ҳамроҳ бўлган дўсти Пирмат Сеторий ёки унга маълум муддат ҳамроҳлик қилган Зиёвуддин Боғистоний томонидан ҳам тасниф этилмаган бўлса керак.¹ Чунки Пирмат Сеторий Машрабдан ўзига бир ажойиб ашъорий девон қолганлигини сўзлайди ва ундан бир нуسخа кўчириб, Боғистонийга ҳам юборади. Унинг кўлидаги Машраб девонини кўчириб кўнайитириш ўрнига Машраб ҳақидаги узук-юлуқ фикрларга тўлиб-тошган бир асарни тузганлиги ҳақиқатга сира ҳам тўғри келмайди. Машраб девонига эга бўлган Боғистоний тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиши мумкин. Бундан ташқари, Пирмат Сеторий томонидан тузилганида эди, шубҳасиз, Машраб ҳаётининг сўнгги йигирма йили ҳақида ҳам маълумот берилган бўлар эди. Ваҳоланки, Пирмат Сеторий Машраб ҳаётининг охириги дамларигача у билан бирга бўлган, тасодиф натижасида ўлимдан омон қолган. Машраб дорга осылган. «Девони Машраб»ларда эса Машрабининг Наманганга келиши (Офоқ хўжа руҳсатидан сўнг — Ж. Ю.), опасининг вафотидан кейин сафарга отланиши, Балх шаҳрига бориши, у ерда мутаассиб руҳонийларини, Маҳмудбийини ва унинг аркони давлатини ҳақорат қилиши натижасида зиндонга ташланиши ва ниҳоят, қатл қилиниши билан шоир ҳақидаги «маълумотлар» тугайди. Демак, Машрабининг Намангани тарқ этганидан то Балх шаҳрига боргунича бўлган 20 йиллик ҳаёти воқеалари қиссаларга киритилмай қолган.

Академик шоир, ўзбек ва форс-тожик адабиётининг билимдон Гафур Гулом маазур қисса ҳақида, шунингдек, Машрабининг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикрлар билдиргани кўнчиликка маълум. Гафур Гуломнинг филология фаилари кандидати Асил Рашидов томонидан нашрга тайёрланган «Адабий-танқидий мақолалар»ида Машраб девонининг тузувчиси ҳақида кўйдагича маълумот келтирилган: «Бугун бизнинг қўлимизда мавжуд машҳур «Машраб девони» шоирнинг севгилиси Маҳвашхоним томонидан тўпаланган ва тартибга солингандир. Шоирамиз Маҳвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат хизмати эвазига яна ўша Наманган диндорлари томонидан сочи қирқилди — гисебурида қилинди»¹. Афсуски, бу маълумотларни Гафур Гулом қаердан ва қайси манбалардан олганлиги биз учун равшан эмас.

Машраб ҳаётининг баъзи томонлари унинг ҳаётлиги ва қатлидан кейинги даврларда ёзилган тазкираларда ҳам ўз ифодасини тошган. Булар Мухаммад Бадъ-Малеҳо Самарқандийнинг «Музакир-ул-асҳоб», Нехоқ Зиёвуддин Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон», Абдулмуталлиб Хожан Фаҳмийнинг «Мажмуан Абдулмуталлиб Хожан Фаҳмий», Абдушукур Зиёнинг «Мусаввадан Абдушукур Зиё», Хўжа Ҳакимхон Тўраннинг «Муни тахаб-ут-таворих», Мирзо Олимнинг «Ансабус-салотин», Мажзуб Намангонийнинг «Тазкират-ул-авлиё», Ҳидоятулла Офоқ хўжанинг муридлари томонидан ёзилган «Ҳидоятнома» ва «Маноқиби Хўжам Ношио» тазкираларидир.

«Музакир-ул-асҳоб» тазкирасининг муаллифи Малеҳо Машраб билан яқин марта Самарқандда учрашган. Малеҳонинг ёзишича, Машраб

М. Зокиров Шубҳалар ўрилми? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» галетиси 1982 йил, 29 январь.

¹ Гафур Гулом Адабий-танқидий мақолалар, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти Тошкент 1973 йил, 56-бет

асли Андигон вилоятидан бўлиб, ўмирлик йилларида илм ва фазилатлар касб этини мақсадида Наманганга борган. У ерда зўр ҳавас билан ўқини натижасида теда камолот касб этган. Балогатга эришгач, Самарқандга келган. Яна Наманганга қайтиб, у ердан Қашқар ва Бадахшон сафарига жўнаган. Иккинчи марта Самарқандга қаламдар жомасида кириб келган.

Зиёвуддин Пеҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаламдарон» ини филология фанлари кандидати Мухсин Зокировнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» асари орқали билмаймиз. Мухсин Зокировнинг эсинича, «Тазкираи қаламдарон» асарининг муаллифи Пеҳоқ Боғистоний Наманганда Мулло Бозор охунд қўлида Машираб билан бирга ўқиган. Бу асар Машираб элмидан олти йил кейин - 1717 йилда ёзилган. Тазкира Маширабнинг узоқ сафарлардаги доимий ҳамроҳи Ширмат Сеторийнинг илтимосига кўра тасниф этилган. Сеторий Машираб ҳаётининг Боғистонийга маълум бўлмаган завҳаларини баён этиб берган. Тазкирада Маширабнинг қашқарлик Офоқ ҳўка даргоҳидаги шодон-ва аламли, азоб-укубатли кунлари, шoirнинг Офоқ ҳўка қашшақларида бири - Тўтибекачин севини, севилини, бу қилминин гуноҳ ҳисобланиб, бичилини, даргоҳдан қувилини ва қаламдарлик жомасини кийини каби муҳим маълумотлар берилди. Ушбу тазкирадаги энг эътиборли ахборотлардан бири Балх ва Қундуз вилоятининг ҳокими Маҳмудбий Қатагон томонидан Маширабнинг эиндонга тавиланини ва қата этилини билан боғлиқ воқeаларининг анча кенг баён этилганидир.

«Тазкираи қаламдарон» Бобораҳим Маширабнинг туғилган йилини аниқ кўрсатиб берувчи бирдан-бир ноёб асар ҳамдир. «Андоғ маълум бўлминиким, Машираби валиюллоҳ қатли муддатинда таваллудларидин эллик саккиз сана кечуб эрди», дейилган тазкирада, Шoirнинг 1711 йилда қата этилганини ҳисобга олсак, у 1653 йилда туғилган бўлиб чиқади. Аммо нима учундир М. Зокиров «Шу тариқа шoirни 1656—57 йилларда туғилган деб айтиш мумкин»,¹ дейди. Умуман М. Зокировнинг Машираб ҳаёти саналари ҳақидаги ҳисобларида бир-бирига зид маълумотлар берилган. М. Зокировнинг эсинича, Машираб 11—12 ёшларида Андижондан Наманганга келган,² Наманганда 6—7 йил таълим олган,³ Қашқар ва Бадахшон сафари 8—10 йил давом этган,⁴ Машираб Самарқандга иккинчи бор келганида 33—34 ёшларда бўлган. Унинг Самарқандга иккинчи бор келини тарихини 1690—91 йиллар деб тахмин қилиш мумкин,⁵ дейди.

Эинди Мухсин Зокировнинг қайдларини аниқлаб кўрайлик: Машираб 1657 йилда туғилган. 12 ёшида Наманганга келган 1657+12=1669. Наманганда Мулло Бозор даргоҳида 7 йил ўқиган 1669+7=1676. Қашқар ва Бадахшон сафари 10 йил давом этган 1676+10=1686. Демак, Маширабнинг Самарқандга келган йили 1690—91 эмас, 1686 йил ва ёши 33—34-ларда эмас, балки 29 да бўлиб чиқинти. Маширабнинг охири сафари 20 йил давом этган ва шу сафар сўнгида 1686+20=1706 йили ўлдирилган. Кўринадики, М. Зокиров ҳамма саналарда хатоликка йўл қўйган.

Демак, Бобораҳим Машираб 1653 йилда туғилган. 7 ёшида муллога ўқинга берилган. 1665 йилда Наманганга келган. Мулло Бозор охундга шoirд тушган. 1671 йили 18 ёшида Самарқандга келган, яна қайтиб Наманганга борган. 1672 йили Қашқар сафарига отланган. Бу сафар М. Зокиров кўрсатганидек, 8—10 йил эмас, балки «Девони Машираб» диссаларида қайд этилганидек 18 йил давом этган. 1690 йили Машираб Наманганга қайтиб келган. Шу йили онаси вафот этган. Онаси вафотидан кейин бир йил давомида Моварауннаҳр шаҳар-қишлоқлари бўйлаб саё-

¹ М. Зокиров «Эрк ва маърифат куйчилари. Тошкент 1984 йил, 19 бет.
^{2, 3, 4, 5} Уша асар, 18—19-бетлар.

хат қилган 1691 йилдан Пирмат Сеторий билан 20 йиллик узоқ сафарда бўлган ва бу сафар сўнггида, Абдулмуталлиб Ҳожан Фаҳмийнинг тазкирасида қайд этилганидек 1123 ҳижрий йилида (мелодий 1711) Қундузда шаҳид этилган

Улуг Октябр революциясига қадар ва ундан кейинги яқин 4-6 йиллар орасида қилинган энг диққатга сазовор адабий тадқиқотлардан бири рус шарқшунос олимлари томонидан Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга киришилганлиги ҳамда унинг кенг рус жамоатчилиги эътиборига ҳавола этилганлиги бўлди. Улар Машрабнинг ҳаёти ва ижодини гоята қизиқиш билан ўргандилар. Унинг Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарихида катта маънавий таъсир ўтказган буюк ижодкор — исёнкор шоир эканлигини эътироф этдилар. 1895—1923 йиллар орасида рус шарқшунос олимлари Н. И. Веселовский, Х. С. Ликошин, В. Л. Вяткинлар матбуотда Машраб ва унинг адабий мероси ҳақида мақолалар ҳамда шоир асарлари таржималарини эълон қилдилар.

Шарқшунос Н. И. Веселовский Машраб ва унинг ижодига муносабат билдириб, бундай деб ёзган эди: «Ҳажвич ва ҳазиржавоб Девона Машраб Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳурдир... фикримизча, Машраб чуқур диққат билан жиддий ўрганишга сазовор шахс... У муттабик равишда руҳонийлар билан мунозарарада бўлган ва ҳар доим улардан устун чиққан».

«Девони Машраб» қиссаларини рус тилига таржима қилган киши Н. С. Ликошиндир. Н. С. Ликошин Бобораҳим Машраб газалларини таржима қилишга киришишдан олдин унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир маълумотлар тўплашга ҳаракат қилган. Чунки у, даставвал, Машрабнинг «ким» эканлигини аниқламоқчи бўлади. Ана шу мақсадда Наманган шаҳридаги нуфузли таниш-билишларидан Машраб биографиясига доир ёзма маълумотлар олади. Сўнгра у Қашқар консули, шарқшунос Н. Ф. Петровскийдан Марғилон вилоятида Машрабнинг пири Офоқ хўжа авлодлари яшаётганлигини эшитиб, улардан Офоқ хўжа ҳақида сурништира бошлайди. Н. С. Ликошин ўз кўлида мавжуд бўлган иккита типография нашрдан таржима қилиб, сўнгра уларни қўлёзма билан чоғиштирмоқчи бўлган. Ниҳоят, Машрабнинг ҳаёти ва ижодига алоқадор «Мабдан нур» китобини кўриб, шоир биографиясини ёзишга киришади.

Қанчадан-қанча оворагарчиликларда сўнг қўлёзма «Туркистанские ведомости» газетасига топширилади У ерда беш йилдан ортиқ нашр қилинмай ётади. Ниҳоят, орадан ўн йил вақт ўтгач, 1911 йилда «Девона Машраб» Самарқандда вилоят статистика комитетида рус тилида биринчи мартаба босилиб чиқади.¹

Академик Воҳид Абдуллаев В. Л. Вяткиннинг Машраб ҳаёти ҳусусида қилган тадқиқотлари ҳақида гапириб, шундай дейди: «Археолог, профессор В. Л. Вяткиннинг Машраб тўғрисидаги мақоласи 1923 йилда «Туркистон Шарқшунослик институти тўлимида» (Тошкентда) босилган. Унда шоирнинг Ўрта Осиё бўйлаб шуҳрат қозонинига сабаб «Машрабнинг мавжуд қалбакилик, ноҳақликка қарши йўналган кучининг тимсоли сифат хизмат этишидир», деб уқтирган.²

Машрабнинг шеърларидан намуналар германиялик Мартин Хартман томонидан исмиёс тилига таржима қилинган, деган маълумотлар ҳам бор.³

1 Ғайбулла Сяломов. Адабий аъло ва бадий тарсима. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриети, Тошкент, 1980 йил, 26-бет.

2 Воҳид Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриети, 1980 йил, 141-бет.

3 Мухсин Зокиров. Машраб. Адабий-танқидий очерк. «Тошкент» бадий адабиёт нашриети, Тошкент, 1966 йил, 6-бет.

Кўришиб турибдики, Машрабнинг ҳаёт ва ижод йўли тарихини ўрганиш Октябрь революциясидан илгарироқ маҳаллий ва рус тадқиқотчиларининг диққатини ўзига жалб этган.

Инсоният тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси кенг халқ оmmasи томонидан маданий меросини янгича тушунишга, маданият тарихига бутунлай янгича қарашнинг шаклланишига истиқболли йўл очиб берди. Классик адабиётимиз намоёндаларининг, шу жумладан, Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва бадиий меросини илмий асосда ўрганиш ва ёритиш фақатгина совет замонасига келиб амалга ошди. Машрабдек буюк сўз санъаткорининг асарлар оша бизгача етиб келган мероси, қайноқ ва жўшқин ҳаёти ҳақидаги латифаномо, шунингдек, ибратомуз ривоятлари орасидан ҳақиқий Машрабни ва унинг шеърларини аниқлаш ва қайта тиклаш, унинг қонуний эгалари бўлган халқимизга тақдим этишдек машаққатли вазифани бажариш ўзбек совет олимлари зиммасига тушди. Улар Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва бадиий меросини дохил В. И. Лениннинг миллий маданият ва маданий мерос ҳақидаги кўрсатмалари асосида тадқиқ этдилар. Садрриддин Айний, Гафур Гулом, Воҳид Абдуллаев, Ислом Аҳмедов, Назат Султонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Эргашади Шодиев, Раҳмонкул Орзибеков, Одиқож Носиров, Муҳсин Зокиров, Зайнал Ризаев, Ваҳоб Раҳмонов, Комилжон Неронлов ва Қобилжон Тоҳировларнинг машрабшунослик соҳасидаги хизматларини алоҳида хурмат билан қайд этамиз.

XVII--XVIII асрларда Машраб тахаллуси билан бир нечта шоир ижод этган. Булар: I. XVII асрнинг охирида Табризда вафот этган Мирҳусайн Машраб; 2. Исфаҳонда туғилиб, 1715 йилда Ҳиндистонда вафот этган Ҳаким Абдураззоқ Машраб; 3. XVIII асрнинг иккинчи ярмида вафот этган ҳиндистонлик Бахурий Машраб; 4. Деҳлида яшаб ва шу шаҳарда вафот этган Мир Шоигулла Машраб; 5. Ҳаёти саналари мутлақо номаълум, аммо Шерозда туғилган Шоҳ Маъсум Машраб.

Юқорида номлари кўрсатилган шоирларнинг бирортаси ҳам туркий (ўзбек) тилида ижод қилмаганлар. Уларнинг асарлари форс тилида ёзилган. Демак, бу Машрабларнинг шеърлари Бобораҳим Машраб шеърларига аралашиб кетган бўлиши мумкин эмас.

Ўрта Осиёда Машраб тахаллуси билан икки шоир — Мулло Вали ўғли Бобораҳим Машраб ва Ҳофиз Рўзибой охун — Машраби Соний ижод этган.

Ҳофиз Рўзибой ҳақида. Ҳофиз Рўзибой Бобораҳим Машраб қатлидан юз йиллар кейин туғилиб, Қарши шаҳрида, кейинчалик Наманганда яшаб ўтган тарихий шахс. У Ўрта Осиёни Россия босиб олган (1865—70) йилларда ҳаёт бўлган. Абу Райҳон Беруний помидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 5735 рақамли «Саду як банди Мушфиқий» (Тошкент, 1911 йил, 23—29-саҳифа) китобиغا ўзбек тилида «Таркиббанди Ҳофиз Рўзибой» ҳам кўшиб босилган. У шундай бошланади:

Они учун аввали келди ўрсу

Сиддиқ эшон вафотидан кейин унинг ўғли Абдурахмон Махдум Даҳбеддан Қарши шаҳрига кўчиб келган. Ана шу Абдурахмон Махдум Ҳофиз Рўзибойнинг иридир. Рўзибойнинг кўрсатишича, бу шахс хижрий 1260 (мелодий 1840) йилда вафот этган. Демак, Ҳофиз Рўзибой XIX аср бошларида туғилган. Баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, у Бобораҳим Машрабдан 40—50 йиллар кейин эмас, балки юз йиллар кейин туғилган.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1965 йил, 1-сонида филоло

гия фанлари кандидати З. Ризаев «XIX аср ўрталарида Ўзбекистонда Ҳофиз Рўзибой исмли бир Машраб яшаган, у 1260 ҳижрий, 1840 мелодий йилида Ўз замондошларининг йилномаларини ёзган. Бу шоирнинг янги мотий чиқишидан хабардор эмасмиз, лекин ўзини Машраби Соий деб атаган Ҳофиз Рўзибой «Мабдаи нур» номли китобини руҳонийлар фармони билан ёзган», дейди.

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалари фондида сақланаётган 3786 рақамли «Мабдаи нур» китобининг муқаддимасида «Девона Намангоний Мулло Раҳимбобо машҳур Машрабдурман, «Маснавийи Румий» ни турк тилига шарҳ қилдук, исмини «Мабдаи нур» деб тамом қилдук», деган ёзув бор. Аммо муқаддима билан «Мабдаи нур»нинг хати бошқа саҳифада кўчирилган.

9968 инвентар рақамли «Мабдаи нур»нинг I-варағида эса «Машраби Соий Мулло Рўзибой Ҷрасоний» деган ёзув ҳам бор. Аммо шу китоб таркибидаги айрим ғазаллар «Мабдаи нур» ва «Кимё» китоблари Бобораҳим Машрабгами ёки Машраби Соийгами тегишли эканлигини яна бир бор ўрганиб чиқиб кераклигини тақозо этади. Эътибор беринг:

Ҳар қаёна назардур баҳр Мабдаи нури,
Кимки билмади Машраб қаландарини на билсун.

Ёки:

Жаҳон тамоми ҳақиқатдур асл мабдаи нури,
Шикаста Машраби Маҳдий саховатингни тузат.

Ёки:

Ғам қулбасига полаву фарёд айлама,
Шоҳ Машрабнинг кўнгида хонис дуоси бор.

Ёки:

Қўрқаман имон қўлуңдин кетмасун, Машрабо,
Ғайрига лаб ёрмагай ул Кимёга учраган.

Ёки:

Қароре тонмадим рўйи заминда, Машрабо,
Ажалнинг илкидин, эй дўстлар, охир дор кеттим.

Ёки:

Машрабинга косан маргдур шаҳодат нўн этар,
Балх аро Маҳмуд қўлида мубтало қилган ўлжам.

Ёки:

Юзунгдаги холу хат ошиқни кабоб айлар,
Зулфунгга бу Машраби девона қилибдурсан.

Ёки аксарият «Мабдаи нур»ларда:

Етушти Машраб ўшал кони Мабдаи нурга,
Валийн хожан Офоқ Шоҳни хурматидиндур.

ва ҳоказо»

Булардан ташқари, 3692 инвентар рақамли қўлёзма «Мабдаи нур» 1263 ҳижрий, 1820 мелодий йилда кўчирилганлигига эътибор берилса,

бу йилларда Ҳофиз Рўзибой 9—10 ёшлардаги ўсириги бўлган дейиш мумкин ва унинг бу ёнда Жалолиддин Румийнинг тасавуфий «Маснавий» сини туркий тилда шарҳ этиб, «Мабдаи нур» каби етук бир асар ёзганлиги ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Олимлар «Мабдаи нур» ва «Кимё» Ҳофиз Рўзибой асарини эканлигини исботлаш мақсадида унинг «Олдимга кел» радибли мухаммасини намуна сифатида келтирадилар. Ҳақиқатдан ҳам, бир қарашда мухаммасда баъби этилган «Мабдаи нур» ва «Кимё» «Зоҳир исми Рўзибою Мавлавий ўғдум деган» Машраби Сонийнинг қаламига мансуб экан, дегандек хулоса келтириб чиқаради. Аммо у сиичиклаб ўрганилса, бошқача хулоса бераётгандек кўринади. Фикримизча, Машраби Соний бу асарларни ёд олган кўринади («Сийнан покимга жодур кулли шарҳи Маснавий»). Шунингдек, бу асарлар Машраби Соний анча кексайган йилларида унинг қўлига тушган («Вақти охир ошқора бўлди бу Мабдаи нур»). Умрининг охириларида Ҳофиз Рўзибой мутлақо кўр бўлиб қолган кўринади:

...Зоҳири аъмо талаб бўлсанг, менинг олдимга кел...

Еки:

...Кўзи кўр, жондин боқиб, жопонани кўрдум деган,
Машраби шайдо талаб бўлсанг, менинг олдимга кел.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, марҳум Абдулла Носиров ўзининг 109 рақамли қўлёзмасида «Менинг кейинги фикрларим шундай бўлдики, Ҳофиз Рўзибой эшонларнинг хонақосида ҳофизлик қиладиган гадоё, ожиз ҳофиз бўлса керак. Қадим хонақоларда эшонлар зикр тушган пайтларда ҳофизлар сўфиёна ҳофизлик қилар эдилар. Эхтимол Рўзибой «Мабдаи нур»дан ёд олиб-олиб, ҳофизлик қилиб, «Мабдаи нур»ни дилига жо қилганлиги ҳақида ҳам хонишлар қилса керак, деган фикрларга ҳам келиб қўйдим», дейди (18 август, 1975 йил).

Кўйчилик «Девони Машраб» қиссаларида Машрабнинг Умам, Риндий, Маҳди тахаллуслари билан ижод қилганлиги қайд этилган ва бундай тахаллусли шеърлар ҳақиқатдан ҳам бор. Шу институт қўлёзмалари фондидаги 225 рақамли «Девони Машраб» қиссасининг иккинчи варағида «Машраб бени китоб тасниф қилган эдилар» деб, Умам, Риндий, Маҳдий, Машраб ва Мабдаи нур номлари қайд этилган.

Умуман, «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари Бобораҳим Машрабга тегишли эканлигини исботлайдиган яна кўплаб далиллар мавжуд.

Юқорида айтилган фикрлар асосида хулоса қилиб, шундай дейиш мумкин: «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари Ҳофиз Рўзибой охунд - Машраби Сонийники эмас. Бу асарлар тузилиши, мазмуни ва голвий йўналишига кўра, асарларнинг тили, бадий воситаларининг ишлатилиши, услубларига кўра ҳам Бобораҳим Машрабникидир. Келтирилган далилларга асосланганимиз ҳолда ушбу асарларни ишонч билан Бобораҳим Машраб қаламига мансуб деб айта оламиз.

Бобораҳим Машраб шеърларининг аниқлаштирилган матнини нашрга тайёрлаш жараёнида ўзаро қиёсий ва танқидий ўрганилган асарлар

1. *Девони Машраб*», Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инвентарь рақами — 225, настаълиқ хатида, 118 варақ, котиби ва кўчирилган йили номаълум.
2. *Девони Машраб*», Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инвентарь рақами — 5722, настаълиқ хатида, 245 варақ,

- 1305 ҳижрий, 1888 мелодий йилида кўчирилган. Котиби номаълум.
3. «Девони Машираб», Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини, инвентарь рақами — 5940, настаълиқ хатида, 470 varaқ, 1285 ҳижрий, 1869 мелодий йилида кўчирилган. Котиби — Сайдали бинни Сайидахмад.
4. «Девони Машираб», шахсий кутубхона, рақами — 1, настаълиқ хатида, 151 varaқ, котиби ва кўчирилган йили номаълум.
5. «Девони Машираб», шахсий кутубхона, рақами — 2, настаълиқ хатида, 226 varaқ 1250 ҳижрий, 1833 мелодий йилида кўчирилган. Котиби номаълум.
6. «Девони Машираб», шахсий кутубхона, рақами — 3, настаълиқ хатида, 151 varaқ, 1294 ҳижрий, 1876 мелодий йилида кўчирилган. Котиби номаълум.
7. «Девони Машираб», шахсий кутубхона, рақами — 4, настаълиқ хатида, 198 varaқ, 1300 ҳижрий, 1882 мелодий йилида каттакўрғонлик Мирзо Баҳодирқули томонидан кўчирилган.
8. Баёз, шахсий кутубхона, рақами — 5, настаълиқ хатида, форс-тожик ва ўзбек тилларида, 166 varaқ, 1243 ҳижрий, 1827 мелодий йилида Муҳаммадшариф Маҳдум Хоразмий томонидан тартиб берилган.
9. Мажмуа, шахсий кутубхона, рақами — 6, настаълиқ хатида, 400 varaқ, 1294 ҳижрий, 1876 мелодий йилида кўчирилган. Кўчирувчиси номаълум. Мажмуанинг 64 varaғи (128 бет) Машираб шеърларидан иборат.
10. «Китоби Садоий» — шоир Садоий томонидан кўчирилган мажмуа, шахсий кутубхона, рақами — 7, настаълиқ хатида, 160 varaқ, 33 varaғи (66 бет) Машираб шеърларидан иборат.
11. «Девони Машираб», литографик босма, шахсий кутубхона, рақами — 8.
12. Машираб, «Девони», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980 йил. В. Раҳмонов ва К. Исроиловлар томонидан нашрга тайёрланган.

**Бобораҳим Маширабнинг шеърӣ мероси
ва унда котиблар, поширлар томонидан
йўл қўйилган хатолар ҳамда бу хатоларнинг
хусусиятларига кўра турлари, матн хатоликларининг
тузатишида амалга оширилган ишлардан
баъзи намуналар ва мулоҳазалар.**

Бобораҳим Маширабнинг бадий мероси ҳозирча фақат унинг кўйлаб шеърларини ўз ичига қамраб олган қисса шаклидаги «Девони Машираб» китобларидан олинаётганлигини айтиб ўтган эдик. Zero, Маширабнинг ривоятларга қориниқенз, соф девони ёки, девон шаклига киритилмаган бўлса-да, бирор мукаммал қўлёзма китобига эга эмасмиз. Шу сабабли ҳозиргача нашр этилаётган Маширабнинг асарлари «Девони Машираб», шоир шеърларидан намуналар киритилган мажмуалар ва баёзлар донрасидан йилмоқда.

Бир неча «Девони Машираб»ни ёнма-ён қўйиб, маълум бир газалини танлаб, уни бошиқа нусхалардаги вариантларга муқоёса этиб кўриб, албатта қайсидадир бир нарсга кам ёки кўп, нимадир сохта, қандайдир сўз ўриници ёки ортиқча, қайсидадир мукаммалроқ ёхуд мутлақо йўқлигини кузатиш мумкин.

Бу ҳолат В. Раҳмонов ва К. Исроиловлар томонидан «Машраб асарларини саралаш ва нашрга жалб этишида нусхаларнинг нисбатан қадимийлиги ва тил хусусиятларига эътибор берилиб»¹ нашрга тайёрланган ҳамда Машрабнинг «Девон» номи билан юритилган китобидаги шеърларга ҳам салбий таъсир этмай қолиши мумкин эмас эди, албатта.

«Девони Машраб»лардаги ҳатоларни аниқ тасаввур этиш учун, улар орқали Машрабнинг янги «Девон»нга кўчириб киритилган ва ҳатолари жуда чекланган даражада қамайтирилган шеърлардан олинган қуйидаги байтларнинг мазмунини мантиқан таҳлил этиб кўриш ўринлидир (қўштирноқ ишида берилган «Девон» 1980 йилда Гафур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган Машраб «Девон»ни англатади — Ж. Ю.):

Толиби содиқ на учун ҳиммати Адҳами керак,
Зарраи қачон сўғар васли санам аросига? (?)

(«Девон», 29-бет)

Насиме етса бўйинди анга иқрор сайронлар, (?)
Тушар оламга оҳим ўтидин бир раъд барқона...

Бўлубдурман қачон ё хур бўлсун ё пари бўлсун
Жамини ошнолардин ани ишқида бегона?! (?)

Не тонг, раҳми келиб берса, мени махмури ҳайратга (?)
Ўшал ҳусн аҳли шоҳи ишқини қошида паймона. (?)

Муҳаббат аҳли мажруҳи жисмдур ишқина қатъо,
Эрур зуҳд аҳли-сон, оташхор — девона. (?)

Тарик ишқ аро ноёб эрур Машрабки, ваҳм этма, (?)
Топилмас йўлига минг жон фидо қил шерн мардона. (?)

(«Девон», 30-бет)

Золму қотилу хунхор-эрур бенафқат,
Ёру агёриши олдида бўлур яксон қиз. (?)

(«Девон», 56-бет)

Англа бу сўзин, эй санам, ошиқи муддао ўзум,
Асли юракда бағри йўқ дунёда бедаво ўзум. (9)

(«Девон», 57-бет)

Машрабнинг тонти сени излаб вилоятни кезиб,
Юзи тўлғон ойдаку, эй кўзи Чўлпон қайдасан? (?)

на ҳоказо.

Шеърятда «Минг маънини бир нукта билан мухтасар эттим» деган буюк шоир Машраб байт ёки мисрадагина эмас, балки унда ишлатилган ҳар бир «нукта» — сўз устига маълум «маъни» аниқлатувчи эмоционал вазифа юклаган. Узоқ тушунтиришга муҳтож фикрни юксак бадий дид билан бир газал миқёсида, шунингдек, биргина байт миқёсида ҳам «мухтасар» этган — ихчамгина тушунтирган. Шоирнинг ҳар бир шеъри — унинг мақсади, нияти, интилиши, орзуси, шодлиги, қайғуси, дарди, хуллас, ички дунёсининг — руҳий кечинмаларининг бадий жиҳатдан умумлашган ишқикосидир.

¹ Машраб, «Девон» Гафур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 1980 йил, 25—26-бетлар.

Шундай экан, тадқиқотчи учун энг биринчи шарт, шоирнинг ҳар бир шеърини яратаётган нийтдаги бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган руҳий ҳолатини, кечинмаларини кашф эта билишидир. Шоирнинг шеърдаги ниёти тадқиқотчи учун равиан бўлгандан кейин, унда йўл қўйилган маантикий узилишларни аниқлаш осон бўлади. Бу узилишни тузатиш учун манбалар бир-бирига қибсан чоғинтирилади.

Муқоёсадан мақсад — фарқлар устида танқидий фикр юритишидир. Танқидий мулоҳаза ўз навбатида маантикий ҳақиқатни вуҷудга келтиради. Шеърингта маантикий ҳақиқат шакл, мазмун ва баднийликнинг бир-бирига мувофиқлиги билан белгиланади.

Ана шу принцинга амал қилингани ҳолда «Девони Маашраб»лар, баёз, мажмуалар ва, жумладан, «Девон»даги фарқли ўринлар ажратиб олиниди, танқиддан фикр таҳлилидан ўтказилди. Шундан кейин мувофиқ топишган тузатма шакл, мазмун ва шеър баднийлигига мос келсагина лозим ўринга киритилди. Муқоёса жараёнида манбаларда мавжуд бўлган хатоларнинг ўзига хос характерли томонларини аниқлаш, ишнинг сифатли бажарилишига кўп жиҳатдан катта ёрдам берди.

Танқидий ўрганилган манбаларда йўл қўйилган хатоларнинг турларини асосан қуйидагича гуруннарларга бўлдиқ ва бу хатоларни моҳиятига кўра шундай тузатдик:

1. Араб ёзувида ҳарфлар қўйиб ёзилади. Бунинг натижасида баъзан бошқа-бошқа сўзларнинг бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб қолган шаклларини кузатиш мумкин. Бундай сўзлар котиблар томонидан кўчирилган сари бошқачароқ шаклдаги сўзга айлана борган. Натижада қуйидагига ўхшаш матн хатolikлари юзага келган:

Кийдим кафанинг фақр ила гулханда ётай деб,

То кўйи муҳаббатни дилим бирла чолай деб...

(Шахсий кутубхона «Девони Маашраб» 1, 2, 4)

Аслида бу мисралардаги «кананак» ва «нокуси» сўзлари шакл ўхшашлиги натижасида бора-бора «кафанинг» ва «то кўйи» сўзларига айлланиб кетган. Оқибатда асл мазмундан мутлақо йироқ, эътиборсизлик билан ёки кўр-кўрона ёзиб юборилган «инги» маънодаги юқоридагидек мисралар пайдо бўлган. «Кафан» сўзининг хатоллиги шундаки, биринчидан, кини ўз кафанини ўзи киймайди, иккинчидан, кафан мурдага кийдирилади ва, табиий, мурда гулхан ёнида пайдо бўла олмайди. «Кананак» — қаламдарларнинг жун чакмони. Чакмон кийиб гулхан ёнида ўтириш эса, шубҳасиз, реал ган.

«То кўйи»даги куй классик адабиётда бирор ўринда ҳам ҳозирги куй, оҳанг, мусиқа ва ҳ. маъноларни аниқлатмаган. Балки «куй» ёки «кўй» — томон, йўл, йўналиш ва ҳ. маъноларни билдирган. Масалан:

Куйган ғарибман, шафиқат қило кўр,

Куйингда юрган девоналарга.

Ёки

Кўюнг ул — жаннати ризвои, энкининг — Каъбаи ишиқ,

Хурлар хизматиға боғлади кўл чандон қиз.

Ёки

Ошуфта бўлуб зор югуруб ғамзада Маашраб,

Дар кўйи маломат,

Расвои сари кўчаю бозор бўлубман,

Ошворан сарсон.

Демак, «то кўйи муҳаббатни дилим бирла чолай»даги муҳаббат кўйини дил билан чалиш ҳам маънога эришди. «Нокус» — катта қўнғироқ, бу ўринга мувофиқ. Чунки муҳаббат қўнғироғини дилда чалиш маънавий жиҳатдан тўғри бўлиб, буида ина шунини борки, катта қўнғироқнинг маромида урилиши билан юрак уриши ўртасида ўхшашлик ҳам шонр томонидан назарда тутилган. Баъзи қўлбазмаларда бу сўз ўрнида «то кўсен» сўзи борки, у шакл ўхшашлиги жиҳатидан «то кўйи»га араб ёзувида жуда ўхшаш кетади. Эҳтимол баъзи китоблар «с» ҳарфи ўрнига «й» ҳарфини ёзиб юборганлар. Шу тариқа баъзи манбаларда «то кўсен» ўрнига «то кўйи» сўзи ёзилиб кетган. Шундай қилиб бу мисралар:

Кийдим катанак фақр ила гулханда ётай деб,
Нокуси муҳаббатни дилим бирла чолай деб.

Ёхуд:

То кўсен муҳаббатни дилим бирла чолай деб. —

вариантларидан бирида ўқилсагина мазмун яхлит сақланади.

Матн хатоллигининг бу тури жуда кўп «Девони Машираб»ларда, шунингдек, «Девон»да ҳам исталганча топилди. Бундай хатолар нисбатан кўп манбаларни кузатишни тақозо қилади.

2. Араб графикасида нуқтали ҳарфларнинг қўйлиги ва ёзувда нуқталарнинг алмаштирилиб, чалқаш ишлатилиши натижасида вужудга келган хато турларидан намуна:

Биродар, сен бу кун мендин умиди оқибат қилма,
Юрак-бағрим оқиб кўздин ажал юзини суво қилди.

Аслида бу байт:

Биродар, сен бу кун мендин умиди офийт қилма,
Юрак-бағрим оқиб кўздин ажал юзини во қилди, —

бўлиши керак. «Оқибат» ва «офийт» сўзларининг араб ёзувидаги шакли бир хил. Нуқталарнинг алмаштирилиб қўйилиши натижасида «офийт» (соғайиш) «оқибат»га айлланиб қолган. Иккинчи мисрадаги «юзини суво қилди» иборасидаги хатolik — груинада изоҳланган хатolikка хос: «Юзини» да «и» туширилиб, «юзини», «во»га эса «с» ҳарфини қўйиб, «суво» шаклида нотўғри ёзилган.

3. Талаффузига кўра бир-бирига айнан яқин, аммо ёзилишига кўра бошиқа-бошиқа маъноларни англатадиган сўзлардан вужудга келган хато турларидан намуна:

Ҳажр тоиндин зарофат бошига етган ўзум,
Кинтан мотамдадурман лангаринми кавлама.

(«Девони Машираб» — I, шахсий кутубхона)

Бу байтдаги «зарофат» — зарифлик, хушчақмақлик мазмунга хилофдир. Аслида бу сўз ўрнида талаффузи яқин, аммо «зарру офат» — зарар, офат маъносини англатувчи икки сўз бўлган. Зеро, бошига теккан тош хушчақмақлик эмас, балки зарар, офат етказиши.

4. Билим савияси наст бўлган котиблар томонидан қилинган хато турларидан бир намуна:

Тар оразинг гул, сочинг суибулки, тишларинг дур,
Сарв қадинг қон кўрунғ офтоби даврон қиз.

(«Девон», 54-бет)

Тузатишган варианты:

Оразинг — очилгон гул, сочларинг эрур сунбул,
Тиншларинг мисоли дур, лабларингда нинҳон қиз.

(«Девони Машраб», I)

5. Қотибларнинг бир ёқлама ақида туфайли, шоир фикрини бошқа ча талқин этинга уришишлари туфайли вужудга келган хато турларидан намуна:

Куфр ила дин маъхабида ҳеч кима йўқту инебатим,
Ҳам Ҳасану, ҳам Ҳусану, ҳам шоҳу ҳам гадо ўзум.

(«Девон»да ҳам шундай, 122-бет)

Аслида тазод усулини қўллаган Машраб:

Куфр ила дин маъхабида ҳеч кима йўқтур инебатим,
Ҳам ошиқу ҳам санаму ҳам шоҳу ҳам гадо ўзум, —

деган.

6. Шеър таркибидан байт, бандларни тушириб қолдириш натижасида юзага келган хато-камчиликлар (масалан, мавжуд манбаларнинг баъзиларида бор, баъзиларида йўқ, шунингдек, янги «Девон»га ҳам киритилмай қолган байт ёки бандлар):

Куйган ғарибман шафқат қило кўр,
Кўйингда юрган овораларга.

Еки:

Ҳажр тошидин зарру офат бошима отган ўзум,
Кинштан мотамдадурман лангаримни кавлама.

Етти дўзах ўртаур афтодаларинг оҳидин,
Отани ҳажрида куйган миқмаримни кавлама.

Еки

Қалам ёзгон экан менга муни наҳни қасамнода,
Муҳаббат тиги андози била чуи бағри қон келдим.

Еки:

Алифдек қоматин дилбар қилиб ҳам бодани сунди,
Ушал майдин ичиб ҳар дам ажаб мастоналар бўлдум.

Еки:

Мени тўфонин ҳасрат қилдилар ким, ул нарирўлар,
Тўқуб мужгондин оби ашк Жайхунона йиғларман.

Еки:

Айланиб фарёд этарман халқ аро парвонавор,
Сабр-тоқат қолмади, эмди бўлубман беқарор,
Бўлмасун ҳеч ким менингдек булбули безътибор,
Хизматингда ҳозир ўлмай Машрабингдур шармсор,
Волидам — Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?

ва ҳоказо.

7. Бобораҳим Машраб ижодининг сохталантирилиши; шоир ижоди-га мансуб бўлмаган шеърларнинг «Девони Машраб»ларга киритилиши. Масалан, шахсий кутубхонамиздаги 4-рақамли «Девони Машраб»да

Алишер Навоийнинг «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим» матлаи билан бошланадиган газалига шоир Мужрим Обид томонидан боғланган мухаммас жузъий ўзгаришлар билан берилган. Муҳаммас охирида esa Навоий тахаллуси ҳам, Мужрим Обид тахаллуси ҳам туширилиб, Машраб тахаллуси киритилган.

Бундай сохталантирилган шеърларни «Девони Машраб»ларнинг деярли барчасида кузатиш мумкин.

8. Машраб шеърларида айрим мисра, байт, сўз ёки айрим ибораларнинг ўз ўрнидан алмаштириб ёзиш, ўзгаришни натижасида юз берган композицион хатолардан баъзи намуналар:

Томошо айламоққа гўшаёдин анжуман келдим,
Фироқи дарди Юсуфни чекиб байтул ҳазан келдим.

Агар Яъқубдек қон йиғласам, айб айламанг зинҳор,
Суруши булбули шўридадек сўи чаман келдим.

(«Девон», 82-бет)

Тузатилагани:

Томошо айламоққа гўшаёдин анжуман келдим,
Суруди булбули шўридадек сўи чаман келдим.

Агар Яъқубдек қон йиғласам, айб айламанг зинҳор,
Фироқи дарди Юсуфни чекиб, байтул ҳазан келдим.

Еки:

Ҳасратига тоғу тузлар йиғлагай,
Қил дуо шоядки ёрим англагай,
Ҳеч ким йўқтур сўзумни тинглагай,
Зулфини бандига чирмаб боғлагай,
Мен каби хайрона бўлгон бормукин?

(«Девон», 276-бет)

Бандда композицион хатодан ташқари матн католиги ҳам мавжуд бўлиб, тузатилаган вариантти қуйидагича:

Ҳасратимга тоғу тузлар йиғлагай,
Ҳеч кимим йўқтур сўзумни тинглагай,

Дод десам шоядки ёрим англагай,
Зулфини бандига чирмаб боғлагай,
Мен каби хайрона бўлгон бормукин?

(«Девони Машраб», I)

Еки:

Ваҳ-вах, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

(«Девон», 328-бет)

Бунда «на санам қилса жафо», «на жафо қилса санам» деб ёзилиши тўғридир:

Ваҳ-вах, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Хай-хай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

ва ҳоказо.

9. Сўз қўшимчаларини нотўғри қўллаш натижасида вужудга келган хато турларидан намуна:

Нигорим, гулғузориингни кўролмаи мубтало бўлдум
Шароби лаълидин ичтим, санамга ошно бўлдум.

(«Девон», 92-бет)

Биринчи мисра II шахсга, иккинчи мисра эса III шахсга қаратилган. Тузатилагани:

Нигорим, гулғузориингни кўролмаи мубтало бўлдум,
Шароби лаълинг ичтим, сен санамга ошно бўлдум.

(Литографик девон)

Еки:

Барчани мулку жоҳини, иззату неъмат жойини,
Менга берибдур оҳини, ушбу турур қиёматим.

(«Девон» (114-бет)

«Барчани» — «барчага» ўқилсагина байтининг мазмуни ўринга тушади Чунки шоир: «Барчага мулк, мартаба, иззат, неъматли ўрин бердинг менга эса оҳингни бердинг», демоқчи. Шунингдек, бу оҳ шонрининг «қиёмати» эмас, балки «салобати» бўлиши керак:

Барчага молу жоҳини, неъмату мулку жойини,
Менга берибдур оҳини, ушбу турур салобатим.

ва ҳоказо.

10. Мавжуд манбаларни бир-бирига танқидий чоғиштириш йўли билан ҳам тузатиш имкони бўлмаган хатолар ва мантқиқий чалкашликлар. Бу турдаги нуқсонларни манбаиуносликда ортирилган тажриба ва хулосаларга таянган ҳолда мантқиқий мулоҳаза этиш йўли билан тузатиш имкони бор.

Масалан:

Етмаса боди сабо гунчага, хандон ўлмас,
Ишқдин тонмай асар кабк сухандон ўлмас.

Гул юзини кўрмагунча гулшан ичинда булбул,
Айлаииб харгиз ўшал ерда хуш илҳон ўлмас.

Ишқ иши юзини сориг айлади, мен — зор,
Жонни куйдурмаса, ошиқ юраги қон ўлмас.

Кўзи — оташ, юзи — маҳваш, сўзи — дилкаш, назар —
Тушмагунча қаро тош лаъли Бадахшон ўлмас.

Икки зулфи ичпида гул юзи тобон ўлди,
Васли шамъи ўлмаса ҳижрон тун тобон ўлмас.

Йиғлаб дедим: «Менга фурқат тунн ой юзунг оч!»
Ул деди: «Меҳр ёгин бўлмаса, раҳшон ўлмас»

Дема, васлим хушу ҳажрим аламинин дема сўз,
Ошиқ улдур асари тан, хабари жон ўлмас!

Анга айтдим: «Нетайин куйдуруб ўлдурди дард,
Бу нечук дардики, анга ҳаргиз дармон ўлмас!» —

Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,
Ғам ема, лаъл неча порадур арзон ўлмас.

(«Девон» 211-бет)

Тузатилгани:

Етмаса боди сабо гулчага хандон ўлмас,
Ишқдин тонмай асар каби сухандон ўлмас

Гул юзини кўрмаса гулшан ичинда булбул,
Айланиб ҳаргиз ўшал ерда хушалхон ўлмас.

Ишқ ўти зору залилу айлағай юзини еориг,
Жонин гар куймаса, ошиқ юрагин қон ўлмас.

Кўзи — оташ, юзи — маҳваш, сўзи — дилкаш, назари —
Тушмагунча қора тош лаъли Бадахшон ўлмас.

Икки зулфи ичининг ой юзи раҳшон ўлубон,
Шамъи васл ўлмаса, ҳижрон тунн тобон ўлмас.

Йиғлаб айдим: «Менга фурқат туннида ой юзунг оч!»
Ул деди: «Меҳр ёгин бўлса, нурафшон ўлмас!»

Деди: «Васлим хуш агар, ҳажр аламинин дема сўз,
Ошиқ улдулки, хабардори тангу жон ўлмас!»

Дедим анго: Нетайин, куйдуруб ўлдурди бу дард,
Бу нечук дардики, анга ҳаргиз дармон ўлмас?!

Деди: «Машраб, сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,
Ғам ема, лаъл неча порадур арзон ўлмас!»

Машраб шеърини мазмундорлиги, маънонинг терадлиги, ҳар бир сўзнинг аниқ, мувофиқ қўлланилганлиги, вази оҳангдорлиги ва бадний гўзаллиги билан ажралиб туради. Шубҳасиз, у классик адабиётда содда, халққа тушунарли, таъсирчан асарлар муаллифи сифатида беқиёсдир. Машраб шеърларида халқ сўзлашуви тилининг энг ифодали ва содда ибораларини кенг қўлланганлигини кузатиш мумкин.

Аммо, афсуски, бир томондан, Машрабнинг мукамал шеърӣ асарлар тўплами ҳам, бунинг устига матн хатоликларисиз қўлёзма «Девони Машраб»ларининг йўқлиги ҳам, иккинчи томондан, ҳозир нашр этилган ва энг мукамал тўплам сифатида ўқувчига тақдим этилган янги «Девон» ҳам шоирнинг юксак бадний маҳорат билан яратган шеърӣ меросини талаб даражасида намойи қила олмаган.

1983 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси филология факультети доктори профессор Алибек Рустамовнинг матншуносликнинг бугунги аҳволи хусусида бошлаб берган баҳсини ўзининг қатор соҳларида давом эттирди. Баҳсда иштирок этган олимлар бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва, айниқса, хато-нуқсонлар ҳақида жуда керакли, амалий жиҳатдан фойдаланиши мумкин бўлган мулоҳазаларни баён этдилар. Ўзбек классик адабиётининг вакиллари асарларини тўплаш ва нашрга тайёрлаш жараёнида йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, уларнинг бугунги талабчан ўқувчи олдидagi савияси ҳақида таъкидлашиб гапирдилар. Баҳс муаллифларининг акарияти Ваҳоб Раҳмонов ва Комиляжон Перондовлар томонидан нашрга тайёрланган Машраб «Девон»и, унда йўл қўйилган текстологик хатолар ҳақида ҳақли ва тўғри даъволар айтидилар.

Дарҳақиқат, Машраб «Девон»и мутлақо талаб даражасидаги стук асар эмас. «Девон»да матн хатоси бўлмаган шеърлар сонини нисбатан жуда кам. Ҳатто оддий сўз қўшимчасини нотўғри қўллаш байт мазмунини мутлақо ўзгартириб юбориши мумкинлигига ҳам яхши эътибор берилмаган:

Золиму қотилу хунхор эрур бенафқат,
Ёру агёрни олдида бўлур яқсон қиз.

Шу байтнинг мазмунини тиклаш учун ҳеч қандай майбани излаш шарт эмас. Классик адабиётда, айниқса, лирик жанрларда ёзилган асарларда матншуқа ўз ошиғига нисбатан раҳм-шафқатсиз, агёр, яъни ошиқнинг рақибни учун лутф-марҳаматли образ сифатида талқин этилади. Бу ўринда ҳам шу анъана давом эттирилган, ҳолос. Машраб ҳам ошиқ, ҳам агёр олдида ўз гурурини поймол этган, яқсон ҳолдаги қизни мадҳ этаётгани йўқ. У:

Золиму қотилу хунхор эрур бенафқат,
Ёрини агёр олдида қилур яқсон қиз. —

деган. Демак, аввалги вариантда «яқсон» қиз ҳисобланган бўлса, кейинги вариантда агёр кўзи олдида матншуқа ўз чин ошиғини «яқсон» эйтиш, хўрлайиши.

Ёки «Девон»даги биринчи ғазалининг мақтаб қисмини олиб кўрайлик:

Машраби бенаводуман, арзи дилини айтадур,

Тараххум айлар ул нари ўз ишқининг гадосига, —

«Машраби бенаводуман» I шахс, «арзи дилини айтадур» — III шахс. Бунда ошиқ (Машраб) ёрга ўз «арзи дили»ни — орзусини, армонини баён этишти. Демак у:

Машраби бенаводуман, арзи дилимни айтайин, —

бўлиб, кейинги мисра ошиқнинг «арзи дили» нимадан иборат эканлигини баён этишди:

Тараххум айла, эй нари, ишқингни бу гадосига.

Бу ғазалининг ўзида ўндан ортиқ матн хатолиги мавжуд. Ёки «Девон»даги иккинчи ғазалини олиб кўрайлик. Ғазал олти байт. Бир байт тушириб қолдирилган. Ғазалининг биринчи байтида матн хатолиги йўқ. Қолган байтлардаги текстологик хатолар:

2-байт:

Насиме етса бўйидин анга иқрор сайронлар, (?)

Тушар оламга оҳим ўтидин бир раъди барқона.

Тузатилагани

Насими етса кўйидин бўлур гулзор саҳролар,
Тушар оламга оҳим ўтидин бир разд барқона.

Байтда тазод приёми қўлланган: «Ёр томонидан насим етиб келса, саҳролар гулзорга айланади, аммо меннинг ёр ишиқда тортган ўтли оҳимдан оламга ишини мисол ўт тушади».

3-байт:

Бўлубдурман қачон ё хур бўлсун, ё нари бўлсун
Жамини ошполардин ани ишиқда бегона?!

Мазмуни «Унинг (ёримнинг) ишиқ деб хур ёки нариларимдан ёхуд ошполаримдан қачон бегона бўлганман?» Чини ошиқ ишқ йўлида ўзалидан келган бир пайтда, нахотки ёри учун хур-нарилардан ёки жамини ошполаридан кеча олмаса?

Бўлубдурман ҳамадин — хур бўлсун ё нари бўлсун,
Жамини маҳлиқолардин анишқ ишиқда бегона, —

яъни, қисқача қилиб айтганда, «ёрим ишиқда ҳаммадан бегона бўлдим»
4-байт:

Не тонг раҳми келиб, берса мени махмури хайратга,
Ўшал ҳусн аҳли шоҳи ишқини қонида наймона, —

Махмур, яъни ман хумориси — мастлиги тамом тарқамаган кини ўз ишиқдан хайратланмайди, балки хайрон бўлини, анқайиб, ганғиб туриши мумкин. Албатта буида ошиқ оддий май хумориси эмас, балки ишқ майининг хуморисидир. Шу сабаб иккинчи мисрадаги «ишқини қонида наймона» мутлақо мазмунсиздир. Аслида бу байт қуйидагича:

Не тонг раҳми келиб берса мени махмури хайронга,
Ўшал ҳусн аҳли шоҳи ишқ майидин қатра наймона.

5-байт:

Муҳаббат аҳли майруҳи жиемдур ишқини қатъо,
Эрур зуҳд аҳли — соя, отанхор девона.

Ўзи нотўғрилиги кўришиб турган бу байтнинг ҳатто шу нотўғри мазмунини ҳам сўз билан таърифлаб бўлмаса керак. Тузатилагани:

Эрур зуҳд аҳли хурсанд, сояи қаддида арижуманд,
Муҳаббат аҳли ишқ саҳросида майруҳ, девона.

«Девон» да тушириб қолдирилган 6-байт:

Тилаб Ҳақдин кеча-қуиғуз бошимини сажвадин озмам,
Муродим — ишқ эли ҳоки танимдин қилса наймона —

Хайёмона мазмунига эга бўлган ажойиб байт!

«Девон» да, (6-бизда 7-) байт:

Тариқи ишқ аро ноёб эрур Машрабки ваҳм этма,
Тониламас йўлига минг жон фидо қил шерн мардона.

Нимадан ваҳм этмаслик керак?

Тузатилагани:

Тариқи ишқ аро ноёб агар, Машрабки, бир жоннинг,
Йўлида бўлса минг жоннинг фидо қил шерн мардона

Еки «Девон»даги (31-бет) учинчи газал. Бу газал 5 байтдан иборат бўлиб, 2, 3, 4, 5-байтларда текстологик хато мавжуд.

2-байт:

Кўз абридин сув тўкгил имонинг ҳам очилсун,

Богу чаман кўкармас ёмгур ёмагунча. —

Кўз абри — кўз булути. Шубҳасиз, бундай ибора йўқ. «Имонинг ҳам очилсун» — имон очилмайди, балки баҳра олиши — қувват олиши, мустақ камланиши, софланиши мумкин. Машрабининг фикрича, «богу чаман» наботот оламининг кўкариши учун ёмгур ёғиши, қуйилиб туриши керак. Исоннинг богу чамани — унинг имони, ишончи, эътиқодидир. Исон қал бидаги имон чаманининг қуриб қолмаслиги учун ҳам гўё наботот оламини осмон «йиглаб» суғорганидек, одам ҳам кўзидан «сув тўкиб» яъни йиглаб, уни озуқлантириб, баҳраманд этиб туриши керак:

Кўздин чунон сув тўкгил, имонинг баҳра олсун,

Богу чаман кўкармас, ёмгур қуюлмагунча.

«Ёмагунча» қофия бўлмайди. Чунки газалдаги қофия сўзлар қуйидагилар: бўлмагунча, қулмагунча, қуюлмагунча, келмагунча, ўлмагунча, қўшулмагунча.

3-байт:

Макри рақиб бирлан ҳасрат ўтига туштум,

Ғам решаси узулмас то ёр ўлмагунча.

«Реша» — яра, жароҳат, ҳасрат, ранжиш маъноларини англатади. Бу ўрида «реша» сўзи эмас, балки, «ришта» — ин, қанон маъносидagi сўз мувофиқдир. Чунки ошиқни ғам ришталари чирмаб ташлаган. Рақиб найранги билан «ҳасрат уйига» «ҳасрат ўтига» эмас, чунки бу ерда шундай поэтиклик борки, ҳатто у қандай «ўт» бўлишиндан қатъий назар, ин билан бир ерда бўлмаслиги керак. Акс ҳолда ин, тўғрироғи, арқон қуйиб кетиши, йўқ бўлиб қолиши мумкин. Ғам-ғусса уйига ғам иллари — арқонлари билан чирмаб ташланган ошиқ ёр келсагина ундан халос бўлиши — ғам-аламдан қутулиши мумкин. Шунингдек, ёр ўлмагунча (бўлмагунча) — бўлмаса ғам риштаси узилмайдди, дегандан кўра, аниқ қилиб, ёр келмаса ёки келмагунча ғам риштаси узилмайдди, деган тўғридир:

Макри рақиб бирлан ҳасрат уйига туштум,

Ғам риштаси узулмас то ёр келмагунча.

4-байт:

Юз йил тирик юрусанг, охир бир кун ўларсан,

Афсус ила кетарсан то, охир ўлмагунча.

Байтда афсусланишнинг босиши маъхумдир. Бу байт қуйидагича

Юз йил тирик юрусанг, охир бир кун ўларсан,

Афсус ила кетурсан то восил ўлмагунча.

Демак, афсусланишнинг босиши ёр васлига восил бўлмасликдан ачишидир.

5-байт:

Эй Машраби қаландар, яхшига банда бўлгил,

Ҳолвайтар тузалмас, то шакар ўлмагунча.

Биринчидан, «ҳолвайтар» эмас, балки «ҳолвонтар» ёзиллиши керак. Шакар бўлса ҳам ҳолвонтар бўлмаслиги мумкин. Шакар кўшилсагина ҳолвонтар бўлиши мумкин. «Тузалмас» сўзи ҳам луғавий англамига кўра нотўғри қўлланган, Жонли сўзлашув тилимизда ҳам у «Шакар кўшилмаса, ҳолвонтар бўлмайди» деб ишлатилади.

Эй Машраби қалаидар, яхшига банд бўлгил,
Ҳолвонтар бўлмас шаққар кўшулмагунча.—

Маъноси: «Машраб, сен яхши кишиларга хизмат қил, уларнинг қули бўл, уларга қўшил, чунки яхши кишилар шаққарга ўхшайдилар, шаққар кўшилмаса ҳолвонтар бўлмаганидек, яхшиларга кўшилмаслик бемаъни, маъносиз ҳаёт кечирish, демакдир».

Эки «Девон»даги 4-газал.

Газал «эшигинда» радифиндир. Аммо, асли радиф сўз «эшикингда» — дир. Чунки маъшуқа образи II шахсда берилган ва у «сени ёки сенинг эшигинда» тарзида тугалланмаслиги керак, балки «сени ёки сенинг эшикингда» шаклида такрорланмоғи тўғридир.

Бу газалда ҳам мати хатолиги мавжуд. Чунки:

Зулфунг сени бу жонима юз доми балодур,
Жоним қуши сайд айлади сайёд эшигинда —

«Жоним қуши ов қилди овчи эшигинда» — маънига тамоман зиддир. Ернинг зулфи ошиқнинг «жон қуши» — қалби учун тузоқдир. Унинг ўзи эса овчидир. Ошиқнинг жон қуши сайёдининг домига сайд бўлади, яъни овланади:

Зулфунг сени бу жонима юз доми балодур,
Жоним қуши сайд ўлди чу сайёд эшикингда.

Машраб ижодида Насимий, Лутфий, Навоий, Фузулий сингари Шарқнинг буюк шоирлари ижодидан баҳраманд бўлиб, уларга эрганиб ёзилган ўхшаш шеърларни кўйлаб учратиш мумкин. Классик адабиётда ўзидан аввал ёки замондош бўлиб яшаган, янаётган шоирларнинг шеърларига назиралар боғлаш анъана тусига кирган ижодий ҳодисалардан биридир. «Девон»да шундай характердаги газаллардан бири берилган:

Дил олурга ул нари Мажнун шайдо қилди ё?
Ақлу хушумни олиб беҳуду расво қилди ё?

«Ё» бу ўрнида — ми сўроқ юклагаси вазифасида қўлланган. Дарҳақиқат, «Девони Машраб»ларда радиф «қилдиё» ёки «қилдилар» шаклида такрорланиб борган. Уйлаб қараганда, ҳар иккала радиф варианты ҳам байтлардаги мазмун билан боғланмаслиги аниқ кўриниб туради. Аслида бу котиблар хатосидир. Чунки Навоийнинг деярли шундай матлаъ билан бошланган газали бўлиб, у қуйидагича:

Кўнглум олгоч дилбарим Мажнун шайдо қилдило,
Ақлу хушумни жунун даштида яғмо қилдило.

Машрабнинг худди шу газадан таъсирланиб, унинг вазини сақлагани ҳолда матлақо янги мазмунидаги газали ёзганилиги, демакки, у бу газаланинг радифини ҳам сақлаб қолганилиги аниқ:

Кўнглум олурга ул нари Мажнун шайдо қилдило,
Ақлу хушумни олиб беҳудлуғ найдо қилдило.

Бунда «ло» — ҳозирги — ку, да юкламалари вазифасида қўлланган «Ло» юкламаси байтлардаги мазмун, маъно англамини кучайтириш, шунингдек ўқувчига газалининг эмоционал таъсирчанлигини оширишда хизмат қилган «Ўзум» радифли газал («Девон», 119-бет).

Байт:

Подшоҳлик, расволик бил, баробардур менга,

Гоҳи ҳажрингдаги, гоҳи васлингдаги султон ўзум.

Маъноси: «Подшоҳликин расволик деб тушуи, баробардур менга (?), гоҳи айрилигингда, гоҳи васлингга етган султон ўзим» (?). Байтнинг икки ўрнида подшоҳ, султон сўзи келтирилган. Ҳажр ва васл сўзлари қарама-қарши маъноли сўзлардир. Шундай экан, подшоҳ сўзининг зидди бўлган гадо сўзи ҳам шу байт таркибида бўлган. Чунки Машраб меросида шоҳ ва гадо, ҳажр ва васл сўзлари кўпинча ёима-ён келиши ҳамда кўзланган маънони бадий бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қилганлиги маълумдир. Шу бонс, Машраб имани ўзи учун «баробардур менга» деган? Аввало юқоридаги «Подшоҳликин расволик деб тушуи, баробардур менга»дан қандай маъно чиқара олиш мумкин? Барча ёзма манбаларда юқоридагидек нотўғри ёзилган бўлган тақдирда ҳам, уни ўз ҳолича қоядириш тўғри эмас. Мантиқан мулоҳаза юритиб бу байтни:

Шоҳлик бирла гадолик, бил, баробардур менга,

Гоҳ ҳажрингда гадо, васлингда гоҳ султон ўзум,—

деб тузатсак хато бўладими? Наҳот Машрабнинг мавжуд манбалардан тузатиб бўлмайдиган шеърларини шундай йўл билан тиклаш имкони бўлмаса?

Англа бу сўзини, эй санам, ошиқи муддао ўзум,

Асли юракда бағри йўқ, дунёда бедаво ўзум —

(«Девон», 123-бет)

«Асли юракда бағри йўқ» — бу ибората мутлақо мазмун йўқ. «Бедаво» сўзи «бағри йўқ»ни ўрнида қайси сўз борлигини аниқ кўрсатиб турибди. «Асли юракда бағри йўқ» ўрнида «Асли юракда дарди кўп» иборасининг бўлганлигига сира ҳам шубҳа қилмаса бўлади, яъни:

Англа бу сўзини, эй санам, ошиқи муддао ўзум,

Асли юракда дарди кўп, дунёда бедаво ўзум.

Еки котиблар томонидан ўзгартириб юборилган қуйидагидек:

Ишқ мазҳабида савму салобат ҳама мақбул.

Ҳаргиз анга шак йўқ,

Зоҳидлар аро тоату тақво ҳижилим бор,

Ўз йўдум омондур,—

байт мазмунини унинг араб ёзувидаги вариантга қараб асл ҳолатига келтириш мумкин. Қўлёзма манбалардаги «салобат» аслида икки сў бўлиб «сало» ва «бут». Фақат бу ўрнида «сало»дан «ҳ» ҳарфи туширилиб, «бут» сўзи «бат» («салобат») деб нотўғри ўқилиб, нотўғри ёзилиб кетилган. Аслида у «салоҳ» ва «бут» бўлиб, бу сўзлар ўздан олдинги «савм» — рўза сўзининг мантиқий давомидир, яъни: савм — рўза, салоҳ — ибодат, ҳамда буларга мутлақо қарши маънодаги сўз — бут — санам (крест)дир.

Бундан шундай маъно келиб чиқади: «Тоату тақво қилмаганлигим сабабли зоҳидлар орасида хиҷолатлиман, аммо шу йўлим тўғридир, чунки ишқ мазҳабидаги киши учун, ҳеч шубҳасиз: рўза ҳам, ибодат ҳам ёки санамга сажда қилиш ҳам, ҳамма-ҳаммаси маъқул, бўлаверадир, фарқи йўқ»

Байт мазмунига янада чуқурроқ эътибор берилса, ундан шоирнинг тасаввуфий-фалсафий қарашидан бир кўриниши намоён бўлади. Маълумки, исломда сунний ва шиа каби мазҳаблар мавжуд. Ҳар бир мазҳабнинг ўз қатъий таълимоти, йўл-йўриғи мавжуд. Ҳар бир мусулмон, қайси мазҳабда бўлса, унинг таълимоти, кўрсатмалари, қондалари ва барча йўл-йўриқларига қатъий амал қилиши шарт ҳисобланган. Мансур Ҳаллоқ, Насимий, Машраб сингарилар **жа** бу мазҳабларга бўйсунмаганлар. Улар учун алоҳида, ягона мазҳаб — ишқ мазҳаби бўлган ҳолос. Машраб ҳам қуридаги байтда: «Биз ишқ мазҳабидагилар учун рўза тутиб намоз ўқиш ҳам ёки рўза тутмай, намоз ўқимай насронийларнинг санамига чўқит-навериш ҳам мумкин», деган. Фикрини янада чуқурлаштирсак, унда: «Ёр васлига муъясар этадиган қайси йўл тўғри ва маъқул бўлса, биз ошиқлар шу йўлдан кетавсрамиз», деган конкрет маъно англашилади.

ХУЛОСА

Бобораҳим Машрабнинг шеърини меросини тиклаш, уни кенг китобхонлар оммасига яхши бир гулдаста сифатида тақдим этиш, албатта, мушкул ва гойтада маъзулиятли ишдир. Филология фаилари докторлари, профессорлар Абдуқодир Ҳайитметов ва Абдурашид Абдуғафуровлар, филология фаилари кандидатлари Ваҳоб Раҳмонов ва Қошиқон Исроқовлар томонидан 1958—80- йиллар давомида Машрабнинг шеърини тўп-ламлири нашрга тайёрлаиб, китобхонларга тўхфа этилмаганида эҳтимол ушбу тўплам ҳам бўлмас эди. Хайрли иш хайрли ишларни келтириб чиқаради. Биз муҳтарам олимларнинг ишларини давом эттиришга журъат қилдик. Бу соҳада озми-кўнми муваффақиятга эришган бўлсак, бунда уларнинг ҳам хизматлари бор.

Марҳум бобом Мулло Йўрақул Ҳақбердиевнинг Яссавий, Навоий, Фузулий ва Машраб сингари ўтмишдошларимиз шеърларини газал қилиб тўлиб-тошиб ўқиганлари ҳаууз қулоқларим остида садо беради. У киши падари бузрукворим Юсуф Ҳақбердиевнинг ва меннинг ҳам мураббийимиз эдилар. Мен ҳақли равишда улардан фахрланаман.

Отам Юсуф Ҳақбердиев ўзбек классик адабиётини чуқур тушуниб ҳис этувчи, салкам қирқ йиллик фаолиятини муаллимликка — адабиёт фанига бахшида этган ва мени ҳам шу йўлга етаклаган маънавий устозимдир. Машраб асарларининг аниқлаштирилган матинини тайёрлашдек табаррук ишда менга кўрсатган мадад ва йўл-йўриқлари учун улардан чекенз миннатдорман.

Ушбу «Сайланма»ни юзага келтириш жараёнида менга узоқ йиллар самимият ва меҳрибонлик билан раҳбарлик қилган камтарини ва заҳматкаш устозим, филология фаилари доктори, профессор Гайбулла Саломовга сизқидилдан миннатдорчилик билдираман.

Шунингдек, филология фаилари доктори, профессор Алибек Рустамовга Машраб шеърларининг аниқлаштирилган текстини юзага келтиришдек маънақатли жараёнда берган бегараз таълим ва маслаҳатлари учун ташаккур изҳор қиламан.

Ҳар бир ишнинг ўзинга яраша кемтик-камчиликлари бўлади, албатта. Zero, биз бу тўпламни ҳар томонлама бекаму кўст деб айта олмаимиз. Машрабнинг ҳаёти ва айниқса бадий меросини тадқиқ қилишдек шарафли, айни чоғда, жуда мураккаб иш давом эттирилиши керак.

Ушбу тўплам ҳақида муҳтарам олимларимиз, бугунги зийрак ва доно кўп сонли адабиёт мухлислари ўз фикр, тақлиф ва мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Жалолиддин ЮСУПОВ

ҚИСҚАЧА ЛУГАТ ВА ИЗОҲЛАР

<i>Абас</i>	Беҳуда, бефойда, ачинарли.
<i>Абдол</i>	Вали, авлиё.
<i>Абр</i>	Бурут; абри навбахор, абри найсон — баҳор булути.
<i>Абру</i>	Қош.
<i>Абгар</i>	1. Чўлтоқ, бузуқ. 2. Бахтеиз, хор.
<i>Аврод</i>	Донмий одат қилинган дуолар, вазибалар.
<i>Адал</i>	Йўқлик.
<i>Адо</i>	Бажарини; гўзал ҳаракат; баён, ифода. Позук адо — қилгани гўзал; ширин тилли.
<i>Адҳам, Иброҳим Адҳам</i>	Тарки дунё қилган подшо. Ишқ йўлида ҳамма нарсадан воз кечган шахс. Суфий. 776—783-йиллар орасида вафот этган.
<i>Аёғ, Аёғ</i>	Коса, қадах.
<i>Ажр</i>	Мукофот
<i>Азал</i>	Энг аввалги, бошланғичи помаълум ўтган замон: рўзи азал — одамларнинг руҳи яратилган кун (диңий).
<i>Айём</i>	Кунлар, давр, вақтлар.
<i>Айюб</i>	Классик адабиётда пайғамбарлардан бири, жабр-зулмга сабр-тоқат рамзи сифатида қўлланади.
<i>Ақбар</i>	Энг катта.
<i>Аласт</i>	қ. Азал (рўзи — рўзи аласт).
<i>Алиф</i>	Араб алфавитидаги тик тўғри чизик шаклидаги ҳарф.
<i>Аллома</i>	Улуғ олим.
<i>Алфоз</i>	Лафзалар, сўзлар.
<i>Алҳазар</i>	Кўпинча ундов йўли билан айтилиб: «Ҳазар эт!», «Сақла!»; «Сақла!» каби маъноларни билдиради.
<i>Алҳон</i>	Лаҳн (жуи)нинг кўплиги.
<i>Аналҳақ</i>	Мен — ҳақман.
<i>Анбар</i>	Хушбўй моддалар қоринмаси.
<i>Анбиё</i>	Пайғамбарлар.
<i>Анбоз</i>	Шерик, ёрдамчи
<i>Анвору-л-худо</i>	Тўғри йўл нурлари.
<i>Ангуштнамо</i>	Яққол, аниқ (айн. бармоқ билан кўрсатилган), машхур, таниқли.
<i>Андалиб</i>	Булбул.
<i>Андоз</i>	Отувчи, солувчи: тирандоз; оташандоз.
<i>Ано</i>	Қийинчилик, машаққат.
<i>Аръар</i>	Тог сарви, арча.
<i>Арбада</i>	Шовқин-сурон, тўполоқ, гавго, газаб.
<i>Арз</i>	1. Баён, маълумот: арз айламак — арз этмоқ; арз-и рухсор — юз кўрсатиш; арз-и инёз — салом, дуо, зорланиб арз қилмоқ. 2. Ер, замин: арзу само — ер ва осмон.
<i>Аржуманд</i>	Азиз, қадрли, шарафли, ҳурматли; мўтабар.
<i>Арзан</i>	Тариқ.
<i>Ариғ</i>	Нокиза, соф, тиниқ.
<i>Ариш</i>	Осмоннинг энг юқориси.
<i>Аргувон</i>	Баҳорда қизил бўлиб гуллайдиган чиройли дарахт.
<i>Асрор</i>	Сирлар: соҳиб асрор — сирдош, яширин сирларни билган киши.
<i>Астор</i>	Нардалар.
<i>Ато</i>	Бахш этиш, бағишлаш; яратмоқ.
<i>Афган</i>	Отувчи, ташловчи, йиқитувчи.
<i>Афганда</i>	Жароҳатланган, мажруҳ.

<i>Афзор</i>	Жароҳатланган мажруҳ.
<i>Афзуи</i>	Ортиқ, зиёда.
<i>Афсурда</i>	Қотган, музлаган, сўлгин
<i>Афтода</i>	Пикилиб қолган, заиф, ташландиқ
<i>Афъол</i>	Феъл, ҳаракатлар, қилиқлар.
<i>Афғон</i>	Фигон билан пола қилиш, фарёд этиш.
<i>Ахгар</i>	Чўғ.
<i>Ахтар</i>	Юлдуз
<i>Ашк</i>	Кўз ёши.
<i>Ашкбор</i>	Кўз ёши тўқувчи, йиғловчи.
<i>Ашъор</i>	Шеърлар.
<i>Аъмол</i>	Амаллар, қилинган ишлар: аъмолномаси — қилинган ишлар ёзуви.
<i>Аҳмар</i>	Қиз-қизил, қизил.
<i>Аҳраман</i>	Ёвуз девнинг номи.
<i>Бад</i>	Ёмон.
<i>Бадан ақфоси</i>	Бадан қафаси, кўкрак қафаси.
<i>Бадписанд</i>	Номақбул, ноўрин, ёқимсиз.
<i>Бадсириш</i>	Ёмон яратилган, ёмон табиатли.
<i>Бадхоҳлик</i>	Ёмон соғиниш, ёмонлик тиланш.
<i>Байтуллоҳ,</i>	
<i>Байтул-ҳарам</i>	Макка шаҳридаги энератгоҳининг номи
<i>Байтул-ҳазан</i>	Ғам уйи, дамхона, кулба.
<i>Бар</i>	Қуруқлик: баҳру бар — сувлик ва қуруқлик.
<i>Бараҳман</i>	Ҳиндуларнинг руҳонийси.
<i>Бардўш</i>	Елкада, орқада; <i>зонабардўш</i> — уйи орқасида (ҳеч нарсаси йўқ камбагал).
<i>Баржой</i>	Ўз жойида, ўрнида.
<i>Барпой</i>	Оёқ устида.
<i>Барқ</i>	Чақмоқ, яшини. <i>Маж.</i> Ўт, олов.
<i>Барҳам урмоқ</i>	Йўқ қилмоқ, нобуд қилмоқ.
<i>Басталик</i>	Тузоққа илиштирмоқ, иши кейин кетмоқ.
<i>Бати</i>	Қорин: батни самак — балиқ қорни
<i>Башиши</i>	Кечирини, авф этиш.
<i>Баякбор</i>	Бирданга, бир мартабада.
<i>Бақо</i>	Боқийлик, абадийлик.
<i>Багайраз</i>	Бошқа, бўлак, ўзга
<i>Баҳим</i>	Тўрт оёқли ҳайвон.
<i>Баҳр</i>	Денгиз, дарё.
<i>Бебадал</i>	Тенги йўқ, мислсиз.
<i>Бebизоат</i>	Мол-мулкsиз, бисотсиз, камбагал
<i>Бebунёд</i>	Асоссиз, таянчсиз.
<i>Бед</i>	Тол дарахти.
<i>Бедаступо</i>	Кўл-оёқсиз, пложсиз.
<i>Бедил</i>	Дилсиз, юраксиз; юрагини бериб қўйган, маҳлиё
<i>Бедирам</i>	Пулсиз, ҳеч вақосиз.
<i>Бедод</i>	Жабр-зулм; адолатсизлик.
<i>Безавол</i>	Заволсиз, йўқ бўлмас, донмий.
<i>Безиё</i>	Нурсиз, ёруғликсиз.
<i>Безодлиг</i>	Йўл озини йўқлик, ҳеч нарсаси йўқ, фақирлик
<i>Бекас</i>	Кимсасиз.
<i>Бенаво</i>	1. Бечора, йўқсул. 2. Бахтсиз, баҳрасиз, ҳолсиз.
<i>Бениқоб</i>	Бепарда, очиқ юз.
<i>Бериё</i>	Риёсиз, кўзбўямчиликсиз.
<i>Бесар</i>	Бошсиз, паришонҳол.
<i>Бесўзлуқ</i>	Елқинсиз, алаңгсиз, ич-ичдан кўйганлик.

<i>Бино</i>	1. Бино, иморат. 2. Асос. Таинч.
<i>Бирён</i>	Қовурма, қоврилган.
<i>Бисмил</i>	Сўйилган, сўйини.
<i>Бисёр</i>	Кўп.
<i>Биҳамдуллоҳ</i>	Худого шукур.
<i>Биҳил</i>	Кечирини, авф этиш.
<i>Биҳишт</i>	Жаннат.
<i>Бод</i>	Шамол; <i>боди хазон</i> — хазон ели.
<i>Бода</i>	Май, ичимлик.
<i>Бож</i>	Қарам мамлакатлардан олинадиган солиқ — божи хирож.
<i>Боз</i>	Яна.
<i>Боз</i>	Сўз бирикмасида ўйновчи, мас., қиморбоз.
<i>Бол</i>	Баланд, юқори.
<i>Боло</i>	Қанот.
<i>Бор</i>	Юк.
<i>Босафо</i>	Сафоли, ёқимли, тоза.
<i>Ботин</i>	Ички томон, кўнгил.
<i>Буд</i>	Зорлик, мавжудлик.
<i>Бурж</i>	Қадим қуёш йили доирасидаги ўн икки нуқтанинг бири. мас., буржи ҳамал, буржи савр ва ҳ.: саодат буржи.
<i>Бурро</i>	Кескир, ўткир.
<i>Бурқаъ</i>	Юзларда, чачвон.
<i>Бурғоқ</i>	Мамманинг учи.
<i>Бути нуҳрез</i>	Раҳменз, қон оқизувчи маъшуқа.
<i>Буҳл</i>	Бахиллик, хасислик, кўролмаслик.
<i>Буқаламуи</i>	Ўзгарувчан, ҳамелеон; товламачи.
<i>Бўй</i>	Ҳид, ис.
<i>Бўрғ</i>	Бўйра.
<i>Вазъ</i>	1. Наст, тубан. 2. Оддий киши.
<i>Вазъи</i>	1. Тузалини, ҳолат. 2. Иратилиши.
<i>Валлоҳу бил-лоҳ</i>	Худо биледи, худо ҳаққи, азбаройи худо (қасам).
<i>Вар, вагар</i>	«Ва агар»нинг қисқарган шакли.
<i>Вараъ</i>	Ман қилинган ишлардан сақланиш, нарҳезкорлик.
<i>Ваҳдат</i>	Бирлик, якка-ягоналик, танҳолик.
<i>Вубол</i>	Айб, увол.
<i>Во</i>	Ошиқ.
<i>Вобаста</i>	Боглиқ, бир-бирига боғланган.
<i>Вожгуи</i>	Тескари, чанна, хоҳишга қарши.
<i>Воиз</i>	Вазъ айтиувчи, наид-насихат қилувчи.
<i>Вола (волиҳ)</i>	Берилган, мафтуи.
<i>Волиди</i>	Опа.
<i>Восил</i>	Ёр васлига етишган, эринган.
<i>Воҳид</i>	Битта, якка, ягона; худо.
<i>Габр</i>	Оташнарост, зардушт динидаги, мажусий.
<i>Гавҳар, гуҳар</i>	1. Нижу, дур; қимматбаҳо тош. 2. Асосий модда.
<i>Гаида</i>	Ёмон, ярамас.
<i>Ганж</i>	Олтин, кумуш қабилар тўнлами, хазина.
<i>Гард</i>	Чанг, тўзон, губор; <i>гарди гам</i> — гам тўзони.
<i>Гардиш</i>	1. Чамбарак. 2. Айланиш.
<i>Гардуи</i>	Фалак, осмон.
<i>Гардои</i>	Айланувчи.
<i>Гарон</i>	Юк, қимматли оғир юк.
<i>Гез</i>	Маротаба.
<i>Гиёҳ, гиё</i>	Гиё, ўсимлик.

<i>Гил</i>	Лой.
<i>Гирд</i>	Атроф, айлана.
<i>Гирдбод</i>	Қуюн.
<i>Гирён</i>	Пигловчи, йиглаб турган.
<i>Гирибон</i>	Ёқа; чоки <i>гирибон</i> — ёқа йиртиги.
<i>Гиромий</i>	Қимматли, азиз.
<i>Гису (гесу)</i>	Ғрилган соч, кокил.
<i>Гом</i>	Қадам; <i>урмадим мен анга гом — унга қадам босмадим.</i>
<i>Гудоз</i>	Эрувчи, қуювчи; <i>оташгудоз</i> — оловда эрмоқ.
<i>Гузор</i>	Йўл ўтмоқ; <i>гузор эттим</i> — ўттим
<i>Гулафшон</i>	Гул сочувчи
<i>Гулрух, гул-рухсор, гулрӯ</i>	Гул юзли.
<i>Гулситон</i>	Гулистон
<i>Гулъузор</i>	Гуя юзли.
<i>Гум</i>	Йўқ, йўқолган.
<i>Гумном</i>	Номи ўчган, эътибордан қолган.
<i>Гумроҳ</i>	Йўлини йўқотган, эътибордан қолган.
<i>Гун</i>	Сўз бирикмасида келиб, ранг, рангли маъноларини билдиради.
<i>Гунбад (гун-баз)</i>	Гунбаз, айланаб турувчи гунбаз.
<i>Маж.</i>	Осмон, фалак.
<i>Гуфтор</i>	Ган-сўз: олим гуфтор — сўздагина олим
<i>Гўянда</i>	Сўзловчи, гапирувчи; баҳши
<i>Гурзи</i>	Чўқмор, тўқмоқ.
<i>Гуриҳ</i>	Ғам-гусса, чигал.
<i>Гўш</i>	Қулоқ.
<i>Гўша</i>	Бурчак, хилват
<i>Дайр</i>	1. Бутхона. 2. Майхона. 3. Дунё дайри фацо - фоний дунё
<i>Далааса</i>	Дағдага, шовқин-сурон.
<i>Далқ</i>	Дарвешлар кийими.
<i>Дар</i>	Эшик.
<i>Даргаҳ, даргоҳ</i>	Улуғ мартабали кишиларнинг турар жойи
<i>Даргузар</i>	Ўткинчи: абри даргузар — ўткинчи булут
<i>Дарбоз</i>	Узуи.
<i>Даст</i>	Қўл.
<i>Даф</i>	Чилдирма, дойира.
<i>Дафъи</i>	Қайтариш, кетказиш, йўқ этиш,
<i>Даҳан</i>	Оғиз.
<i>Даҳр</i>	Дунё, олам, замон, давр.
<i>Девона</i>	<i>Маж.</i> Ошиқ, телба.
<i>Дигар</i>	Ўзга, бошқа.
<i>Дийда</i>	Кўз.
<i>Дилафзор</i>	Дили хаста, дили вайрон.
<i>Дилафрӯз</i>	Кўнгилни шод этувчи, мафтуи этувчи
<i>Дилбаста</i>	Кўнгил боғлаган, ошиқ бўлган, севган.
<i>Дилгир</i>	Ранжиган, хафа.
<i>Дилкушо</i>	Кўнгил олувчи, севгил, ёқимли.
<i>Дилситон</i>	Кўнгил олувчи, севгил.
<i>Диловар</i>	Юракли, қахрамон, наҳлавон.
<i>Дилфириб</i>	Кўнгилни алдовчи, йўлдан оздирувчи. <i>Маж</i> Гўзал
<i>Дилхаста</i>	Кўнгил эзилган, дили вайрон.
<i>Дирам</i>	Кумуш танга.
<i>Довар</i>	Хуқмдор, подшоҳ.

<i>Довуд</i>	Классик адабиётда найгамбарлардан бири, темирчилик касбининг ири ва музыка ижодкори сифатида талқин этилади: Довид-и нагмагар ўзум — Довуд сингари мусиқанупосман Адолат талаб қилувчи; ара-дод қилувчи.
<i>Додхоҳ</i>	1. Араб алифбесидagi «д» ҳарфининг алоҳида номланиши
<i>Дол</i>	2. <i>Маж</i> . Эгилган, букилган.
<i>Долбой</i>	Овчи ов қилиши қўлга келтириш учун унга кўрсатиб чақирадиган гўшт, долвой.
<i>Дом</i>	Тузoқ
<i>Доман, домон</i>	Этак; ўнгир.
<i>Дониш</i>	Билиш, маълумот.
<i>Доро</i>	1. Эрон шоҳларидан бири. 2. Фирдавсий «Шоҳнома»-сининг қахрамони, шунингдек, классик адабиётда буюк шоҳлардан бири сифатида тасвирланади
<i>Дорул-бақо</i>	Боқийлик, абадийлик юрти; у дунё.
<i>Дорул-фано</i>	Фонийлик уйи; бу дунё, ўткинчи дунё.
<i>Дур</i>	Тутуш.
<i>Дудог</i>	Лаб.
<i>Дуи</i>	1. Паст. 2. Разил, нокас.
<i>Дурр, дур</i>	1. Нижу, марварид; <i>дурри ашк</i> - кўз ёшлари
<i>Дур</i>	2. Узoқ, йироқ.
<i>Дуруд</i>	Яхшилик тилаб дуо қилиш.
<i>Дутоҳ, дуто</i>	Букилган.
<i>Душвор</i>	Қийин, мушкул.
<i>Етти иқлим</i>	Экватордан шимолга томон, ҳозирги карталардаги чизикларга ўхшаш, <i>Е</i> чизиклар оралиғи. Бунда экватордан бошлаб биринчи иқлим, кейингиси иккинчи иқлим, ундан кейингиси учинчи ва ҳоказо давом этган. Шимолдги солуқ миштақа еттинчи иқлим деб ҳисобланган.
<i>Ёбанда</i>	1. Араб алифбесидagi «й» ҳарфининг номи. 2. «Й» сўзининг қисқарган номи, камон. <i>Маж</i> . Эгилган, букилган; <i>қоши ё</i> - қоши эгилган, <i>қадди ё</i> - қадди букилган
<i>Ёвуқ</i>	Топган, топади; <i>жўянда ёбанда</i> - излаган топади.
<i>Ёра</i>	Яқин.
<i>Ёсуман</i>	Яра, жароҳат
<i>Ёсумансоқ</i>	Хуш исли, оқ-сарик тусли гул (жасмин).
<i>Ёқут</i>	Ёсумандек келинган ва хунбўй.
<i>Ёшин (яшин)</i>	Қимматбаҳо тош. <i>Маж</i> . Май ёки ёрнинг лаби қизил ёқутга тағибх қилинади
<i>Ёзуқ</i>	Яшин, чақмоқ.
<i>Жаббор</i>	Гуноҳ, айбдорлик.
<i>Жабин</i>	1. Қудратли. 2. Жабр-ғазаб қилувчи
<i>Жабраил, Жаброил</i>	Манглай, немона.
<i>Жавлон</i>	Худо билан найгамбар ўртасида воситачи, ваҳий келтирувчи фаришта номи (миф)
<i>Жадал</i>	Айлланиш, келиш; от чоғиш; ўзини ҳар тарафга ташлаб ўйнаш.
<i>Жайрон</i>	Тиришин, <i>жадал қилмоқ</i> - тиришмоқ.
<i>Жайҳун</i>	Кийик, оҳу
<i>Жам</i>	Амударёнинг қадимги номи
<i>Жамшид</i>	Жамшиднинг қисқартirilган номи
<i>Жанди</i>	Эроннинг қадимги афсонавий подшоҳларидан бири
<i>Жафожў</i>	Дарвеш, қалаңдараар кийими, тўми.
	Жафо (ситам) қилувчи, зoлим, Жафoқор

<i>Жаҳд</i>	Астойдил ҳаракат қилиш, ғайрат қилиш.
<i>Жим</i>	Араб алифбесигаги (ж) ҳарфининг номи.
<i>Жинон</i>	Жаннатлар, боғлар (<i>бирл. жаннат</i>).
<i>Жовид, жовидон</i>	Абадий, мангу.
<i>Жоду</i>	Сехр, сеҳрли.
<i>Жом</i>	Қадах, май ниёласи.
<i>Жонқанда</i>	Жони узилган, ўлган.
<i>Жонфизо</i>	Жонни қувватлантирувчи, таंगा роҳат берувчи, оромижон.
<i>Жоруб</i>	Сунурги.
<i>Жоҳ</i>	Юқори даражали ўрик, амал.
<i>Жубба</i>	Ҳашаматли тўн.
<i>Жуз</i>	Бошиқа, ўзга, бўлак; <i>жуз жафо</i> – жафодан бўлак.
<i>Жузв</i>	Бўдак, қисм (бутуннинг бир қисми).
<i>Жумла</i>	1. Тўн, тўда, ҳаммаси, барча. 2. <i>Грам</i> . Гам 3. Жумладан, шундан, шу айтилганлардан.
<i>Жуни</i>	Жинилик; <i>жуни ишқ</i> – ишқ девонаси.
<i>Журға</i>	Қултум.
<i>Жустужў</i>	Қидириш, ахтариш, излаш; тафаккур қилиб излаш.
<i>Жўён, жўёна</i>	Истовчи, изловчи, ахтарувчи.
<i>Жўи</i>	1. Қайнаш. 2. <i>Маж</i> . Тўлқинламоқ, тўлгула-ғавго кўтармоқ.
<i>Жўянда</i>	Излаган, ахтарган.
<i>Забаржад</i>	Оч ниста ранг қимматбаҳо тош.
<i>Забон</i>	Тил; сўзлаш тили.
<i>Забун</i>	Ожиз, бечора. Мағлуб, енгилган.
<i>Завол</i>	Ўўқ бўлиш, сўниш.
<i>Зада</i>	Сўз бирикмасида урилган, эзилган каби маънода келади мотамзада – мотамда эзилган.
<i>Закот</i>	Мусулмонлардан уларнинг умумий бойлигининг қирқдан бири миқдорига ҳар йили олинадиган солиқ. Маширабининг нуқтаи назаридан закот камбағал ва муҳтожларга берилиши керак.
<i>Залил</i>	Хор, убан.
<i>Залолат, залол</i>	Адашш, йўлдан озинишлик.
<i>Замин</i>	Ер, мамлакат.
<i>Занах, зананхдон</i>	Ияк.
<i>Занг</i>	Занг, қора, <i>занг (аҳли)</i> – қора танлилар, хабашийлар.
<i>Зар</i>	Олтин, тилла.
<i>Зарбафт</i>	Зардан тўқилган мато.
<i>Зард</i>	Сариг.
<i>Заррот</i>	(бирл. зарра) Зарралар, майда бўлақлар, борлиқ зарралари.
<i>Зарқ</i>	Алдов, хийла, макр, мунофиқлик.
<i>Затм</i>	Ира, жароҳат, захмат – иралиг. 2. Кўнгиш ғашлиги.
<i>Затф</i>	Ҳолсизлик, занфлик.
<i>Затфарон</i>	Саргини тусли хушбўй ўсимлик.
<i>Зақан</i>	Бағбақа.
<i>Заҳмат</i>	Озор, алам, қулфат.
<i>Заҳроба</i>	Заҳар суви. Маж. Гам, андух.
<i>Зеб</i>	Безак, зийнат.
<i>Зебо</i>	Зеб берилган, гўзал.
<i>Зевар</i>	Безак, зийнат.
<i>Зеру забар</i>	Остин-устин, ағдарилган, барбод қилинган.
<i>Зиё</i>	Нур, ёруғлик, шуъла.
<i>Зихриё</i>	Диний эъгиқодга кўра найғамбар, ҳар қандай оғир шароитда – бошига арра қўйиб қирқилганда ҳам худонинг зик-

	рини тилидан қўймаган эътиқоди мустаҳкам киши сифатида талқин қилинади.
<i>Зилл</i>	1. Қўланка. 2. Оғирлик.
<i>Зимистон</i>	Қиш.
<i>Зироат</i>	Экин экиш, деҳқончилик.
<i>Зишт</i>	Хунук, ёмон.
<i>Зиџи</i>	Яхши, ажойиб (ундов сўз)
<i>Зойил</i>	Йўқ бўлувчи, йўқоладиган, ўчадиган.
<i>Зойи, зое</i>	Йўқолган, йўқотилган, побуд бўлган: бехуда кетган.
<i>Зоҳид</i>	Дунё ишларидан бет қайтариб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх, ёки ўзини шундай кўрсатувчи риёкор шайх
<i>Зоҳир</i>	1. Равшан, порлоқ.
<i>Зоҳир</i>	2. Кўриниб турган, очиқ-ошкор.
<i>Зуд</i>	Тез, шонилинч.
<i>Зулжало</i>	Азамат ва энг буюк.
<i>Зулминан</i>	Яхшилик ва эҳсонлар эгаси; Худо.
<i>Зуннор</i>	Христианлар белига боғлаб юрадиган чилвир.
<i>Зулфиқор</i>	Қилич. Ҳазрати Алининг икки дамли қиличи
<i>Зуҳал</i>	Сатури сайёраси.
<i>Зухд</i>	Дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шугулланиш: зуҳд аҳли — зоҳидлар.
<i>Зуҳра</i>	Чўлпон — Венера планетаси.
<i>Ибодат</i>	Қуллуқ қилиш, сифиниш.
<i>Ибдио</i>	Қаттиқ талаб, муддао, даъво.
<i>Ижобат</i>	Қабул қилиш, рози бўлиш.
<i>Ийд</i>	Байрам, ҳайит.
<i>Ийҳом</i>	Шеърини санъатда икки маъноли сўз ишлатиб шундан энг кам ишлатиладиган маъносини мақсад қилиб олиш. Айин Ваҳмига, шубҳага тушириш.
<i>Илмул-қуръон</i>	Қуръон илми.
<i>Илқи</i>	От, йилқи.
<i>Илҳом</i>	Киши қалбида пайдо бўладиган яхши ҳолат, яхши талқин; бирор яхшилик ёки ёмонлик юз беришини қалбда сезилиши: Илми гайб — кишида ўзи ўйламаган бир ҳолат, таассурот пайдо бўлиши.
<i>Имон</i>	Ишонч, эътиқод; кўнглида ишониш ва тилда иқдор бўлиш.
<i>Илтиёз</i>	Фарқ, оралик, ортиқча ҳуқуқ.
<i>Инио амво</i>	
<i>лақум</i>	Оят.
<i>Инио фатаҳно</i>	Оят
<i>Иис</i>	Иисон, киши.
<i>Ииншо</i>	1. Вужудга келтириш. 2. Ижод қилиш 3. Ёзув, хат.
<i>Ирам</i>	Афсонавий хушхаво бог; эрам боғи.
<i>Иродат</i>	1. Қасд, ният, хоҳиш. 2. Муридлик бериш, қўл бериш.
<i>Ироқ</i>	Ғарбий Осиёдаги мамлакат. Маркази Бағдод шаҳри. Машраб шеърларида Ироқ, Бағдод ҳақида, шунингдек, Фирот дарёси тўғрисида тилга олинган ўринлар бор.
<i>Исён</i>	Бўйин товлаш, итоатсизлик, гуноҳ.
<i>Искандар</i>	Тарихий шахс сифатида македониялик Александрийнинг шарқдаги номи (мелоддан аввалги 356—323 йил). Қадимги Шарқ адабиётида жаҳонгир подшоҳ, олим ва файласуф сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий «Саъди Исқандарий» достонида ўз даври талаблари, орзу ва умидларини Искандар образи орқали баён этган.

<i>Исо</i>	Христнинг динининг афеонавий асосчиси. Ислам теологиясида ҳам худонинг пайгамбаридир. Шарқ классик адабиётида у ўлиқни тириктира олган (масих) қудрат эгаси сифатида талқин этилади.
<i>Истиғно</i>	1. Муҳтож эмаслик, эҳтиёжсизлик. 2. Гўзал қилиқ билан тортиниш. Ҳаё билан ноз қилиш.
<i>Истиғфор</i>	Гуноҳни кечиритиш, афв этишни сўраш, тавба қилмоқ.
<i>Итоб</i>	Қаҳр, қазаб.
<i>Ифшо</i>	Фош этиш, очиб ташлаш.
<i>Ихфо</i>	Яшириш, махфий.
<i>Ишва</i>	Аёлларнинг нозли, мафтун этувчи ҳаракати.
<i>Ишраб</i>	Ич, ичгин.
<i>Кабк</i>	Каклик.
<i>Каббатайн</i>	Шашқол, пардининг икки шашқоли.
<i>Кавкаб</i>	Юлдуз.
<i>Кавсар</i>	Жаннат булоғи, ҳавзи кавсар.
<i>Кави</i>	Борлиқ, мавжудлик; дунё.
<i>Кавнайн</i>	Икки дунё (у дунё ва бу дунё).
<i>Каж</i>	Эгри, қинғир.
<i>Кажрав,</i> <i>кажрафтор</i>	Тескари қилувчи, маккор, хийлагар.
<i>Калисо</i>	Черков, христианлар ибодатхонаси.
<i>Каманд</i>	Бурон, спиртмоқ — арқон <i>Маж</i> , севгилининг сочи, соч ўрами
<i>Камол</i>	Тўлиқлик, етуклик, мукаммаллик.
<i>Камон</i>	Камалак, ёй; <i>тийри камон</i> — камон ўқи.
<i>Кан</i>	Сўз бирикмасида кавловчи, қазувчи маъносида келади кўхкан — тоғ қазувчи, Фарход. —
<i>Канъон</i>	Ливан мамлакатининг мелоддан аввалги номи. Бадиий адабиётда Канъон — Яъқуб пайгамбарлик ва шохлик қилган мамлакат, гўё унинг ҳусида тенгсиз ўғли Юсуф шу ерда тугилган. Акалари оталаридан ранж қилиб Юсуфни мисрлик савдогарга қул сифатида сотиб юбордилар. У Мисрда аввал қул бўлиб, воқеалар сўнггида подшоҳлик даражасига етади. Севгилиси Зулайхога етишади. Қирқ йил айрилиқ доғида ёнган отаси Яъқуб пайгамбар билан кўришади. «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси муқаддас китоблар ҳисобланган «Таврот», «Инжил» ва «Қуръон»да ҳам, шунингдек, «Юсуф ва Зулайхо» қиссасининг ёзган бошқа шоирларнинг асарларида ҳам шу залда бир-бирига яқин сюжетда талқин қилинади.
<i>Канапак</i>	Дарвенларнинг жаңдаси, жуи кийими.
<i>Карап</i>	Яхшилик, эҳсон, саҳийлик; <i>карамбахш</i> — яхшилик қилувчи
<i>Карашма</i>	Нозик кўз қараш; кўзни сузиб, ўйинатиб қараш; ноз.
<i>Карбало</i>	Эрондаги Карбало саҳроси.
<i>Карим</i>	Карамли, марҳаматли улуг зот; Худо.
<i>Каррор</i>	Бир ишни қайта-қайта яхши бажарувчи.
<i>Кас</i>	Киниш, одам; <i>бекас</i> — ҳеч кимаси йўқ, ёлғиз одам, <i>нокас</i> — поодам, насткаш, ярамас.
<i>Кашф</i>	Очпиш, топиш.
<i>Кашмири айн.</i>	Кашмирига хос; маж. Жодугарларча, соҳрғарларча.
<i>Каҳ, коҳ</i>	Сомон. <i>Маж</i> . Сариг, сомондай.
<i>Каҳрабо</i>	Бир турли сариқ тош (сомонни ўзига тортиш хоссаси борлиги учун шундай деб аталади.) <i>Маж</i> Сарик, Улуглик, буюклик.
<i>Кибриё</i>	Такаббурлик, ҳаво қилиш, манманлик.
<i>Кибр</i>	

<i>Кирдор</i>	Қўшимча сўз таркибида қилиқ, иш, равиш, тарз, маъноларида келади.
<i>Киром</i>	Карамли, саховатли, азиз, муҳтарам.
<i>Кимийё</i>	Мис, қалайн каби маъданин олтинга айлантириш тушунчаси. <i>Маж.</i> Ажойиб нарса, ноёб, нодир нусха.
<i>Кишвар</i>	Мамлакат, вилоят.
<i>Кишти</i>	Кема.
<i>Киштукор</i>	Экин-тикин, экин.
<i>Ком</i>	1. Тилак, орзу. 2. Баҳра олиши.
<i>Ком</i>	11. Оғиз, танглай; <i>талком</i> — оғзи аччиқ бўлмақ. <i>Маж</i> Таъби хира, холи танг.
<i>Комил</i>	Етук, камчиликсиз.
<i>Комрон</i>	Ўз мақсадига эринган, бахтли: ҳоким, ҳукмронлик қилувчи.
<i>Кофир</i>	1. Танимовчи, инкор этувчи, ислом динидан бошқа диндаги киши. 2. <i>Маж.</i> Раҳмсиз, раҳмсиз севгили.
<i>Кофур</i>	1. Гонтда оқ ва хушбўй модда (камфара). 2. <i>Маж.</i> Ошпоқ, қ. Коҳ.
<i>Коҳ</i>	Камайини; қоҳини ғам — ғам тортини, ғам чекиши.
<i>Коҳиш</i>	Хиралик: кудуратли кўнгул — кўнглида кпр сақловчи, ичи қора.
<i>Кудурат</i>	Ҳамма, бутунлай, жами, ҳар бир.
<i>Кул, кулл</i>	Уй, оддийгина уй, бошпана; <i>кулбаи аҳзон</i> — ғам уйи, ғамхона.
<i>Кулба</i>	Бурч, бурчак; <i>кунжи Лаб</i> — лабнинг бурчи.
<i>Кунж</i>	1. Курси, ўтиргич. 2. Тахт. 3. Саккизинчи фалак, зотил бурж (диний тушунча).
<i>Курси</i>	Кофирлик, динсизлик, исломни танимаслик.
<i>Куфр</i>	Кўча, йўл, томон; <i>ишқ кўйида</i> — ишқ йўлида.
<i>Кўй</i>	Қисқа, қалта; <i>кўтоҳназар</i> — қалта фаҳм, узоқни кўролмайдиган; дасти кўтоҳ — қўли қалта, камбағал
<i>Кўтаҳ, кўтоҳ</i>	Тог; <i>кўҳи ғам</i> — оғир қайғу.
<i>Кўҳ</i>	Тог қазувчи; Фарходнинг лақаби.
<i>Кўҳкан</i>	Тоглик жойлар.
<i>Кўҳсор</i>	1. Лавҳа, тахта. 2. Равнақлик.
<i>Лавҳ, лавҳа</i>	Лаззатлар. <i>бирл.</i> Лаззат.
<i>Лаззот</i>	Тун, кеча, оқном; <i>лайлу наҳор</i> — кеч-кундуз; <i>икки лайл</i> — икки тун. <i>Маж.</i> Икки қора соч. <i>Кокили лайлиси</i> — қора сочи.
<i>Лайл</i>	Қора зулфи.
<i>Лайли зулфи</i>	Қадр кечаси (27 рамазон кечаси, бу кеча кутлуг хи собиявдид)
<i>Лайлатул-қодр</i>	1. Қилиш рағбат тоя; <i>лаъли Бадахшон</i> — Бадахшон лаъли <i>лаъли Йман</i> — Йман лаъли. 2. <i>Маж.</i> Қип-қизил лаб севилнинг лаъли лаби; <i>лаъли май</i> — қизил май; <i>лаъли раҳшон</i> — тиниқ қизил май; <i>лаъли хандон</i> — кулиб турган лаб.
<i>Лаъл</i>	Титраб турувчи, қимирлаб турган; <i>беда ларзон</i> — шамолда тебраниб турган том дарахти. <i>Қомато ларзон</i> — севгили гавдасининг чиройли титраши, тебраниши.
<i>Ларзон</i>	Чўлоқ, оқсоқ.
<i>Ланг</i>	Декя ўзбек тилидаги сифат ясовчи қўшимча. Ҳозирги ўзбек тилидаги дек-дай сифат ясовчи қўшимчаларнинг маъносига тўғри келади.
<i>Лайин</i>	Куй, оҳанг; <i>лаҳи шуло</i> — катта ашула.
<i>Лаҳи</i>	Тил.
<i>Лисон</i>	

<i>Лиқо</i>	1. Кўриниш, намоён бўлиш, ошкор бўлиш. 2. Юз, чеҳра.
<i>Ло</i>	1. «Йўқ», «эмас» ва «НО» маъноларидаги инкорни англатади: <i>ломакон</i> - маконсизлик.
<i>Ло</i>	11. -ку, -да юктамалари ўрнида ишлатилган.
<i>Лол</i>	1. Соқов. тили тутилган. 2. Сўзлаб олмай қолтирилган.
<i>Лолазор</i>	Лола юзли, қизил юзли.
<i>Ломакон</i>	Маконсиз, жойсиз; маконсизлик.
<i>Луболи</i>	Бепарво, беғам, бепарҳез; лоқайд.
<i>Лоязо</i>	Абадий, сўнги йўқ; худо.
<i>Лояқил</i>	Ақлсиз, беақл.
<i>Лоғар</i>	Ориқ.
<i>Люб</i>	Тупурик, сўлак: <i>Ёр лабидин люб олиб</i> — ёр лабини сўриб.
<i>Луқма</i>	Бир ютум овқат, бир оғиз овқат; Огоҳлантирувчи сўз.
<i>Мавзун</i>	Ўлчовли; хушбичим, келишган
<i>Мавло,</i> <i>мавлавий</i>	Соҳиб, хожа, ҳомий, устод.
<i>Мад</i>	Чўзилиш, узайиш. 1. Бирор ҳарфни айтишда чўзиш. 2. Алифни («а»ни) чўзиб «о» ўқиш учун унинг устига қўйиладиган чўзги белгиси. Кўпинча мад белгиси севгилининг қошига ўхшатилади.
<i>Мадина</i>	1. Арабистондаги исломнинг марказий шаҳарларидан бири. 2. Умуман шаҳар.
<i>Мадҳ</i>	Мақташ, мақтов.
<i>Мажмар,</i> <i>Мижмар</i>	Мушк-анбар каби турли хушбўй нарсаларни солиб тутатиладиган идиш. <i>Маж.</i> Ўт туташган қалб; <i>мажмаримни кавлама</i> — ўт туташган қалбимни эзма.
<i>Мажнун</i>	1. Жинни, девона. 2. «Лайли ва Мажнун» достонининг қаҳрамони — Мажнун.
<i>Мажруҳ</i>	Яраланган, аламли.
<i>Мазлум</i>	Зулм кўрган, эзилган.
<i>Мазҳаб</i>	Пўл, таълимот, маслак
<i>Май</i>	1. Ичкилик, шароб. 2. Тасаввуфда бирлик, бирикиш. бириктиб кетиш — ваҳдат майи.
<i>Майгун</i>	Майга ўхшаш; қизил.
<i>Малак</i>	1. Фаришта (кўпл. малонк). 2. <i>Маж.</i> Жуда гўзал.
<i>Маллоҳ</i>	Ўқийқчи, кемачи.
<i>Малол, малул</i>	Малол келтирмоқ, хафа қилмоқ; ғамгин бўлмоқ.
<i>Малоҳат</i>	Гўзаллик; ёқимлилик.
<i>Мансур</i>	Мансури Ҳаллож номи билан машҳур бўлган тарихий шахс (X аср). У «Анал-ҳақ» — «Мен — ҳақ, яъни худоман» дегани учун руҳонийлар фатвоси билан дорга осиб ўлдирилган.
<i>Манозил</i>	Манзиллар.
<i>Минол</i>	Мол, дунё, бойлик.
<i>Маоний</i>	Маънолар (<i>бирл.</i> маъно).
<i>Мардуд</i>	Ҳайдалган, қувилган; рад этилган.
<i>Мардум</i>	1. Одамлар, кишилар. 2. Қорачиг: кўз мардуми - кўз қорачиги.
<i>Маркаб</i>	Улов, миниладиган ҳайвон (от, хачир, туя).
<i>Марғуб</i>	Ёқимли, севимли; дилрабо.
<i>Марҳам</i>	Ярага қўйиладиган дори, малҳам.
<i>Масал</i>	1. Мақол, масал. 2. Изоҳлаш учун келтирилган қисса, ҳикоя.

<i>Масиҳ</i>	Исо найғамбарининг лақаби (ривоятларга кўра Исонинг нафаси ўлганларни тириктириш қобилиятиги эга бўлган дейилади). Классик адабиётда севгилиши, унинг лабини жонбахшлик юзасидан Масиҳ, Масиҳо, Исо нафас, Масиҳ анфос каби тавсифлар бериллади.
<i>Маскан</i>	Турар жой, ўрин, уй-ватаи.
<i>Маснад</i>	1. Суличик. 2. Тахт. 3. Юксак ўрин.
<i>Масгона</i>	Мастларча; <i>Маж</i> . Шахло кўз.
<i>Матлуб</i>	Талаб этилган, орзу этилган, исталган.
<i>Мафтуи</i>	Берилган, шайдо бўлган, ошник.
<i>Маззан</i>	Хазина, қимматли мол-анё омбори; <i>маж</i> . <i>Кўз махзанидин дур сочмоқ</i> — кўздин ёш тўкмоқ.
<i>Махзун</i>	Хазинада сақланган бойлик.
<i>Махмур</i>	1. Хумори. 2. Мастлиги тамом тарқалган.
<i>Машом</i>	Ҳид билиш аъзоси — бурун, димоғ.
<i>Машишота</i>	Қиз ва келинларни сочларини тараб, кийинтириб оро берувчи, пардозчи аёл.
<i>Маъбад</i>	Ибодат қилинадиган жой, ибодатхона.
<i>Маъво</i>	Бошнапа, уй.
<i>Маъдан</i>	1. Кои, ер ости бойликлари. 2. <i>маж</i> . Кўз ёшлари
<i>Маъжун</i>	Аралашма, қориншма, дори.
<i>Маъмура</i>	1. Ободонлик. 2. Обод мамлакат; <i>маж</i> . Дунё, дунё — олтин Маъмуран ганж куймас — олтин ўтда куймайди.
<i>Маърифат</i>	Билиш, таниш; аҳли маърифат — билимдон кишилар.
<i>Мақбул</i>	Қабул қилинган, қалбга ўрнашган.
<i>Мақом</i>	1. Жой, ўрин. 2. Даража. 3. Музикада куй, оҳанг; мақом.
<i>Мақдам</i>	Қадам, қадам қўйган ер.
<i>Маҳ, моҳ</i>	Ой. <i>маж</i> . Севгили.
<i>Маҳв</i>	Пўқолиш, битиш; ҳайратланиб ўздан кетиш; <i>маҳв қилмоқ</i> — йўқ қилмоқ; <i>маҳв бўлмоқ</i> — йўқ бўлмоқ.
<i>Маҳваи</i>	Ойга ўхшаган, ойдай, чиройли.
<i>Маҳлаот</i>	
<i>маҳолот</i>	Маҳаллар, пайтлар, кунлар.
<i>Маҳолат,</i>	
<i>муҳолот,</i>	
<i>маҳол</i>	Маҳол ишлар, қийин ишлар, бўлиши мумкин бўлмайдиган ишлар.
<i>Маҳрам</i>	1. Бир-бирига никоҳ раво бўлмаган энг яқин қариндон
2. Улфат, сирдон. 3. Хусусий хизматчи.	
<i>Маҳшар</i>	1. Тўнланадиган майдон. 2. <i>Миф</i> . Қиёматда инсонлар тўнланадиган майдон. 3. Тўс-тўнолон.
<i>Маҳрум</i>	Бебахра, бенасиб, қуруқ қолган.
<i>Маҳширистон</i>	Маҳшар.
<i>Маҳзун</i>	Ғамли, қайғули, хафа.
<i>Маҳжур</i>	Айрилиб қолган, ҳижронда қолган, узоқлашган, маҳрум.
<i>Меҳр</i>	Кўёш, офтоб.
<i>Меҳроб</i>	1. Тоқча. 2. Масжидда имом туриб намоз ўқийдиган олдинги жой. 3. <i>маж</i> . Қошнинг қайрилма шакли
<i>Мижжа,</i>	
<i>мужа</i>	Қиприк.
<i>Мийно</i>	1. Шиша, май шишаси. 2. Қўқимтир ҳаво ранг 3. Мийно тоғи.
<i>Мил</i>	Байроқ ва минора устига ўрнатиладиган учли куббача,
	Пўлат бош кийими (каскага) ўхшашининг уни.
<i>Миллат</i>	Дин, маъзаб.

- Минбар* Масжид ва жомеъларда чиқиб хутба ўқиш ва ваъз айтиш учун уч-тўрт тонали қилиб исалган сунача, минбар
- Мисвок* Тини тозалатич
- Мискин* Бечора, гариб
- Миръот* 1 Ойла, кўзгу. 2. *маж.* Равшанлик, софлик тиниқлик
- Мову мани* Манманлик
- Молики дўзах* Дўзахнинг бошиқарувчиси.
- Мор* Илон
- Мосиво* — дан бошиқа, ...дан ташқари, *Мосиваллоҳ* — худодан бошиқа
- Моҳ, маҳ* 1 Ой. 2. *маж.* Гўзал, ой юзли моҳи Канъон Канъон гўзали — Юсуф.
- Моҳазар* Бирор нарсанинг тайёр тургани, дозирлангани маъноларини билдиради: моҳазар эттим — тайёр қилдим
- Муаззам* Буюк, улуг; шoҳи муаззам - улуг подшо.
- Мубтали* 1 Гирифтор, бахтсизликка учраган, баълога йўлиққан
- Мудаввар* 2 Ошиқ, афтода.
- Мудом* Юмалоқ, тугарак.
- Мужа* Доимо, ҳар доим.
- Мужаррад* Қирик, мижжа.
- Мужсон* Танҳо, яқка-блғиз.
- Мужовир* Қириқлар.
- Мужиб* 1 Доимо ўл жойида яшовчи. 2. *маж.* Мужовир кўзларинг бир нуқтага тикилган кўзларинг.
- Музлар* Бир иш ва ҳолатнинг юзата келишига сабаб бўлувчи сабабчи
- Музтар* Яширилган, беркитилган, яширин, кўйилда сақланган
- Мукаддар* Печор, ҳайратда қолган.
- Муқаллид* 1 Қирланган. 2. Хираланган. 3. Гамгин.
- Мул* Тақлид қилувчи, енгил табиатли, лақма
- Мулук* Май, шароб.
- Мунаввар* Подшоҳлар (*бирл. малик*); Шoҳи мулук — подшоҳлар шoҳи
- Муцкар* Нурли, равшан, ёруғ
- Пақир* Диний ақидага кўра гўрда ўлиқни сўроқ қилувчи икки фаришта.
- Мунофиқ* Икки юзамачи, тутуриқсиз.
- Мунис* Улфат, ҳамдам, доим бирга бўлувчи улфат
- Мунокод* Бўйин эгувчи, бўйсунувчи, итоат этувчи
- Муришод* 1 Тўғри йўлга солувчи, йўл кўрсатувчи. 2 Сўфийликда бир, эшон; Муришоди қомил - етук бир; муришоди ишқ - ишқ етакчиси
- Мурғ* Қуш; мурғи жон - жон қуши
- Мусибат* Гам, қайғу, мотам
- Мусо* Яхудийлар динининг афсонавий найгамбари. Диний ақидаларга кўра Мусо Турн Сино (Сино тоғи)да худо билан гаилланган Мусо худодан дийдорини ҳам кўрсатишни сўраганда, худо зарра тажаллисини (дийдордан заррагина) кўрсатади. Тоғ чидаблямай остин-устин бўлиб кетади. Мусо ҳам хушсизланиб йиқилиб қолади. Бадий адабиётда кўпинча шу афсонавий воқеага ҳар томондан ёндашиб фикр юритилган.
- Мустажоб* Талаби қабул этилган, қабул бўлган

<i>Мустаграқ</i>	Гарқ бўлган, чўмган.
<i>Мустаҳиқ</i>	Муносиб, лойиқ, ҳақли.
<i>Мусҳаф</i>	1. Китоб. 2. Қуръон.
<i>Мусоҳиб</i>	Ҳамсуҳбат, дўст улфат.
<i>Мусалло</i>	1. Йўйнамоз. 2. Намозгоҳ.
<i>Мусалсал</i>	Бир-бирига занжирга ўхшаб уланган, занжир шакл. Мусалсал турра занжирга ўхшаб улашиб кетган соч.
<i>Муттако</i>	Суяниқ, таяниладиган нарса, мадақдор.
<i>Муттақий</i>	Тақводор, гуноҳ ишлардан сақланувчи, ҳалол иш тутувчи
<i>Муфарриҳ</i>	1. Шодлантирувчи, яхши кайфиятли. 2. Тонуслантирувчи дори.
<i>Муфлис</i>	Кабагал, бечораҳол.
<i>Муфтаҳ</i>	Очиқ, очтирилган.
<i>Муҳлис</i>	Ихлос этувчи, чин юракдан берилган.
<i>Муҳтасар</i>	Қисқа, қисқартилган, ихчам.
<i>Мушавваш</i>	Таъинишли, кўнгли наришон: мушавваш хотир — наришонхотир.
<i>Мушарраф</i>	Шарафланган, иззат топган; шарафга эришган.
<i>Мушк</i>	1. Қора тусли ва хуш исли нарса. 2. <i>Маж</i> . Сочнинг қоралиғи ва хушбўйлиғи; мушкин хушбўй.
<i>Муштирий,</i> <i>муштар</i>	1. Сотиб олувчи, харидор. 2. Юпитер планетаси.
<i>Мушфиқ</i>	Шафқатли, меҳрибон.
<i>Муътабар</i>	Эътиборли, обрўли, ишончли.
<i>Муқаддар</i>	Тақдирдағи, тақдири азалдағи.
<i>Муқим</i>	Бир ерда истиқомат қилувчи, доимий турувчи, турғун.
<i>Муқаддо</i>	Иқтидо қилинадиган кимса.
<i>Мур</i>	1. Мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи. 2. <i>Маж</i> Майфуруш.
<i>Мурбача</i>	Май ташувчи, соқий.
<i>Мурилои</i>	Чўлда ўсадиган тиканли ўсимлик.
<i>Муҳайё</i>	Тайёр, тайёрланган, ҳозирланган.
<i>Муҳаммад</i>	Иелом динига (VII аср) асос солган тарихий шахс.
<i>Муҳтасиб</i>	Ижтимоий тартиб назоратчиси. Муҳтасиб жамият тартибини бузганларни сазойи қилиш ёки калтаклаш билан чеklangан. Масалан, газдан урадиган баъзоз ёки тарозидан урадиган сотувчиларни омма орасида калтаклаб, уларни тавба қилдирган.
<i>Муҳлик</i>	Ҳалок қилувчи, ўлдирувчи, йўқ қилувчи.
<i>Мўр</i>	Чумоли, кумурсқа.
<i>Набиз</i>	Хурмо ёки узумдан қилинган май.
<i>Навҳез</i>	Янги ўсиб келаётган.
<i>Навҳа</i>	Товуш чиқариб йиғлаш, поля.
<i>Наво</i>	Овоз, садо. 2. Куй — мақомнинг бир шўъбаси.
<i>Надомат</i>	3. Бойлик, нарса — бисот; бенаво — йўқсиз, бечора. 4. Бенаво — йиғлашга ҳам ҳоли қолмаган афтодаҳол.
<i>Наззора</i>	Пунаймонлик; афсусланиш.
<i>Назокат</i>	1. Назар қилиш, кўз солиш. 2. Томонна.
<i>Найистон</i>	Нозиклик, латифлик; адаб ва тарбияли ҳаракат муомала.
<i>Найсон</i>	Қаминзор.
<i>Нақҳат</i>	Румий ойларнинг еттинчиси бўлиб, апрель ойига тўғри келади: Абри найсон — найсон ёмғири.
	Хушбўй ҳид.

<i>Намоён</i>	Кўриниб турмоқ, ошкор бўлмоқ.
<i>Намурд</i>	Иброҳим пайғамбарни ўтга ташлаган афсонавий подшо.
<i>Наргис</i>	Бўтакўз. Унинг гули кўзга ўхшагани учун бадий адабиётда кўз маъносига ишлатилади.
<i>Насаб</i>	Авлод.
<i>Настаран,</i> <i>настри</i>	Оқ очиладиган гул.
<i>Насим</i>	Шабада, майни ёқимли шамол.
<i>Нафс</i>	Кинида турди маиний орау-ҳавасга бўлган майл, истак
<i>Наҳл</i>	Кўчат, ниҳол; <i>маж.</i> Севгилининг қомати.
<i>Нашот</i>	Суюнни, хурсандчилик.
<i>Наштар</i>	Йарроҳлик тиги, табиблар кишидан қон олишда қўллаган ўткир тиг.
<i>Наъра</i>	Хайқирӣқ, бонг урин, қаттиқ нола қилиш.
<i>Нафд</i>	Тайёр ва бор нарса, бойлик.
<i>Наҳор</i>	Кундуз; лайлу наҳор — кеча-кундуз.
<i>Наҳни</i>	
<i>қасамно</i>	Диний ақидага кўра аввало одамнинг руҳи яратилганда уларнинг берган ваъдаси, қасами, тилхати.
	Асалари.
<i>Наҳл</i>	Не учун, нима учун.
<i>Невчун</i>	Яхши, яхшилик; неку бад — яхши ва ёмон.
<i>Нек</i>	
<i>Ниғаҳ,</i>	
<i>нигоҳ</i>	Боқини, қарани, назар солмоқ.
<i>Ниғаҳдон</i>	Кузатувчи, қўриқловчи.
<i>Нигин</i>	1. Узук. 2. Мухр.
<i>Ниёз</i>	Елворини, ўтинини. умид; Арау ниёз — ўтиниб арз қилмоқ.
<i>Нигорони</i>	Кўз тутини.
<i>Нисор</i>	Сочини, чочки (ҳурматли, азиз кишининг бошидан гул, тавага тилло сочин; фидо қилини.
<i>Но</i>	Арабча феъл туслувчи қўшимча бўлиб, ўзбек тилида-й, -ай, -йини, -йини қўшимчалари маъносига тўғри келади Ичайно — ичайини; титрайно — титрайини Соф, кўролмайдиган.
<i>Ноб</i>	Кўр, кўролмайдиган.
<i>Нобино</i>	1. Қамоннинг ўқи. 2. <i>Маж.</i> Қирриқ.
<i>Новак</i>	
<i>Нодир,</i>	
<i>нодира</i>	Камёб, кам топиладиган, ягона, тенги йўқ.
<i>Ноёб</i>	Топилмайдиган, топилмас.
<i>Ноком</i>	1. Истагига етмаган, маҳрум. 2. Номор, ноилж.
<i>Ноланда</i>	Нола қилувчи, ингровчи.
<i>Нолон</i>	Нола ва фиғон қилмоқ.
<i>Номаи аъмо</i>	Қилинган ишлар ёзуви. Диний таълимотга кўра қисматда ҳар бир кишига ҳаётда қилган ҳамма яхши, ёмон ишлари ёзилган нома, ҳисобот.
<i>Нопадид</i>	Кўринмайдиган, кўринмас.
<i>Нораво</i>	Раво эмас, номақбул, мумкин бўлмаган
<i>Норасо</i>	Тўғри эмас, эгри; етилмаган.
<i>Нор</i>	1. Анор.
<i>Нор</i>	11. Ўт, олов.
<i>Нотавон</i>	1. Кучсиз, ожиз, заиф. 2. Бемор, ҳолсиз.
<i>Ноқус</i>	Қатта қўнғирок.
<i>Нукта</i>	Нозик ва маъносини чуқур чиройли сўз; ишора.
<i>Нуҳ</i>	Тўққиз; нуҳ фалак — тўққиз фалак.
<i>Нуҳ</i>	Диний эътиқодларга кўра пайғамбарлардан бири.

У инсонлар динин қабул қилмагани, худо ва пайгамбарнинг буйруқларига бўйсунмаганликлари учун худодан уларни жазолашни сўраган. Худо сув юборган. Олдиндан огоҳлантирилгани учун Нуҳ ўзи исаган улкан кемага динни қабул қилган 80 чоғли кишини, ва барча жонивор, гиёҳлардан бир жуфтдан олиб жойлаштирган. Шундан қилиб, ерда Нуҳ кемасидагилардан ташқари ҳаёт тутаган. Сўнгра сув камайиб қуруқликлар юзага чиққан. Кемадагилар қуруқликка қайтиб ерда ҳаёт бошқатдан бошланган. Шу бонедан Нуҳ иккинчи Одам ҳисобланган.

Об Сув: оби чашм — кўз ёши; оби ҳаёт, оби ҳайвон, оби зиндагоний — мифга кўра бу сувни ичган киши ўлмай, абадий яшайди.

Обдор 1. Серсув. 2. Соф, тиниқ.

Обид, обида Ибодат қилувчи.

Обу-ғил Сув ва туپроқ (инсон гавдасининг тузилишига киноя)

Одам 1. Одам. 2. Одам ота. Ҳазрати одам — худо яратган энг биричи одам, динни эътиқодга кўра ер юзидаги ҳамма одамлар шу Одам отанинг авлодлари ҳисобланади.

Олуда Буланган: чун шафақ олуда — шафақ сингари қизил қонга буланган маъносида: Олуда домон — ор-номусини йўқотган.

Ораз Юз, бет, чехра.

Ориф Билимдон, маърифатли, доно; орифи комил — мукаммал билувчи.

Оро Безаган, эйланган: дилоро — кўнгилни шодлантирувчи.

Осаф Сулаймон пайгамбарнинг вазири. Классик адабиётда доно ва одил киши сифатида талқин қилинади.

Осий Гуноҳкор, исёнчи.

Осиё Тегирмон, айланиб эзувчи тегирмон (*маж.* фалак).

Осо 1. Сўзга қўшилиб каби, ўхшаш, сингари маъноларини ифодалайди. 2. Роҳатлантирувчи, тинчитувчи: дилосо — кўнгилга таскин берувчи, кўнгилни тинчитувчи.

Оташкада Ўтга толинувчилар ибодатхонаси; ўтли аланга; *Маж* Севгилининг ўзига мафтун этувчи, кўйдирувчи чехраси Қурбон бўлай оташкадан шўъла адамга.

Офият Соғлиқ, тинчлик.

Офоқ Уфқлар, олам. *бирл.* Уфқ.

Ошён Ни, уя; кулба.

Ошуб Гавго, ҳаяжон.

Ошufta 1. Паришон, тарқоқ, тўзиган; 2. Мафтун, берилган, ошиқ.

Оят 1. Нишон, белги. 2. Қуръон жумласи.

Оҳу Кийик.

Падар Ота.

Падидроҳ Кўриниб турган аниқ йўл.

Паём, пайғом Хабар, дарак.

Паймона Май инёласи, қадах.

Пайк Хабарчи, элчи.

Пайкар Гавда, жуесса, ҳайкал.

Пайкон 1. Қасон ўқи; ўқ учидаги метал бошоқ. 2. Тикан. 3. *Маж* Киприк.

Пайгамбар Худодан бандаларга хабар етказувчи, уларни дин йўлига солувчи элчи, расул, паби.

Паймон Аҳд, ваъда.

Папоҳ Сигвиниш, суяниш: наноҳ берени — асрасин, сақласин.

Парвона 1. Кўннич чироқ ва шам атрофида айланиб ҳалок бўлади

	ган каналак. 2. <i>Маж</i> . Сөвгилига берилган, мафтун бўлган ошиқ.
<i>Парвардигор</i>	Тарбияловчи — худо.
<i>Паришон</i>	Тарқоқ, сочилган, ёйилган: холи паришон — гамгин, зулфи паришон — сочи ёйилган.
<i>Партав</i>	Ёруғлик асари, нур, шуъла, порлоқлик.
<i>Пеиқаш</i>	Тортлиқ, совга, тухфа.
<i>Пир</i>	1. Қари, кекса. 2. <i>Маж</i> . Эшон, шайх Пирӣ дайр — майхона бошлиғи.
<i>Пираҳан,</i> <i>пироҳан</i>	Кўйлак.
<i>По, пой</i>	Оёқ.
<i>Поймола</i>	Оёқ остида бўлган, эзилган.
<i>Подои</i>	1. Эваз; мукофот; бадал; йўлдош.
<i>Покбоз</i>	Пок ишиқ эгаси, садоқатли ошиқ (<i>айн</i> . Қиморда ҳалол ўйновчи).
<i>Покдоман</i>	Иффатли, номусли, ҳалол одам.
<i>Пора</i>	Парча, бўлак, бурда.
<i>Порсо</i>	Сақланувчи, ёмон ишлардан ўзини сақловчи, художўй.
<i>Поянда</i>	Доимий, барқарор, мустаҳкам.
<i>Пур</i>	Сўз бирикмасида келиб, кўп, тўла каби маъноларни билдиради.
<i>Пуржафо</i>	Кўп жафо қилувчи, жафокор.
<i>Пурзиё</i>	Шуъладор, зўр ёруғлик.
<i>Пурҳишм</i>	Аччиғи тез, жаҳлдор.
<i>Пуршар,</i> <i>пўришр</i>	Шовқин-суронли, шовқин-сурон кўзгатувчи.
<i>Пуштиқо маж.</i>	Пуштиқо урмоқ — тарқ этмоқ, кечмоқ.
<i>Раббиял-аъло</i>	Эй энг улуг парвардигор (намозда айтилади).
<i>Работ</i>	Қарвонсарой; йўловчилар қўниб ўтадиган бино, мусофирхона; работи кўҳна — эски работ. <i>Маж</i> . Дунё.
<i>Равза</i>	1. Бог, гулбоғ. 2. Жаннат. 3. <i>Маж</i> . Муқаддас қабр.
<i>Раво</i>	Муносиб, мумкин; ҳоҷатраво — ҳоҷат чиқарини.
<i>Равон</i>	Юрмоқ, кетмоқ, жўнамоқ; руҳи равоним — севгилим.
<i>Равоқ</i>	Катта биноларнинг ичидаги ёки олдидаги ярим доира қилиб ишланган қисми; айвон.
<i>Раъд</i>	Момақалдироқ.
<i>Раз</i>	Ток, узум: раз қизи — май, шароб (<i>маж</i>).
<i>Райб</i>	Шақ, шубҳа, гумон.
<i>Рамақ</i>	Энг охириги нафас. Рамақ жон — жон чиқар ҳолат, жон ҳалқумга келгани.
<i>Рамз, румуз</i>	Имо, ишорат; яширин, белги, шифр.
<i>Ранж</i>	Машаққат, қийналиш, огриқ.
<i>Рангин</i>	Рангдор, товланиб турадиган: гўзал.
<i>Расо</i>	Тўғри; келинган.
<i>Расан</i>	Арқон, ил: расан эттим — боғладим.
<i>Рафтор</i>	Юриш; тез рафтор — тез юрар.
<i>Раҳна</i>	Дарз, ёриқ: раҳна солмоқ — тешмоқ, бузмақ.
<i>Раҳи</i>	Югуруқ от: раҳи сурмак — от сурмоқ.
<i>Раҳшон</i>	Ялтироқ, порлоқ; меҳри раҳшон — порлоқ қуёш.
<i>Рақам</i>	Ёзув, битиш: рақам қилмоқ — ёзмақ.
<i>Рақиб</i>	Душман.
<i>Рақс</i>	Ўйин: рақсу самоъ — ўйин ва музика. ҳаяжон билан рақсга тушиши.
<i>Раҳ. роҳ.</i>	1. Пўл. 2. Маслак, усул.

<i>Раҳбар,</i>	Ўл кўрсатувчи, раҳнамо.
<i>роҳбар</i>	Ўжорага нул бериш (ҳаром ҳисобланади).
<i>Рибо</i>	Рибо билан шугулланувчи ҳаромхўр.
<i>Рибохўр</i>	Ўзини ёмонликдан сақланувчи қилиб кўрсатиш, иккиюз-
<i>Риё</i>	ламачилик: риё аҳли — риёкор.
<i>Риёзат</i>	Нафс хоҳишларидан тортиниш, ўзини қийинчиликка дучор қилиш.
<i>Ризвон</i>	Жаннат: боғи ризвон — жаннат боғи.
<i>Ринд</i>	1. Хароботий, бенарво: ринд аҳли — айш-ишратга берилганлар, хароботийлар. 2. Ишқ йўлида изчил, мардона, бошқа нарсаларга бенарво, салти сувой.
<i>Ришва</i>	Пора.
<i>Ришта</i>	Иш, тапон: жон риштаси — жон иши.
<i>Роз</i>	Сир, яширин, махфий: роздон — сирдон.
<i>Рукуъ</i>	бош эгини, икки букилиш (намозда).
<i>Рустам</i>	Шарқ халқлари оғзаки эпикасида ҳам, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида ҳам наҳлавонлик, халоскорлик ва ижумарлик тимсоли сифатида тасвирланган киши образи. Хил-хил тўлиниб янги пишган мева.
<i>Рутаб</i>	Юз, бет, чеҳра.
<i>Рух</i>	Рух.
<i>Рухсор</i>	Кун, кундуз.
<i>Рўз</i>	1. Турмуш, тирикчилик, кун кечириш. 2. Давр, замон.
<i>Рўзсор</i>	Юз, бет: рўйи замин — ер юзи; нари рўй — нари юзли,
<i>Рўй, рўй</i>	рўйсё, рўйи снях — юзи қора, ярамас.
<i>Сабза</i>	Майса, яшил, кўкат.
<i>Сабо</i>	Майин, ёқимли шамол; боди сабо — тонг шамоли.
<i>Сабуҳи</i>	Тонг пайтидаги майхўрлик.
<i>Савдо</i>	1. Кучли эҳтирос; шайдолик. 2. Хаёл, тейтаклик.
<i>Савод</i>	1. Қора. 2. Қоронги, қоронғилик.
<i>Савм</i>	Рўза.
<i>Сад</i>	1. Тўсиқ, гов, девор: садди роҳ — йўл тўсиғи.
<i>Сад</i>	11. Юз — 100: сад бор — юз бор, юз мартаба.
<i>Садбарғ</i>	Кўнбарғли гулларнинг умумий номи; сариг гул.
<i>Садпора</i>	Юз бўлак, юз пора.
<i>Садоқ</i>	Ўқдон.
<i>Сажжода</i>	Жойнамоз.
<i>Сажда</i>	Намозда бошни ерга қўйиб сиғиниш.
<i>Сазо</i>	1. Жазо. 2. Лойиқ, мупосиб, сазовор.
<i>Сайд</i>	Ов, овлаш. <i>Маж.</i> Ўзига мафтуни қилмоқ.
<i>Сайёд</i>	Овчи.
<i>Саййид —</i>	1. Жаноб. 2. Пайгамбар авлоди.
<i>Сайф</i>	Қилич.
<i>Сакарот</i>	Ҳушсизлик, мастлик (бирл. Сакрат.).
<i>Самак</i>	Балиқ.
<i>Саман, суман</i>	Емени, жасмин сўзининг қисқаргани; оқ-сарик рангли хушбўй гул; сумансо — сумангулга ўхшаган.
<i>Самандар</i>	Афсонага кўра ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшовчи жонивор; саламандра.
<i>Самар</i>	Мева, ҳосил; патижка, фойда.
<i>Само</i>	Осмои.
<i>Самъобар</i>	1. Арча. 2. <i>Маж.</i> Келинган қомат, севгинининг қомати
<i>Санг</i>	Тош: санги маломат — маломат тоши.
<i>Сангсор</i>	Тош бўрон қилиш.
<i>Сано</i>	Мақташ, мадҳ этиш.

<i>Сар</i>	Бош: бесар — бошенз, хушенз.
<i>Сарв</i>	1. Тўғри, тик ўсадиган, қишин-ёзин кўм-кўк турадиган, хиди ёқимли, хушқомат бир дарахт; сарв. 2. <i>Маж.</i> Қаддиқомати шундай келишган севгили; сарви равон — хиромон — гўзал юришли нозанин; сарви сихий — бўйи келишган гўзал.
<i>Сарвар</i>	Бошлиқ, йўлбошчи, етакчи.
<i>Сард</i>	Совуқ, хунук: охи сард — совуқ ох.
<i>Сардафтар</i>	Азалги тақдирга ёзилгани; тақдир азал.
<i>Саркаш</i>	Итоатсиз, бўйсунмайдиган, ўжар.
<i>Сарпош</i>	Бошдан-оёқ, бошдан тохригача.
<i>Саргашта</i>	Боши айланган, саргардон, ҳайрон.
<i>Сархайл</i>	Энг яхши, сараланган.
<i>Сархуш</i>	Кайфли, маст.
<i>Саршор</i>	Оқиб турган булоқ?
<i>Сафо</i>	1. Еруғлик, равшанлик, хурсандлик, маншат: сафо аҳлинок кўнгилли, софюрак; сафобахш — хурсандчилик бахш этувчи.
<i>Саҳбо</i>	Қизил май.
<i>Саҳи, сиҳи</i>	Тўғри, барваста: сиҳи сарв — барваста сарв.
<i>Саҳл</i>	Осон, енгил, қулай, арзимас.
<i>Саҳар</i>	Дўзах, тамуг, жаҳаннам.
<i>Саҳор</i>	Нияк, багбақа.
<i>Сиво</i>	Бошқа, ўзга; бошқа қилмоқ, кўнгилдан чиқармоқ.
<i>Сийм</i>	1. Кумуш, ақча, танга. 2. <i>Маж.</i> Оқ; сийм тан — оқ бадан.
<i>Сийрат</i>	Хулқ-атвор, хислат, равиш, одат, ҳолат, амал.
<i>Сиё</i>	Қора.
<i>Сийна</i>	1. Кўкрак, кўкс. 2. Юрак.
<i>Симурғ</i>	Афсонавий қуш. Тасаввуфда рамзий тушунча.
<i>Сино-Тури</i>	Тоғ. Тур тоғи.
<i>Синанд</i>	1. Исприқ. 2. Аянчли хотира: синанди хотирим — куйган, ўртанган хотирим.
<i>Синар</i>	Қалқон.
<i>Синаҳ, сипоҳ</i>	1. Аскар, қўшни. 2. <i>Маж.</i> Ғам-қудфатнинг бостириб келиши.
<i>Сиришк</i>	Кўз ёши.
<i>Сирот</i>	1. Кўприк. 2. Дин. Дўзахнинг устидан жаннатга ўтилади-ган ингичка йўл.
<i>Сиҳи</i>	Саҳи.
<i>Собир</i>	Сабрли, чидамли.
<i>Сол</i>	Йил.
<i>Солиҳ</i>	Яхши ишлар қилувчи.
<i>Сомон</i>	1. Илож, ёрдам, кўмак. 2. Ҳосил. 3. Куч, ҳол-қудрат. 4. Ашё, бойлик. 5. Сомон.
<i>Соғар</i>	Май қадаҳи, май пиёласи: соғар ичмак — май ичмоқ.
<i>Соҳиб</i>	Эга, тасарруф этувчи.
<i>Соҳибқирон</i>	1. Бахтиёр, бахтга эришган. 2. Илми пужумда икки сайёра бир-бирига тўқнашган пайтда туғилган бахтиёр бола.
<i>Субҳ</i>	Тоғ пайти.
<i>Суд</i>	Фойда, баҳра, наф: суду зиён — фойда ва зарар.
<i>Сужуд</i>	Саждалар (қ. Сажда).
<i>Сукун</i>	1. Тинчиш, осойиш, жим ўтириш. 2. Араб ёзувида сўз бўғинларини ажратувчи белги.
<i>Сулаймон</i>	Найғамбар подшоҳ. Довуд найғамбарнинг ўғли. Диний

тушунчаларга кўра ҳамма тирик мавжудотнинг ҳамда жинн, дев ва ҳ. пайғамбари ҳисобланган. Афсоналарга кўра унинг бармоғидаги узук — (ингил, хотам) катта сеҳрли кудратга эга бўлган. Классик адабиётда, жумладан, Маширабда ҳам, Сулаймон билан бирга унинг узуги ҳақида ҳам сўз боради.

- Сунбул* 1. Хушбўй қора рангли гул. 2. *Маж.* Севгилининг сочин. Хулқар.
- Сурайё* Ҳз савлатига, мақенга мағрур; мағрур.
- Сурагнараст* Узун бўли сув ва май идиши.
- Сураҳий* Сўз; нутқ, ифода.
- Сухан* Маъшур афсонавий қаҳрамон Рустамнинг ўғли. У отасини излаб бораётиб, ўз номини яширган отаси Рустам билан яккама-якка жангда ҳалок бўлади. Шу туфайли Сухроб образи эзгу орзулари рўёбга чиқмай бевақт ҳазон бўлганликнинг рамзи бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам шоирлар шафқатсиз фалакни ёки тақдирин «Сухроб-кўш» дея нисон фарзандларининг бағриши тидувчи ваҳший сифатида талқин қиладилар.
- Сўз* 1. Куйдириши, ўртаниши. 2. Сўз бирикмасида — куйдирувчи, ўртовчи маъноларида келади: сўзи фироқ — айрилиқ ўти.
- Сўзон* 1. Куйган. 2. *Маж.* Аламли.
- Сўфи* Тасаввуф йўлини ушлаган киши, тақводор.
- Сўхта* Куйган.
- Таадди* Зулм, кўноллик.
- Тааллуқ* 1. Алоқадорлик, боғланишлик, тегишлилик. 2. Уйланиш. Ачиниш, афеусланиш.
- Таассуф* 1. Катта ноғора. 2. *Маж.* Табли ишқ — ишқ гағвоси.
- Табл* 1. Катта ноғора. 2. *Маж.* Табли ишқ — ишқ гағвоси.
- Табъ* Табиат, характер.
- Табоҳ, табоҳ* Хароб, бузук, вайрон; ҳоли табоҳ — аҳволи хароб.
- Тавалло* 1. Ҳўст тутуши. 2. Ёлворини, илтижо қилиши.
- Тавозуъ* Одоб билан ўзини иаст тутуши.
- Тавоф* Зиёрат қилганда муқаддас дейилган жойга ё улуг зотга кўл тегизиб, сўнгра кўлини кўзга, лабга элтиши; тавоф қилиши.
- Тавил* Узун, узок; умри тавил — узок умр.
- Тавсан* Шўх-ўйноқи от.
- Тавқ* 1. Ҳалқа: тавқи лаънат — лаънат ҳалқаси. (*дин.* Шайтон манманлик қилгани учун то қиёмат бўйинига солинадиган ҳалқа). 2. Бўйинга боғланадиган боғ, маржон шодаси. 3. Баъзи қушларнинг бўйинларидаги ҳалқа шаклидаги чизик.
- Тажалли* Кўриниши, жилोलаниши.
- Тазаллум* 1. Зулм қилиши. 2. Зулмдан шикоят қилиши.
- Тай* Юрини, кезини.
- Тақаллум* Сўзлаш, гапирини.
- Тақягоҳ* 1. Суялчиқ, суянадиган жой. 2. *Маж.* Кўмак берувчи, ҳимоя қилувчи.
- Талаб* 1. Сўрани, исташи, хоҳиши, майл. 2. Талаб водийси — сўфийлик маслагадаги етти водий (етти даража)нинг биринчиси.
- Талғат* Юз, бет, кўриниши, хусн, гўзаллик.
- Талхком* Қайгули; ҳаёт аччиғи — оғирлиғи; умиденз.
- Талотум* 1. Урилиши, тўлқинга урилиши. 2. *Маж.* Ҳаёт, зарбаси: талотум — сертўлқини.

<i>Тамъ</i>	Умид, тиланиш, настаншлик.
<i>Таммир</i>	Бузуқ жойни тузатиш, иморатни тиклаш, бино қилиш.
<i>Тамкин</i>	Огирлик, чидам; огир табиатлик; савлат.
<i>Тар</i>	1. Ҳўл. 2. Янги, тоза: тар мева — янги, қуритилмаган ҳўл мева.
<i>Тараб</i>	Хурсандчилик, шодлик.
<i>Тараддуд</i>	Бирор масалада бир қарорга келолмай туриш; тараддуд қилиш — ҳаракат қилиш, урилиш.
<i>Тараҳҳум</i>	Раҳм қилиш, шафқат, марҳамат.
<i>Тарёк</i>	Афюн.
<i>Таржиҳ</i>	Бир нарсани бошқасидан ортиқ кўриш; устин бўлмоқ.
<i>Тарк</i>	Воз кечиш, ташлаш; тарки дунё — дунё ишларидан воз кечиш.
<i>Тарангу</i>	Тогтеракка ўхшаш ёввойи дарахт, тўронги.
<i>Тарозу амал</i>	Амаллар (яхши — ёмон) ишларни ўлчайдиган тарозу (дши).
<i>Тарсо, тар-собача</i>	Христиан, насроний.
<i>Тарфиъ</i>	Юқори кўтарилган, мартабаси ошган.
<i>Тасалсул</i>	Занжир каби улашиб кетиш; <i>Маж.</i> занжир.
<i>Тафсир</i>	Шарҳ, изоҳлаб бериш.
<i>Ташбиҳ</i>	Ўхшатиш, ўхшатмоқ.
<i>Тақво</i>	Диндорлик, нарҳезкорлик.
<i>Тақи</i>	Тағин, яна.
<i>Таҳбагаҳ</i>	Қатма-қат.
<i>Таҳқиқ</i>	Текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш.
<i>Таҳи (асли тиҳи)</i>	Холи, куп-қуруқ, бўш, бебаҳра; таҳидур қўлларим — қўлларим куп-қуруқ, ҳеч вақом йўқ.
<i>Тез</i>	Тиғи тез — ўткир пичоқ, ўткир қилич ва б.
<i>Тиг</i>	1. Қилич, ханжар, пичоқ каби кесадиган асбоб. 2. Бирор асбобнинг дами.
<i>Тир</i>	1. Ўқ, камон ўқи, ёй ўқи: тирн борон — ўқ ёгдириш; 2. <i>Маж.</i> Севгилининг назари (киприги).
<i>Тийра</i>	Қоронгу; қора. <i>Маж.</i> Ғам-гуссалар.
<i>Тоат</i>	Итоат қилиш; тоат-ибодат, диний буйруқларни бажариш.
<i>Тоб</i>	1. Тоқат, куч, қудрат, чидам. 2. Эшилтиш, буралтиш, тўлганиш: тоб бермоқ — тобламоқ (ип). 3. Нур, жисмлик, тобланиш: жаҳонтоб — оламни ёндурувчи; обитобни олиш — темир ёки нўлатни аввал оловда қиздириб, кейин сувга солиб сифатли қилиш.
<i>Тобон</i>	Еруғ, ёрқин: моҳи тобон — гўзал, ой юзли.
<i>Тобакай</i>	Қачонгача.
<i>Толиб</i>	Талаб қилувчи, изловчи: толиби илм — ўқувчи; толиби ҳақ — ҳақни қидирувчи.
<i>Тонгла</i>	1. Эртанги кун. 2. <i>Миш.</i> Қиймат кун.
<i>Торинистон</i>	Қоронгу: қоронги макон.
<i>Тотурмоқ</i>	Тоттирмақ; едирмоқ ёки ичирмоқ.
<i>Тоқ</i>	Гумбаз; пешайвон меҳроби: кўк тоқи — кўк гумбаз, тоқу равоқ — ҳашаматли бинолар.
<i>Тоҳо син</i>	Қуръон оятларидан бири.
<i>Тулуъ</i>	Чиқини, кўришни, болқини (куёш, ой), <i>Маж.</i> Севгилининг кўриниши.
<i>Туман</i>	Ўн миш; <i>Маж.</i> Жуда кўн.
<i>Тунқотар</i>	Тунги қоровул.

Тур	Тур тоғи (Арабистонда)
Туроб	Туироқ, ер.
Турра	Көккел, зулф, пешона атрофидаги соч.
Турфа	Ажойиб, илғи, қизиқ, кам учрайдиган.
Тухфа	Совға, тортиқ.
Тўбий	1. Диний эътиқодга кўра жаннат дарахти. 2. <i>Маж.</i> Келинган қомат.
Тўymo	Өзик, таом, дуқма.
Тўра	1. Шахзода. 2. <i>Маж.</i> Тўраи хуси — гўзаллар гўзали.
Тўрт қул	Дуо. (дин. Бало-офатлардан қорғи қилувчи дуо).
Тўфон	1. Кучли сув тошқини. 2. Зўр гага, тўполон.
Уд	1. Оловга солинадиган, хуш не берадиган ёғоч. 2. Бир турли чығу асбоби.
Узор	Юз, бет, чехра.
Уламо	Олимлар, билимдонлар (<i>бирл.</i> олим)
Улуи	Илмлар (<i>бир.</i> илм).
Уло, ало	Балаид, юксак, катта; юқори даража.
Умнат	Бир найгамбарга тобеш кишилар.
Умам	1. Машрабининг базъан қўллаган адабий тахаллуси. 2. Зарра, атом, чанг.
Уммон	Денгиз; катта сув манбаи.
Уи	Садо, нола; инграб йиғламоқ.
Урён	Яланғоч, кийим-кечаксиз, бевақо.
Усру, асру	Кўи, жуда, ғоятда.
Устузон	Сўнғак, суяк.
Утмоқ	Қиморда ютиб оломоқ ...Қаъбатайи ишиқ этибсан, мени хастанн утубсан.
Ушиоқ	Ошиқлар, севувчилар (<i>бирл.</i> ошиқ)
Уқбо	Боқийлик, абадийлик; дунёи уқбо — абадийлик дунёси.
Фавқ	Уст, юқори, балаид; фавқ хашам — балаид хашаматли.
Фалак	1. Осмон, кўк. 2. <i>Маж.</i> Бахт, толеш, тақдир.
Фалохун	Налахмон; фалохун тоши — налахмон тоши.
Фано	1. Пуқ бўлини, тугалини, ўлини. 2. Ўзликни йўқотиб, бутун борликдан кечиб, илоҳиятга енгиниши.
Фарзона	Оқил, доно.
Фарозон	1. Юқори, балаид; тоқи фарозон — гумбаз, меҳробларининг юқориси.
Фасона	Достон, эртақ, ҳикой; уйдирма, афсона.
Фатҳ	1. Очни, очилиши, кушоилиши. 2. Забт этиши, қўлга киритиши.
Фатр	Қувонч, гурур.
Фаи	Ўрама, бурама; фаи дастор — ўрама дастор.
Фақир	1. Камбағал, қашшоқ, бечора. 2. Дунё ноз-неъматларидаи кечган.
Фигор	Жароҳатли, ярали.
Фироқ	Айрилик, жудолик.
Фиръавн	1. Қадимги замон Миср подшоҳларининг унивои. 2. <i>Маж</i> Ўта мутақаббир, зодим.
Фоний	1. Пуқ бўлувчи. 2. Сўфийликда — фано мақомига (даража-сига) эринган, илоҳий рух билан кўшилиб кетган.
Фосиқ	Ёмон ийдар қилувчи, ёмон йўлга юрувчи, бузуқ.
Фузуи	Ортиқ, зиёда, кўи.
Хид	Ёноқ, юз, бет; юз олмаси
Хаданг	Ўқ, камон ўқи.
Хайруниос	Ихши исми, одамнинг сараси.
Хайма	Чодир; хаймаи афлук — фалак чодирн (осмон)
Халил	Дўст, ёр; Халил, халилудлоҳ — Иброҳим найгамбарини

	лақаби. Диний ривоятларга кўра гўё Намруд Иброҳимни катта ўтга ташлаганда ўт гулзорга айланиб қолган.
<i>Хамр</i>	Ичкилик, май, бода.
<i>Хандон</i>	Кулиш, кулган; хандон бўлмоқ — кулмоқ; хандон ўлмас — кулмас.
<i>Хароботий</i>	Майхона аҳли, майхона муҳлиси.
<i>Харош</i>	Ўўниш, тарашлаш; тириши, қирши.
<i>Хеш</i>	Қариндош, яқин киши.
<i>Хизр</i>	Афсонага кўра «оби ҳаёт» (тириклик суви)ни ичиб, доимий тирик юрган пайгамбар, мусофирлар ҳомийси.
<i>Хилъат</i>	Ҳашаматли кийим; сарпо.
<i>Химча</i>	1. Хивич, химич. 2. Маж. Нозик — эгулувчан.
<i>Хирад</i>	Ақл, фикр; хуш.
<i>Хирож</i>	Солиқ.
<i>Хиром</i>	Чиройли юриш; жўнаб кетмоқ.
<i>Хирқа</i>	Шайх ва дарвешларнинг маҳсус кийими; жапда.
<i>Хисрав, хусрав</i>	Подшоҳ, хукмдор.
<i>Хоб</i>	Уйку.
<i>Хок</i>	Тупроқ.
<i>Хокистар</i>	Қул.
<i>Хоксор</i>	Тубан, хор, ер билан баробар.
<i>Холиқ</i>	Ҳал қилувчи, яратувчи (худонинг сифати)
<i>Хома</i>	Қалам.
<i>Хомуш</i>	Индамай жим туриш.
<i>Хонабардўш</i>	Уй-жойи йўқ (<i>киноя</i> , уйи елкасида)
<i>Хонаи хос</i>	Маҳсус уй.
<i>Хоназароб</i>	Уйи бузилган, хонавайрон.
<i>Хор</i>	Тикан.
<i>Хоро, хора</i>	Тош, қаттиқ тош.
<i>Хос</i>	Маҳсус, алоҳида.
<i>Хотам</i>	Мухр: хотами лаъл — лаъл кўзга узук — мухр. <i>Маж</i> Ошиқнинг қизарган кўзи шунга ўхшатилади.
<i>Хубон</i>	Яхшилар, яхши кишилар.
<i>Худнамо</i>	Шухратиараст, мақтанчоқ.
<i>Худрой</i>	Ўзар, ўз йўлидан борувчи, қайсар
<i>Хукбон</i>	Чўчқабоқар.
<i>Хун</i>	Қон.
<i>Хунрез</i>	Қон тўкувчи, раҳмсиз.
<i>Хунфишон</i>	Қон сочувчи, ўлдирувчи
<i>Хуришд</i>	Қуёш, офтоб.
<i>Хунхор</i>	Қонхўр.
<i>Хуришди</i>	
<i>Канъон, Айн</i>	Канъон қуёши, Юсуф.
<i>Хуш</i>	Яхши, маъқул.
<i>Хушалзон</i>	Яхши, ёқимли сайран; яхши хониш.
<i>Хушдор</i>	Яхши кўриб, ҳавас билан.
<i>Хушк</i>	Қуруқ.
<i>Хуш лаъжа</i>	Яхши ифода, яхши шева, яхши овоз.
<i>Хушоб</i>	Тоза, тиниқ, ялтироқ.
<i>Хў ёки Хўй</i>	Бирор нарсага одагланиш, ўрганиб қолиш, қилиқ, фозл.
<i>Хўган</i>	Шарқий Туркистон (Қашқар вилояти)даги қадимий шаҳар.
<i>Чарх</i>	Овмон, кўк, фалак.
<i>Чашм</i>	Кўз.
<i>Чашмсор</i>	Булоқ: булоқнинг бошланиш жойи.
<i>Чериг</i>	Қушни, аскар.
<i>Чин</i>	Хитой.

<i>Чок</i>	Пиртик; чок айламак, чок этмак, чок қилмоқ; йиртмоқ.
<i>Чокар</i>	Хизматкор.
<i>Чорёр</i>	Тўрт дўст, тўрт биродар.
<i>Чорёри босафо</i>	Исломда Муҳаммад пайгамбарга энг яқин тўрт киши-Абубақр, Умар, Усмон ва Али назарда тутилади.
<i>Чогир</i>	Май, шароб, ичимлик.
<i>Чоҳ</i>	Қудуқ; зиндон.
<i>Чоҳ-и за-наҳдон</i>	Нияк чуқурчаси.
<i>Чугз</i>	Бойўгли.
<i>Чўлон</i>	Венера планетаси.
<i>Шаб</i>	Кеча, тун.
<i>Шабистон</i>	Қоронги кеча; қоронгулик.
<i>Шабафрўз</i>	Кечани ёритувчи.
<i>Шавғ</i>	Орзу, зўр ҳавас, қаттиқ иштиқиш, каф.
<i>Шажар</i>	Дарахт.
<i>Шаётин</i>	Шайтонлар.
<i>Шайдо</i>	Севгидан девона бўлган, мафтун, оташин ошиқ.
<i>Шайх</i>	1. Қари, кекса. 2. Сўфийлар бошлиғи; эшон.
<i>Шамс</i>	Кўёш.
<i>Шамс уззуҳо</i>	Қуръон оятларидан бири.
<i>Шамшод</i>	Хушқомат чиройли дарахт. <i>Маж.</i> Классик адабиётда севгилининг қадди-қомати шамшодга ўхшатилади қилич.
<i>Шамшир</i>	Емон, ёмонлик; шўру шар — фасод.
<i>Шар</i>	
<i>Шарар,</i>	Учқун, алапга, ёлқин.
<i>шарора</i>	Улуглик, юксаклик; мартаба; фахр.
<i>Шараф</i>	Диннинг йўл-йўриқлари, қондалари.
<i>Шариат</i>	Изоҳ, кенгроқ тушунтириб бериш.
<i>Шарҳ</i>	Шафқатли, марҳаматли.
<i>Шафиқ</i>	Уртада туриб восита бўлиш.
<i>Шафоат</i>	Олти.
<i>Шаш</i>	1. Бахтензлик, омадензлик. 2. Ярамаслик, ёмонлик.
<i>Шақоват</i>	
<i>Шаҳбоз,</i>	Лочин. маж. Кўнгилни овловчи севгили.
<i>шоҳбоз</i>	Асал, бол.
<i>Шаҳд</i>	Буюк, одил подшоҳ.
<i>Шаҳриёр</i>	1. Шоҳидлик, воҳоҳлик. 2. Шаҳидлик, дин йўлида ўлим.
<i>Шаҳодат</i>	От миннишга маҳоратли, отга ярашган.
<i>Шаҳсувор</i>	Ўжабрланиб ўлиш; ҳақ йўлида ўлмоқ; шаҳиди ишқ — ишқ қурбони.
<i>Шаҳид</i>	1. Одат, равиш, тарз, услуб, йўсин. 2. Ноз, ишва.
<i>Шева</i>	Довюраклик, ботирлик.
<i>Шижоат</i>	Шикоят, нолиш, қаноатланмаслик.
<i>Шиква</i>	Синиқ, мажруҳ, кўнгилни ўкенган.
<i>Шикаста</i>	Оғзидан ширин сўзлар чиқувчи; ширинсўз.
<i>Шириндаҳан</i>	Даста (гул), боғлам, тизим (маржон).
<i>Шода</i>	Ташналикни қондирмоқ; шодоб этмоқ — ичирмоқ.
<i>Шодоб</i>	Тароқ, соч тароғи.
<i>Шона</i>	Мувофиқ, муносиб, лойиқ, мақбул, маъқул.
<i>Шойиста</i>	Жилавдор, шоҳ жиловида борадиган, чаққон хизматкор.
<i>Шогир</i>	Ўйин, найранг.
<i>Шуъбада</i>	Шуъла, ёруғлик.
<i>Шуоъ</i>	Шуъла урувчи, равшан қилувчи.
<i>Шуълазан</i>	1. Ғавго, тўполон. 2. Тузли.
<i>Шўр</i>	

<i>Эмгалмак</i>	Қийналмоқ, қийинчилик чекмоқ.
<i>Юнус</i>	Диний ривоятларга кўра найғамбар. Уни катта наҳанг балиқ ютганда, балиқнинг қорнида туриб худонинг зикрини айтаверади. Балиқ ҳазм қилолмай, қайта чиқариб юборади. Унинг ҳар балога ҳозирлиги одамларга ибрат қилиб кўрсатилган.
<i>Юсуф</i>	Канъон Яъқубнинг ўгли. «Юсуф ва Зулайхо» дostonининг қахрамони.
<i>Явмул-нушур</i>	Қиёмат, охират куни.
<i>Явмул-жазо</i>	Жазоланиш куни; қиёмат.
<i>Якдила</i>	Қатъиятли, бир сўзли.
<i>Ялдо туни</i>	Қишнинг эф қоронги, энг узун кечаси.
<i>Ягмо</i>	Талон-тороқ, вайрон қилувчи.
<i>Утру</i>	Қарши, рўнара.
<i>Уғлоқ</i>	Таёқ.
<i>Кавм</i>	Кишилар тўдаси, гуруҳ.
<i>Қавси қузаҳ</i>	Камалак.
<i>Қад</i>	Бўй-баст.
<i>Қадаҳ</i>	Пиёла, коса.
<i>Қазоу кадар</i>	Борлиқдаги умумий қонуи ва конкрет ҳодисалар.
<i>Қайд</i>	Банд, боғланган, кишанланган.
<i>Қалам</i>	Умуман қалам: тақдир қалами — диний тушунчага кўра кишиларнинг тақдирини ёзган қалам.
<i>Қаландар</i>	Тарихий нуқтаи назардан қараганда қаландарлар икки гуруҳга бўлинади: 1. Дунёнинг тузилишидан, ижтимоий ҳаётнинг нобонлигидаи порози бўлиб бирор нажот йўлини излаб юрувчи, ҳаётни, гўзалликни, ишқни тараппум қилиб юрувчи қаландарлар. 2. Динни, дунёнинг бевафолигини, қиёмат, жаннат ва дўзах ҳақида бозорларда, одамлар орасида таяқни қилиб дайдиб юрувчи қаландарлар. Ой.
<i>Қамаp</i>	Қизларнинг, келинларнинг бош кийимига қадаб қўйиладиган нар, жига.
<i>Қарқара</i>	Мавҳум бир куч. Афсонага кўра тумшугида жуда кўп тешиклар бўлиб, улардан ҳар турли музика садолари чиқар эмиш.
<i>Қақнус</i>	Қаҳр қилувчи, газаб қилувчи
<i>Қақдор</i>	Тик туриш; энг тўғриси.
<i>Қиём</i>	1. Ривоятларга кўра инсонларнинг қайта тирилиш куни
<i>Қиёмат</i>	2. <i>Маж.</i> Ғавго, тўс-тўполон, даҳшат
<i>Қизоқ</i>	Лола; қизгалдоқнинг қисқарган формаси
<i>Қийлу қол</i>	Ғап-сўз.
<i>Қисмат</i>	Улуш, ҳисса.
<i>Қобе қавсайн</i>	Қуръон ояти.
<i>Қодир</i>	1. Қудратли, кучли. 2. Худонинг сифати қодир и барҳақ қяқий қодир.
<i>Қол илми</i>	Дунёвий илмлар, диний, фалсафий, табиий ва ҳ.
<i>Қарғила</i>	Қарвон, сафарга чиққан йўлчилар туркуми.
<i>Қуддиса</i>	
<i>сирриху</i>	Сир и муқаддас, эжу бўлсин (вафот этган киши ҳақида айтиладиган дуо).
<i>Қудс</i>	Тола, муқаддас.
<i>Қудум</i>	1. Қадам, оёқ. 2. Келиш, қадам равижида қилиш.
<i>Қумри</i>	Бўйида ҳалқа шаклида нақши бўлган хушбӯв кучи.
<i>Қумрилайин</i>	Қумридек.
<i>Қурбат</i>	Яқинлик, етишиш; ҳаққа етишиш.

Қуръа
Қурси
сабуҳий
Қут
Қутб

Чек.

Қулча шаклидаги мулойим ширилик.

Авқот, озиқ; қувват берувчи.

1. Шарқда марказ, ўрта, таянч жой. 2. Моддий ва маънавий бошлиқ маъноларида қўлланган; сўфийликда ягона ҳисобланган авлиё, валиюллоҳ. 3. Қутби олам — оламнинг бошқарувчиси — худо

Ғабғаб
Ғаддор
Ғайб
Ғайр, ғайраз
Ғалат
Ғалтон

Няк, бағбақа.

1. Алдамчи, хиёнатчи. 2. Бераҳм, волим.

1. Кўзга кўринмаган, ҳозир эмас. 2. Сир, яширин.

Ўзга, бошқа; бегона, ёт; ғайраз жафо — жафодан бошқа
Ҳато, янглиш.

Юмаланувчи, юмалоқ: дурри ғалтон — юмалоқ дур; маж кўз ёши.

Ғамбода
Ғамгусор
Ғамзада
Ғассол
Ғилмон
Ғофир
Ғул
Ғулом
Ғаво

Ғам ютган, ғамгин.

Ғамхўр, меҳрибон.

Ғам билан эзилган, қайгули.

Ювгувчи, мурдашўй.

1. Ғулом, хизматкор. 2. *Миф.* Жаннат йигитлари
Көчирувчи, гуноҳдан ўтувчи; худо.

Запжир, бўйин ҳалқа.

Хизматкор, куя.

1. Ғаво. 2. *Маж.* Мағрурлик. кибру ҳаво — такаббурлик ва мағрурлик. 3. Одам Атонинг хотини, диний эътиқодга кўра энг аввал яратилган аёл:

Кибрли, мағрур.

1. Мартаба, даража. 2. Ҳақ, ҳуқуқ, ихтиёр.

Маккага зиёратга бориш.

Айрилик, жудолик.

Эҳтиёткорлик, сақланиш, ўзини тортиш.

Қайгули, мунгли.

Минг — 1000.

1. Тирик нарса, ҳаз бир жонзот. 2. Тириклик, ҳаёт

1. Хайронлик, тонг қолиш. 2. Тасаввуфда ишқ водийлари
дап бири.

Ҳаким
Ҳамвор
Ҳамд
Ҳамнишин
Ҳамро
Ҳамроз
Ҳамоно
Ҳарам

1 Табиб. 2. Файласуф, донишманд.

Тем-теғис, текис.

Мақтов, мадҳ; танақкур.

Бирга ўтирувчи, ҳамсуҳбат

Қизил: лолви ҳамро -- қизил лола

Сирдош.

Ўша онда, вақтда.

1. Хос жой, ўз аҳли бўлмаган кишилар киритилмайдиган жой, ички хона. 2. Каъба.

Уруш; найза уриш.

Ҳарб, ҳарба
Ҳарза

Беҳуда, бемаъни, алжираш: ҳарза юрдум — беҳуда алжираб юрдим.

Ҳариф

1. Муқобил, олдидаги. 2. Улфат, ўртоқ: Ҳарифим суроҳи-йу жом — улфатим суроҳим (май идиши) ва жом (коса)

Ҳасан ва
Хусайн

Алининг ўғлилари бўлиб, ўз рақиблири томонидан қатл этилганлар. Бадний адабиётда шу воқеалар туфайли тилга олимади.

Ҳар сў

Ҳар тараф, ҳар томон.

Ҳашр	1. Тўпланиш, йнғин. 2. Ўлганларнинг тирилиш чоғи, қиёмат (диний).
Ҳашргоҳ	Қиёматда одамларнинг тўпланиш жойи (диний).
Ҳашт	Саккиз.
Ҳақ	1. Тўғри, рост. 2. Адл, адолат. 3. Лаёқат. 4. Ҳақ таоло — Худо.
Ҳақгў	Тўғри сўзлик.
Ҳақиқат	1. Ҳақиқат. 2. Аҳли ҳақиқат — худога етишганлар — (сўфийликда). 1. Тўғри йўл. 2. Диний китобнинг номи.
Ҳидоя	Айрилиқ.
Ҳижрон	1. Янги кўринган ой. 2. маж Севглининг қоши.
Ҳилол	Вақт, пайт, замон.
Ҳин	Очкўзлик, дунёпарастлик.
Ҳирс	Қўрғон, қалъа.
Ҳисор	Тўғри йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи.
Ҳодий	Билимдон, моҳир.
Ҳозик	Тўсиқ, гов.
Ҳойил	Сахийлик, қўли очиқлик билан шухратланган киши.
Ҳотам	Ҳотам сахийлик, қўли очиқлик сифатини ҳам билдиради Садо, нола қилиш ва сизгиниш садоси.
Ҳу, ёҳу	Равшан, аён, кўриниб турган, аниқ.
Ҳувайдо	Машаққат, қийинчилик, ташвиш, бам, қайғу.
Ҳумум	1. Шаҳло кўз, гўзал, ҳусндор. 2. Жаннатдаги гўзал қизлар (диний).
Ҳур	Қимматбаҳо тошлар, тақинчоқлар солинадиган қутича Ҳуққа-йи лаъл — қизил лаб (маж.).
Ҳуққа	

هرکشی نمی دردی بولپه نیلا سپون یار آلدیده
 هذلب نیوادک نالدا افغان ایله
 منصور خلاجدیک ایچیب شرب استهور
 هرکشی برجعی نوش ایلاسه بولاده دین
 تیله مشرب قلمه غیل
 اییب اییب غلامی پیرا

قالمسپون ارمان یورکده ایسپون اظههار آلدیده
 ایلانب سیراب یوراین عینی گلزار آلدیده
 چرخ اوروب نیلاب تورارمن اشجودم وار آلدیده
 اول قیامتده قیلور عرضنی جبار آلدیده
 سبر نیکنی زاهد غرایان
 عاشق زار آلدیده

من نامه قیلای شام بگرد او ایشکینگه
 اول لاله ریحان سپن تازه قیزل گل
 خوبان جهان بولبتمی یوسپن کفان
 زلفینک سنی بو جانیم یوزدام بلادور
 عالم باریسی لذات حسونگنی تاپیدور
 سبود اوجت گوتوشوبن سنی ایزلاب
 گمخن توکوبان بروفینکده کیچ کوندر
 اول حسن جمالینگ

جانسی برای شوبخ پرنیزاد ایشکینگه
 هم بر بولویکیدی قدی شمشاد ایشکینگه
 سلطان امیر بنده آنا او ایشکینگه
 جانیم قوشی صید اولدی چو صیاد ایشکینگه
 گریان افغان نامه فریاد ایشکینگه
 اولتوردی غمینگ کوزلاری جلاد ایشکینگه
 ویرانه وطن منزلی آباد ایشکینگه
 اوتی شریفه توشوبور
 پرنیزاد ایشکینگه
 آرا تیر مردم کیلورنه قاشم
 یستی اقلیم غرق بولدی یا شیم
 پروانه صفت کیدی
 توشتی سوزا محبت با شیم
 وه محبت کیدی قان نیلا دیم

زاہد اول محراب ارا حامت قیلور
 قیل فذرا بتہ جانان تہر دین
 محتسب تو کتور دی ہاتھی بادہ چین
 دکوندہ یوزینگ چیر قیلنگ اور گولی
 مشربی دیوانہ فی حیران قیلیب

ای صبا نمبادہ دور من بہتر مینی کو لمہ
 ہر زمانہ میسی دین سنگ کتابت لار کیلور
 خانہ ویر انار سلور افتادہ لار فی حایینی
 تکیشی گوردی گمی بوسدی بغری کباب
 ہجر تاشدین ضر آفت باشمہ ییکا اوزوم
 یستی دوزخ اور تانور افتادہ لار نینگ آیدین
 لامکانی شہرینی بر بولہ سپیر ایلام
 بجر حمت گدیریب قیلدیم وجود مینی حد
 دُر دریا ی معانی بولدی چون مشرب ولی

سپن سپوریم خواه ایسان خواه اینا نمہ
 نم شام فراتینگدہ کباب ایستی نکلنی

من قیلور من سجہہ اگمہ قاشمہ
 عزوزاریم سنگہ بغری تاشمہ
 یتدی اتلی اینگ سپر داشمہ
 قوی قراب غم تاشینی بر داشمہ
 فی سبب دین کیلمد یگ بر قاشمہ

چون شفق آلودہ من خاکبہر مینی کو لمہ
 سین کہ بجنون بولما سنگ سپر دفتر مینی کو لمہ
 ای کہ محرم بولما سنگ چشم تر مینی کو لمہ
 دلہہ دردینگ بولما سپر دروی پر مینی کو لمہ
 کیشہ ماتمہ دور من لنگر مینی کو لمہ
 آتشی بگریہ کو یگان مہر مینی کو لمہ
 جبرائل بارغیل ناری بال پر مینی کو لمہ
 مغفرت دین بیخبرہ سپر دفتر مینی کو لمہ
 دیدہ بیبا بولما سنگ کوز گور مینی کو لمہ

قاندور بگریم خواه ایسان خواه اینا نمہ
 آہی سجریم خواه ایسان خواه اینا نمہ

ناگاہ سپری زلفونگ باری بوندوم بنگامیل
 لعلینک غمیدین کو ننگوم ایرور غنچہ کبھی قان
 زہری غمی بچینگ منی اولدور غامی یستی
 مشرب بولوبان کو یونگ چون برق تجلی
 نیسای ای دو ستار بولای یوزی شمع غم پروانہ
 بیسی تپہ کو دین بولور گلزار صحرا لار
 بولوبورن ہمدین جور بولوبون یا پری بولوبون
 فی تانگ رحمی کیلیب سیرہ منی مخمور حیرانہ
 ایرور زہد اہلی فرسند پایہ قدیہ ار جمند
 تلاب قدین کیچہ کوندوز بائینی سجدہ دین الملم
 ترمی عشق ارانایاب اگر مشرکبھی بر جانینگ

ای تاج سہریم خواہ ایان خواہ ایانہ
 گلبرگ ترمیم خواہ ایان خواہ ایانہ
 ای ب شکریم خواہ ایان خواہ ایانہ
 قالمی اثریم خواہ ایان خواہ ایانہ
 تمن مینگ عشوہ برلہ کو ننگوم آلدی شوخ جانانہ
 توشار عالمگہ آہیم اوتیدین بررعد بر قانہ
 جمعی آشنالار دین اینگ عشیدہ بیگانہ
 اول حسن اہلی شاہی عشق سیدین قطرہ پیمانہ
 محبت اہلی عشق صحرا پسیدہ بحر و دیوانہ
 مرادیم عشق ایلی خاک تیدین تیلہ پیمانہ
 یولیدہ بولہ مینگ جانینگ ذاقیل شیر مردانہ

تواضع بر تہ کلین ایلا در اول سپوی میخوانہ
 کہ من قانلار یوترمن اولگو نچہ پیمانہ پیمانہ
 منی برجہ خلاق دیدیلار دیوانہ دیوانہ
 آنی ہرنی سپودیم اوزگہ دین بیگانہ بیگانہ
 انی یادینی ایلارمن یوروب ہریانہ ہریانہ
 رقبہ لارور تہ سپیدہ تیلہ من جولانہ جھولانہ

بناگاہ او چرلور کو بولوبستانہ بستانہ
 کوز خونیخواری لعلی کیمیدین لالہ کوندوز ایردی
 خالی قستی بلکہ من عمر و منی او تکردیم
 بحمد اللہ کونگننی ماسپودار من قلدیم
 قیلیب آرنہ و شود لہرنی تیلارمن کیچہ کوندوز
 کو ننگو غصہ کو بپہمہ درلہ ہمدیم یوقدور

باشم کیت پولیدین امید مشر قاتیریم بوق^{دور}

بوجانیم فی نثار ایلا سبگنا مردانه مردانه

دل انی دیرلار که هر گز ما جراسی بولمسه
جنت الفردوسنی هفت بر یوله ایزلسم
خاگجاسم عرش ایدر مونده غلط تو شتوم
پیشمیر^۲ دیدر بوسوزنی مشر با با صدق ایشیت

کورانی دیرلار که هر گز سبنا سبسی بولمسه
خیرانی دیرلار که ایز زندک ریاسی بولمسه
نور بولور ایدر دیکه نفس اژدها سبسی بولمسه
دوزخی ویرلارانی ترسپن خداسی بولمسه

روزن آستانیکه سهر آهسته آهسته
اونار بر بر با سبب اول شوخ با قمش با لیکدین
کیچیک لیکه نگاریم چیغ ایتیم عیب ایدر
جمالینیک بر کمال اولدر بولور بر خطینک پیدر
بارور مسکین بوشتر گل یوزو ما کیو کالی اما

سوروسن کوزلار گیمه خاک در آهسته آهسته
ایرور انداق وفا بنز عمر او تراسته آهسته
که فصلیده بولور شیرین شمرا آهسته آهسته
سهار اولسه اولسه لار سبلا آهسته آهسته
کوزالیمی گل یوزو نام غیلا توب آهسته آهسته

صحرایوز کو کورس تا نایز بولما غونچه
کوزدین چومان سونول غیل ایمانیک سهره آکسونا
سکر رقب بر حسرت اوغید تو شتوم
یوزیل تریک یوزو سبک آخیر بر اولور سب
ار مشر قندر یا خشی غم بنده بولغیل

بلبل ترنوم ایتیمس تا فونچ کولما غونچه
باغ چمن کو کورس یا مغور فویوغونچه
عم شمشه سبی اوز طمس تا یار کیلما غونچه
افسوس ایله کیتورن تا واصل اولما غونچه
حالواتیر بولمیس شکر قوشولما غونچه

صنم یوزینی کورساتور عاشق مہلا پیغہ
طالب عشق اولاد دیسنگ ہمت اوہمی کرراک
یار یوزینی کورای دیسنگ وصلی پل اولاد دیسنگ
اوتی جہانندن اولیا مرشید عارف انبیا
واصل حق بولاد دیسنگ عشق محبت حاصل
کویسہ محبت اوتیغہ فسق فجور گوناہ لارینگ
مشربنوادوسن عرضی دلیم فی ایتا یین

نعمی پل اولغان عدم مجنون بی نوا پیغہ
ذره تجمان تیر ولی وصلی صنم آرا پیغہ
نضاکرراک قضا پیغہ صبر کرراک بلا پیغہ
بولماد یلاز فرقتہ دنیانی ماجرا پیغہ
اورتہ پو اکبر اوین شمع یوزین زیا پیغہ
خیلوت ایتیب کیلواوز کونگنی خانہ قاس پیغہ
ترحم ایلاز بر عشقینگی بوگدا پیغہ

کونگلو منی سیردیم بر بیوفاغہ
ای ناز نیشیم رحم ایله منگا
محنت چکیر من راحت کورادین
پسما عشقینک بولدوم تار من
مشرگانیک اوتی اوتی یوراکدین
مشرب سنی دیب کیچتی جہانندن

کویدی یوراکیم جبہ جفاغہ
قالیم سنی دیب یوزمینک بلاغہ
قیل سینگ جنولار بغلای خداغہ
صابر بلاغہ راضی قضاغہ
ناگاہ ساوق سوز توشدرارافہ
رحم ایله می سن مغلیس گداغہ

کورسات جمالینگ مہمانہ لارغہ
مندین دعادور سندن اجابت
اگونگلی قتیغ رحم ایله می سن

عشقینگده کوی کاڈ پروانہ لارغہ
جانیم تصدق جانانہ لارغہ
قلیل نظارہ بیچارہ لارغہ

کوئیگانِ عرب من شفقت قید کو
مشرقی سنی دیب کچھتی جہان دین
دیوانہ دو من شمع شرار جیو صنم غم
زیبا صنم ہم ابدہ ایچیب یوزینی آجیب
بر بویلا من لیلی نئی مجنون قیدہ یازدیم
یوز جانیم اگر بولہ انگلیج ایامس من
زادہ کرا کرا چپ ایدر بادہ معشوق
مشرنہ بلاد دور کن طرہ کا کس
عزیم نئی ایسای بادی صبا غم
کوزلار خولپان سرور خرامان
قامتی لرزان وعدہ سی یالغان
اوپد کوزومدین اول بیر نیگیغ
شاهی ماکم شاهی معظم
قیدوک ایگاولان بر ایدر پیمان
درد فراتینگ ایلا در سپار
ہجر نیکہ قیدیم تنہی نغاندر

کوئیگدہ یورگان دیوانہ لار غم
باشینی قویدر آستانہ لار غم
قربان بولی آتش کدہ شولہ عدم غم
اوت قویدر سوز ادا گلستان ارم غم
دیوانہ لغیم شانہ اوروز لوق صنم غم
مروتا پینیان جان بیرا من قاش قلم غم
ہمد بولوبان باروس ایدر مکہ ہرم گم
بر باد اولہ دور ک شور دین او شہ چشم غم
بیز دین دعا لار اول دلر با غم
یعنی پریشان قاشی قرا غم
تور مادر برگز ابدہ وفا غم
تاشلار کستی تورلی بلا غم
قیلدر شفقت مفلیس گدا غم
ہرکم یا ماندوز پالیم خدا غم
قیدا بارین ایمدردوا غم
یتی بونالم ارض سپما غم

قیلغیل ترحم ای یار جانیم
 دردالمه دین بال پر ایلاب
 یول برمه دیلار منگنارقب لاله
 ای یار باده بی مهر ایجان سپن
 دردغم ایچره برغیدی یوزوم
 ای بغری تا شیم سحریندا کویدوم
 ای جان جانیم کوریا م جمالینگ
 عشقینگده کویدوم ای سپرومازیم
 دلنخسته مشرب قیلیم می فریاد

لایق ایما سپن من جبر جفاغه
 شهباز کونکوم اوچدی سماغه
 چوقدیم باشی آلب بول کر بلاغه
 رحم ایلامی سپن من مبتلا غمه
 رنگ بر گوسی دور اول کهر با غمه
 تا پشوروم آخیر قادر خدا غمه
 جانیم تصدق سپن خوش ادا غمه
 بر مر حمت قبل من بنیوا غمه
 جلا دکوز لار آلله ارا غمه

تایی دقیزیل او زینی زیبا قیلاین دیب
 مپتانه خرام اتی کورگوزور جمالین
 زیبا صنم ایم گل بیزیدین پرده کوردی
 زلفی نری تراب قلش اچی دین جیلو لار اتی
 تا ایلام آلدیغم یاریب عرض نیازیم
 مپتانه سمند سیکر اته کیلدر ششی خونریز
 کویل که بوقل خیزر مپتانی قلمدی برجا

اوت یا قتی جهان ملکیده غوغا قیلاین دیب
 مندنک نجه دیوانه فی شید قیلاین دیب
 عالم همه کوز بولدر تاماشا قیلاین دیب
 آشوب بلا قتنه نی بر ا قیلاین دیب
 چمن پالدر حینغه تمنا قیلاین دیب
 شمشیر خفانی نینه ترا قیلاین دیب
 کیلدر که غمزب بر لپه سپر ا قیلاین دیب

باشمینی کیسیب آفل خوشحال بولوبیت
خنجر تولیده سرین اولدورغالی کیلدی

غم یا بانیده قالیم غیلیم کوی یاردیب
کیچمه کونوز کویا من عشق اوتیغده ایشما
شکر غم ایشم پنیوق کونگلومنی انگار ایلا
گرچی آسپی من ایما سخن حینتینکدن نا امید
هنقرت لیک با ایگام دیب بولر غافل مشربا

دایما یادینک میله یوردوم چو سگردان بولوب
بر تیمان یوردوم بولر اغینک تا چو سیر گلزار
تینمین قان غلیم کویده جم ایگام بولوب
دوغ بچرینک کویده بد بفریمنی ای نامهربانا
عرض حالیم کیجه اتیار مهربانیم بوق منی
وغافل زیک سر غایب قالیم نراقینک تولیده
کینر لینگ ناول لار کوی کوسنی ایلاب یاره لار
بولر غافل مشربا امیدر اغینک تو غافل

سیتار ایله صوت نوا ایلا گانینگ خوب

قانیم منی تو کوب لاله صحرا قیلارین دیب
غوغا قیامت منی بویدر ایلارین دیب

آه اولدوب فریاد اتیب بلبل داغ گلزار دیب
دربور ایزلاب یوردون صاحب اسلر دیب
تادوا سپر زورده قالیم آجیز سیمار دیب
هرنه قیدر کبر بار اول ندره کی ناچار دیب
گرچی غافردور کویوقدور مهربان بچار دیب

آه فریاد ایلابان بچرینکده چون جوان بولوب
ایلاب کیلیم نینه غم او یگا حیران بولوب
الطغاسی قیلیم ای اوتسی اولر جوان بولوب
زلله کیلیغ کوزلریمین اوتسی قان باران بولوب
کیم قولاق پالیشیگار حالیمه کیریلن بولوب
اولفوم امید پای شکر بحران بولوب
غمزیک قیفان نگانگ اوتسی بر سپکان بولوب
دم بدم وقتسی سفردور قاله بارمان بولوب

خوبدار ایچیده پسندجا ایلا گانینگ خوب

بر بارة قد پری چنینکه تر هیچ
 پزگار بولوب گوهری درینا محبت
 گر باد مثل چرخ اوروب مشرب بپسین
 آخیر منی در غم که آشنا قیدی بودرد
 کیسیان ایگنیر قان غیلار که ماتم یک لباس
 سخت قرایغ موندن او تمس طالعیم بولور
 یاغ وروب باشیمه بر ساعت لحدنی گردیشی
 بمنفس لار دین جرابلاب مصیبت شهر گد
 قیغولیک باشیمه بدم کوی غم فی آرتور و
 ایچگانم زهرا بولور ایگنیم بولدی کنن
 غصه دن اوزندی مشرب سور ما دینک او ایسی
 بیچ کومه معلوم ایماس حال بریشانیم منینگ
 من نچوک شاد ایتماین کم خسته لوگنومنی بو
 ای ستم گر کیل گیلواندی سهیلت گیل منی
 چون بریا با روسن افلاک دین بالاموسن
 نازا پیغنا پد کیل گیل منی حال منی سور
 تا کی جبرو ستم برله یورورن ای رفیق

عشرت سمنیکه هینیان سیه کلانینگ فوب
 برنکته گجان گوهرنی باغده گانینگ فوب
 مپانه قرا کوزده نگا اید گانینگ فوب
 یغلامی نایلا ای که روز منی سیاقیلر بودرد
 فی دلاولارنی یرا کچره فنا قیدی بودرد
 من وفا قیلیم تیغ قایتیب جناقیلدی بودرد
 کور بو حالیم غمزه ده بختی قرا قیدی بودرد
 آشلارنی منگانا آشنا قیدی بودرد
 مثل ادهم یک جهان من ماسپوا قیلر بودرد
 باشیمه تو قوز فلک فی آسیاقلیدی بودرد
 دو بت دشمن که منی انگوشت نما قیلر بودرد
 آسپمانخی تیره قیلر آراه افغانیم منینگ
 کیدر حال منی سور اول شوخ جانانیم منینگ
 بیچ اوزون کر بلا و شتیده بو قانیم منینگ
 بو فلکده کور وادیم ای کوزی چولپانیم منینگ
 تیر وولوب دایم یولوگده چشم گیرانیم منینگ
 حقیقتی مشراوشبو غم دین بو عزیز جام منینگ

ارز نیگا از ریما پس بوتنه گی جاننگ پسننگ
 بختیگت ز بول خالص تی دوزخنی بوزار
 تادینگک ددنگ مار از زولاردین جوا
 پس کوزنگکی نور کیتار دامنی کاملنی توت
 من تصدق او شذاق عالی همت لار بولای
 بر خسی بندین کینن قالد بلا جاننگ اول
 مشربا خالی اجلدین لحظه پدار بول

تو کون کبی کوزنگک ریاشیب تو شو بد خانینگ
 مینگک ایچیک ایچیک یوق نیه کولک او ینمک یوق
 صنما سچوک شیرین سین یا کون آنگک آننگمو
 غمی عشق دین پور بوبا غنگک باش قویویدور

شهرت ایلاب کم الادیک خودنم لاری کوزنگک
 یولنی علیچس لاری کوزینگک عارف بولوب
 بر چه کله ایز نصیحت لوزینی دانا ایتیب
 کونو ایما تئی پل لاری کرامت ایلابان
 اوزینی عیشین بخلق عیسینی افتا قلب

دلده ددنگ یوقدورا قما پس دیده گریاتینگ پسننگ
 بول ابراهم صفت آتش تو بازارنگ پسننگ
 چون سورا بکیل اوشل آدینگده لغما تینگ پسننگ
 کز بولگارتا تینگدین کل عصیانینگ پسننگ
 بول ایلوده بزوعده دامانینگ پسننگ
 بول ابریزنگه هرینگ کاشی جاننگ پسننگ
 موند جان ریگانه آسای چیتما غایه جانینگ پسننگ

یورالیم قیلیب رسته قدی نهالینگ
 اوزک کورینی دیک یوق خاب اقسیم خیالینگ
 اوجها تئی کویدود بد بو جهانه یوق مثالینگ
 قیلادور فغانی زاری دیما دینگ کوزنگک تالینگ

ظاهر صورت پرست نا آشنا لاری کوزنگک
 اوزی منزکک تالیمی نبالارنی کوزنگک
 یولده قانعان بی کس بی رهنم لاری کوزنگک
 طاعت تقوی ایلان صاحب ریلاری کوزنگک
 ظاهرباطن ده موعناغ ناریا لاری کوزنگک

پرکشی سپر نلب دین دم اور لار زونب توچون
 لاف اور لار عارف یک دل من ایب خلق ارا
 ظاہریدہ صوفی من دیب ترک دنیا ایلاگان
 اوزینی اولادینی خلق اچیدہ افنا قلیب
 شہدیم آفت بولور دیب شربگیا قحل الحموی
 آفت جانیم اولم قاش قر اسپنی کورونگ
 تو پریرین تده ددشمنی قمر صغیرہ دور
 گاہ یاریم قیزیل کیب قمریز سا جیباغین پالپ
 گره فاشین تو یا ایب کفریک اوقی پله آتیب
 مشربی بنوادوسن صولئ توچون گرادوسن

جفا قیلدینگ بو جانینده وفانی کوریم بر گیز
 بخت بولگه قوریم قدم حالیم زبون بولدر
 تسبابتی بولگیلی من دردیکه بدم من
 بصورت پرست بولری نشودا تارینه مشرور
 مصیبت پسلی نی برباد بولدر دم کهنه دنیا
 تیوشدر سبب لیک کفرینه بلورم اور ال جینی

باطن فرعون نهار اولیا لانی کورونگ
 خلق می گمرا قویب یخیز قرالانی کورونگ
 باطنی دنیا که ما یل بخت قرالانی کورونگ
 تنه یوق معنی قودوق نامی سپر لانی کورونگ
 کونده یا شیم قشورچی در بقالارنی کورونگ
 اکیلی یوز گیدولغانب زلق سپا پیننی کورونگ
 کیم آنی کورس بنده دور سن خا پیننی کورونگ
 نازک شیر لایق لب عهده وفا پیننی کورونگ
 جادو کوزینی او نیاتیب مکره پیننی کورونگ
 بحر اوتیکه گویا دوزن یا جفا پیننی کورونگ

بو عالمده اوزومدیک تبیلانی کوریم بر گیز
 بغیر از بخت و درد و طمانی کوریم بر گیز
 اوزولدر شسته جانیم و وفانی کوریم بر گیز
 که ز ادا یچره متلاق بی ریانی کوریم بر گیز
 قولومنی توت گودیک بر آشنانی کوریم بر گیز
 ادا اشخان یرده سور کون رشنانی کوریم بر گیز

یازمیدتختہ اقبالیمہ سبر و فخر ز غربت
جرات لہی لیسنی ز خمیں بر لہم کہ کور میدیم
بوزو لگان خاطریم گرگز جہانہ کور میدیم
جہاننی ترک قیلیم مشربا بر اسم اہم دیک

طرب وقتیدہ بر صائب دعانی کور میدیم
عجب طالع زبوندوزن شغانی کور میدیم
جہان ایوانیدہ غیر از جہانی کور میدیم
سپرا پور کور دوام مدغانی کور میدیم

من خوچک یورگوم بو غربت خانوہ دلدار سپیز
مختسین کو ننگیکہ خو قیلگان کشتی لار دین بنگ
دربدربولدوم جہاننی کوپ تاما ما الیدیم
کو ننگل آلدورغان کشتی لار دین پلنگ لار اننی
کولمہ بفرینی کو ننگو منی پریشان ایلمہ
سوندہ اور ننگان کو ننگل آخیر تیر مقصودینہ
کیسانی طالیسی بولگان کشتی جان دین کیمپ
اوچرامی کیتی او شل ہوشگہ راض دلاریم
مشپاوتقی نہامت دور برادر لار نفسی

عمایس عاشق تہ گر بر لہنہ بولسپ یار سپیز
بیچ علی سپینہ کہ جا بولدی تکرار سپیز
بیچ گھنی کو میدیم عالمہ بولگی خوار سپیز
بولہ بریم کو ننگل آلدور اول ایاس اس آزار سپیز
تیر مولوب قادر کوزوم بولیدہ اول دیدار سپیز
بیچ بلبل بولمانغی عالم ارا گلزار سپیز
بیچ گنجی کو میدیم عالمہ بولنگر خوار سپیز
تا ہمدم بر گراننی بالفوزوسی انعیار سپیز
ایستیامت قیلدنیادہ پری رخپار سپیز

کا کورنگسومو غنبر دور جان ایچیندہ جانان تیز

بدرنگل یورور لھلیک بوزلارنگل نیریل گھدیک
بکوروب سنی ظالمی قالمی منینگ حالیم

کوزلارنگل مع انتر دور روسی مابنی بان تیز
برچہ ایل پنجا قلدیک خیز متینگدہ فرمان تیز
تینگ بولوبدو احوالیم سلچد تینگ دادان تیز

عارضینک چلیگن گل با چلارینگ ایرو سنبل
کاکو لوگنی اوگمانه نزل باشکه قویکانده
آی یوزونگنی کوگمانه ابلا بینگین سوگرگمانده

تشلارینگ متالی ذر بلارینگه سپهان قیز
جانیم اوز تانور تنده آقما بی دوران قیز
مشر سینگ نیلور بنده اعلی شکر افشان قیز

بر باقیب میگره تر کوز او پیرین جانان قیز
کوزه مینگ درد او قینی آستی نرین جانیم غم
یوزیکه پرده توتوب شمع اوزه فانوس دیک
ظالمو قاتیلونموز اایرور بی شفقت
عشقیده آهیم اوتی اوچونیدر آی ایلکون
بو فک خاننی اوزه قلمه گمان اختردیب
سرونی بو بنگ کله گنی یوزونگله مینگزه
قانونون کوز بوسینگ مدالین مد قاشینگ
عشق کافولاری کوزیا شیم اولدر طوفان
کویونگ اول جنت رضوان ایشیکینگ عشق
وصل گلزار ایل بلبلنی مالان مشرب

ایلاب یوز اوگوروب قیلدور کنی قان قیز
بریکه یلاور لیلک بیدین درمان قیز
یوز تمنن زبدا یلینی ایلاور سیرگردان قیز
یارینی اغیار آلدیده قیلور یکپان قیز
کیم دیگای بو شرر کوز لایردر چولپان قیز
صدقه حسینگه تولدور دور و مرجان قیز
اوخشاما کبشی ای نادره دوران قیز
روی استارینگ باشینگین ای اغینگ قران قیز
ایتلارینگنی کیم بولور سمرای ارمان قیز
حورلا خیزه مینگ باغلا در قول خندان قیز
شکرین خنده ایلد طوطی بندو پستان قیز

МУНДАРИЖА

Шоир аналҳақ	5
Ғазаллар	11
Мустазодлар	243
Мураббаълар	265
Мухаммаслар	273
Мусаддаслар	325
Мусаббаъ	329
Сўйги сўз ўрнида	350
Қисқача лугат ва изоҳлар	379

Литературно-художественное издание

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

ГДЕ ТЫ, МОЯ ДОРОГАЯ

Ғазели, стихи...

Художник *Р. Зуфаров*

Ташкент издательство литературы и искусства им Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

МЕҲРИБОНИМ, ҚАЙДАСАН

Ғазаллар, мухаммаслар...

Тақриачи *Алибек Рустамов*
Муҳаррири *Р. Абдурашиф*

Расмлар муҳаррири *В. Нелировский*
Теги муҳаррири *Н. Сейдуллоева*
Мусваҳҳи *М. Аблусаломова*

ИБ № 4323

Босмаконга борида 13.12.89. Босишга руҳлат этилди 28.05.90. Формати 84×108¹/32. Босмакон қироли № 2. Олдий янги гарнитурга Юлдуз Босмак Шартли босмак № 21.84. Шартли қролтиски 21.84. Нашр и 13.7. Тиражи 80.000. Занна № 199. Ўлғоси 2 с. Шартнома 218—89.

Ғафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат қомитети. Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирикмасининг Беш кўрхонада тайёрланган дилежомтига қараган 2-босмаконда босилди 702 801, Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.